САИДА ЗУННУНОВА

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

УЧ ТОМЛИК

Учинчи том

Қиссалар
Драмалар

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз
З—93

Сўнгсўз муаллифи
ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ

З $\frac{70403—135}{352\ (06)—78}$ 131—78

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ ДИРЕКТОР

— Соқолимнинг ўсиб кетгани билан нима иши бор?! Соқолимнинг ўсгани хотинимнинг ғашига тегмапти-ку, бу кишининг ғашини келтирибди-я! Тавба...— Баротов ўтирган ўрнида жаҳл билан бир қўзғалиб қўйди.

— Энди нима ҳам дейсиз... директор ахир,— деди Обидов ва деразадан мактаб ҳовлисига бир қараб қўйгач, секин-секин юриб Баротовнинг ёнига келди. Бировга ҳамма вақт истеҳзо билан қараб тургандай кичкина сариқ кўзлари қисилинқиради. У Баротов томонга сал энгашди-да, киноя билан такрорлади:— Директор ахир!— деди ва аввалгидай оҳиста юриб, орқасига қайтди.

— Директор эмас, бало! Келганига икки ой бўлгани йўғу икки юз хил ғалва чиқарди. Ҳамма нарсага аралашади. Ахир, ўн йилдан бери ўқитувчилик қиламан. Ўқитувчилар ўртасида ўзимга яраша обрўйим бор.

Обидов ҳиринглаб кулди.

Кутилмаганда Саодатхоннинг кириб келиши уларни гангитиб қўйди.

— Ҳали шу ердамисизлар? Чироқни ёқиб ҳам юбормабсизлар,— деди ва бориб включателни буради. Ҳалқа-ҳалқа бўлиб сузиб юрган папирос тутуни энди кўзга ташланди. Саодатхон форточкани очиб юборди, уйга муздай куз ҳавоси кирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саодатхон ўттиз беш-ўттиз олти ёшларга борган, тўладан келган хотин. Одамга қараганда, одат бўлса керак, бир кўзини қисиброқ қарайди. Бу кўз қисиш, одамни синчиклаб текширишга, гўё унинг ташқи қиёфасини эмас, ички дунёсини билишга интилаётгандек ёхуд синаётгандек бўлиб туюлади.

Баротов ва Обидов бир-бирлари билан кўз уриштириб олишгач, кетишга қўзғалишди.

— Облонодан келяпман,— деди Саодатхон стулга ўтираётиб.

Баротов билан Обидов яна кўз уриштириб олдилар.

— Суҳбатларингга халақит бердим шекилли,— деди Саодатхон уларнинг индамаганлари ва кетмоқчи бўлиб турганларини кўриб.

— Йўғ-э, биз ўзимиз шундай гапиришиб ўтирган эдик,— деди Обидов.

Улар хайрлашиб кўчага чиққанларида қоронғи тушиб қолган эди. Қишлоқ совети идорасининг ёнидаги чорпояда беш-олти киши шахмат ўйнашарди, тол шохида порлаб турган лампочка чорпояга ёзилган қип-қизил гиламни чўғлантирарди.

Обидов улар томонга бир қаради-да, Баротовнинг тирсагидан ушлаб тўхтатди.

— Хафа бўлманг, ўзи шу кунда менинг ҳам жиғимга тегиб юрипти. Сизга кейин айтиб бераман... Майли, кўрамиз, қаергача парвоз қиларкин.— Обидов атрофга бир аланглаб олиб, Баротовнинг қулоғига шивирлади:— Районода яқин ошнам бор. Бир иложини қиламиз, тушундингизми?— Обидов шундай деди-ю, Баротовнинг қўлини қисиб қўйиб, қишлоқ совети идораси томонга кетди.

Баротов уйига қайтар экан, ўзини анча енгил сезди.

Бу вақтда идорадан чиқиб, уйига кетаётган Саодатхоннинг фикрини ҳам мана шу икки киши банд қилган эди. Саодатхон буларнинг хулқи ҳақида ўйлаб, чуқур хаёлга чўмган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У кўча бошига етганда эри Комилжонга дуч келди.

— Саодат,— деди Комилжон тўхтаб,— хабар олганни кетаётган эдим, кечга қолдингиз?

— Жуда иш кўп,— деди Саодатхон. Унинг овозидан ҳам чарчаганлиги сезилиб турар эди.— Ўзингиз вақтли қайтибсиз?

— Райкомга чақиришган экан, ҳозир ўша ердан келишим,— деди Комилжон ва хотинини қўлтиқлаб олди.

Унинг ҳамма вақт меҳр ва муҳаббат билан боқадиган кўзлари ҳозир қоронғида Саодатхонга кўринмас, лекин Саодатхон бу кўзларни ҳамма вақт аниқ тасаввур қила олар эди. Ҳозирнинг ўзида ҳам унинг овозидаги меҳрибонлик ва юмшоқликдан ана шундай муҳаббат билан термилаётганлиги унга сезилиб турарди.

Деразадан ҳовлига қараб ўтирган Бахтиёр ойиси ва дадасини кўриши биланоқ уларнинг қаршисига югурди.

— Ухламадингми, ўғлим?— деди Саодатхон ўғлининг пешонасидан ўпиб.

— Ойи-чи, ойи, бугун ёзувдан «тўрт» олдим. Дарсимни ҳам тайёрлаб бўлдим. Ана, дадамдан сўранг, текширib кўрдилар.

— Яша, ўғлим, баракалла! Ҳаракат қилсанг «беш» ҳам оласан.

Ёши етмишларга бориб қолганига қарамасдан анча дадил бир кампир косада овқат кўтариб кирди. Бу Саодатхоннинг қайин онаси Тўхтабуви эди. Саодатхон юз-қўлини ювгач, овқатланишга ўтирди. Нариги уйдан пианино овози эшитилар, баъзи-баъзида қизларнинг кулгиси жаранглар эди.

— Қизлар дарсларини тайёрлашганми?— Қайин онасига қаради Саодатхон.

— Ҳа, болам, дарс қила-қила эслари кетди.

— Ойи-чи, ойи, Бўстон опам Дилбар опамга пианино ўргатяпти. Дилбар опам, пианино ўрганмагунимча, дарс қулоғимга кирмайди, деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу пайт қизларнинг ўзлари чиқиб қолишди. Улар саломлашгач, стол атрофига келиб ўтирдилар.

— Дилбар,— деди Саодатхон пиёлага чой қуйиб, бирин-кетин қизларга узатар экан,— сиз бу йил ўрта мактабни тамомлайсиз-а! Ҳозирдан пухта тайёрланиб бормасангиз, кейин қийналиб қоласиз. Музикани билиш, албатта яхши. Лекин дарсга халақит бериб қўймасин. Бўстон, бу гап сенга ҳам тегишли, қизим.

Комилжон варақлаб ўтирган китобини ёпиб, совиб қолган чойини ҳўпларди.

— Бу йил Дилбар ўнинчи синфни, Бўстон еттинчини, Бахтиёр бўлса иккинчи синфни тамомлайди. Ўҳў, катта тўй қилиб беришга тўғри келар экан-ку, а?!

Бахтиёр ҳўплаётган чойини қўйиб, Дилбарга қарарди:

— Сиз ўнинчи синфни тамомлаганингиздан кейин қаерга ўқишга борасиз?

— Қаерга борсам экан?— деди Дилбар атайин.

— Ўзингиз билмайсизми? Мен ҳозирданоқ биламан. Учувчи бўламан. Сиз ҳам учувчи бўлинг. Эҳ, ҳозир мен сиз бўлиб қолсамми... Нима қилишимни билардим.

Ҳамма завқ билан кулди. Тўхтабуви Бахтиёрнинг пешонасидан ўпди.

— Ўзим ўргилай ақлингдан.

— Невараларингизга қараб хўп қувонасиз-да, ойи,— деди Комилжон кулиб.

— Бўлмасам-чи,— Тўхтабувининг ажин босган юзида ғурур ва бахт порлади.— Келиним мактабга директор. Қанча-қанча болаларга илм ўргатади. Ўғлим агроном — қақраб қолган ерларда боғ бунёд қилиб, одамларни мева-чевага сероб қилмоқчи. Бир қизим эртами-индин катта мактабга ўқишга кетмоқчи, неварам бўлса, учувчи бўлмоқчи. Ахир, мен қувонмай, ким қувонсин! Осмонда учинглар, денгизда сузинглар, ишқилиб соғ бўлинглар, болаларим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўхтабуви елкасига тушиб турган рўмолининг учи билан кўзида ялтираган ёшни артди. Орага бир нафас жимжитлик тушди. Лекин, бу жимлик бугунги қувноқ, бахтли ҳаётни ифодалашга сўз етишмаганлиги туфайли эди. Саодатхон енгил тин олиб, эрига қаради. Комилжон кулимсиради. Уларнинг ана шу бир нафасгина кўз қарашларида тасвирига сўз топилмаган бахтнинг тўла ифодаси порлар эди.

* * *

Қўнғироқ чалинганидан бир минут ўтар-ўтмас мактаб зали бўшаб қолди. Энди ўқитувчилар кириб улгурмаган баъзи синфлардангина ғовур-ғувур, гоҳ қизларнинг, гоҳ болаларнинг овозлари эшитилиб қоларди. Яна бир нафас ўтгандан кейин бу овозлар ҳам тинди ва мактаб сув сепгандай жим бўлиб қолди.

Бир қўлида челак, бир қўлида супурги кўтарганича, янги осилган деворий газетадаги карикатураларни тамоша қилиб турган мактаб қоровули Латифхон ака мактабга югуриб кириб келган қизга:

— Секинроқ юр, Нодира,— деди-да, ўзи оёқ учида кўчага чиқиб кетди.

Нодира нафасини ростлаб, қадамини секинлатди. Директорнинг кабинетига етганда бир нафас тухтаб, тўзғиб кетган сочларини тузатди-да, секин эшикни очди.

— Мумкинми?

— Марҳамат,— деди нотаниш бир аёл билан суҳбатлашиб ўтирган Саодатхон.

Нодира ичкари кирди. Саодатхон унга кўзи билан «ўтириб тур» деган ишорани қилди-да, ўзи яна суҳбатдошига қаради.

— Мен сизни шунинг учун чақиртирган эдим, Лолахон. Суриштириб кўрдим, гарчи ота-оналари дуруст

www.ziyouz.com kutubxonasi

одамлар бўлса ҳам бола интизом деган нарсани сира тан олмайди. Жуда қўрс, ўқитувчиларга ҳам қўпол муомала қилади. Хуллас, болани яхши тарбиялай олмагансизлар.

— Ҳайронман,— деди рўмолчасини ўйнаб ўтирган Лолахон бошини кўтариб,— дадасидан бир оз ҳайиқади. Лекин мени сира писанд қилмайди. Билмадим, ёлғиз ўғил деб жуда эркалатиб юбордимми, ишқилиб, қийнаяпти-да.

— Иш буюрсангиз қиладими?

— Йўқ,— Лолахон бошини ердан кўтармай жавоб берди.

— Дадаси буюрса-чи?

— Қилади.

Саодатхон қўлида ушлаб турган қаламни ўйнаганича, бир лаҳза ўйланиб қолди.

— Мен ўзим бир уйингизга бораман,— деди кейин Лолахонга қараб,— эрингиз билан ҳам гапиришиб кўраман. Лекин сиз шундай ташлаб қўйманг, боламнинг бўлгани шу экан, деб ўйламанг. Сизга қўполлик қилишига йўл қўйманг, одамлар билан қандай муомала қилиш кераклиги ҳақида кўп гапиринг, феъл-атворингдан уяляпман, деб айтинг, зора таъсир этса.

Саодатхон ўрнидан турди. У билан кетма-кет қўзғалган Лолахоннинг елкасидан ушлаб, деди:

— Ҳа, ундан кейин, мактабга тез-тез келиб туринг, дадаси ҳам хабар олиб турсин. Биз сизга, сиз бизга ёрдам беришиб турсак, яхши бўлади. Мана, ўқиш бошланганига анча бўлиб қолди. Лекин жуда камдан-кам ота-оналаргина мактабга келиб хабар олишади. Ҳамма ота-она ҳам ўз фарзандининг яхши одам бўлишини истайди. Истайди-ю, лекин ана шунга йўл қидирмайди, бош қотирмайди. Едиряпман, кийдиряпман, бўлди-да, деб ўйлайди. Мана, кўриб турибсизки, болани яхши тарбиялаш учун бу нарсаларнинг ўзи етарли эмас экан. Қаранг, Тўлқин бизнигина эмас, сизни ҳам қийнар

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан, лекин чақиртирмагунимизча мактабга келмадингиз. Ахир ўқитувчилар болангизнинг энг яхши дўстлари, Лолахон. Улар сизга ҳамма вақт ёрдамга тайёр, сиз ҳам ёрдам берсангиз, Тўлқинни тузатиш мумкин албатта. Қачон хоҳласангиз, марҳамат, келаверинг, гаплашамиз, маслаҳатлашамиз, хўпми?

— Хўп,— деди Лолахон миннатдорлик билан Саодатхонга термилиб.

— Хайр, соғ бўлинг,— деди Саодатхон Лолахонни эшиккача узатиб. Кейин, ўтирган Нодирага қаради.— Хўш, қизим, гаплаша олдингми?

— Гаплашолдим, лекин келгани унамади.

— Нима дейди?

— Тўйи шу ой ичи бўлар эмиш. Сени Саодат опам чақиряпти, бир келсин, зарур гапим бор, деб айтди, десам, бормайман, уяламан, деб сира унамади. Менинг ишим нима, ота-онамнинг юзига оёқ қўёлмайман, деди.

— Қимга беришмоқчи эмиш?

— Қишлоқ советининг секретари бор-ку, ўшанга.

— Ҳм,— деб қўйди Саодатхон ва унинг бир кўзи яна қаттиқроқ қисилинқиради. У хона ичида у ёқдан-бу ёққа бирпас юргач, Нодиранинг ёнига келиб тўхтади.

— Сен бирпас ўтира тур, қизим,— деди у соатига бир қараб.— Зуҳраларникига Салимова бормоқчи бўлган эди. Ўзи ҳозир келиб қолса керак, иккинчи сменада дарси бор. Агар Салимова борган бўлса, нима гап бўлганлигини билайлик. Ўшанга қараб иш тутамиз. Мен ўзим бораман, бошлаб борасан, менинг бир соатгина дарсим бор. Унгача Салимова ҳам келиб қолади.

— Хўп,— деди Нодира ўрнидан туриб,— мен комитетда бўламан. Болалар деворий газета чиқаришаётган эди, хабар олай-чи.

— Майли, қизим, майли.

Эшикда Нодира билан тўқнашиб кетган мактаб ил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мий мудири Нишонов кўзойнагини кўтариб унга бир қараб қўйди-да, ҳазиллашди.

— Менинг-ку, кўзойнагим халақит беради, сенга нима бўлди?

Нодира кулганича чиқиб кетди.

— Чет тили ўқитувчиси келди,— деди Нишонов Саодатхонга ўгирилиб,— юборишибди. Чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар, деганлар, қийинқистовга олганингиз учун, мана, ўқитувчи ҳам топилди.

Саодатхон ўқитувчилар хонасига чиқди.

Стулда ўтирган оқ-сариқдан келган семиз, думалоқ киши Саодатхонни кўриши билан ўрнидан турди.

— Василий Иванович Карташев,— деб таништирди у ўзини.

— Жуда соз, ўтиринг, марҳамат. Бизга келиб жуда яхши қилибсиз. Бирга ишлашамиз,— деди Саодатхон худди эски қадрдонлардек.— Аввал қаерда ишлар эдингиз?

— Шаҳарда,— деди Карташев,— Райондан сўратишган экан. Облонога мени чақиришиб таклиф қилишган эди, йўқ демадим. Аввал ҳам қишлоқда кўп ишлаганман. Яхши кўраман қишлоқни.— Карташев кейинги жумлани жуда самимият билан айтди.

Олтмиш ёшларга бориб қолган бу одам ўзбек тилини шунчалик яхши гапирардики, Саодатхон дастлаб ҳайрон қолди. Кейин «аввал ҳам қишлоқда кўп ишлаганман» деган гапини эслаб, ўзича жилмайиб қўйди. У Саодатхонга жуда маъқул бўлди.

Карташевнинг юзида, кўзида қандайдир бир меҳрибонлик, самимий бир улуғворлик порлаб турарди.

— Жуда яхши қилибсиз,— деди Саодатхон яна такрорлаб.— Бирга ишлашамиз, ёрдам берасиз. Болалар чет тилидан анча орқада қолиб кетишган. Ўқитувчи йўқ, деган баҳона билан эски директор роппа-роса ярим йил болаларни алдаган. Шунинг учун сиз бошида бир оз қийналарсиз ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қийинчиликдан қўрқмаймиз,— деди Қарташев ва оппоқ садафдек тишларини кўрсатиб жилмайиб қўйди.

— Тўғри айтасиз, Василий Иванович. Қийинчиликдан қўрққан одам ҳаётнинг роҳатини ҳам билмай ўтиб кетади.

Қўнғироқ чалинди. Ўқитувчилар бирин-кетин дарсдан чиқа бошладилар.

Саодатхон Қарташевни ўқитувчилар билан таништиришни Нишоновга тайинлаб, ўзи идорага кириб келган Салимованинг қўлидан ушлаб, бир четга олиб борди.

— Боролдингизми?

— Бордим,— деди чуқур хўрсиниб Салимова,— отасига ҳеч гап уқтириб бўлмайди. Хуноб бўлиб кетдим.

— Зуҳранинг ўзини кўрдингизми?

— Йўқ, уялиб қочиб кетди.

— Аввал қизнинг ўзи билан бир гаплашиб олиш керак эди да,— деди Саодатхон ўйланиб.— Майли, ўзим бораман.

Дарсга қўнғироқ чалинди. Саодатхоннинг бешинчи синфда ботаникадан дарси бор эди. Дарсдан кейин у синф журналини идорага қўйиб, ташқарига чиқди. «Мушук-сичқон» ўйнаётган бир тўда болаларнинг бирининг бурнини чимчилаб, бирининг елкасига қоқиб эркалатди-да, уларнинг ўртасига тушиб олиб ўйинни бошқараётган Нодирани имлаб чақирди. Нодира ўз вазифасини юқори синф ўқувчиларидан бирига топшириб, Саодатхон билан чиқиб кетди.

* * *

Сўрида ўсма қўйиб ўтирган Рузвон кўчадан қизининг йиғлаган товушини эшитиб, ойнани қўйди-да, ғилай кўзини офтобдан тўсиб, кўча томонга югурди. Ҳаял

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтмай кўчадан унинг шанғиллаган овози эшитилди, кейин тўрт-беш яшар қизининг қўлидан ушлаб, кириб келди. Унинг ранги оқариб кетган, ўзи тинмай жаврар эди:

— Худо кўтарсин сен латта қўғирчоқни! Сенга юз марта айтаман,— у қизининг билагидан силтади,— ўша суллоҳнинг боласи билан ўйнама деб.

— Ҳай, айланиб кетай Рузвонхон,— деди ҳовлига кириб келган лўппи, истараси иссиқ кампир,— болаларнинг ўртасига тушиб, ёш болани ургани уялмадингизми?

— Ахир боламга тинчлик берадими, йўқми? Кўчага чиқди дегунча чирқиллатади. Менинг олдимга киргандан кўра латта қўғирчоғингизни тийиб қўйинг.

— Айланай Рузвонхон, айбни майиб топади, деб жуда тўғри айтганлар-да!— деди кампир истеҳзо билан кулиб.— Ўзингизга қарамайсиз-у, ҳаммага ном қўйганингиз, ном қўйган. Келинимни ундай дейсиз, неварамни бундай дейсиз.

— Рост-а! Ўша қовунбошнинг боласи бола-ю, менинг бола эмасми!

— Ҳай айланай, келинимга тил теккизманг. Сизга ўхшаб эртадан кечгача фисқу фасод, ғийбат-бўҳтон қилиб юришга унинг вақти йўқ. Одамларнинг ичида ўзига яраша обрўси, ҳурмати бор. Сиз билан тенглашиш келинимнинг итига ор, мушугига номус. Ўзингга боқ, ўзинг кимчи, ўтир, ёнингни чимчи, деганлар. Бола уришади, ярашади. Индамадим, қайси куни ҳам неварамни урибсиз.

— Ураман, ўлдираман!— овозининг борича бақирди ариқ бўйида боласининг юзини ювaётган Рузвон.

— Вой тавба,— деди ёқасини ушлаб кампир,— ҳай, секинроқ гапиринг айланай, қўйинг-э, садқаи гап кетсин сизга. Сизнинг дастингиздан маҳаллага қатиқчи ҳам келмай қўйди. Уришавериб ўшани ҳам бездирдингиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кампир чиқиб кетаётган эди, қоғозга ўроғлиқ бир қучоқ нарса кўтариб келаётган Обидовга дуч келди.

— Ҳа, нима гап бўлди?— деди у ҳовлига кириб келаркан. Кампир индамай чиқиб кетди. Рузвон чала ювилган ўсмасини юзидан артар экан, югуриб бориб эрининг қўлидан нарсаларни олди.

— У ёқ-бу ёғингни йиғиштир, меҳмон келади. Ошга сабзи-пиёзни бостириб, тайёрлаб қўй.

— Ким экан у меҳмон?— бир кўзини сузиб сўради Рузвон.— Катталарданми?

— Районода ишлайди.

— Ҳа-а,— деди Рузвон чўзиб,— хўжайинлардан денг. Катталарга егизсанг, бекор кетмайди. Ишқилиб, фойдаси тегиб қолади. Лекин, пўристой меҳмонларни худо кўтарсин, ёмон кўраман.

Обидов чиқиб кетди. Рузвон югуриб-елиб уйга жой қилди. Янги кўрпачаларни олиб солди. Ўртага хонтахтани қўйиб, устига дастурхон ёзди. Кейин ўтириб сабзи тўғрай бошлади.

Куёш ботай деб қолган эди. Кеч кузнинг салқин шабадаси дарахтларда онда-сонда қолган сариқ-қизғиш баргларни пилдиратиб-пилдиратиб учириб туширади. Чумчуқларнинг тинмай чирқ-чирқ сайрашлари ажойиб бир куй ҳосил этган. Қаердандир олқинди олиб қочган қарға ҳовлининг ўртасига қўнди-да, ўлжасини чўқий бошлади. Шу пайт уни кўриб қолган Рузвон қўлидаги пичоқни отган эди, қарға емишини ташлаб, учиб бориб деворга қўнди, ола қанотини бир кўтариб, совунни олиб кетаётган Рузвонга қараб шикоятомуз қағқағлади.

Рузвон қозонга олов ёқаётганда эри меҳмон билан кириб келди. Бу меҳмон қорачадан келган, паст бўйли, думалоқ, семиз киши бўлиб, район маориф бўлимининг мактаблар бўйича инспектори эди. У Рузвон билан саломлашиб, Обидовнинг кетидан уйга кириб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қани, қани, тўрга марҳамат қилсинлар,— деди Обидов қўлларини кўксига қовуштириб. Унинг мушукникидек сариқ ялтироқ кўзлари пирпирар, юзидаги истеҳзога ўхшаган жилмайиш ўрнини айёрона мулойимлик эгаллаган эди.

Аҳмедов тўрга чиқиб, яхшилаб ўрнашиб олди. Бошидаги дўпписини ёнига олиб қўйиб, ёстиққа ёнбошлади.

Дастурхон бир зумда ноз-неъматларга тўлди. Рузвон шақиллаб қайнаётган оппоқ самоварни эрининг ёнига қўйиб чиқиб кетди.

— Қани, Аббосхон ака, дастурхонга қарасинлар! Уғилчанинг именинасини ўтказиб олдингизми? Тузукроқ йўқлай олмадик ҳам. Келинингизнинг ҳам кўнгли тўлмай зўрға борди-да!

— Шукур, сиз йўқлаганингиздан кейин,— деди Аҳмедов гинахонлик билан,— унутмайдиган ошна-оғайнилар ҳам бор экан. Ёрдам беришди.

— Қандай қилай,— Обидов хижолатлик билан илжайди,— аҳволни айтиб турибман-ку! Ахир, ўзингиз биласиз, буфет баҳонаси билан уйда ҳам анча-мунча тўкинчилик бўлиб турарди. Сизникига юборилган сарёғ ҳам ўшандан эди-да! Энди буфетнинг яқинига бориб кўринг-чи! Ўқувчиларнинг ҳақига тегманглар, деб бутун мактабни бошига кўтаради. Буфетчининг ҳам сиқиб сувини ичяпти.

— Наҳотки шу битта хотин кишини қўлга ололмасаларинг-а?— кулди Аҳмедов.

— Қўлга тушиб бўпти. Иккала дунёда ҳам тушмас.

— Шундай қилиб, мовут менинг бўйнимга тушиб турибди, денг?!— Аҳмедов Обидов узатган чойни ола туриб гапирди.

— Шунақага ўхшаб қолди. Э, ўзи ўртада ҳалигиндай бўлган эди-да!— ҳиринглаб кулди Обидов.— Каримов ҳам, мен ҳам бепарво қолибмиз. Инвентарлар рўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

хатидан бир бало қилиб ўчириб ташламаган эканмиз, Каримовнинг ишдан олиниб кетишини ким ўйлабди дейсиз. Энди, Аббосхон ака, бу хотинни бир бало қилмасангиз бўлмайди. Шу келгандан бери тинчимиз йўқолди. Энди, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам ўқишлари керак, сиртқи институтга киринглар, деб ғишава қиляпти. Шу хотин келгандан бери мактабда омонатдай бўлиб қолдим.

Аҳмедов қаймоққа нон ботириб туриб гапирди:

— Бекордан-бекорга ишдан олиб ташлаш қийин. Асос бўлиши керак. Айниқса, облонода Султонович яхши билишади. Ўшалар юборишган-ку, ахир. Воҳидов дарров ишона қолмас... Агар оддий ўқитувчи бўлганида эди, масаласини ўзимиз ҳал қилиб қўя қолар эдик. Энди бу ишга облоно аралашмаса бўлмайди-да. Асос бўлиши керак, асос...

Рузвон лаганда ош олиб кириб қолди. Обидов лаганни хотинининг қўлидан олиб, ўртага қўйди. Зирапиёзланган гўштнинг ҳиди Аҳмедовнинг сўлагини оқизди. У ютинар экан, Обидов узатган рюмкадаги ароқни бир кўтаришдаёқ шимириб, таклифни кутмасданоқ ошга қўл чўзди.

— Ана шундай асосни топа оласизми?— деди Аҳмедов чағир кўзларини Обидовга тикиб.

— Ахир, ўқитувчиларга ёмон муносабатда бўлишининг ўзи асос бўла олмайдими?

— Масалан кимга? Фақат сизга-да!

— Менгагина эмас, Баротовнинг ҳам жонига тегяпти. Безор бўлганлар яна чиқиб қолар.

— Агар иложини қилолсангиз,— деди бир оз ўйланиб Аҳмедов,— ўзингизга ўхшаганларни атрофингизга тўпланг. Гап тарқатинглар, халақит беринглар, ишқилиб, жонига тегинглар-да. Мактабда бўлган ҳар бир гапни районо эшитади. Облоно ҳам районо орқали эшитса, ишончлироқ бўлади, тўғрими? Воҳидовга шипшиб қўйишни мен бўйнимга оламан. Яъни, директор

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлгандан кейин димоғи шишиб кетибди, деган маънода гап бошлайман. Бу ёғи ўзингларга боғлиқ.

— Қуллуқ,— деди Обидов ўрнидан бир қўзғалиб,— ҳа, айтмоқчи, ўтган куни яна бир қизиқ иш бўлди. Қишлоқ советининг раиси бор-ку, Қобилов. Тожибой ака-чи?

— Ҳа, ҳа, танийман,— оғзида ош билан ғўлдиради Аҳмедов.

— Тожибой аканинг қизи бизнинг мактабда ўқийди, ўнинчи синфда. Саодатхоним (Обидов бу сўзни киноя билан айтди) ўша куни Баротовнинг дарсига кириб ўтирган экан. Баротов Тожибой аканинг қизидан ўтилган дарсни сўрабди ва унга аъло баҳо қўйибди. Ҳар қалай, ўқитувчиларнинг ҳам, мактабнинг ҳам Тожибой акага иши кўп тушиб туради, ахир! Баротов бечора ҳам шуни ўйлаган-да. Тожибой аканинг ўзи ҳам бир амаллаб медалга илинтириб юборинглар, институтга жойланиши осонроқ бўлади, деб айтган экан. Лекин қизнинг жавоби хонимни сира қаноатлантирмапти. Ўша куниёқ педсовет чақирди. Баротов бечорани шунақаям мулзам қилдики, асти қўяверасиз. Вой-бў, унинг гапирган гаплари...— Обидов бош чайқади.— Хуллаки, Баротов шўринг қурғурни эртаси куниёқ ўша қиздан қайта сўраб, «беш»ни «уч» қилиб қўйишга мажбур қилди. Энди Баротов ҳам Тожибой акадан, ҳам хонимдан уятли бўлиб қолди.

— Бу ёқдан ҳам яна битта аламзада тайёр денг,— деди Аҳмедов қаҳқаҳлаб кулиб.

Лаганда бир ошамгина ош қолганда, Аҳмедов секин қўлини артди.

— Аббосхон ака, олсинлар, шу қолмасин, олиб қўя қолсинлар.

— Йўғ-э, раҳмат. Лаганнинг таги бети қаттиқники, дейдилар,— деди ҳазиллашиб Аҳмедов.

— Кўнгил яқин жойда бундай гапларга ўрин йўқ,— деди Обидов тиржайиб. Унинг кичкина кўзлари юми-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ қолгандай бўлди. Кейин чой қуйиб Аҳмедовга узатар экан, хотинини чақириб, лаганни ол, деб имо қилди.

Рузвон негадир қошларини бир чимириб, лаганни олди-да, остонага етганда Аҳмедовнинг орқасидан бир кўзи билан ўқрайиб қараб қўйди.

— У хотиннинг эри бор эканми ўзи?— сўради Аҳмедов, чой ҳўплай туриб.

— Ҳа, бор. «Қизил Юлдуз» колхозига агроном бўлиб келди. Боғдорчилик илмини билар экан. Комилжон Лутфуллаев деган. Ўзлари ҳам кўриб қоларлар. Ҳозир Маҳбубахон билан ишлашяпти.

— Э, ана у Маҳбубахон биланми?

— Ҳа, ҳа, ўша. Сира эсларидан чиқмас экан-да,— кулди Обидов.

— Юракдан биринчи урган ишқ-муҳаббат кимнинг эсидан чиқади, дейсиз. Мени ёқтирмай, келиб-келиб теккан одамини қаранг-а, бригадир ҳам эмас, звено бошлиғи. Лекин қизи талоқнинг қизи жуда чиройли эди. Ҳали ҳам ўшандай, сира айнамапти.

Орага бир лаҳза сукут тушди. Суви озайиб қолган самоварнинг жиғиллаши, чой учун қайта дастурхон ёзаётган Рузвоннинг гилам устидаги шип-шип юришигина жимликни бузар эди.

— Менга қаранг,— деди Аҳмедов бирдан тетиклашиб.— Саодатхонни қийнаш учун энг яхши йўл, биласизми, нима?

— Нима?— Обидовнинг кўзлари баттар ялтиради.

— Эрини Маҳбуба билан ўйнаш қилинглар, тушундингизми? Шунақа гап тарқатинглар. Лекин бу гапнинг кимдан чиққанини ҳеч ким билмасин. Бу гапни эшитгандан кейин, типирчилаб қолади, ўзи билан ўзи овора бўлиб, ишдан кўнгли совийди, ана шундан кейин, уни айблаш осон бўлади.

Дастурхонга қанд-қурсларни қайта қўяётган Рузвон Аҳмедовга бир кўзи билан қийғоч қараб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жуда яхши фикр! Ақлларига офарин! — деди Обидов хурсандчилик билан қўлларини бир-бирига ишқалаб.— Қани, Аббосхон ака, чой совимасин.

* * *

Саодатхон билан Нодира машина йўлидан ўтиб, клубнинг орқасидаги тор кўчага қайрилишди. Иккови ҳам негадир жим боришарди, кўчада йўловчи сийрак эди. Баъзи дарвозаларнинг ёнида сапчами, беҳими еб ўтирган болалар кўринар, улардан каттароқлари директорнинг ёнида кетаётган Нодирага ҳавас билан тикилиб қолардилар.

Икки қатор пахса девор билан ўралган шинамгина бир ҳовли ёнида икки аёл гапиришиб туришарди. Ичкаридан оврупоча қилиб солинган янги иморатнинг уч бурчак шаклидаги черепицали томи, қўшойнали деразалари бемалол кўриниб турарди. Аёллардан бирининг қўлида етти-саккиз ойлик дўмбоққина ўғли бор эди. У ўзининг момиқ қўлларини ариқ ёқасида ётган Олапар томон чўзиб толпинар ва ҳадеб қийқирарди. Боланинг ҳаракатлари баъзан аёлни ҳам у билан қўшилиб тебранишга мажбур қиларди.

Саодатхон уларга яқинлашганда, бола кўтариб турган аёл ўз ўқувчисининг онаси эканлигини таниди. Саодатхон улар билан сўрашиб, болани қўлига олиб бир оз эркалатди-да, хайрлашиб ўтиб кетди.

Улар ўнг томондаги кўчага қайрилишиб, колхоз правлениеси ёнига етганда, Саодатхон тўхтади.

— Мен аввал Зуҳранинг ўзи билан гапиришиб олай. Ҳозирча сизларникига кириб, кутиб тураман. Сен бир амаллаб уни олиб чиқасан. Агар, кўнмайди, десанг, менинг келганимни айтсанг ҳам майли, хўпми, қизим?

Нодира бош қимирлатиш билан жавоб бериб, чаққон юриб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саодатхон грузовикдан уйига қопда буғдойми, шолими тушираётган, Комилжон билан бир колхозда ишлайдиган ёшгина жувон билан саломлашар экан, кулиб ҳазиллашди:

— Синглим, колхознинг омборида ҳеч нарса қолдими ўзи?

— Бўлмасам-чи,— хандон ташлаб кулди жувон,— яна бу ҳаммаси эмас. Ярмини колхоз фондига ташлаб келдим. Бари бир ортиб қолади. Ундан кейин, қаерга ҳам жойлайман. Колхозда турса, меники-да, опажон! Қани, уйга кирайлик. Бир пиёлагина чой ичиб кетинг.

— Раҳмат, синглим. Бошқа вақтда.

Саодатхонни Нодиранинг бувиси қарши олди. Семиз бўлишига қарамасдан, жуда чаққон бу кампирни Саодатхон аввал ҳам кўрган эди. У Саодатхонни олди айвонли катта, ёруғ уйга бошлаб кириб, стул қўйиб берди-да, ўзи шошилиб самовар қўйгани чиқди.

— Холажон, овора бўлманг. Мен ҳозир кетаман, келинг, бир оз гаплашайлик.

— Кунда келиб юрибсизми, айланай. Бирпасда бўлади.— Кампир дераза ёнида енгини шимара туриб гапирди.— Нодира қизим сизни шундоғам яхши кўрадики, илоҳим ўша жувондай бўла қолгин, дейман.

Саодатхон жилмайиб қўйди. Кампир пилдираганича ўтинхонага кириб кетди. Саодатхон портфелини стол устига тираб, бемалол ўтирди. Уйдаги тартиб ва озодалик унинг баҳрини очиб юборган эди. Дераза ёнидаги катта тувакда самбит гули кўм-кўк бўлиб яшнаб турибди. Унинг япроқлари шу қадар беғуборки, унга қараган киши гўё баҳорга чиқиб қолгандай енгил тортарди. Уйга киравершда чап қўлда ясоғлиқ каравот. Деворда чўғдай гилам. Унинг ўртасида Нодиранинг дадаси билан ойисининг бирга тушган суратлари осиғлиқ. Икки деразанинг ўртасига ёзув столи қўйилган эди. Унинг усти жуда озода ва саранжом. Сиёҳдон, ручка, қаламдан ташқари бир томонда «Ўзбекистон

www.ziyouz.com kutubxonasi

хотин-қизлари» журналининг уч-тўрт сони тахлоғлиқ турибди. Ўртада «Комсомольская правда»нинг янги сони ва қандайдир кичкина блокнотча ётарди. Уйнинг тўрида, стол турган томонда юзини эшикка қаратиб китоб жавони қўйилган, унинг ялтироқ ойнасидан тартиб билан терилган турли бадиий адабиётлар кўриниб турарди. Китоб жавонининг ўнг ёнбошида этажерка, унда Нодиранинг дарсликлари ва юқори қаватида «Урал» приёмниги. Унинг устига капалак гулининг нусхаси тикилган салфетка ташлаб қўйилган. Уйдаги ҳамма нарсада саранжом-саришта хотиннинг қўли сезилиб турарди. Бу хотин — Нодиранинг ойиси Ширмонхон эди. У колхоз яслисида тарбиячи бўлиб ишлар, хушмуомалалиги билан одамлар ўртасида дилбар жувон деб таърифланар эди.

Кампир кириб, приёмникни бураб, чиқиб кетди.

— Зерикиб қолманг тағин, айланай. Эшитиб ўтиринг.

— Холажон, ўтирсангиз-чи! Агар шундай қилаверсангиз, келмай қўяман,— деди Саодатхон хижолатлик билан.

— Мен сизга қўй сўяётганим йўқ, айланай,— самовар кўтариб, иккинчи уйга кириб кетган кампирнинг овози ичкаридан эшитилди.

Саодатхон беихтиёр стол устидаги кичкина блокнотчани олиб варақлай бошлади. Унинг кўзлари бирдан Нодиранинг қўли билан майда қилиб ёзилган шеърий мисраларга тушди. Бу мисраларнинг баъзилари Саодатхоннинг қалбини тўлқинлантирди. У ёшлик йилларининг беозор ва оромбахш дақиқаларини қайтадан бошидан кечираётгандай бўлди. Саодатхон шеърларни берилиб ўқий бошлади. У баъзи сатрларда шоиранинг нўноқлигини сезса ҳам, лекин уларда садоқатли, пок қалбнинг овози ва эҳтиросини кўриб завқланди, хурсанд бўлди.

— Саодат опа, ҳозир келади,— деди уйга шошилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кириб келган Нодира ҳансираб. Афтидан, у югуриб келганга ўхшарди.

— Келганимни билдими?

— Йўқ. Бизникига чиқ, уйда ҳеч ким йўқ, гаплиришиб ўтирамиз, дедим.

Нодиранинг кўзи бирданига Саодатхоннинг қўлидаги блокнотга тушди. У гапидан тутилиб, негадир ғалати аҳволга тушиб қолди.

— Қизим, мени кечирасан энди. Гуноҳ қилиб қўйдим,— деди Саодатхон кулиб,— билмасдан дафтарчангни очиб қўйибман. Лекин шеърларинг менга жуда ёқди. Туппа-тузук шоира экансан-ку!

Нодира ўнғайсизланиб жавдиради. Кейин орқасига битта қилиб ташлаб қўйган сочини олдига олиб, ёзилиб кетган учини қайта ўра бошлади. Унинг Саодатхондан яширишга уринган оппоқ юзига ним пушти қизиллик югурган эди. Саодатхон Нодиранинг жавдираган қора кўзларидан у ўқиган сатрларнинг эгаси борлигини пайқаган эди.

— Уйларида кимлар бор экан?— деди Саодатхон ўртадаги ўнғайсизликни кўтариш учун.

— Ойиси бор экан,— Нодира Саодатхонга бир қаради-ю, яна шошилиб юзини дераза томонга ўгирди,— Зуҳра ҳовли супураётган экан. Озгина қолди, супуриб бўлиб чиқаман, деди.

Нодира Саодатхонга бир нима демоқчи бўлиб тараддудланди-ю, негадир айтолмади.

— Яна бирон нарса демоқчимисан, қизим?— деди Саодатхон меҳрибонлик билан. Унинг овозидаги бу яқинлик Нодирани бутунлай эритиб юборди. У Саодатхоннинг ёнига келиб, бўйнидан қучоқлади.

— Саодат опа, мунча яхшисиз-а,— деди у эркаланиб,— сиз ҳамма нарсани биласиз, айтмасам ҳам биласиз,— Нодира яна бир нафас жим қолди. Кейин у ерга қараб туриб гапирди:— Саодат опа, сиз, шеърларинг менга ёқди, деб айтдингиз. Мен жуда ҳам шоира

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлгим келади. Лекин ёзган шеърларимни бировга ўқиб беришга уяламан. Балки сиз ҳам ёшлигингизда менга ўхшаб шеър ёзгандирсиз?

Саодатхон эркалатиб Нодиранинг елкасига қоқиб қўйди.

— Мен шеър ёзмайман,— деди у кулиб,— лекин шеърни тушунаман. Шеърни тушунмаган одам ҳаётда жуда кам. Музикани тушунмаган одам шеърни, шеърни тушунмаган одам музикани тушунмайди. Ўйлаб қара, ҳеч бўлмаганда сенга ўхшаган ёшлик чоғларида севгилисига атаб икки йўл бўлса ҳам шеър ёзмаган, жуда бўлмаганда бошқа шоирларнинг чиройли лирик сатрларидан кўчириб олмаган ёки ёдламаган қиз ёки йигит бормикин?! Йўқ, менимча йўқ! Уруш йилларида келин-куёвларнинг, ошиқ-маъшуқларнинг, она-болаларнинг бир-бирига ёзган хатларида шеър аралашмагани бормикин?! Мен ўзим ҳам кўпинча Комилжон акангдан узоқроқ хат келмай қолган кезларда юрагимдаги шубҳамни шеър билан қувлаган пайтларим кўп бўлган.

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат кутгил жуда интизор.
Кутгил ёмғир зериктирганда,
Мени кутгил ёққанида қор...

Саодатхон шеърни шу қадар чиройли ўқидики, Нодира сеҳрлангандек ундан кўзини узолмай қолди. У бу шеърни олдин ҳам эшитган, лекин унда бунчалик таъсир қолдирмаган эди.

— Мана, бу йил ўрта мактабни тамомлайсан,— деди Саодатхон ўртага тушган жимликни бузиб,— ўқишга кетасан. Балки шоира бўларсан... Ҳа, айтмоқчи, комсомол комитетига ўзингнинг ўрнингга қизлардан бирортасини мўлжаллаб юргин.

— Комилани тавсия қилсак бўлармикин?

Кампир кириб, Саодатхонни иккинчи уйга таклиф

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилди. Улар иккинчи уйга чиқиб, думалоқ стол атрофига ўтирганларида, ташқаридан Зуҳранинг овози эшитилди.

— Нодира опа!

— Келавер,— деди Нодира ўрнидан туриб ва негадир тилини тишлаб қўйди.

Зуҳра дераза ёнидан уйга қарамасдан ўтди. Эшикка келганда, электр токи ургандай орқасига тисланди. Эшикка етиб борган Нодира унинг қўлидан ушлаб, уйга тортди.

— Зуҳра, киравер, қизим. Мендан нега қочасан,— Саодатхон ўрнидан туриб гапирди.

— Ўзингга ярашмаган қилиқни қилма! Сенга нима бўлди, Зуҳра!— деди Нодира уни маҳкам қучоқлаб.

Зуҳра ночор уйга кирди. Лекин бошини кўтармасдан, деворга қисилганича тикка туриб қолди. Унинг майда қилиб ўрилган, елкасидан сал пастга тушган сочлари олдига тушди. У қўлларини орқасига яшириб, бир оёғи билан ер чизар, ялтироқ пешонаси остидан қуюқ қора қошлари хиёл кўриниб турарди.

Саодатхон унинг елкасидан қучоқлаб, стол ёнига олиб келди.

— Ўтир, қизим, уялма. Ҳеч бундай одатинг йўқ эди-ку, а?— деди юмшоққина қилиб.

Нодира шарақлаб қайнаб турган оппоқ самовардан чой қуйиб узатди. Зуҳра боши билан ичмайман ишорасини қилиб, чойни олмади. Нодира чойни унинг олдига қўйди-да, ҳовлига чиқиб, имо билан бувисини чақирди.

— Зуҳра, қизим, уялма, менга қара,— Саодатхон унинг елкасига қўлини қўйди,— менга қара-чи, ахир мен ўз ўқитувчингман, опанг тенгиман. Мен атайин сен билан гапиришгани, аҳвол сўрагани келдим.

Зуҳра бошини бир оз кўтарди-ю, лекин Саодатхоннинг кўзларига қараёлмай, ёнига бурилиб, юзини қўллари билан тўсди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Уялма, уялишнинг ҳеч кераги йўқ. Менга қара, Зуҳра, қизим, сен ўша йигит билан ҳеч гапиришганмисан?

Зуҳра, йўқ, деган маънода бош қимирлатди.

— Уни яхши кўрасанми?

Зуҳра жавдираган кўзлари билан Саодатхонга ялт этиб қаради-ю, яна бошини эгди.

— Билмасам,— деди у кейин эшитилар-эшитилмас.

Саодатхон бир лаҳза жим қолди. Унинг қалбида мана шундай қизларни энг олижаноб ҳислардан, ҳуқуқлардан маҳрум қилмоқчи бўлган кишиларга нисбатан ғазаб ўти оловланиб кетган эди. Сочи ҳали белига тушмаган, кўзларидан ҳали болалик идроки, болалик шўхлиги кетмаган шу қизга уйланмоқчи бўлган йигит Саодатхоннинг кўзи олдида гавдалангандай бўлди. Саодатхон уни гарданидан кўтариб, бутун дунёга кўрсатгиси, мана шу нораста қизнинг беғубор, бахтиёр болалигини тортиб олмоқчи бўлган виждонсиз, ҳиссиз йигитни бахти ва ҳуқуқини таниб олган хотин-қизларимизнинг ўртасига отиб ургиси, ана ўша ерда гаплашгиси келди.

— Зуҳра, ойинг нима иш қилади?

— Ишламайди, инвалид.

— Даданг-чи!

— Магазин қоровули.

— Менга қара, қизим,— Саодатхон меҳрибонлик билан Зуҳрани ўзига ўгирди,— ўзинг бир яхшилаб, бутун эс-ҳушингни йиғиб ўйлагин-чи, шундай ўртоқларингни, ўқитувчиларингни ташлаб, қўлидан ҳеч иш келмайдиган, эрнинг қўлига қарам бўлиб ўтирадиган бир хотин бўлиб қолишга кўндингми?

Зуҳра бошини яна ҳам пастроқ эгди.

— Мана, Нодира опангни қара, бу йил ўнинчи синфни тамомлайди, ўқишга кетади. У журналист бўлмоқчи. Ўқиб, тўрт-беш йилдан кейин қишлоққа қайтиб келади. Мана шу қишлоқни обод қилаётган кишилар ҳақида, колхоз ҳақида, ҳар соҳада ишлаётган ўз дугоналари ҳа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қида газеталарга ёзиб туради. Балки китоблар ҳам ёзар. Унинг илми, обрўси бўлади, одамларга сўзи ўтади. Турмушга чиққанида ҳам эрига муҳтож бўлмайди, чунки ўзи ишлайди, ўзининг пули бўлади. Сен-чи? Сен нима қила оласан! Колхозда ишлаш учун ҳам илм керак бўлади. Мана, ҳамма иш техникалашяпти. Техникани билиш учун савод керак. Шундай ақлинг билан, қизим, мана шуларни ўйламабсан. У вақтда ўз тенгдошларингга қараб, ўксинасан, лекин кеч бўлади. Агар, бунинг устига, эринг ҳам сени хўрласа, нима қиласан? Хўрлайди ҳам. Чунки у сени олмасдан туриб хўрлаяпти. Сени ўқишдан, мактабингдан ажратиб олиши сени хўрлагани эмасми? Агар у яхши одам бўлганда эди, Зуҳра ҳали ёш, аввал ўқишини тамомласин, мен унинг ёшлигини хазон қилмайин, деган бўлар эди. Шундайми? Гапларим тўғрими?

— Мен... мен...— Зуҳранинг юзлари ёнар, ўзи зўр бериб сочининг учини тишлаб тортар эди,— ойим билан дадам шундай дейишяпти.

— Улар шундай дейишса, сен индамадингми? Саккиз йил ўқиган қиз ўшаларга гап топиб бера олмадингми?

— Уят қилишади-да,— Зуҳра Саодатхонга дадилроқ қаради.

— Нимаси уят буни, қизим? Наҳотки ўз тақдиринг ҳақида ўзинг гапира олмасанг? Ахир, эрга бошқа кишини эмас, сени беришяпти-ку! Қийналсанг, хўрлансанг — сен қийналасан, сен хўрланасан, бошқа киши эмас. Шундай бўлгандан кейин, сен гапирмасанг, ким гапиради? Отанг билан онанг тушунмаганлигидан қиляпти. Сен-чи? Сен тушунган қизсан-ку!

Зуҳра энди юзини яширмасди. Унинг жавдираб турган кўзлари, нима қилишим керак, йўл кўрсатинг, ўзингиз ёрдам беринг, деяётгандай эди.

— Менга қара,— Саодатхон Зуҳранинг кўзларига меҳр билан тикилди,— ойинг, даданг билан мен гапири-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаман. Мен, ўртоқларинг, ўқитувчиларинг — ҳаммамиз сенга ёрдам берамиз. Лекин сен, ойим билан дадам билади, деб индамай тураверма, уларга тушунтиришга ҳаракат қил, ўқиган қиз эканлигингни кўрсат уларга. Мен, ўқитувчиларинг сенинг ғамингни еб, гапиришайлик, яхши қиз эди, бахтсиз бўлиб қолмасин, деб ёрдам бергани келсагу сен қочиб кетсанг, яхшимас-ку, қизим! Салимова аянгга ҳам кўринмапсан. Уйингга ўз ўқитувчинг меҳмон бўлиб келса, шунақа кутиб оласанми, қизим?

Зуҳра хижолатлик билан жилмайди. Кейин секингина:

— Уялиб кетдим-да!— деди.

— Ҳозир уйингда ким бор?

— Дадам, ойим.

— Агар мен ҳозир сизларникига кирсам, мени кутиб оласанми?

Зуҳра болаларча жилмайиб, Саодатхоннинг қўлидан ушлади.

— Кирасизми? Юринг!

Саодатхон Зуҳранинг қўлидан ушлаганича ўрнидан турди. Портфелини олиб, ҳовлига чиқди. Саодатхон билан Зуҳранинг қўл ушлашиб уйдан чиққанлигини кўрган Нодира югуриб уларнинг ёнига келди.

— Қаёққа?

— Ҳозир мен Зуҳраларникига кириб чиқаман,— деди Саодатхон кулиб.

— Мен кирмайми?

— Юраверинг,— Зуҳра унинг қўлидан тортди.

Саодатхон бир нафас ўйланиб қолди-да, Нодирага қаради.

— Йўқ, қизим. Сен кирмай қўя қол.

Нодира уларни кўча дарвозасигача кузатиб, табассум билан қараб қолди.

Зуҳра ҳовлисига кирганда ҳам Саодатхоннинг қўлини қўйиб юбормаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўчоққа олов ёқаётган Рихси хола қизи билан бегона жувоннинг кириб келганини кўриб, ўрнидан турди. Битта-битта босиб келиб, Саодатхон билан совуққина сўрашди. Бу хотиннинг ёши элликлардан ошган бўлиб, ўзи пакана, думалоқ эди. Юзи заҳил, қовоқларининг ости салқиган, хуллас, танасининг соғ эмаслиги кўриниб турарди. Рихси хола бошига ташлаган тўрт бурчак рўмолини тузата туриб, Саодатхоннинг кимлигини билиб олмоқчидай унга сўник кўзлари билан тикилди. Кейин қизига бир ўқрайиб қараб қўйиб, меҳмонни уйга бошлади. Зуҳра ойисидан аввал югуриб уйга кирди-да, тахмондан кўрпача олиб ёзди. Саодатхон ўтиргандан кейин, Рихси хола чўнқайиб фотиҳа ўқиди, сўнг қўлини кўксига қўйиб, Саодатхонга қаради:

— Хуш кептилар.

— Хушвақт бўлинг. Тинчмисиз? Соғлиғингиз яхшими?

— Худога шукур.

— Зуҳранинг мактабга бормай қўйганига хабар олгани келдим.

Рихси хола жавоб бермади. Салқиган қовоқлари остидан Зуҳрага яна бир ўқрайиб қараб қўйди-да, ҳовлига чиқиб кетди. Бир оздан кейин унинг овози ҳовлидан эшитилди.

— Зуҳра, менга қара!

Зуҳра Саодатхонга кулиб бир қараб қўйиб, чопқиллаганича ҳовлига чиқиб кетди.

Уйда Саодатхоннинг бир ўзи қолди. Уй қуёшга тескари солинганлигидан бўлса керак, бир оз қоронғироқ эди. Шифтга теккудай қилиб тахмонга тахланган кўрпалар остидан ёстиқларнинг боғичлари осилиб ётарди. Тахмоннинг икки четидаги қозиқларга катталиги баркашдек гулдор нонлар осиб қўйилганди. Токчаларда даста-даста косалар, пиёлалар ва чойнаклар терилиб турарди. Саодатхон уларга кўз югуртириб чиқди. Сон-са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ноғи йўқ... «Шунча коса, чойнакнинг нима кераги бор экан-а» — деб ўйлади Саодатхон.

Уйда нарса кўп, лекин инсоннинг қулай яшаши учун энг зарур бўлган нарсалар йўқ эди. Саодатхон уйга яна кўз югуртириб чиқди. У бирон та китоб, ҳатто китобнинг варағини ҳам тополмади. Бир кўзи қаттиқроқ қисилди, пастки лабини тишлаганча ерга қаради. У ўзининг олдида, қишлоқ ўқитувчилари олдида нақадар катта, қийин вазифалар турганлигини ҳис қилар ва ўйлар эди.

Ташқаридан Зуҳранинг овози эшитилди. Кейин зарда билан тумсайиб уйга кирди-да, Саодатхонга кўзи тушиши билан жилмайди.

— Ойинг қани?

— Ҳозир киради.

Зуҳра дастурхон ёзди.

— Менинг қорним тўқ, қизим. Сен ойингни чақир. Бир оз гапиришиб, кейин кетаман.

Зуҳра кўнмасдан, дастурхон устига ликопчада пашмак, парварда, новвот олиб қўйди. Патнисда нон кўтариб Рихси хола кирди.

— Холажон, сиз овора бўлмай, бир оз ўтиринг, мен сиз билан гапиришгани келдим.

Рихси хола жавоб бермасдан яна орқасига қайтди. Эшик ёнига етганда, кўз қири билан Зуҳрага қараб, ташқарига чиқ, деган маънода имо қилиб, чиқиб кетди. Зуҳра қошини чимириб, чиқмаслигини билдирди. Бир нафасдан кейин Рихси хола чойнакда чой кўтариб кирди. Токчадан пиёла олиб, сочиқ билан артди, чой қуйиб Саодатхонга узатди. Шу пайт қўлини чорсисига артганча, соч-соқоли оппоқ, лекин ўзи анча бақувват бир киши кириб келди. Саодатхон уни Зуҳранинг дадаси эканлигини пайқаб, ўрнидан туриб сўрашди. Бу кишининг думалоқ, катта кўзлари, қирра бурни Зуҳраникига жуда ўхшаш эди. Абдували ака Саодатхон билан сўрашиб, дераза токчасига омонатгина ўтирди. Зуҳра Саодатхоннинг ёнига биқинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Зуҳрадан хабар олгани келдим,— деди Саодатхон гап бошлаш учун.

— Ҳа, кеча ҳам биттаси келган эди,— деди совуққина қилиб Абдували ака, кейин оғзидаги носини ҳовлига қараб туфлади.— Сен нима қилиб ўтирибсан?— деди Зуҳрага қараб.— Бор ҳовлига чиқ!

Зуҳра Саодатхонга бир қараб қўйди-да, ўрнидан турмади.

— Майли, қизим, бор, чиқиб тура қол,— Саодатхон унинг елкасига қоқиб гапирди.

Зуҳра ўрнидан туриб, хомушлик билан секин-секин юриб чиқиб кетди.

— Энди, опа,— Абдували ака ўрнидан бир қўзғалиб қўйди, қошлари тепага кўтарилиб, пешонасида чизиқлар пайдо бўлди,— Зуҳрани боқдим, кийинтирдим, катта қилдим. Ҳеч ким аралашгани йўқ. Нима едиряпсан, нима кийдиряпсан, деб биров келгани йўқ. Вақти-соати етиб, энди узатмоқчи бўлсам, эгаси чиқиб турипти. Қиз бола ота-онага омонат, узатиб тинчий! Қайси қиз отасининг бошига ёстиқ бўптики, у бўлса. Ўқиса — кейин ўқийверади-да!

— Отажон,— деди Саодатхон юмшоқлик билан,— ҳамма ҳам боласини боқади, кийинтиради. Бу ота-онанинг бурчи. Ахир, мен куярман боламга, болам куяр боласига, деган гап бор-ку! Агар сиз Зуҳрани боқолмай, кийинтиролмай қолганингизда эди, биз сизга ёрдам берар эдик албатта. Лекин сиз уни жуда яхши боқдингиз, кийинтирдингиз, катта қилдингиз. Бу жиҳатдан сизнинг ёрдамга муҳтож эмаслигингизни билар эдик. Мана энди бизнинг ёрдамимиз керак бўлганини билиб келдик.

Абдували ака Саодатхоннинг гапларини жуда бетоқатлик билан гоҳ у ёнбошига, гоҳ бу ёнбошига оғирлигини солиб ўтириб эшитди. Унинг юзидан ҳеч қандай юмшамаганлиги кўриниб турарди.

— Энди биз аралашмасдан туролмаймиз, чунки энди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зуҳранинг тақдири ҳақида гап бўляпти. Уни бахтсиз бўлмасин, деймиз. Ахир, биз ҳам Зуҳрани саккиз йил ўқитдик, илм бердик. Унга бизнинг ҳам меҳнатимиз сингган.

— Э, меҳнат дейсиз-а!— Абдували ака ўрнидан турди.— Меҳнат қилган бўлсанглар, жарақ-жарақ пул олгансизлар.

— Ҳай дадаси, секинроқ. Қўни-қўшни эшитса нима дейди-я!— деди Рихси хола безовталик билан. Лекин Абдували ака ҳамон ўша қиёфада. Унинг шовқин-суронини эшитиб, дераза рўпарасидаги туйнукдан Рузвоннинг боши кўринди. Кейин у ҳовлига ўтди-да, дераза ёнига келиб, ғилай кўзларини Саодатхонга тикди.

— Тўғри, пул оламиз,— деди Саодатхон унга аҳамият бермай,— лекин у пулни давлат беради.— Кейин Саодатхон юмшоқлик билан деди:— Отажон, ахир биз қизингизни бахтсиз бўлмасин, деймиз, ўқисин, одам бўлсин, деймиз. Зуҳра ҳали ёш. Эрга тегиш қочмайди.

— Вой, нимаси ёш?— гапга Рузвон аралашди.— Ўн олтига тўлди-я! Мана, мен ўн бешимда турмушга чиққанман. Ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку! Ит қариса този бўлур, қиз қариса қози бўлур, деб эскилар хўп билиб айтган.

— Кечирасиз, сиз ким бўласиз?— деди Саодатхон унга тикилиб.

— Неча пуллик ишингиз бор? Бировнинг қизига эга чиққунча, эрингизни эплаб олинг. Маҳбубахонни бошини айлантириб юрибди-ку! Ана, ишонмасангиз, фермага чиқинг. Эрталабдан бери бирга юришибди. Бир-бирини ташлаб кетишга сира кўзлари қиймайди.— Рузвон қошини чимириб, юзини ўгирди. Ташқаридан Зуҳранинг йиғламсираб: «Сиз нега аралашасиз, ишингиз нима?»— деган овози эшитилди.

— Қоч, қиз бўлмай бетинг қурсин! Уялмасдан шу ерда турибсанми?— Рузвон уни жеркиб берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саодатхон чидаёлмади, сакраб ўрнидан турди.

— Сиз жеркинманг уни,— деди ғазаб билан,— Зуҳра нега уялади? Сиз уялинг!

— Мен уялиш давридан ўтганман!— Рузвон лабини буриб, нари кетди. Унинг гаплари Абдували акани баттар тутақтирди. Ўртада гангиб қолган Рихси хола гоҳ Рузвонга қараб, аралашманг, дегандек имо қилар, гоҳ Саодатхонга хижолатлик билан қараб қўяр, кейин эрига ялингансимон термиларди:

— Вой шўрим, ҳай дадаси, ўзингизни босинг. Уйга келган меҳмон-а!

— Фотиҳани бузиш нималигини биласанми ўзинг?— деб ўдағайлади Абдували ака, кейин Саодатхонга қаради:— Зуҳра менинг қизим, хоҳласам эрга бераман, хоҳласам уйга қамаб қўяман! Гап тамом, вассалом!— у қўлини силтаб уйдан чиқиб кетди. Саодатхон тез-тез юриб дераза ёнига борди:

— Агар гап шундай экан, сиз билан бошқача гапиришамиз, — деди у қатъий қилиб, Абдували ака бир лаҳза тўхтади-ю, кейин яна қўлини силтаб юриб кетди.

— Билганингизни қилинг!

Саодатхоннинг кейинги гапидан чўчиган Рихси хола кўзларини пирпиратиб, нима дейишини билмай турарди. Буни Саодатхон дарров пайқади. У Рихси холанинг ёнига келди. Меҳрибонлик билан жилмайди.

— Холажон, сиз сира хижолат бўлманг. Ота тушунмаяптилар. Майли, тушуниб ҳам қоларлар.

— У кишининг ўзлари сержаҳлроқ. Сиз хафа бўлманг, айланай,— Рихси хола ёлворгандек гапирди.

— Мен сира хафа бўлганим йўқ,— Саодатхон портфелини олди.— Мен сизнинг ёнингизга бошқа келаман. Албатта келаман.

Улар ҳовлига чиқишди. Деворга юзини ўгириб, энгашиб турган Зуҳра пиқ-пиқ йиғларди. Саодатхон унинг ёнига борди:

— Йиғлама, қизим,— деди бошини кўтариб,— бу иш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар унутилиб кетади. Мактабингга, ўртоқларинг олдига албатта борасан.

Рихси хола Саодатхонни кўча дарвозасигача узатиб қўйди. Саодатхон у билан хайрлаша туриб, бошқа куни албатта келишини айтиб, дадил юриб кетди.

Кун кеч бўлиб қолган эди. Ҳалигина порлаб турган қуёш энди кўринмас, уни булут тўсганми ёки ботганми, билиб бўлмасди. Саодатхон соатига қараб олди-да, педсоветга кечикмаслик учун қадамини тезлатди. У мактабга тезроқ етиш учун «Қизил Юлдуз» колхозининг фермаси орқали ўтиб кетмоқчи бўлди. Ферма ҳовлисининг орқа томонида ҳам кичкина дарвозачаси бўлиб, ундан тўғри мактаб ёнига чиқилар эди.

Саодатхон ферма дарвозасига етганда Рузвоннинг гапи эсига келиб, бирдан орқасига тисланди. Лекин негадир шу пайт унинг юрагида пайдо бўлган ғалати бир ғашлик ўз ихтиёрига қўймай, уни яна ўша дарвоза томонга судради. Рузвоннинг гапи тўғри чиқди. Ўнг томонга узун қилиб солинган молхонанинг эшиги ёнида колхоз раиси, Комилжон ва Маҳбубалар туришарди. Комилжон, ниманидир гапирмоқда, раис қўлидаги қамчини ўйнаб, бемалол эшитар эди. Маҳбубанинг қўлида эса қандайдир бир кўчат, у Комилжоннинг ёнгинасида, чиройли кўзлари билан унга мулойимгина қараб турарди. Саодатхон умрида бундай ҳисни кечирмаган эди. У ўзи ҳам маъносига етмаган ғалати бир аҳволга тушиб қолди. У қандай қадам ташлаётганини билмас, назарида гандираклаётганга ўхшарди. «Қизиқ, у хотин ким ўзи? Мен Комилжондан келиб-келиб ўша хотиннинг гапига қараб шубҳаланиб ўтирибманми?»— деб ўйлади Саодатхон ўзига ўзи таъна қилиб. Унинг кўнгли ёришиб, қадами дадиллашди.

Саодатхонга кўзи тушган раис бир нима деди шекилли, Комилжон Саодатхонга бир қаради-ю, яна гапини давом эттираверди. Маҳбуба мулойимгина жилмайиб, бошини қимирлатди. Саодатхоннинг юраги негадир яна

www.ziyouz.com kutubxonasi

алланечук бўлиб кетди. Портфелини ўнг қўлидан чап қўлига олиб, рўмолини тузатди-да, дадил юриб кетди.

Саодатхон мактабга етиб келганда, охирги дарсдан чиқишга қўнғироқ чалинди. Орадан ўн минут ўтар-ўтмас ўқитувчилар педсоветга тўпландилар.

Бугунги педсоветда биринчи чоракни якунлаш ва иккинчи чоракка тайёргарлик масаласи кўрилди. Саодатхон ўз сўзида, улгуролмовчи ўқувчилар билан алоҳида ишлаш кераклиги, баъзи синфларда ўзлаштиришнинг пастлигига сабаб бўлаётган ўқувчилар ҳақида гапириб, ўқитувчиларга иккинчи чоракда ана шу болалар билан яқиндан биргалашиб ишлаш кераклигини уқтирди.

— Агар ўқитувчи ўз вазифасини болага фақат ўзида бор билимини беришгина деб ўйласа, ундай ўқитувчи ўз вазифасини жуда тор тушунган бўлади. Бола ўқитувчидан фақат билимнигина эмас, юриш-туришни, кийинишни, муомалани ҳам ўргансин. Мана, ўртоқ Баротов, бир неча марта огоҳлантиришимга қарамасдан, ҳали ҳам ёқа тугмаси узилган кўйлак билан, соч-соқоли ўсган ҳолда синфга киряпти. Сиз болани ҳурмат қилмас экансиз, бола сизни тингламайди, сизни севмайди.

Баротов ўқитувчиларнинг унга қараганини сезиб, қўли билан беихтиёр соқолини силади. Соқол қўлига игнадай ботди. Баротов Саодатхоннинг бундан олдинги танбеҳини ўйлаб, шуни ҳам педсоветда гапириб ўтирибди, деб аччиқланди.

Саодатхон иккинчи чорак давомида қилинадиган ишларни ҳам батафсил сўзлаб берди. Давоматнинг ҳамма вақт юз процент бўлишига эришиш, болаларнинг ўқишдан қолиб кетишига йўл қўймаслик ҳақида гапириб, ўқитувчиларнинг эътиборини Зуҳра масаласига тортди. Шунингдек, у мактабда тўгаракларнинг, айниқса, рус тили тўгарагининг яхши ва мунтазам ишлаши, ўқувчиларни ҳунар ўрганишга жалб қилиш, дам олиш кунларида уларнинг колхоз ва МТСларга экскурсияларини уюштириш зарурлиги ҳақида уқтирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўқитувчилар тарқалишганда аллақачон қоронғи тушган, ҳаво очилиб кетган эди. Осмонда юлдузлар чамани порлайди. Салқин, баҳаво куз кечаси... Қаердадир, аллаким пианинода «Жонон»ни чалмоқда. Куй кечанинг жимлигида атрофга равон оқади.

Саодатхон ўқитувчи Салимова билан борар эди. Салимова ўзи раҳбарлик қилаётган олтинчи синф ўқувчиси Адҳамнинг жуда қўрс, ишёқмас экани ҳақида гапириб, уни тузатиш учун жуда кўп уринганлигини, бироқ таъсир қилиш қийин бўлаётганини айтди.

— Уйига ҳам бордим. Ота-онасига ҳам шу феълини ишлатар экан. Бу — ҳаддан ташқари эрка ўстирганликнинг оқибати бўлса керак.

Саодатхон битта-битта қадам ташлаб борар экан, ўйчан сўзлай кетди:

— Отанинг меҳридан устознинг жабри афзал, деганлари жуда тўғри. Баъзи ота-оналар болаларини аяган бўладилар-да, уларни ҳаёт учун яроқсиз, жисмоний заиф қилиб қўяётганликларини билмай қоладилар. Натижада бундай болалар мустақил бир иш қила олмайдиган бўлиб етишадилар. Болани меҳнатга ўргатиш керак. Адҳам бирон нарсага қизиқар, ахир. Ҳеч нарсага қизиқмайдиган бола бўлмайди. Сиз ана шуни билиб олганингиздан кейин Адҳамни йўлга солиш осон бўлади.

Муюлишга келганда Салимова Саодатхоннинг қанча қисташига қарамасдан, уйига ўтиб кетди.

Дарс бериш, кейин баъзи ўқитувчиларнинг дарсларини текшириш, улар билан суҳбатлашиб, ютуқ ва камчиликларини айтиш, Зуҳраникидаги тортишувлар ва педсоветнинг анча кеч тугаши Саодатхонни чарчатган эди. Унинг қўл-оёқлари худди биров уриб ташлагандай зирқираб оғрирди. Шунга қарамасдан, кеча ювган кирларини анча вақтгача дазмол қилди, болаларининг дарсларини текширди, кундалик дафтарларини кўрди. Кейин ўтириб, эртанги дарсга тайёрлана бошлади.

Комилжон жуда кеч қайтди. Унинг қўлида уч-тўрт

www.ziyouz.com kutubxonasi

хил юпқа китоб бор, чеҳраси упча очиқ эмас эди. Столда ишлаб ўтирган Саодатхоннинг ёнига бориб, қўлларини орқасига қилганича бир нафас турди-да, кейин нари кетди. Унга савол назари билан қараган кўзлар жавобсиз қолаверди. Саодатхоннинг юраги яна алланечук бўлиб кетди. Унинг кўзлари бир лаҳзагина бўшлиққа тикилиб қолди. «Балки ишдан хафа қайтгандир? Ахир у жуда кўп ишлар қилмоқчи. Булар осонлик билан бўлмайди-ку! Қанча билим, қанча ақл, қанча ирода керак. Ҳар хил одамлар билан тўқнашиш керак. Бири хурсанд қилса, бири хафа қилади. Мана, бугун Зуҳраникида мен ўзим қанча диққат бўлдим. Ҳали ярим хаёлим ўшанда. Эҳтимол, Комилжон ҳам бирон нарсадан хафа бўлгандир. Мен бўлсам, бир бемаъни хотиннинг гапини кўнглимга олиб ўтирибман. Уни ҳар галгидек очиқ чеҳра билан кулиб кутиб олиш ўрнига, ўрнимдан қўзғалмадим. Нега шундай қилдим-а?.. Шошма, ҳалиги ғилай хотин ким ўзи? Зуҳрадан сўраб билишим керак экан...» Саодатхон ўрнидан турди. Дераза ёнида ҳамон қўлларини орқасига қилганча ҳовлига қараб турган Комилжоннинг ёнига бориб, тирсагидан ушлади.

— Комилжон ака, хафа кўринасиз?

Комилжон хотинига ярим ўгирилди.

— Йў-й-ўқ,— деди у бошини қимирлатиб. Жилмаймоқчи бўлган эди, унинг ўрнига юзида зўрма-зўраки, ғалати бир ифода пайдо бўлди.

— Ойимлар ухлаб қолиптилар шекилли, мен ҳозир овқатингизни олиб келаман.

Саодатхон чиқиб кетди. Бир нафасдан кейин косада овқат ва чойнакда чой кўтариб кириб келди.

Комилжон косадаги чучварадан истар-истамас бир-икки дона еди-да, уни нарига суриб қўйди.

Саодатхон эрининг бўйнидан қучоқлаб, юзини юзига қўйди:

— Комилжон ака, нимадан хафасиз? Айтинг.

— Хафа эмасман,— Комилжон хотинининг нозик

www.ziyouz.com kutubxonasi

бармоқларини қўллари орасига олиб силади,— баъзи бир ишларни ўйлаяпман, холос.

— Қайси ишни?

Комилжон Саодатхоннинг кўзларига мулойимгина қараб қўйди, лекин жавоб бермади. Бу ҳол Саодатхонга яна ғалати туюлди. Ортиқ ҳеч нарса сўрамасдан, стол ёнига борди-да, китоб-дафтарларини йиғиштира бошлади. Нега айтмайди? Нимани яширяпти? У ахир ҳамма вақт, ҳар қандай дардини хотини билан бўлишмасмиди?! Бошига бирон ташвишли ёки мулоҳаза билан қиладиган иш тушса, дастлаб хотини билан маслаҳатлашмасмиди?! Саодатхон унга энг яқин сирдош, энг яқин дўст эди-ку! Ишдан чарчаб келган пайтларида унинг ҳордиғини чиқарувчи Саодатхон билан болалари эмасмиди? Бундай пайтларда Комилжоннинг қора ва қуюқ сочларини силаётган нозик бармоқлар, унинг юзига меҳр билан эркаланиб термилаётган кўзлар Комилжон учун дунёда энг азиз нарса эканлигини унинг қарашлари айтиб турар эди-ку! У хотинини бағрига босиб эркалар, унинг узун қўнғир сочларини бармоқлари билан ўйнаб, у билан соатларча гапиришиб ўтирмасмиди?! Майли, нега хафалигини, нима гап ўтганлигини айтмасин. Балки бу энг яқин кишига ҳам айтиб бўлмас бир сирдир. Лекин... лекин у ҳар кунгидек эмас... Наҳотки, шунча йил бирга кечирилган тотув ҳаётнинг ҳаммаси хиёнат билан тамом бўлса?.. Хаёл Саодатхонни узоқ ўтмишларга олиб кетди. Бундан йигирма етти йил аввал, Саодат эндигина тўққиз ёшга кирган пайтида онаси ўлиб қолди. Отасини эслолмаган ва биргина қувончи бўлган онадан ҳам айрилган Саодат интернатга киради. У ерда Саодатни яхши кутиб оладилар, ювиб-тарайдилар, кийинтирадилар.

Саодат ўқийди, улғаяди. Кейинчалик ўзи билан бирга интернатда катта бўлган Комилжонга турмушга чиқади. Иккови ўқийди. Саодатхон ўқитувчи, Комилжон агроном бўлиб етишади. Улар ҳозир ота-она. Қизлари

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бўстон еттинчи синфда, ўғли Бахтиёр иккинчи синфда ўқийди. Иккаласи ҳам яхши ўқишади.

Бу мактабга директор бўлиб келмасдан олдин Саодатхон шаҳардаги ўрта мактабларнинг бирида илмий мудир эди. Комилжон эса область партия комитетида инспектор бўлиб ишларди. Колхозларни малакали раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳақидаги партия чақириғидан кейин Комилжон ҳам қишлоққа бориб ишлашга аҳд қилди. Ана шу муносабат билан Саодатхон ҳам қишлоққа келиб қолди. Уни область маориф бўлимидан мактаб директорлиги вазифасига тавсия этишди.

Саодатхон иш бошлаган кунларидаёқ мактабдаги бутун ишларни қайта изга солиш кераклигини ва ўзининг шу мақсад билан юборилганлигини сезди...

Саодатхоннинг ётаётганини кўрган Комилжон тепадаги электр чироқни ўчириб, стол лампасини ёқди. Стулни столга яқинроқ суриб ўтирди-да, ҳали ўзи олиб келган кичкина китобчаларнинг бирини варақлай бошлади. Абажурдан таралган кўкиш нур унинг юзида товланар, хаёлга чўккан қора кўзлари Саодатхонга бемалол кўриниб турарди.

Комилжон эса ҳамон фикран раис билан тортишар эди. Ахир, боғдорчилик ишини яхши кўрган, бутун умрини янги боғлар, янги хил мева навлари яратишга бағишлаган одам учун олти гектар ердаги боғдан ажралиш осон гапми! Ўтган баҳорда мевалар авжи уйғониб куртак ёзиб қолган пайтда ёққан қор ва қаттиқ совуқ колхознинг олти гектар ердаги олмазор боғини қуритиб кетди. Уларни бирданига кесиб бўлмайди. Балки ёзда кўкариб кетар, деган умид бу ишга йўл қўймади. Боғ бригадасидаги кишилар бутун ёз бўйи уларни парвариш қилди, қаради. Лекин олмалар кўкармади. Комилжон ана шу боғни қайта тиклашга киришган, анчагина жойга кузги кўчатлар ўтқаздирган эди. Бироқ раиснинг феъли бирданига айнаб қолди. Бу кўчатлар тутиб, то мевага

www.ziyouz.com kutubxonasi

киргунча орадан беш-олти йил ўтиши керак. Унга қадар ер ҳеч қандай ҳосил бермайди. Шунинг учун ранс олмазорни шудгор қилиб, пахта экишга буйруқ берибди. Комилжон бу ишдан хабарсиз эди. Олмазорга трактор тушганидагина у билиб қолди. Комилжон тракторни тўхтатиб қўйиб, раиснинг олдига чопди. Ана ундан кейинги тортишувлар... Ахир одамлар учун боғ ҳам, мева ҳам керак-ку! Ўтган йилги қиш озмунча боғларни қуритдими? Уларнинг ҳаммасини кесиб ташлаб, пахта экилаверса, боғ нима бўлади? Бироқ раиснинг кутишга сира тоқати йўқ эди. Комилжон ана шу олмазорни йўқотмаслик, ҳосилни ҳам олти йил кутиш эмас, тезроқ олиш йўлини қидирарди.

Комилжон жуда узоқ ўтирди. У ўрнидан турганида девордаги осма соатнинг мили иккини кўрсатиб турарди. Саодатхон ухлаб ётар, абажур орқали тушган кўкиш нур унинг юзини хиёл ёритаётганди. Оппоқ ёстиқ устида бир оз тўзғиган соч жингаласи, каравотдан осилиб тушган бир ўрим узун сочи, юзига тушиб турган нур унга ғалати бир хаёлий тус берган эди. Комилжонга хотини ҳозир ҳар қачонгидан ҳам чиройли ва меҳрибон кўринди. Комилжон бугун у билан дурустроқ гаплашмагани, одатдагидек унинг кайфи ва иши ҳақида сўрамагани учун ўзини койиди. Нега бундай қилди-а? Ахир ишда бундан катта гаплар ҳам ўтади-ку? Мактаб ишларини йўлга солиш Саодатга ҳам осон бўлмаётгандир?! Комилжон ўтган гапни ундан яширмаслиги ва дардини айтиши мумкин эди-ку! Бироқ Комилжон ишдан янгигина келган хотинининг миясини яна иш билан банд қилиб, ўзининг ташвишига уни ҳам шерик қилгиси келмади. У хотинининг феълини жуда яхши билади. Саодатхон жуда тез таъсирланади ва чуқур ҳис қилади. Эрини ташвишга солган воқеага у ҳеч қачон бефарқ қарай олмайди.

Комилжон хотинига меҳр билан узоқ термилиб турди-да, каравотдан оснлиб турган бир ўрим сочини олиб, ёнига қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эрталабдан ёмғир шивалай бошлади. Қақраб ётган ерларнинг юзи ялтираб, сирғанчиқ бўлиб қолди. Кўчаларнинг чанги босилиб, ёз бўйи офтобнинг жазирамасида қуриб ётган деворлардан ғалати бир ҳид — гилвата ҳиди кўтарилди. Ариқ ва анҳорлардаги сувлар ўз шаффофлигини йўқотиб, малла ранг тусга кирди.

Саодатхон ҳовлисидан чиқиб, беш-ўн қадам юрмаган ҳам эди, орқасидан бировнинг чақирганини эшитди.

— Дийиктий ая! Эй дийиктий ая!

Саодатхон ўгирилди. Тўрт-беш ёшлар чамасидаги бир қиз, катта калишини шалоплатиб югуриб келарди.

— Нима дейсан, қизим?— Саодатхон унга томон юрди.

— Сизга,— деди қизча кўк конвертни Саодатхонга узатар экан. Қизча қаттиқ югуриб келганлигидан ҳансирар, афтидан, ўз хизматидан жуда хурсанд кўринарди. Пешонасига тушиб турган сочидан ёмғир силқиб, юзидан оқиб тушар, қизча бўлса парво қилмай, кўзларини пирпиратиб, Саодатхонга қараб турарди.

— Буни ким берди, қизим?

— Битта тиши. Ҳу етда,— қизча қўли билан орқа томонни кўрсатди.

— Бор, қизим. Уйингга югур, ёмғирда ивиб кетасан.

Қизча катта калишини шалоплатиб яна югуриб кетди. Ёмғир тезлади. Саодатхон устига ҳеч нарса ёзилмаган, елимланган конвертни портфелига солиб қўйди-да, чаққон юриб кетди.

Саодатхон ёмғирдан ялтираб турган катта тош йўлдан ўтиб, мактаб томонга бурилганда, тўрт кўчанинг ҳаммасидан мактаб томонга оқиб келаётган болаларни кўрди. Мактаб чорраҳада жойлашган эди. Мактабнинг чап томонидаги анҳорнинг у юзида қишлоқ совети, унинг ёнидаги кўчадан «Гулбоғ» колхозининг правлениесига кетилади. Мактабнинг орқа томонидан катта тош йўл

www.ziyouz.com kutubxonasi

кесиб ўтган. Бу тош йўл район марказига олиб боради. Тош йўлнинг нариги юзидаги кўчадан «Қизил Юлдуз» колхозига борилади.

Ёмғирдан қочишиб, югуришиб келаётган бир тўда болалар Саодатхоннинг ёнига келганда баравардан салом беришди:

— Салом, ая!

— Салом, Саодат опа!

— Салом, ўртоқ Султонова!

— Яхшимисиз, ая!

Саодатхон уларга меҳр билан жилмайди:

— Салом, салом, болалар.

Болалардан кичикроқлари чопқиллашиб, Саодатхондан ўзиб кетишди. Каттароқлари истиҳола қилишди шекилли, қадамларини секинлатиб, у билан тенг юришга ҳаракат қилдилар.

Саодатхон мактаб эшигига етганда, кўзойнагини қўлига олиб, шошиб чиқиб келаётган Нишонов билан тўқнашди.

— Яхши келиб қолдингиз,— Нишонов шошганидан саломлашишни эсидан чиқарди,— райондан телефон қилишди. Тезда етиб борармишсиз.

Саодатхон эндигина ёпган зонтини қайта очди:

— Негалигини айтишмадими?

— Сўрамадим.

— Бўлмаса, мен кетдим.— Саодатхон бир-икки қадам босиб, яна орқасига қайтди.— Ўртоқ Нишонов, ота-оналарни чақиришни унутманг. Кураторларга тайинланг. Биронта ота-она ҳам бехабар қолмасин.

— Хўп бўлади.

Саодатхон тош йўлга етганда, пахта ортиб кетаётган машиналардан бирини тўхтатиб, кабинасига ўтириб олди.

Нишонов идорага қайтиб кирди. Бирин-кетин келган ўқитувчилар қўнғироқ чалиниши билан синф журналларини кўтаришиб, синф-синфга тарқаб кетишди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нишоновнинг бир ўзи қолди. Ўчиб қолган папиросини қайта тутатиб, яхшилаб тортиб олди-да, стол устига ёзиб қўйилган дарс жадвалига энгашди. Мактабга чет тили ўқитувчисининг келиши муносабати билан яқиндагина дарс жадвали тузатилган эди. Энди бўлса физкультура ўқитувчиси келди. Дарс жадвалини яна тузатиш керак бўлди. Ўқитувчиларнинг энди жам бўлганини эслаб, Нишонов мамнун жилмайиб қўйди.

Эшикни худди бир нарсани пойлагандек секинлик билан очиб, Обидов кириб келди.

— Салом бердик, ўртоқ Нишонов. Саломатликлари яхшими?— деди у бир оз эгилиб.

Унинг лаганбардорлик қилаётганини сезган Нишоновнинг энсаси қотди.

— Салом,— деди у қисқагина қилиб. Кейин стол тортмасидан кўк муқовали дафтарни олиб узатди:

— Ўртоқ Обидов, сизга охирги марта айтишим, бу конспект эмас, план. Ёзилганига ҳам энг ками беш йил бўлгандир. Қаранг, қоғозлари сарғайиб кетипти. Бундан кейин шундай конспект билан келар экансиз, синфга кирмайсиз.

— Конспект тузиш шарт эмас, мен сизнинг гапингизни қайтармайин дедим.

— Тўғри, шарт эмас. Лекин ўқитувчи ўз предметини яхши билсагина шарт эмас.

— Ўзи, мақсадларинг нима? Тирноқ орасидан кир излаб қолдинглар. Очиқроқ айтиб қўя қолинглар!— Обидовнинг ранги оқариб, овози бир оз титради.

— Мақсадимиз сизнинг дарсингизни сифатли бўлиши, холос.— Хотиржам жавоб берди Нишонов.— Дарсингизнинг сифати жуда паст, материални ўзингиз яхши билмайсиз. Қайси куни дарсингизга Султонова билан кириб ўтирдик-а? Эсингиздами, ҳалиги ўқувчи бола боркуи, оти нимайди... Ҳа, Саидмуроднинг саволига жавоб бергунча терлаб кетдингиз. Жавобингиздан бола қаноатланмади, хаспўшлаб ўтиб кетдингиз. Ўзингиз ўйлаб қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ранг, ўқувчилар бундан беш йил аввалги ўқувчилар эмас. Ҳатто бу йилги ўқувчини ўтган йилги ўқувчи билан ҳам тенглаштириб бўлмайди. Сиз бўлсангиз беш-ўн йил аввал эшитиб олган гапларингиз, тузиб олган конспектингиз билан уларга билим бермоқчисиз. Дарсга пухта тайёрланганингизда эди, конспект шу аҳволда бўлмасди. Шу ҳафта ичи очиқ дарс ўтказишни бошлаймиз, жадвал бўйича сизники шанбага тўғри келар экан, тайёрланинг.

— Бу формализмдан бошқа нарса эмас. Ўқитувчи конспектни ўқиб бермайди. Конспектда ёзилса-ю, каллада бўлмаса-чи? Биламан, бу гапларнинг ҳаммасини янги директордан ўргандингиз. Олдинроқ ҳам шу ерда эдингиз-ку!— деди киноя билан Обидов.

— Тўғри, ўртоқ Султоновадан ўргандим, яна кўп нарса ўрганишим керак. Сиз ҳам ўрганишингиз керак. Мен ўқитувчиларнинг қандай дарс беришларига кам эътибор қилиб, катта хато қилган эканман. Синфга кириб чиққанларини ҳисоблаб юраверибман. Ўқитувчиларнинг савияларини ошириш масаласида Султоновани қаттиқ турганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Калламда бор, калламда бор, дейсиз, холос. Каллангизни яна бир оз бойитиб қўйсангиз оғирлик қилмайди.

Эшик очилиб, Қарташев кириб келди. У папкасини стол устига қўйгач, Нишонов билан ҳам, Обидов билан ҳам қўл бериб кўришди. Чаққон ҳаракат билан пальтосини ечиб, илиб қўйди. Бу одам ҳамма вақт хурсанд юрар, юзидан табассум аримасди. Ҳазиллашишни, аскияни яхши кўрар, кишининг кўнглида кечаётган гапларни фаҳмлаб олишга ҳам уста эди. Лекин ёлғон гапни сира кечирмасди. Коллектив ўртасида ёлғон гап юрар экан, уларнинг ичида биронтаси бошқаларни алдашга ҳаракат қилар экан, чинакам дўстлик бўлмайди. Дўстлик бўлмаган жойда ишнинг ривожи ҳам бўлмайди, деяр эди у. Қарташевни тез орада ўқитувчилар яхши кўриб қолишди ва у бўлмаса ўрни йўқланиб турадиган бўлиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қарташев қўлларини бир-бирига ишқалаб, идоранинг у бошидан-бу бошига бир-икки марта юргач, Нишоновнинг ёнига келди.

— Биласизми, коммунистлардан, мана, беш киши бўлдик. Энди колхоз партия ташкилотидан ажралиб, ўзимиз мустақил ташкилот тузсак, яхши бўларди. Яхши бўларди эмас, тузишимиз керак. Ундан кейин ишлар яна бошқача бўлиб кетади.— Қарташев ялтироқ тақир бошини рўмолчаси билан артиб, давом этди:— Янги аъзолар қабул қилиш керак. Партия сафига ўтган одам ўзига бошқачароқ қарайди, талабчанроқ бўлиб қолади. Бунинг ҳаммаси ишга таъсир кўрсатади. Ташкилот дирекцияга катта ёрдам беради. Ҳозир шу қадар ишлар кўпки, Саодатхоннинг қийналаётганини сезиб турибман. Унга ёрдам бериш керак. Мана, Зуҳра масаласини олинг. Мана шунақа воқеаларга қарши қаттиқ кураш очиш керак. Мактабда партия ташкилоти бўлса, мана шундай ишларни ҳал қилиш ҳам осонлашади. Ўқитувчилар мактаб атрофигагина эмас, ташкилот атрофига ҳам жипслашадилар.

— Тўғри, шу ҳақда қайси куни Султонова ҳам гапирган эди,— деди Нишонов,— лекин ундан кейин гаплашишга вақт ҳам бўлмади.

Обидовнинг ялтироқ кўзларига бирданига ғамгинлик чўкди. У гоҳ Нишоновга, гоҳ Қарташевга қараб қўяр, бирон оғиз гап билан уларнинг суҳбатларига аралашишга уринарди:

— Партия ташкилоти ўзимизда тузилса, яхши бўлади. Мана, биз ҳам ўтамиз,— кейин у ясама табассум билан қўшиб қўйди,— оласизларми?

Қарташев унинг бошидан-оёғигача тикилиб қаради.

— Соф виждонли ҳар бир одам, мен партия аъзоси бўла оламан, деб ишонишн мумкин.

Қарташев Обидовдан жавоб кутмай, яна Нишоновга ўгирилди.

— Нодира менга Зуҳрани олмоқчи бўлган кишини

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрсатди,— деди ўйчанлик билан.— Мен уни аллақаерда ҳам кўргандайман. Эслолмаяпман, лекин юзи таниш. У мени кўриши билан бошқа томонга бурилиб кетди. Қаерда кўрган эканман-а?..

Биринчи смена тугай деб қолганда Саодатхон районодан қайтди. Унинг юзи ҳорғин, кўзлари ўйчан, лекин ҳаракатлари аввалгидай дадил ва кескин эди. У сумкасини столга қўйиб, рўмолини ечди.

— Ота-оналарнинг ҳаммасига хабар берилдими?— деб сўради у Нишоновдан.

— Ҳа, берилди,— деди Нишонов Саодатхонга тикилиб. У Саодатхоннинг нимадандир кайфи бузилганлигини сезиб турарди.

Саодатхон ҳали ўтирмасданоқ, яна рўмолини қўлига олди. Идора эшигига етганда орқасига ўгирилди.

— Мен қишлоқ советида бўламан.

У ташқарига чиққанда, дарсдан бўшаб, уйига кетаётган бир тўда қизлар ичида Дилбарни кўрди. Саодатхон уни имлаб чақирди.

— Мен бугун уйга кечроқ бораман. Айтиб қўярсиз.

Дилбар бошини қимирлатиб, яна ўртоқлари олдига кетди.

Мактаб залига кираверишдаги айвонда папкасини қўлтиқлаб, бир текисда савалаётган ёмғирни тамоша қилаётган Баротов, мактабдан чиқиб кетаётиб, папиросини тутатиб олиш учун бир нафас тўхтаган химия ўқитувчиси Искандаровга ғалати бир қараш қилиб, Саодатхонни имлаб кўрсатди.

— Тушунмадим, нима деяпсиз?— Искандаров унга яқин келди.

— Мансабдан фойдаланиш мана бунақа бўлар экан. Шундай ёмғирда битта ўқувчи қизни, кечроқ боришимни айтиб қўйгин, деб уйига юборди-я!

Искандаров қўлида ушлаб турган гугурт чўпини ерга отди-да, Баротовга тикилди.

— Ўз ўқувчингизнинг кимлигини билмайсиз, ўртоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баротов! Ахир, Дилбар Саодатхоннинг қайин синглисику! Бир уйда туради.

Искандаров шундай деди-ю, орқасига ўгирилиб, индамай кетаверди.

Баротовнинг оғзига биров шапалоқ тортиб юборгандай бўлди. У беихтиёр бошини орқага тортди.

Саодатхон қишлоқ советининг идорасига кирганида, қизил духоба ёпилган столга бағрини бериб, нимадир ёзаётган киши бошини кўтарди. У негадир бақрайиб қолди. Кейин ўрнидан туриб жилмайди. Оғзидаги бир жуфт тилла тиши ярқираб кетди.

— Э, келинг, келинг! Нечук кириб қолдингиз, директор опа?— у шошиб-пишиб стул қўйди.

— Менинг фамилиям Султонова,— деди Саодатхон стулга ўтираётиб.— Сиз бу ерда секретарь бўлиб ишлайсизми?

Маҳкамбойнинг кўзлари аланглади:

— Ҳа, котибмиз.

Саодатхон унга шундай тикилдики, Маҳкам беихтиёр кўзини бошқа ёққа олди.

— Раисингиз қаёқда?

Деразадан отда бировнинг ўтгани кўринди. Идорага мўйсафид, чиройли бир киши кириб келди.

— Ана, ўзлари ҳам келиб қолди,— деди Маҳкам енгил тортиб. Тожибой ака қўлидаги қамчинни қатор тизилган стуллардан бирига ташлаб, Саодатхон билан кўришди.

— Келсинлар, келсинлар, қадамларига ҳасанот,— у иккала қўлини Саодатхонга чўзди. Саодатхон унинг муомаласидан жуда ноқулай аҳволга тушиб қолди. Ҳайрон бўлиб, бир секретарга, бир раисга қаради. Унинг кўзларидан, бу қандай гап, бу қандай муомала, деган маънони уқиш мумкин эди.

Тожибой ака костюм устидан кийиб олган, ёмғирдан ҳўл бўлиб кетган чопонини ечиб, илиб қўйди.

— Қани, хизмат?— деди у стулга ўтираётиб, кейин

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маҳкамбойга қаради:— Қоровулга айтинг, битта чой берсин.

— Сиз яна кетиб қолманг,— деди Саодатхон чиқиб кетаётган Маҳкамбойга.

Саодатхондан олдин Тожибай аканинг ўзи гап бошлади:

— Бизнинг қизимизни хафа қилиб қўйибсиз-да, опаси,— деди у ҳам киноя, ҳам ўкиниш оҳангида. Саодатхон тушунолмади. Кўзларини катта очиб, Тожибой акага қаради.

— Уч кун йиғласа бўладими!— Тожибой ака негадир ўрнидан турди-да, яна ўтирди. Стол устида тахлоғлиқ турган газеталарни қайта тахлаб туриб, давом эттирди:— Юпатгунимизча эр-хотин ўлиб бўлдик.

— Мен хафа қилган эканманми? Нима қилиб?

Саодатхон орзиқиб жавоб кутар, Тожибой ака бўлса аниқ жавоб бермай, гапни айлантирар эди.

— Ўқишга юборсам деган эдим. Институтларга кириш анча қийин. Ўтган йили анови омборчи Абдусамаднинг ўғли ҳам имтиҳондан ўтолмай қайтиб келди. Медалга илинганлар ҳар қалай жойлашиб кетади. Шу...— Тожибой ака чайналиб қолди.— Шу... бир амаллаб медалга илинтирсанглар, катта иш қилган бўлардинглар. Мана, энди бир-биримизга кўп ишимиз тушади, яхшилик унутилмайди. Хурсанд қилардим, ахир. Бола бечора уч кун йиғлади-я! Баротов деган ўқитувчи «аъло» баҳо қўйган экан, кейин «ўрта»га тушириб қўйибди. Кейин билсам, сиз аралашиб қолган экансиз... Опанг сени танимагандир, хафа бўлма, деб зўрға юпатдим.

Тожибой ака бошини кўтариб, Саодатхонга қаради-ю, жим бўлиб қолди. Саодатхон бир қўлини столга тираганича киприк қоқмай, унга қараб турарди. Унинг юзида ғазаб, жаҳл, ҳақоратланган одамнинг ҳолати қўшилиб, ғалати, аччиқ бир ифодага айланган, унга бардош бериб қараб туриш оғир эди.

Маҳкамбой секин-секин юриб кириб, стол устига чой-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нак билан пиёла қўйиб, чиқиб кетди. Унинг кирганини ҳеч ким билмади ҳам, бирон нарса гапирмади ҳам.

Маҳкамбой эшик ёнига етганда бир раисга, бир Саодатхонга қараб қўйди-да, ўзини ташқарига олди.

Орага бир лаҳза тушган бу сукунат Тожибой акага шу қадар оғир туюлдики, ё мени уришиб, сўкиб беринг, ё хўп денг, деб бақириб юборишига сал қолди.

— Қизингизнинг ўқишини, одам бўлишини хоҳлайсизми?— Саодатхон ҳолатини бузмай ва кўзларини Тожибой акадан олмай туриб гапирди.

— Азбаройи хоҳлаганимдан шундай деяпман-да!— Тожибой ака ўзини қандай тутишини билмай қолди.

— Хоҳламаяпсиз, ҳа, хоҳламаяпсиз!— деди Саодатхон қатъий қилиб. Тожибой ака каловланиб қолди.

— Қандай... Нега?

Саодатхон ғазабдан асабий ҳолда эди. Ўша имтиҳон беролмай келган болалар учун ҳам бу кишидан алам олишга тайёр эди. Бироқ Саодатхоннинг қаршисида тушуниб туриб жиноят қилаётган одам эмас, билмасдан жиноят қилаётган киши турарди. Чунки бу киши жуда кўп фойдали ишлар ҳам қилар ва шунинг учун колхозчилар уни яхши кўрарди.

Саодатхон шуларнинг ҳаммасини бир-бир хаёлидан ўтказар экан, уни чулғаб олган ғазаб ўрнини секин-аста коммунистик қудрати, тушунчаси эгаллар ва унинг руҳида йўлидан адашган одамга тўғри йўл кўрсатиш, тушунтириш ҳисси ғолиб кела бошлаган эди.

— Хоҳламаяпсиз!— деди Саодатхон яна қатъий қилиб.— Агар қизингизнинг имтиҳондан ўта олишини, тўғри, софдил, меҳнаткаш бир одам бўлиб етишишини истаганингизда эди, бундай демаган бўлардингиз.— Саодатхон ўрнидан туриб, стол четига ўнг қўли билан тираліб олди.— Халқ, давлат болаларни бизга ишониб топширган. Ўқитувчи ҳар битта болага қўйган баҳоси учун халқ олдида жавоб беради. Агар биронта колхоз пахтасини вақтида териб олмасдан, унинг сортини бузса, сиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

нима деяр эдингиз? Агар заводда бирорта ишчи атайин брак маҳсулот чиқарса, уни нима қилиш керак? Суд қилиш керак. Шуни билингки, биз чиқарган брак, ана ўша браклардан кўра ёмонроқ, зараррлироқ бўлади. Бу брак ўзининг чиқинди бўлиб қолгани етмасдан, яна кўп бракларни чиқариши мумкин. Хўш, ана шунақа брак чиқарган — жонли одамни бракка чиқариб қўйган ўқитувчиларни нима қилиш керак? Қани, жавоб беринг, сиздан сўраяпман?

Тожибай ака ўрнидан туриб, қўларини ёзди:

— Энди, мен бунчалик...

— Ўйламагансиз, шундайми? Ўйланг, яхшироқ ўйланг. Бу ёшлар, Тожибой ака, коммунизм қурувчи ёшлар. Уларнинг тарбияси ҳар томонлама мукаммал бўлиши керак. Мен коммунистман, ана шу масъулиятни унутишга ҳаққим йўқ.

— Коммунистликка биз ҳам коммунист-а...— деди Тожибой ака чайналиб.

— Ҳозирги гапларингиз учун сизни партиядан ҳайдаш керак!..

Тожибой ака титраб кетди. Қандай қилиб Саодатхоннинг ёнига келиб қолганини билмай қолди:

— Нима? Мени-я! Ким ҳайдайди? Сизми?

— Коммунистлар,— деди Саодатхон хотиржам туриб.

— Сиз билмайсиз... Менинг қанақа коммунистлигимни сиз билмайсиз. Мен фақат совет даврида рўшнолик кўрган одамман. Мен бутун жони-таним билан партияникиман. Тушундингизми, жони-таним билан!— Тожибой ака ўзининг бақириб юборганини сезиб, бирдан бўшашди:— Мен фақат... мен фақат медали бўлса, ўқишга кириши осон бўлади, дедим.

— Медаль эгаси бўлса-ю, калласида ҳеч гап бўлмаса, уни медалга тавсия этган мактаб коллективининг шаънига нима деган гап бўлади? Мактабни медаль билан тамомлаб, институтга кирсаю ўқиёлмай юрса, ун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан кейин нима деймиз? Дарё кетиб, тош қолар, ўсма кетиб, қош қолар, деган гапни эшитганмисиз? Ўқишни тамомлаб, ишга тушган пайтларида, дипломини пешонасига осиб юрмайди-ку! Калласидаги билим керак бўлади. Сиз бутун пахта билан овора бўлиб қолгансиз,— деди Саодатхон бир оз юмшаб.— Пахтадан бошқа ҳеч нарсани кўрмайсиз. Ҳатто секретарингиз ёш бир ўқувчи қизга уйланяпти, уни мактабидан ажратиб оляпти, ўқишини, ёшлигини жувонмарг қиляпти, сиз бўлсангиз, бунга ҳам жим турибсиз.

Тожибой ака ҳайрон бўлиб стулга ўтириб қолди.

— Ким? Маҳкамбойми?.. Мен... бундан сира хабарим йўқ. Ишонинг, мутлақо хабарим йўқ. Ҳо Маҳкамбой!

Остонада Маҳкам пайдо бўлди.

— Қани, бу ёққа келиб ўтиринг-чи!

Маҳкам энди стулга ўтирган эди, эшикдан Карташев кириб келди. У Саодатхонга ҳам, Тожибой акага ҳам қарамасдан тўғри Маҳкамнинг олдига борди. Маҳкам ирғиб ўрнидан туриб, орқага тисланди. Карташев ғазабдан ёниб турган кўзлари билан унга тикилди. Кейин истеҳзо билан сўради:

— Йигит, Раисани нима қилдингиз? Қани у?..

* * *

Саодатхон билан Карташев мактабга келганларида иккинчи смена ҳам тугаган эди. Идорада Нишонов билан Искандаров ўтирарди.

— Йиғилишдими?— деб сўради Саодатхон кира солиб.

— Бирин-кетин келишяпти. Муродова кутиб оляпти.

— Бошқа ўқитувчилар кетиб қолишдими?— деди Саодатхон ўтираётиб.— Яхши бўлмапти. Улар ўқитувчи, лекин шу билан бирга ота-оналар ҳам-ку! Эшитиш зиён қилмас эди.

Бугун дарсдан кейин мактабда ота-оналар йиғилиши чақирилган эди. Бунда Саодатхон: «Мактабдан ташқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ридаги тарбия ва ота-оналарнинг вазифалари» деган темада лекция ўқиши керак. Саодатхон бунга бир неча кун пухта тайёрланди. Тезисларини сумкасидан олиб, стол устига қўяр экан, яна Нишоновга қараб гапирди:

— Ўқитувчиларни жамоат ишларига тортиш керак, ўртоқ Нишонов. Баъзилари дарсларини берадилар-у, уйга қараб чопадилар. Бошқа вақтларда уларни мактабда кўрмайсиз ҳам. Мана, атрофимизда қанча колхозлар бор. Уларда партия тарихини ўрганиш тўгаракларини йўлга қўйиш керак. Баъзи колхозларда ана шу тўгаракни яхши олиб борадиган раҳбар — ўқитувчи йўқ. Ана шундай колхозларга биз ўқитувчилардан боғлашимиз керак.

— Жуда тўғри,— Искандаров Саодатхоннинг гапини бўлди,— ундан кейин, колхозчиларни, уларнинг болаларини газета-журналларга обуна қилиш устида ҳам биз иш олиб боришимиз керак.

Саодатхон Искандаровнинг гапини маъқуллаб жилмайди ва уларга Зуҳраларнинг уйига боргандаги таассуротини дона-дона қилиб, бирма-бир сўзлаб берди.

— Яна бир қизиқ воқеага дуч келдим,— деди Карташев,— «Ёш ленинчи» колхозининг правлениесида газета-журналлар бир чеккада қаланиб ётипти. Бу нима гап, десам, обуна вақтида колхознинг номини чиқариш учун, колхозчилар ҳисобидан колхоз уларни обуна қилган... Ҳаммасини колхоз адресига ёздираверган. Газета-журнал кела бошлагандан кейин, уларни эгасига топширишни ҳеч ким ўйламаган.

— Мана, ўртоқлар, олдимизда қанақа муҳим ишлар турипти,— деди Саодатхон ўйчанлик билан.

— Айтмоқчи, районога нимага чақиришган экан?— деб сўраб қолди Нишонов.

Саодатхоннинг юзи жиддийлашди, бир кўзи қаттиқроқ қисилди. Кейин ўрнидан турди. Энди унинг юзидаги жиддийлик ўрнини ғалати, киноя ўхшаган табассум эгаллади.

— Менинг устимдан шикоят ёзибдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кимлар?— бу савол уч кишининг оғзидан баравариға чиқди.

— Ўқитувчилардан баъзилари.

Орага бир нафас жимлик тушди.

— Кимлар?— Қарташев қайта сўради.

— Комиссия тузилибди, текширишади. Ўшанда биларсизлар. Воҳидов билан гапиришмоқчи эдим, отпускага чиқиб кетиб қолипти.— Саодатхон стол устидаги тезисларини олар экан, соатига қаради.— Қани, чиқайлик бўлмаса. Йиғилишиб қолишгандир...

...Сочига оқ оралаган ўрта ёшлардаги бир аёл бошига ёпиниб олган катта жигар ранг рўмоли билан бир оз юзини тўсиб туриб гапирди.

— Энди, опа — у бирданига тўхтаб, Саодатхонга андиша билан қаради,— мендан ёш бўлсангиз ҳам ҳурмат қилиб, опа, дедим. Хафа бўлиб юрманг тағин.

— Йўғ-э, бемалол, бемалол,— деди Саодатхон кулиб.

— Келиб хабар олмаяпсизлар, деб биздан жуда тўғри ўпкалаяпсиз. Биз ҳам, албатта, боламиз яхши бўлсин, ўқисин, деймиз. Мана, илмингиз бор экан, ҳаммамизни оғзингизга қаратдингиз. Қанча гапларни тушунтирдингиз. Барака топинг. Энди, гапнинг сирасини айтсам, мен болам мактабга бориб-келяпти-ку, деб юраверибман. Ҳеч ким чақиргани ҳам йўқ. Ҳа, ёлғон бўлмасин, бир марта чақиришиб, баҳоларини ўқиб беришган эди. Лекин сизга ўхшаб юракка тегадиган қилиб чин кўнгилдан гапиришмаган эди. Мен бўлсам, менинг уларга нима кераким бор, мени бошига уришадими, деб ўйлаб, келмас эдим-да. Мана энди сиз шундай катта бошингизни кичик қилиб, уйларимизга боряпсиз, ёрдам бериглар, деб айтяпсиз.— Аёл ўтирганларга бир аланглаб олди.— Бизнинг қўлимиздан сизга ёрдам бериш келса аярмидик, опа!

Саодатхон секин юриб унинг ёнига келди. Меҳрибонлик билан рўмолини қайириб, юзини очиб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Юзингизни яширманг, нега яширасиз?

— Ўрганиб қолганмиз-да,— деди аёл қўллари билан оғзини тўсиб,— одам уялади.

Саодатхон ўтирганларга бир-бир қараб чиқди. Зич қўйилган парталарни тўлатиб ўтирганларнинг ҳаммаси ота-оналар эди. Уларнинг ичида ёши ҳам, кексаси ҳам, ўрта яшари ҳам бор. Баъзи бир семиз ёки новча эркаклар партага сиғмасдан оёқларини чиқариб ўтирибдилар. Баъзи бир аёлларнинг юзида рўмол, улар эркаклардан юзини бутунлай беркитмаса ҳам, ҳар қалай, яширишга ҳаракат қилардилар. Уларнинг жим ва мамнун ўтирганларини кўриб, Саодатхон ўзининг суҳбати уларда яхши таассурот қолдирганини сезди. Орқадаги парталарнинг бирида Тожибой ака ўтирарди. У Саодатхонга зимдан тикилиб турар, лекин унинг кўзи тушса, дарров бошқа томонга қараган бўларди.

Саодатхон бир нафасда буларнинг ҳаммасини кўздан кечирди-да, яна ҳалиги аёлга мурожаат этди.

— Мана мен, булар,— Саодатхон Муродова билан Салимовани кўрсатди,— юзимизни яширмасдан ўтирибмиз-ку! Сизнингча, бизлар ҳам уялишимиз керакми? Йўқ, нега уяламиз. Уяладиган иш қилганимиз йўқ. Уяладиган иш қилган, бошқалардан юзи шувут бўлган одам юзини яширса ярашади. Сиз билан бизнинг юзимиз ёруғ, уяладиган жойимиз йўқ. Эрингиз билан тенг ишлайсиз, ҳамма иш қўлингиздан келади. Ақлингиз, кучингиз бор. Бунинг устига, сиз — онасиз. Сиз уларнинг кўзига дадил боқинг, ўзингизни камситманг. Агар сизни бошқалар камситсалар, улар билан биз гапиришамиз. Сизнинг камситилишингизга йўл қўймаймиз. Аммо сиз ўзингизни ўзингиз камсита кўрманг.

— Паранжи ўлгурдан қутулганмизку-я,— деди ҳалиги аёл хижолатлик билан,— ҳалиям бўлса ўрганиш бўлиб қолар экан.

Саодатхон олдинги қаторда ўтирган Лолахонга қаради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қалай, Тўлқин қийнамаяптими?

— Шунча ҳаракат қилсам ҳам бари бир ўжар-да! Дадаси гапирса, дуруст. Мен гапирсам сира қулоқ солмайди.

Саодатхон бир лаҳза ўйланиб қолди.

— Ҳозир интизоми анча яхши бўлиб қолди. Майли, мен ўзим уйингизга бир бораман.

Орқароқда ўтирган бир аёл томоғини қириб олиб, бўйнини чўзди.

— Сиз ҳам бир нима демоқчимидингиз?— Саодатхон унга қаради.

— Ҳали гапингизда, журналда кир ювишнинг осон йўллари ҳам ёзилади, деб айтдингиз. Шу ростми? Хотин киши учун кир ювишдан қийин иш йўқ, дейман.

Саодатхон аёл гапини тамом қилгунча табассум билан унга қараб турди. Кейин стол ёнига борди-да, ҳаммага қараб туриб жавоб берди.

— Журналга обуна бўлсангиз, уни ҳар ой олиб турасиз. Почтальон уйингизга олиб келиб беради. Журналда қизиқ-қизиқ ҳикоялар, докторларнинг, ўқитувчиларнинг маслаҳатлари босилади. Бундан ташқари, болаларнинг кийимларини тикишни ҳам ўрганишингиз мумкин. Буларнинг қандай тикилиши ҳам журналда ёзилади, андазаси ҳам чизиб кўрсатилади. Баъзи бир ширин таомларни пиширишни, хулласи, ҳамма нарсани ўрганишингиз мумкин.

— Ўрисча овқатларни ҳам ўшанга қараб пиширса бўлар экан,— дераза ёнида деворга суяниб ўтирган чиройлигина бир аёл гапга аралашди,— қайси куни дадаси ўқиб, менга тушунтириб турди. Шу, десангиз, балодай эплаб пиширдим. Лекин оти қурғурни эсимдан чиқардим.

Ўтирганлар енгилгина кулиб қўйишди.

— Бу, негадир эркаклар индамайди,— деди Саодатхон кулиб,— ёки бола тарбиялаш фақат хотинларнинг иши, улар гапираверсин, дейишяптими-а?

Баъзи бировлар кулди. Семизлигидан партага тиқи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ ўтирган бир киши томоқ қириб, мўйловини бураб қўйди.

— Майли, улар билан ўзимиз гаплашиб оламиз,— деди Карташев кулиб.

— Охирги илтимос сизлардан шу,— деди Саодатхон ҳаммага бир-бир қараб,— келиб турингглар, бир-биримизга ёрдам беришиб турайлик... Бу менинг болам, уни қанақа тарбияласам ҳам ўзим биламан, ёмон бўлса ҳам, яхши бўлса ҳам ўзимга, деб ўйлайдиган ота-оналар жуда калта ўйлашади. Болани ота-она ёмон ўстирса, ёмон тарбияласа, у катта бўлгандан кейин фақат ота-онани эмас, яна жуда кўп кишиларни қийнайди. Мана ўзимизда баъзи бир гапга кирмайдиган ўқувчилар бор. Уларнинг шунақа бўлишларига дастлаб ота-оналар сабабчи. Энди, бу болалар фақат ота-оналарнигина эмас, бизни ҳам, ўз ўртоқлари — ўқувчиларни ҳам қийнаяпти. Бундай болалар учун фақат ота-онаси эмас, кўпчилик ташвиш тортяпти. Кўрдингизми, демак, болангиз ёлғиз сизники эмас, халқники экан. Вақтида дарс тайёрлашини назорат қилиб боринг. Ёлғон гапиришга, сизни алдашига йўл қўйманг. Лекин, шуни айтиб қўяйки, бунинг учун оилада ота-она бир-бирини алдамаслиги, ёлғон гапирмаслиги керак. Агар сиз болангизга, сен ёлғон гапирма, деб насиҳат қилиб туриб, унинг кўзи олдида ўзингиз ёлғон гапирсангиз, болангиз ҳам қип-қизил ёлғончи бўлади-қолади. Кейин, ҳалиги айтганим, газета-журналларга ёзилинглар. Ҳамма ёзилсин. Болалар учун чиқадиган газета-журналларга болаларингизни обуна қилинг. Бу газета-журналлар сизнинг ҳамма ишингизга, болаларингизни ҳам яхши тарбиялашингизга катта ёрдам беради.

Ҳалиги томоқ қириб, мўйловини бураб қўйган одам қўлини кўтарди. Саодатхон савол назари билан унга қаради.

— Айтмай десам бўлмаяпти,— деди ҳалиги одам салмоқлаб,— ўғлимни дарс тайёрлагин, деб қистасам, қўяверинг, жуда бўлмаса аттестат сотиб олиб берарсиз. Ана,

Абдусамад аканинг ўғли шунақа қилди-ку, деб айтди. Мен ишонмадим-ку, лекин ҳайрон бўлиб қолдим. Шунақа гап ҳам бўлиши мумкинми?

Саодатхон ялт этиб Тожибой акага қаради. У бошқа кишининг саволига жавоб бераётган бўлса ҳам, Тожибой акага қараб туриб гапирди.

— Ана шунинг учун ҳам Абдусамаднинг ўғли имтиҳон беролмай қайтиб келди. Билимни ҳеч қачон пулга сотиб олиб бўлмайди. Агар шундай бўлганда эди, одамларни ўқитиб ўтиришнинг кераги йўқ эди. Агар шундай аттестат сотувчи одамлар бўлган бўлса, булар энг ярамас, энг аблаҳ одамлар. Улар илмли одамлар эмас. Илмли одам илм олишнинг осон эмаслигини билади. Илмни илмсиз одамларгина сотади. Ҳа, улар ўзида йўқ нарсани бошқаларга сотмоқчи бўладилар. Ана шундай ярамас одамлар билан курашиш фақат бизнинг эмас, сизларнинг ҳам вазифангиз, ўртоқлар. Ундай муттаҳамларга алданманг.— Саодатхон столга энгашди.— Абдусамад омборчининг ўғли-а? «Гулбоғ» колхозидан. Майли, биз буни билмай қўймаймиз,— деди у дафтарчасига нимани-дир ёзиб олар экан.

Пиғилишнинг охирида эски ота-оналар комитети яхши ишламаганлиги учун уларнинг состави янгиланди. Саодатхоннинг таклифи билан бунга Тожибой ака ҳам сайланди.

— Шу иш чакки бўлди-да,— деди у ўнғайсизланиб,— ўзи иш кўп...

— Бу ишингиз, ҳамма ишингиз ичида энг шарафлиси бўлади,— деди Саодатхон кулиб,— фанни, илмни сотмоқчи бўлган одамлар билан ҳам, уни пулга олмоқчи бўлган одамлар билан ҳам сиз билан биз бирга кураш олиб борамиз.

Тожибой ака ерга қаради.

Саодатхон хаёл ва ўйлар чангалида уйга қандай етиб келганини билмай қолди. Комилжон ҳали ишдан келма-

ган эди. Қизлар дарс тайёрлашиб ўтиришар, Бахтиёр ухлаб ётарди.

Саодатхон ичкари уйга ўтиб кетди.

Наҳотки, Салимова, ўқитувчилар ичида меҳнати, жонкуярлиги ва холис фикри билан Саодатхонга ёқиб қолган аёл, бирданига унинг бошига тушаётган туҳматнинг иштирокчиларидан бўлиб чиқса? Саодатхон районога ўзининг устидан тушган шикоятномани эслади: «Ўртоқ Султонова ўз мансабидан фойдаланиб, баъзан дарсга кирмайди. Лекин ўтилмаган соатлар учун ҳам давлатдан ҳақ олади. Бунга ўқитувчилардан коммунист ўртоқ Салимова гувоҳдир... Султонова баъзи ўқитувчилар билан жуда қўпол муомалада бўлмоқда. У ўқитувчиларни «ёмон» ва «яхши»га ажратиб олган... Султонова директорлигидан фойдаланиб, ўқувчиларни ўзининг шахсий юмушларига буюради...» Саодатхоннинг юраги сиқилди. Бундай вақтларда киши кўпинча ёлғиз қолишни, ўзи билан ўзи дардлашишни истайди. Хаёл... қизиқ нарса... у ўзининг тутқич бермас қанотларида баъзан кишини узоқ-узоқларга олиб учади, у бундай пайтларда асирига фақат ҳаётнинг гўзалликларини кўрсатиб, уни энтиктиради. Баъзан эса уни кўтариб уради-ю, бўйнига сиртмоқ солиб, ҳаётнинг энг машаққатли йўллари — ўнқир-чўнқирлар устидан судраб олиб кетади. Кейин эса ўлимтик бўлиб қолган асири устида иблисдек қаҳқаҳа уриб, тантана қуради. Бундай пайтларда хаёлнинг бераҳм чангалидан қутулиш учун инсонга вафодор дўст, ёки ўзидаги ирода ёки бўлмаса меҳнат асқатади. Саодатхон сесканиб кетди. У ҳали ҳам ечинмай ўтирганини кўриб, ўрнидан турди. Лекин ечиниш ўрнига шошилиб портфелини олди. Ундан устига ҳеч нарса ёзилмаган кўк конвертни олиб, секин очди. Унинг кўзлари қоронғилашиб, стулга ўтириб қолди...

Саодатхон районодан келаётиб, тўғри Зуҳраларникига бурилди. Ёмғир аралаш қор ёғиб турган бўлса ҳам, у негадир шошмас, хаёл билан банд эди.

Мактабда партия ташкилоти яқиндагина тузилди. Унга қадар коммунист ўқитувчилар «Қизил Юлдуз» колхозининг партучётида турардилар. Уларнинг сони оз бўлгани ва мактабда таълим-тарбия ишларининг маълум даражада бўшашиб кетганлиги учун коммунистларнинг сонини кўпайтириш ва мактабда мустақил ташкилот тузиш ҳақида ўйланилмаган, ўйлаган одамларнинг ташаббуслари эса қўллаб-қувватланмаган эди. Бу аҳвол эса мактабнинг ҳар томонлама орқада қолиб кетишига, эски директорнинг осонлик билан ўз ошна-оғайниларини ёнига йиғиб олишига, мактабни билим ўчоғидан кўра тирикчилик манбаига айлантиришига асосий сабаблардан бўлган эди.

Ўқитувчиларнинг ёрдам ва ташаббуслари билан мактабда алоҳида партия ташкилоти тузилди ва унга ўқитувчи Искандаров секретарь қилиб сайланди. Искандаров тез орада ўқитувчиларни ташкилот атрофига торта олди ва мактаб ишларида дирекцияга ёрдам бериш ҳақида жиддий ўйлади. Тез кунда бошланғич партия ташкилотининг бюросида ўқитувчилардан Салимова билан Муродова партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Зуҳра масаласини ҳал қилиш ҳам осонлашди. Энди бу масалага ёлғиз Саодатхон эмас, партия ташкилоти, комсомол ташкилоти аралашган эди. Тез орада ташкилотнинг ташаббуси билан ўпинчи синф қизларининг Зуҳрага очиқ хати уюштирилди. Бу хатни район газетаси босиб чиқарди. Зуҳранинг тўйи тўхтатилди. Бироқ, негадир Зуҳра ҳали мактабга келгани йўқ.

Саодатхон буларнинг ҳаммасини бир-бир ўйлар экан, ўз устидан районога тушган шикоятномани ва бу ишга нечундир Аҳмедовнинг аралашиб юрганига боши қотар, бу масалани тезроқ ҳал қилиш ўрнига, негадир уни орқага судраётганларини тушунолмай, таажжубланар эди. Саодатхоннинг кўнглида Аҳмедовнинг баъзи хатти-ҳаракатлари шубҳа уйғотганди. Бугун ҳам шундай бўлди. Аҳмедов Саодатхоннинг районо мудири Воҳидов билан

учрашмоқчи бўлганини билгач, сал ўзгариб қолди. Кейин Саодатхонга қараб зўраки бир табассум билан: «Воҳидов билан учрашишнинг, менимча, кераги йўқ, сиз кета беринг, мактабга комиссия боради. Текшириб кўрамиз, албатта. Бари бир Воҳидов ҳам то текшириш тугамагунча ҳеч нарса дея олмайди. Ундан кейин, Воҳидов отпускадан кечагина қайтди. ҳали бу ишлар билан танишганича йўқ. Балки бугун келмаса керак, мактабларни айланиб келмоқчи эди...» деб айтди.

Саодатхон ўзининг ҳақлигига қанча ишонса ҳам, баъзан бу бўҳтон қалбини қаттиқ эзар, тез-тез хаёл суриб кетганини ўзи сезмай қоларди. У бундай пайтларда бу аҳволни ишига ва руҳига таъсир қилиб қолишини ўйлаб, ўзини меҳнат қучоғига отар эди.

Саодатхонни яна Рихси холанинг ўзи кутиб олди. У тандирдан нон узар, ўтнинг тафтидан кўзлари ёшланиб, юзи қизариб кетган эди. У Саодатхонни уйга бошлаб кириб, танча ёнига янги кўрпача ёзди-да, ўтиришга таклиф қилиб, шошганича чиқиб кетди. Орадан бир лаҳза ўтгач, саватда иссиқ нон кўтариб кирди.

— Зуҳра қани?— деб сўради Саодатхон.

— Шу ерда, қўшниникига чиқди шекилли.

Рихси хола аввалги галгидай индамай юриб, дастурхон ёзди, чой дамлаб келди.

— Соғлигингиз яхшими, холажон?

— Худога шукур.

— Хафамасмисиз?

— Энди худонинг буйруғи шу бўлгандан кейин, бандаси нима қила олар эди?

— Холажон,— деди Саодатхон мулойимлик билан,— сизни неча ёшингизда эрга беришган?

— Ўн учимда.

— Сиз шунга хурсандмисиз? Ўн уч яшар қиз эрни, оилани эплашга қийналмаганмидингиз? Ҳозир танингизнинг сиҳат эмаслигини кўриб турибман. Бу, балки, ўша йилларнинг оқибатидир.

Рихси хола бошини эгиб, индамай қолди.

— Зуҳра ёлғиз қизингиз экан. Унинг бахтли бўлишини ҳаммадан аввал сиз истайсиз, унинг кўз ёши тўкилса, сизники тўкилади, у хафа бўлса, сиз эзиласиз. Биз, холажон, ана шунинг олдини олиб қолдик. Мана, ўз ҳаётингиздан қиёс қилиб кўринг. Ўн уч яшар қизни, ҳали ўртоқлари билан қўғирчоқ ўйнаб, тупроқ чангитиб юрган ёш болани — сизни эрга беришипти. Ўша вақтлар сизга осон бўлганмиди? Йиғламаганмидингиз?

— Э, у вақтлар,— деди хўрсиниб Рихси хола,— бошқа эди. Қийин эди, ухлаб уйқуга тўймайдиган вақтимда тонг қоронғисида туриб, юмуш қилардим. Қайин онам, қайин сингилларим бор эди. Ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ дейишарди.

— Ана кўрдингизми, ўзингиз у вақтлар бошқа эди, деб айтяпсиз-ку, ҳозирги вақтнинг, замоннинг қадрига етмаяпсиз. Қизингиз сиз сингари йиғлаб, ҳар кимнинг даккисини еб юрмасин, ўқисин, кулсин, хоҳлаганига турмушга чиқсин, бахтли бўлсин. Сиз кўрган дарду аламларни у кўрмасин.

— Эсласам гоҳ кулгим келади, гоҳ хафа бўламан,— деди Рихси хола бир оз очилиб.— Абдували акангиздан қўрқардим. Қаёққа беркинишимни билмай турардим. Бир куни, нима қилибман, денг, чойшабнинг орқасига ўтиб, токчага чиқиб ўтириб олдим. Абдували акангиз келди, мени кўп қидиришди. Қайин онамнинг жаҳли чиқиб, қарғади. Ҳаммасини эшитиб ўтирибман-у, тушгани қўрқаман. Бир вақтда қарасангиз, ўша ўтирганимча ухлаб қолибман.— Рихси хола ҳаккам-дуккам сариқ тишларини кўрсатиб кулди. — Кейин шолча устига ағанаб тушибман. Абдували акангиз қўрқиб, ўтакаси ёрилибди. Яна йиқилиб тушиб ҳам бемалол ухлаб ётган эмишман. Ҳануз-ҳануз гапиришиб кулишамиз. Ахир, бола бўлмасам, шундоқ қилармидим.

Саодатхон кулмади. Унинг кўз олдидан рўпарасида ўтирган мана шу касалманд хотиннинг заҳарланган энг

ширин даври, болалиги ўтар эди. Бу хотин, гарчи азоб тортган бўлса ҳам, ўз аҳволини чуқур тушуна олмайди, ўша воқеаларга чуқур баҳо беролмайди. Шунинг учун ҳам у ҳозир энг қайғули воқеани эслаб ўтирганига қарамасдан, куляпти.

— Кўрдингизми,— деди Саодатхон ўйчанлик билан,— сиз бўлсангиз, ўзингиз кўрган шундай оғир кунларни қизингизга ҳам раво кўриб ўтирибсиз. Яна сиз Маҳкамнинг хотини борлигини ҳам билмайсиз.

Рихси хола сесканиб тушди.

— Кимни? Маҳкамбойни-я?

— Ҳа, Маҳкамни. У бундан ўн йил аввал ўқитувчи экан. Бизнинг янги ўқитувчиларимиздан биттаси ўша вақтда бошқа бир қишлоқда Маҳкам билан бир мактабда ишлаган экан. У ўша вақтда биринчи синфларга дарс бераркан. Маҳкамнинг Раиса деган хотини бор экан. У хотинини жуда кўп ураркан. Хотини бечора бўлса, буни ҳеч кимга айтмай, сир сақларкан. Йиқилиб тушдим, кечаси эшикка юзимни уриб олдим, деб баҳона қиларкан. Охири, алам жуда ўтиб кетгандан кейин, бўлмапти, арз қилипти. Ана ўшанда Маҳкам мактабдан — ўқитувчиликдан ҳайдалган экан. Бизга келган янги ўқитувчи уни таниб қолди.

— Худога шукур,— деди Рихси хола ёқасини ушлаб,— болагинам кундош балосига йўлиқаркан-а! Ўша ўқитувчининг пойқадамидан ўргилай.

Шу пайт Зуҳра кириб келди. У Саодатхонни кўриши билан унга отилди. У бир оз озиб қолган, катта кўзлари ичига ботган эди.

— Яхшимисан, қизим? Нега мактабга бормаяпсан?

— Уяламан. Масхаралашади.

— Ким?

— Болалар, баъзи қизлар.

— Ўртоқларингни билмас экансан, улар сени соғинишган, ҳар куни кутишади. Нодира ўтган куни келса, йўқ экансан.

Зуҳра узун киприкларини секин кўтариб, Саодатхонга қаради.

— Ўртоқларинг сени жудаям яхши кўришар экан. Зуҳра-Зуҳра, деб оғизларидан қўйишмайди. Мени ўшалар юборишди.

— Ростданми?— деди Зуҳра Саодатхонга тикилиб.

— Мен сенга ёлғон гапираманми?

Зуҳра нима қилишини билмай қолди. У ҳозир мактабга жўнамоқчидай сакраб ўрнидан турди. Кейин Саодатхонга ўзини ташлаб, маҳкам қучоқлаб олди...

* * *

Комилжон дераза ёнида туриб ташқарида лопиллаб ёғаётган қорни тамоша қиларди.

Саодатхон машина ёнида ўтириб, қизининг янги кўйлагига гул тикар, ҳар замон-ҳар замонда ер остидан эрига қараб қўярди. Унга ҳаётдаги энг яқин киши Комилжон. У билан Саодатхон неча йил бирга яшади, шодликни ҳам, қайғуни ҳам бирга тортди. Ундан кўп меҳрибончиликлар кўрди, кўп яхши гаплар эшитди. Бироқ ўзи ҳам шу кишига қалбининг энг нозик ҳисларини бағишлади, унинг бир лаҳза хурсанд бўлиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди, унинг кўзларида кезган бир нафасги ташвиш Саодатхоннинг юрагига тикан бўлиб санчилар ва бу тиканнинг азобини тортиш Саодатхонга ғалати бир лаззат, ғалати бир ғурур бағишларди. У оилавий муносабатлардаги бурчни тушунар ва одамликнинг бошланиши деб қарар эди. Ўзи билан бирга ўлгунча дўст, ҳамроҳ, лозим бўлса, жафокаш бўлишга тайёр хотинни билмаган эр ҳеч кимнинг, умуман, одамнинг қадрига етмайди. Унинг қалби бундай улуғ инсоний муҳаббатдан ожиз бўлади. У чинакам томир ёза олмаган, илдизи бўш, қуруқ дарахтга ўхшаб қолади ва у одамликнинг энг олижаноб, энг юксак, энг ширин ҳисларидан маҳрум бўлади. Наҳотки, Комилжон шундайлардан бўлса? Саодатхон сесканиб

кетди. Йўқ! Йўқ, мумкин эмас! Унга туҳмат қилишяпти. Саодатхон қайси кунги имзосиз хатни эслади: «...Маҳбубахоннинг эрини касалга чиқаришиб, курортга юборишди. Уни халақит бермасин, деб Комилжон шундай қилди...» Маҳбубахоннинг эри чиндан ҳам курортга кетган эди. Саодатхоннинг игна ушлаган қўллари беихтиёр тизза устига тушди. У ёнига Комилжоннинг келганини ҳам билмай қолди.

— Мунча хаёл суриб қолдинг?— Комилжон хотинининг бошини силади.— Иш кўпми? Оғирлик қиляптими?

Саодатхон унинг кўзларига секин қаради. Аввалгидай меҳрибон кўзлар... Қўллари-чи? Қўллари ҳам аввалгидай меҳрибонлик билан авайлаб унинг сочларини силарди. Йўқ, гуноҳкор одамнинг кўз қарашн бунақа бўлмайди...

— Ўзим, шундай,— деди Саодатхон сездирмасликка ҳаракат қилиб,— иш кўпликка кўп, лекин чарчамоқчи эмасман. Ҳалитдан чарчасам... Йўқ, ҳали иш кўп.

— Иш кўп,— такрорлади Комилжон ўйчанлик билан,— айтмоқчи, бу Янги йилни қандай ўтказамиз? Ўқитувчиларни бизникига чақира қол.

— Мен ҳам шундай ўйлаган эдим. Бироқ Обидов деган ўқитувчимиз сира кўнмаяпти, бизникига борасизлар, деб туриб олди,— Саодатхон Комилжонга эмас, дераза томонга қараганича секин давом этди.— Ўзи яхши одам эмас. Биласизми, бу одам ҳатто аттестатни ҳам пуллаган одам. Унинг устида кўп гаплар бор,— Саодатхон энди Комилжонга қаради.— Ҳозир у тулкилик қилмоқчи... Майли, бориб кўрайлик-чи...

Эшикдан Дилбарнинг боши кўринди.

— Келин ойи, битта масалани сира ечолмаяпман.

— Ҳозир чиқаман,— Саодатхон дарров ўрнидан турди.

— Саодат,— Комилжон эшик ёнига етган хотинини тўхтатди,— қизларга айт, тайёрланишсин. Бугун бизнинг колхозда кино қўйилади, ҳаммамиз чиқайлик.

Саодатхон бош иргаб, чиқиб кетди.

* * *

Янги йил кечаси соат ўн бирда меҳмонларнинг деярли ҳаммаси йиғилиб бўлганди. Негадир, Саодатхон билан Комилжондан дарак йўқ эди. Бу эса елиб-югуриб хизмат қилиб юрган Обидовнинг кўнглига ғулғула солди. Келмаса-я! Ўзи ҳам жуда қийинчилик билан кўнганди. Бу хотиннинг ақли ҳамма нарсага етади. Менинг бу зиёфатни бекорга қилмаётганимни сезган бўлса керак. Янги йил — фақат баҳона, холос... Ҳаммадан ҳам ўша келсин эди. Салгина илинтириб олсам эди... Еган оғиз уялар, деган гап бор-ку... деган ўйлар унинг кўнглидан кечарди.

Атрофида меҳмонлар ўтирган катта столнинг устида озгина ҳам бўш жой қолмаган. Олма-анор, турли-туман ширинликлар, ёғи бетига тепчиб турган сомса, патир, қатламалар...

Бу зиёфатга Рузвон беш кундан бери тайёргарлик кўради. У ўз уйида бериладиган зиёфатнинг бекорга кетмаслигини тушуниб қолган эди. Шунинг учун ҳам эридан ортиқча суриштириб ўтирмас, унинг хатти-ҳаракатига қараб, меҳмонларни қандай дастурхон билан кутиб олиш кераклигини билиб оларди.

Обидов кимникидандир катта стол олдириб келди. Рузвон қўни-қўшнилардан стул йиғиб чиқди. Ичимликларнинг қайси хилидан сўрасангиз — тайёр. Хулласи, ҳамма нарса муҳайё, фақат Саодатхондан дарак йўқ.

Меҳмонлар ўзаро суҳбатлашиб ўтиришиб, соат ўн икки бўлишини кутардилар. Улар ўртасида аския кетар, баъзида гуриллаб кулги кўтариларди.

Тўрда Искандаров билан Қарташев хотинлари билан ўтирардилар. Улардан пастроқда, Баротовнинг хотини ёнида Маҳбубахон ўтирарди. Уни Обидовнинг топшириғи билан Рузвон бу ерга олиб келган эди.

Маҳбубахон Янги йилда ҳеч қаерга бормоқчи эмасди. Эрига ёзган хатида ҳам: «Сизсиз ҳеч қаерга бормайман. Янги йилни уйда, ойим билан кутамиз» деб ёзган эди.

Бироқ Рузвон сира кўнмади. Ҳамма уйда ўйин-кулги бўлаётса-ю, битта ўзингиз ўтирасизми? Эрингиз бўлса ахир соғайиб қайтар, унақа ёмон ният қилманг, деб туриб олди. Маҳбубахон бу хотиннинг бирданига бунчалик яқин ва меҳрибон бўлиб қолганига ҳайрон бўлар, лекин бекордан-бекор унинг кўнглини ранжитишга ботинолмас эди.

Обидов Искандаровга дутор келтириб берди.

— Базмга жон киргизиб туринг,— деди у илжайиб.

Ҳамма Искандаровга қаради. У чекиб ўтирган папиросини кулдонга босиб ўчирди-да, бошини бир томонга қийшайтириб ўтириб, дуторни созлай бошлади. Орадан бир лаҳза ўтгач, «Танавор» янгради. Диллар майин оққан куйнинг сеҳрли тўлқинига ғарқ бўлиб, бошлар беихтиёр тебранди.

Даҳлизда, эшик олдида тикка турганича меҳмонларни кузатиб турган Обидовнинг ёнига тоғорада тўғралган гўшт кўтарган Рузвон келди. У бир кўзи билан уйга мўралаб, тирсаги билан секин эрини туртди:

— Ҳай, ҳу бурчакда лампа шишага ўхшаб ўтирган хотин ким?

— Нишоновнинг хотини.

— Вой, шўрлик, жуда камбағал эканми? Битта соатдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ,— у яна эрини туртди.— Анов хотиннинг бошини қаранг, қовунга ўхшайди. Қовунбош экан. Тавба!

Обидов индамади. Унинг хаёли ҳозир бошқа нарса билан банд эди. У Саодатхонга одам юборди. Шундай бўлса ҳам кўнгли ташвишда эди. Келмай қолса-я! Ҳаммаси бекор кетади. Ахир, бу зиёфатда Саодатхон учун қанча тузоқ қўйилган...

Саодатхоннинг зўри билан столларга ёпиш учун олинган ўттиз метр мовутни тўлашга мажбур бўлгандан кейин, Обидов ўзини қўярга жой тополмай қолди. Бугунги зиёфат ўқитувчилар билан орани мустаҳкамлаш, Саодатхоннинг тилини боғлаш учун қилинган. Маҳбубанинг чи-

ройли кўзларини Саодатхонга кўрсатиб, унинг кўнглидаги рашкни оловлантиришга мўлжалланган эди.

Бундан ташқари, районога ёзиб юборилган шикоят, умид таянчи бўлган Аҳмедовнинг далда ва ваъдаси тез кунда натижасини кўрсатиб қолишига ишонар, неча йиллардан бери ишлаб келаётган қадрдон мактабида яна аввалгидек хоҳлаганича давр суриб, хоҳлаганича қадам ташлаб юришини кўз олдига келтириб, жилмаяр эди.

Саодатхон билан Комилжоннинг кириб келиши Обидовни эсанкиратиб қўйди.

— Э-э, шунақа ҳам бўладими одам? Кўзимиз тўрт бўлиб кетди-ку! Сизлар келмасанглар ҳеч кимга татимас эди.

Қаердандир Рузвон пайдо бўлди. У Саодатхонга қараб қучоғини очиб келарди.

— Келсинлар, келсинлар, бизникига ҳам келадиган кунлари бор экан-а? Эсон-омонмисиз, соғлигингиз яхшими? Мақтовингизни эшитавериб, ғойибона яхши кўриб қолдим. Обидов акангиз ҳар куни, ана директору мана директор, одам шунақа бўлсайкин, деб мақтагани мақтаган.

Саодатхон қотиб қолди. Бу ўша хотин-ку! Ҳа, ўша ғилай хотин!

Рузвоннинг қўллари Саодатхоннинг елка ва орқаларини силар, Саодатхон бўлса, ҳеч нарса кўрмагандек унга жилмайиб қараган бу ғилай кўзларга тикилганича қотиб турарди...

* * *

Авжи қиш вақти бўлса ҳам, ерда сира қор йўқ, ҳаво худди баҳордай юмшоқ эди. Мактаб олдида болалар кўп, улар тўда-тўда бўлишиб, алланарсалар ҳақида суҳбатлашишарди. Айвон устунига суяниб олган Нодирани эса бир тўда болалар қуршаб олган эдилар. У ниманидир

ҳикоя қилар, суҳбатдошлари уни зўр мароқ билан эшитаётганлари уларнинг юзидан маълум эди. Нодиранинг ёнгинасида Зуҳра турарди. У қўллари билан пальтосининг ёқасини ўйнаб, табассум билан Нодирага тикиларди. Уларнинг олдига саккизинчи синф ўқувчиларидан бири келди:

— Нодира опа, машина келмаяпти-ку, кечга қолмаймизми?

— Ҳозир келиб қолади,— деди Нодира. Уни қуршаб турган болалар ҳалиги югуриб келган болага, гапнинг белига тепдинг дегандай норозилик билан қарадилар.

— Василий Иванович!— Нодира мактабга кириб кетаётган Қарташевнинг ёнига югуриб борди.— Машина тезроқ келармикин?

— Ҳозир келиб қолади, ўйнай туринглар!

— Хўп.

Қатта тош йўлдан кетма-кет келаётган иккита машина сигнал бериб, мактаб томонга бурилди. Болалар бирдан чувиллашиб юборишди. Машина тўхташи билан унинг атрофини болалар қуршади, баъзи бир эпчилроқлари чиқиб олишга ҳам улгуришди.

— Шошилманглар, эҳтиёт бўлинглар,— деди кабинадан чиққан Искандаров, машинага тирмашаётган болаларга қараб.— Ҳай, азаматлар, ана холос... Қизларга ёрдам беринглар-да!

Мактабдан пальтосини елкасига ташлаганича Саодатхон чиқди. У қуёшдан қўли билан кўзини тўсиб, бошини бир томонга сал қийшайтирганича аллақачоноқ машинага жойлашиб олган болаларга кўз югуртириб чиқди. Искандаров катта портфелини икки буклаб қўлтиғига қисганича, Саодатхоннинг ёнига келди.

— Ўзим ҳам бирга бормасам бўлмайди. Болалар кўп. Кейин хавотир олиб ўтирамиз.

— Яхши бўларди,— Саодатхон болалардан кўзини узмай жавоб берди. Афтидан, у ҳам худди шу ҳақда ўйлаётган эди.

— Латифжон келганми?

— Келган,— Саодатхон хурсандлик билан жилмайди,— Латифжонни кўрсангиз, худди тракторчининг ўзгинаси бўлиб олибди.

Шу пайт ичкаридан Латифжон чиқди.

У керзавой этик, пахталик шим, телогрейка кийиб олган, қулоқчини ҳам, қўлидаги катта чарм қўлқопи ҳам унга ғалати бир забардаст одамнинг тусини берган эди. Латифжон танкист эди. У трактор ҳайдашни ҳам биларди. Шунинг учун ҳам юқори синф ўқувчиларини МТСга экскурсияга олиб бориш ҳақида гап бўлганда, бу ишни жон-дили билан ўз устига олди.

— Паҳлавонларга ўхшаб кетибсиз,— деди Искандаров Латифжонга ҳавас билан тикиларкан.— Мен ҳам бирга бораман, бўлмаса ёлғиз қийналиб қоласиз. Болалар кўп.

— Майли, яхши бўлади.

Хиёл ўтмай мактаб олди бўшаб қолди. Олисдан болаларнинг баралла кўтарилган ашуласи Саодатхонга бир эшитилди-ю, дарров жим бўлди. У узоқлашиб кетган машинани яна бир кўрмоқчи бўлгандай бўйнини чўзиб қаради.

— Кетиб бўлишдими? Аттанг, кечикиб қолибман-да!

Саодатхон ялт этиб орқасига қаради. Унинг кўзлари Обидовнинг ялтироқ кўзлари билан учрашди.

— Қайси вақтда жўнаш кераклигини билардингиз,— кескин жавоб берди Саодатхон ва мактабга кириб кетди. Обидов изма-из кирди. Идора эшигини ёпди-да, унинг дастасини қўйиб юбормасдан, орқаси билан тўсди. Саодатхоннинг юраги шувиллаб кетди. Лекин у буни Обидовга сездирмади, унга савол назари билан дадил боқди.

— Хоним,— Обидов ҳолатини бузмасдан илжайди,— мен сизни шу ниятда меҳмонга чақирганим йўқ эди. Бу нима қилганингиз-а?

Саодатхон стул суянчиғига қўлларини тираб ўрни-

дан турди. Обидовни гўё биринчи кўраётгандай унинг бошидан-оёғигача тикилди.

— Мен хоним эмасман, фамилиям Султонова.

Обидов яна илжайди.

— Кечирасиз, хоним.

Саодатхон унга ғазаб билан бир қараб қўйди-ю, ҳеч нарса демади. Унинг бутун авзойидан, сизга гап ҳайф, деган маъно ёғилиб турарди.

— Энди хотинимиз ўқимаган хотин,— сурбетларча илжайиб давом этди Обидов,— унга бир нарса тушунтириш қийин, уни ўзингиз билан тенглаштирманг-да.

— Уят, Обидов, ўқитувчининг шаънига иснод бу!— Саодатхон кўзларини Обидовдан узмай гапирди.— Бир девор қўшнингизни, ўз ўқувчингизни, ёш бир қизни эрга беришяпти-ку, ўқитувчиси индамай турипти. Унинг хотини бўлса, бу жиноятнинг ташаббусчиси!

— Ахир мен билганим йўқ, ишонинг.

— Ёлғон гапирманг,— Саодатхон жеркиб ташлади,— шу ҳақда мактабда неча марта гап бўлган бўлса, ҳаммасини эшитгансиз. Ўқитувчи фақат мактабда эмас, ҳамма жойда, оилада ҳам ўқитувчи бўлиши керак. Сизнинг хотинингиз бўлса...— Саодатхон Обидовдан юзини ўгирди.—Сиз болаларга билим беришни эмас, фақат ўз кунингизни ўтказишни ўйлайсиз.

— Ҳақорат қилманг!— Обидовнинг юзидаги илжайиш йўқолди.

— Бу тўғри гап!— деди қатъий қилиб Саодатхон. Орага бир лаҳза жимлик тушди. Девордаги осма соат бир текисда «чиқ-чиқ»ларди.

Обидов кутилмаганда яна илжайди.

— Саодат опа,— деди у кейин ялингансимон,— ахир бунчалик бўлиш яхши эмас. Одамзоднинг ҳамма вақт бир-бирига иши тушиб туради. Ёмонликка бориб нима қиласиз? Одамга одам асқатади. Мен... яхшиликни биладиган одамман... Яхшилигингиз ерда қолмайди. Ўқитувчилар ичида шунчалик обрўйимни тўкдингиз, индамадим.

— Ёлғон гапириб тўкдимми?

Обидов саволга жавоб бериш ўрнига гапни бошқа томонга бурди:

— Ахир, айбсиз бир парвардигор, дейдилар. Сизнинг ҳам ишингиз тушиб қолар...

— Ишим тушса, тўғриликча тушади,— Саодатхон портфелини қўлига олди. Унинг юзида ҳеч қандай юмшаш аломатини кўрмаган Обидовнинг кўзлари ғазабдан баттар ялтиради:

— Ҳали гап шунақами?!

— Шунақа,— Саодатхон эшик ёнига келди, лекин Обидов унга йўл бермади,— эшикни очинг, сизга айтяпман.

— Мен,— Обидов Саодатхонга шунчалик яқин келиб гапирдики, Саодатхон беихтиёр орқага бир-икки қадам ташлашга мажбур бўлди,— мен шу қишлоқда туғилиб, шу ерда катта бўлганман. Қиндик қоним шу ерга тўкилган. Бу мактабда мен ўқиганман. Сиз-чи? Сиз кеча келиб, бугун қишлоқнинг у четига бир оёғингизни, бу четига бир оёғингизни қўймоқчисиз, эҳтиёт бўлинг! Бу ердаги одамлар сиздан кўра мени яхши билади, жонингизга жавр қиласиз.

— Сизга айтяпман, эшикни очинг!— Саодатхон бу гапни шундай дадил, қатъий бир буйруқ оҳангида айтдики, Обидов беихтиёр эшик дастасини қўйиб юборди. Саодатхон индамай чиқиб кетди. Обидов қўлларини мушт қилиб қисганича, унинг орқасидан қараб қолди...

* * *

Кир юваётган Лолахон Саодатхоннинг кириб келганини кўриб, суюниб кетди:

— Вой, Саодат опа-ей, зап келибсиз-да.

— Сиз бемалол ишингизни қилаверинг. Мен шу ерда, сизнинг ёнингизда ўтираман.

— Вой, иш ўлсин, уй иши тугайдими? Бугун бўлмаса,

эртага ювилар,— Лолахон Саодатхонни ичкари уйга судради. Уй иссиқ, озода эди. Саодатхон пальтосини ечди. Лолахон уни олиб, уйга кираверишдаги вешалкага илиб қўйди.

— Аҳволингиз яхшими?— Саодатхон стулга ўтирар экан, Лолахонга кулиб гапирди.

— Раҳмат, опажон, яхши.

— Тўлқин қани?

— Тоғасиникига кетди.

— Қалай, сизни қийнамаяптими?

— Туппа-тузук дарс тайёрлайдиган бўлиб қолди.— Лолахон плита устидаги чойнакнинг сувини тўлата туриб гапирди.— Салимова аям ҳам жуда кўп келди. Дадаси ҳам ҳар куни дарсини эринмасдан кўради. Ишқилиб, шунчалик бўлиб қолди. Лекин шу иш буюрсам, қилмайди, ўқишим бор, миямни чарчатманг, дейди.

Саодатхон мийиғида кулиб қўйди.

— Ҳа, майли, ўқиса бўпти, деб мен ҳам индамайман.

— Йўқ, Лолахон, бу ишингиз нотўғри. У сиз буюрган ишни қилиши керак. Албатта дарсдан бўш вақтларида.

Даҳлиз эшиги очилиб, кимдир кирди.

— Ҳой, қанисан? Ол қўлимдагини!

— Мана шу ердаман, ҳозир,— Лолахон шошиб чиқиб кетди.

— Билиб қўй, бундан кейин қўлимдаги нарсани югуриб келиб олмасанг, отиб ураман, калишни ювиб қўй!

Лолахон ҳеч нарса демади. Фақат унинг оёқ шарпаси ва эрининг ташвиш ҳамда хижолатлик билан «нима?!» дегани эшитилди, холос. Орага тушган бир лаҳза жимликдан кейин, уйга ўрта бўйли, яғриндор, қаншари пастроқ киши кириб келди. Бу — Тўлқиннинг дадаси Ҳаким ака эди. У Саодатхонни кўриши билан ўзини жуда хурсанд бўлиб кетгандай кўрсатишга тиришди. Кўзларини катта очиб, Саодатхонга кулиб қаради-да, кўришиш учун қўл узатди.

— Келинг, келинг, Саодат опа! Зап иш қилибсиз-да! Қани, қани, ўтираверинг. Марҳамат.

Ҳаким ака стулга ўтирди-да, яна дарров ўрнидан турди.

— Лола, ҳай Лолахон!

Лоланинг овози эшитилди:

— Лаббай!

— Қани, тезроқ чой-пой олиб кел.

— Мен учун овора бўлманглар,— деди Саодатхон,— Лолахон, ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Келинг, ўтиринг.

Ҳаким ака шошиб-пишиб стол устига ҳар хил ширинликлар олиб қўйди. У ҳали буфетни очар, ҳали даҳлизга чиқиб кетар, уйни бир неча марта айланиб, яна нимадир топиб келарди. Лолахон чой дамлаб келди.

— Лолахон, боплаб битта палов ясай қол.

Саодатхон ўрнидан турмоқчи бўлган Лолахоннинг қўлидан ушлаб, қайта ўтқазди.

— Кераги йўқ. Шундай қилсанглар мен кетаман.

— Нима оворагарчилиги бор, ўзимизга ҳам қозон осамиз, ахир.

— Ҳали вақт эрта. Мен кетгандан кейин уринсангиз ҳам бўлади.

— Қиримни йиғиштириб келай бўлмаса.

Лолахон чиқиб кетди.

— Оббо, Тўлқинжоннинг аяси келибди-да,— деди Ҳаким ака чой қуйиб, Саодатхонга узатар экан.— Қалай? Бизнинг ўғлимиз дурустми?

— Тўлқин яхши, қобилиятли бола. Фақат, билишимча, ойисини писанд қилмайди. Унинг гапига кўнмайди.

— Ўғил бола бўлгани учунми,— Ҳаким ака пешонасини тириштириб, конфет қоғозини ўйнаб туриб гапирди,— Тўлқинжон менга яқинроқ, менинг гапимни қайтармайди. Лекин... шу ойисининг гапига кириши қийинроқ. Тўғри.

— Бунга сиз сабабчи экансиз.

— Мен?— Ҳаким ака Саодатхонга қаради.

— Ҳа, сиз,— деди Саодатхон ҳазил аралаш бир оҳангда.— Мен анчадан бери шу ҳақда ўйлар эдим. Мана бугун чигалнинг учини топдим.

Ҳаким ака ҳайрон бўлиб кўзларини пирпиратди.

Саодатхон Лолахон кирмаяптими, дегандай эшикка бир қараб қўйиб, давом этди:

— Тўлқиннинг ойисига қайси хилда муомала қилиши фақат сизга боғлиқ.

— Мен доим яхши бўл дейман. Ойинг гапирганда қулоқ сол дейман.

— Тўғри. Лекин сиз буни оғизда айтасиз, холос. Амалда бошқача иш тутасиз. Биласиз, оилада Тўлқинга ўрнак бўладиган сиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Бола — тақлидчи бўлади, у сизга, ўз отасига тақлид қилишга ҳаракат қилади. У сизни хатти-ҳаракатингиз тўғрими, нотўғрими, буни суриштирмайди. Сизни яхши кўрадими? Яхши кўради. Сизнинг ҳар бир қилган ишингиз унга яхши бўлиб кўринаверади. Шунинг учун бола олдида мумкин қадар тўғри ҳаракат, тўғри муомала қилишга ўрганиш керак. Ойингни ҳурмат қил, дейсиз-ку, лекин Лолахонни ўзингиз ҳурмат қилмас экансиз,— деди юмшоққина кулиб.

— Мен?

— Ҳа, сиз,— деди Саодатхон жиддийлик билан,— ҳозирги келишингизни олайлик. Агар ҳозир Тўлқин уйда бўлса, ойисига, калишимни ювиб қўй, отиб ураман, деб гапиришни ўрганарди, холос.— Саодатхон бир оз юмшаб давом этди:— Шуни яхши билингки, Лолахонга сиз қандай муомала қилсангиз, Тўлқин ҳам шундай муомала қилади. Сиз ҳурмат қилсангиз, Тўлқин ҳам ҳурмат қилади. Сиз бақирсангиз, дўқ қилсангиз, шундай қилиш керак экан, деб Тўлқин ҳам бақиради, дўқ қилади. Лолахонни сиз ҳурмат қилинг-а! У билан сиз ҳамма вақт хушмуомалада бўлинг-а! Тўлқин унинг гапига кирмасдан бўпти. Шундай катта дадаси ҳурмат қилган одамнинг гапини у қайтара олмайди.

— Қизиқ,— деди Ҳаким ака даҳанини қашиб,— буни қаранг-а! Шундаймн? Энди қандай гапиришиш керак экан-а?

Саодатхоннинг гаплари унга анча малол келди. Шундай бўлса ҳам у тағин бошқа бирон гап эшитмаслик учун буни сездирмади.

— Ўзингиз ҳам хўжайинликни ўрнига қўяр экансиз-да,— ҳазиллашди Саодатхон,— хотинингизнинг иш билан бандлигини кўриб турибсиз-ку, қўлингиздаги нарсани ўзингиз столга қўя қолмадингиз-а. Мен сиз бўлсам, яхши гап билан ҳамма ишимни битказардим, калишимни ювиб қўй, демасдан, калишим лой бўлиб кетибди-да, деб қўя қолардим. Ҳа, ундан кейин бу ишни албатта Лолахон қилиши шартми? Тўлқинми, ўзингизми қилсангиз ҳам бўлаверади-ку, тўғрими? Мен сизнинг кимлигингизни яхши биламан,— деди кейин Саодатхон жиддий оҳангда.— Сиз биттаю битта ўғлингизнинг яхши одам бўлишини истайсиз. Фақат бу нарсалар болага гап билан ўргатилади, деб ўйлагансиз. Тўғрими? Ахир, қуш уясида кўрганини қилади, деган гап бор-ку!

Шу пайт Тўлқин кириб келди. У қизариб кетган, ҳансирар эди. Тўлқин Саодатхон билан жилмайиб сўрашди, оиласини чақирди.

— Ҳай, ойи, велосипеднинг багажнигида қопда қовун бор, олиб киринг.

Саодатхон Ҳаким акага маънодор қилиб қараб қўйди. Ҳаким ака дарров ўрнидан турди:

— Менга айта қолмайсанми, ўғлим,— деди у чиқиб кетаётиб.

* * *

Дарслар аллақачон тамом бўлган бўлса ҳам, залда негадир ғовур-ғувур босилмасди. Саодатхон аввал аҳамият бермади. Кейин Баротовнинг қаттиқ-қаттиқ гапир-

гани эшитилди. Саодатхон ўрнидан туриб, залга чиқди. Баротовни бир тўда болалар ўраб олишганди. Уларнинг ичида девор тагида бўйнини қисиб, ерга қараганча турган ўнинчи синф ўқувчиси Одилни кўрди. Унинг юзи қизариб кетган, кўзларидан қаёққа қочиб қутулишини билолмаётганлиги кўриниб турарди. Саодатхон уларнинг ёнига борди. Одил бошини яна ҳам пастроқ эгди.

— Нима гап? Нима бўлди?

— Қаранг бу тирранчани!— Баротов қўли билан Одилни кўрсатди.— Қизларга хат ёзишни ким қўйибди бу тирранчага. Сарвига ўлдим-куйдим, деб хат ёзибди. Буни қаранг!— Баротов Саодатхонга қоғоз узатди. Болаларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Одил юзини деворга ўгирди.

Саодатхон қоғозни олди-ю, лекин уни очмади.

— Қани, ўртоқлар, дарс тамом бўлдими, боринглар, дам олинглар. Ойинглар кутиб қолади,— деди у қатор тизилишиб турган болаларга қараб.

Ўқувчилар истар-истамас бирин-кетин эшик томон йўналдилар. Саодатхон ҳамон юзини деворга ўгириб турган Одилнинг ёнига бориб, хатни унинг қўлига тутқазди.

— Қани, бор, уйингга кет, ўғлим.

Одил ҳеч нарса демасдан эшикка чопди. Саодатхон унинг кетидан кулиб қараб қолди. Эшик тагида ўртоғини кутиб турган баъзи болаларнинг: «Директор уришмадими?», «Мен, энди ҳамма иш пачава, Одилни шарманда қилади, деган эдим» деган овозлари эшитилди.

Баротов Саодатхоннинг юзига жаҳл билан қараб қўйиб, эшикка юрди.

— Ўртоқ Баротов, шошманг, мен сиз билан икки оғиз гапиришмоқчиман.

Баротов тўхтаб, орқасига ўгирилди:

— Болалар мени яхши кўрсин деб, уларни расво қилянсиз, ўртоқ Султонова.

— Сиз ҳозирги хатти-ҳаракатингизни тўғри, деб

ўйлаяпсизми?— деди Саодатхон совуққонлик билан.— Қани, идорага кирайлик.

Идорага киришгач, Баротов қўлидаги китобларини жаҳл билан стол устига ташлади-да, ёнидан папирос олиб, гугурт чақди:

— Болалар ахлоқан бузилиб кетса майлими? Индаш керак эмасми?

— Индаш керак, лекин бу хилда эмас,— деди Саодатхон хотиржамлик билан,— болани ўртоқлари орасида шунчалик хижолат қиласизми? Ахир, Одил ўнинчи синфда ўқийди. Ўн етти-ўн саккиз ёшга кириб қолди. У юрагидаги гапни, ҳисни яшира олмаган. Айтишга уринган, холос. Сиз билан бизнинг вазифамиз болалар билан қизлар ўртасидаги муносабатни тўғри дўстлик изига солиб юбориш, муҳаббат жуда юксак туйғу эканлигини уларга тушунтиришдан иборат. Токи у ўзи хатга ёзаётган ҳисларини ҳурмат қилишга одатлансин. Сиз бўлсангиз уни уришдингиз, шарманда, дединг.

— Э, қўйинг-э, ўзингизча фалсафа яратиб, ўзингизни оқлайверасизми? Ҳозирдан қизларга ўралишса, ўқиш нима бўлади? Биз ўқиши учун жавобгармиз.

— Хулқи учун ҳам, ўртоқ Баротов.

— Ҳа, бўпти-да! Мен хулқингни ёмон қилма, дедим-да!

— Менинг дўқимдан кейин Одил қизларга хат ёзмайди, деб ўйлайсизми? Йўқ, ёзаверади. Фақат сиздан қаттиқ яширади. Сиз ўқувчингизнинг афтини кўрасиз-у, юрагида кечаётган гаплардан бехабар қоласиз. Сиз шундай қилингки, бола сиздан сир яширмасин. Ана унда боланинг ёмон йўлга кириб кетиши қийин бўлади. Чунки сиз унинг бутун хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб турасиз.

— Оббо, энди болалар келиб менга муҳаббат можароларини сўзлаб бериши қолибди-да!

Саодатхон кулди.

— Сўзлаб бермайди. Сўзлаб берса соз иш бўларди. Бундай «сир»лар ҳаётда энг яқин одамга айтилади. Агар

биронта ўқувчим менга келиб, сизнинг таърифингизча, «муҳаббат можароларини» сўзлаб берса, жон деб эшитардим.

Орага бир лаҳза жимлик тушди. Саодатхон биттабитта юриб келиб, стулга ўтирди.

— Нега тушунишни хоҳламайсиз, ўртоқ Баротов?— деди у чуқур хўрсиниб.— Сизнинг муносабатингиз тўғри бўлса, мен сизга ҳеч нарса демасдим, балки сиздан ўрганардим. Ахир сиз ўқитувчисиз!

— Таъна қилавериб ҳам ўлдирдингиз,— деди Баротов минғирлаб, кейин ўчиб қолган папиросини кулдонга босиб, Саодатхонга қаради.— Сизнинг мақсадингизни биламан: ўқитувчиларни ҳам ўз атрофингизга тўплаяпсиз. Энди ўқувчиларни ҳам ўзингизга оғдирмоқчисиз. Улар маънавий бузилса ҳам майли. Фақат сизни яхши кўрса, бас. Ахир, бугунги воқеани кўрга айтсам ҳам менинг ҳақлигимни билади.

— Ўртоқ Баротов,— Саодатхоннинг бир кўзи қаттиқроқ қисилди,— кимга айтсангиз ҳам айтинг, фақат қалби кўр одамга айтманг. Унда менга ўхшаб тушунтиролмай хуноб бўласиз. Кечирасиз, мен сизни узоқ ушлаб қолдим. Хайр. Саломат бўлинг.

Баротов Саодатхоннинг авзойига қаради-ю, гапини ютди. Китобларини йиғиштириб, чиқиб кетди. Бироқ кўчага чиққанда негадир тўхтади. «Шошма... Нима деди ўзи?.. «Менга ўхшаб тушунтиролмай хуноб бўласиз» дедими? Сизнинг қалбингиз кўр, демоқчи-да! Ия, ҳали менинг қалбим кўр бўлдими!»

— Ҳа, ўртоқ Баротов! Ниманинг хаёлини суриб қолдингиз кўчада?

Баротов сесканиб бошини кўтарди. Унинг кўзи шошиб мактабга кириб кетаётган Қарташевга тушди.

Қарташев идорага кирганда Саодатхон бошини қўллари орасига олганича кўзини юмиб ўтирарди. Эшикнинг очилганини билиб, сесканиб кўзини очди.

— Нима бўлди, касалмисиз?

— Йўқ,— деди Саодатхон бир оз ўнғайсизланиб,— ўзим, хаёл суриб қолибман... Василий Иванович, комиссия нега ишни шунча судраяпти-а? Нега кела қолмайди? Ана-мана деб орадан анча вақт ўтиб кетди.

— Хоҳлаганида келсин,— деди стол тортмасидан алланарсани қидираётган Карташев хотиржамлик билан.

— Сиз шундай дейсиз-у, кишининг асаби билан ўйнашиш ҳам шунчалик бўлади-да! Ўчакишгандек Воҳидовнинг отпуска вақтига тўғри келди. Бугун бориб, яна тополмадим.

— Сиз уларга индаманг, комиссия хоҳлаган вақтида келсин, хоҳлаган вақтида юборсинлар. Сиз фикрингизни ҳеч бўлмасдан ишингизни қилаверинг. Биласизми, бу иғвонинг бошида турган одамлар ўзларининг ғалаба қилишларига аниқ ишонмайдилар. Шунинг учун сизнинг фикрингизни бўлиш, руҳан қийнаш йўли билан сизга азоб бермоқчилар. Сиз қанча питирласангиз, улар шунча хурсанд бўлишади.

Саодатхонни яна хаёл олиб кетди. Унинг кўз олдига Баротовнинг башараси келди. Обидовнинг сўзлари қулоғи остида такрорлангандай бўлди. Кейин Комилжон ҳақида ёзилган хат сатрма-сатр кўз олдидан ўтди... Йўқ... йўқ... бу туҳмат... наҳотки... наҳотки бу одамлар шунчалик пасткашликка боришса... Василий Ивановичга айтсами... йўқ... Комилжоннинг ўзига айта қолсами... Хафа қилиб қўйса-чи... Ия, мени ҳалигача билмайсизми, деса қандай одам бўлади...

— Тўғри айтасиз, Василий Иванович,— деди Саодатхон орага тушган узоқ жимликдан кейин. У ўрнидан туриб, дераза ёнига борди-да, олисларга тикилди. Узоқда, қаердадир электр чироғи милтиллади. Қандайдир бир йигитнинг баралла куйлаган ялласини тракторнинг гувиллаши босиб кетди. Дала, қирлар ошиб келаётган майин шабада кабинетга ўт-ўланларнинг ҳидини олиб кирди. Саодатхон деразанинг қия бўлиб қолган иккинчи қанотини ҳам ланг очиб юборди.

— Ҳаёт қандай гўзал, Василий Иванович! Лекин, яшашни билмаган одамлар ҳали кўп.

— Ана ўша одамларга яшашни ўргатиб қўйиш керак,— деди Карташев хушчақчақлик билан.

Бирдан эшик тақиллади-да, аёл кишининг: «мумкинми?» деган овози эшитилди. Қабинетга баланд бўйли, нозиккина, чиройли бир қиз кирди.

— Марҳамат,— деди Саодатхон нотаниш қизга савол назари билан қараб.

— Ўртоқ Султонова керак эди менга.

— Мен бўламан. Хизмат?

— Ундай бўлса, яхши,— деди қиз нозик қошларини чимириб,— мен шаҳардан, редакциядан келган эдим.

— Жуда соз. Марҳамат ўтиринг. Кечирасиз, исмингиз?

— Латофат,— деди қиз диванга ўтирар экан. Кейин хижолатлик билан қўшиб қўйди:— Кечирасиз, шаҳардан яна қайтиб келиш қийин, кеч бўлиб қолганига қарамасдан келавердим.

— Зарари йўқ,— деди Саодатхон кулиб,— ҳозир уйга кетамиз.

Қиз ҳеч нарса демади.

Улар кўчага чиққанларида Карташев билан хайрлашдилар.

Латофат журналистларга хос очиқлик билан эски танишдай Саодатхонни гапга сола бошлади. Саодатхон ҳам бу қизни бугунгина кўрганлигини ўйламас, ҳазиллашар, кулар эди.

Саодатхон уйга кирди-ю, ҳайрон бўлиб Тўхта бувига қаради. Тўхта буви келинига жавоб бериш ўрнига кўришиш учун Латофатга қучоқ очди.

Уйда ғалати бир тантана ҳукм сурарди. Ўртадаги катта стол устида оппоқ дастурхон ёзилган, ҳар хил таомлар, винолар ҳам тайёр эди. Ҳали гул очилмаган бўлса ҳам стол ўртасига гулдаста қўйилганди. Саодатхон бу тувакдаги гуллардан қирқиб ясалганини дарров

билди. Тўхта буви ҳам кундагидек эмас, бугун одатдагидан қувноқроқ кўринар, яшариб кетганга ўхшарди.

— Ойи, нима гап? Меҳмон келмоқчими?

— Мана, меҳмонни ўзингиз бошлаб келибсиз-ку!— кулди Тўхта буви.

Шу пайт ташқаридан отилиб кирган Бахтиёр билан Бўстон Саодатхоннинг олдига ўтиб, салют беришди. Кейин бараварига:

— Ойижон! Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга узоқ йиллар омон бўлинг,— деб табриклашди. Бўстон жим бўлди. Бахтиёр орқада турган Комилжонга кўз қирини ташлаб қўйиб, тутила-тутила давом этди:— Ойижон, мен сизни ҳеч қачон хафа қилмайман. Яхши ўқийман, гапингизга кираман!

Саодатхон кулиб, ўғлини бағрига босди. Бўстон қутичали атир олиб келиб, ойисига тутди. Бахтиёр бир ойисига, бир Бўстонга қараб қўйди-да, югуриб ичкари уйга кириб кетиб, открытка кўтариб чиқди. Бу открыткага атиргулнинг нусхаси солинган бўлиб, орқасига Бахтиёрнинг қўли билан қинғир-қийшиқ хатлар ёзилган эди.

— Раҳмат, раҳмат,— деди Саодатхон қувониб.

Дилбар орқасига алланарсани яшириб, индамайгина турар, афтидан, ўз совғасидан ўзининг кўнгли тўлмагандек эди.

— Дилбар ҳам сизга атаб бир чиройли рўмолча тикди,— деди Тўхта буви қизини имлаб.— Бермайсанми, қизим?

Дилбар уялибгина рўмолчани узатди.

— Арзимас бўлса ҳам,— деб шивирлади у.

— Раҳмат, болаларим, раҳмат. Буни қаранглар, меҳмонни ўтиришга ҳам таклиф қилмабмиз-а! Қани, Латофатхон, ўтиринг.

Саодатхон орқасига ўгирилганда кулиб қараб турган Комилжонни кўрди. Бир лаҳза индамай туриб қолди. Кейин миннатдорчилик билан секингина, раҳмат, деди.

Саодатхоннинг бугун туғилган куни эканлиги ҳатто

ўзининг ҳам эсида йўқ эди. Ҳозирги хурсандчилик, тантананинг ҳаммасини Комилжон уюштирганлигини у билар, эрига нисбатан ўзининг кўнглида кечган гумонлар қандайдир бир нурдан чилпарчин бўлиб кетгандай туюларди.

Эр хотин учун, хотин эр учун бахт бўлган бир оилада шу бахтнинг — туғилган кунини эсдан чиқариш мумкинми ахир? Бу сиртдан арзимас нарса бўлиб кўринса ҳам, лекин унинг заминида катта ҳис ва эътибор ётганини Саодатхон жуда чуқур тушунарди. Бироқ, бу одат бўлиб кетганлигидан эмасмикин?.. Унинг кўнглига яна ғашлик тушди.

Саодатхон Латофатни Комилжон билан таништирди.

— Ойи,— деди Бахтиёр энтикиб,— дадам сизга ғалати совға олиб келди. Ҳаммамизникидан яхши.

— Ҳаммангизники ҳам яхши, ўғлим,— Саодатхоннинг кўнгли ёришиб кетганлиги чеҳрасидан кўриниб турарди. Комилжон кейинги кунларда уни кўпинча серташвиш кўргани учун ҳам, бугунги хурсандчилигини ички бир қувонч билан кузатиб ўтирарди.

Бўстон қоғозга ўралган бир қучоқ нарса кўтариб кириб, стол устига қўйди-да, бир четдан оча бошлади. Булар хрусталдан жуда нафис қилиб ишланган пардоз қутичалари эди. Саодатхон капалак ушлагандек эҳтиётлик билан упа қутичасини қўлига олди. Унинг жимжимадор қиррасида электр нури чақнади.

— Раҳмат, катта раҳмат,— Саодатхон Комилжонга қарамасдан гапирди.

— Қизим,— деди Тўхта буви Латофатга чой узатар экан,— яхши меҳмон ош устида, деганлар. Қани, еб ўтиринг.

Латофат зиёфат устидан чиқиб қолганлиги учун қандайдир ўнғайсизлик сезарди. Бироқ у бу оиладагиларнинг ҳаммаси ҳам самимий, қувноқ ва оқ кўнгил одамлар эканлигига ишонган сайин бу ўнғайсизлик ўртадан кўтарилиб борарди.

Овқатдан кейин Саодатхон Латофатни, дам олинг, деб мулойимлик билан ичкари уйга таклиф қилди.

Латофат Саодатхоннинг хатти-ҳаракати, муомаласидан Аҳмедовнинг «шикояти»га ҳеч қандай асос тополмасди. Латофат Саодатхонда такаббурлик, манманликни эмас, ажойиб соддаликни, камтарин ва дилкашликни кўрди. Унинг назарида бу аёл, кишининг юрагидаги ҳамма гапни — шодликни ҳам, изтиробни ҳам, норозилик ва миннатдорчиликни ҳам, орзу ва интилишни ҳам, ҳаммасини кўра олар эди.

Латофат аслида «Ўртоқлар» қишлоқ советидаги «Комсомол» мактабининг орденли кекса ўқитувчиси Сарви Азизова ҳақида очерк ёзиш орзусида қишлоққа чиққан эди. У районода Аҳмедов билан учрашиб қолди. Аҳмедов мактаб директори Султоновадан ўқитувчиларнинг норозиликлари ҳақида гапириб, бу мағрур, қўпол директорни тартибга солишда матбуотнинг ёрдамини сўради ва фактларни жуда ишонарли қилиб сўзлаб берди. У бу фактларнинг асосли эканлигини районо номидан гапириб, Латофатнинг шахсан мактабга боришининг кераги йўқлигини ҳам айтди. Бироқ Латофат «Ўртоқлар» қишлоқ советида ишини битказиб, тўппа-тўғри Султоновани қидириб келди.

Латофат буларнинг ҳаммасини ўқитувчилардан аниқлаб олмоқни кўнглига тугиб қўйди. У альбом кўриб ўтирар экан, хаёлида Аҳмедов айтган гапларнинг тўғри, нотўғрилигини аниқлаш йўлларини қидирар, қандай ўқитувчилар билан суҳбатлашиш ва суҳбатни қандай бошлаш ҳақида ўйлар эди.

— Коммунист ўқитувчилардан неча кишисизлар?— деб сўради у альбомдан бошини кўтармай.

— Ҳозирча тўрттамиз. Бешинчисини яқинда қабул қиламиз.

— Нега шунча озчилик?— Латофат бошини кўтарди.

Саодатхон чой қуйиб Латофатга узатар экан, табассум билан жавоб берди:

— Бу кўпчилик бўлиб қолганимиз.

— Нега?

Саодатхон мактабда партия ташкилотининг яқиндагина тузилганлиги ҳақида сўзлаб берди. Кейин қўшиб қўйди:

— Эртага мактабга бориб, ишларимиз билан танишинг, ўқитувчилар билан суҳбатлашинг. Менинг гапириб беришим тўғри келмас. Директорман ахир, мақтаб юборишим мумкин,— Саодатхон кулди,— энди сиз ухланг, чарчагандирсиз?

— Сиз ҳали ўтирасизми?

— Озроқ ишламасам бўлмайди, синглим.

— Эртанги дарсга тайёрланасизми?

— Дарсга ҳам тайёрланиш керак. Бошқа ишлар ҳам кўп.

— Яна қанақа ишлар? Ёки бошқа жойда ҳам ишлайсизми?

— Йўқ,— кулди Саодатхон,— диссертациям кечикиб кетяпти.

Латофат яна қизиқиб қолди.

— Қачон ёқлайсиз?

— Шу йил.

— Қандай яхши!— Латофат Саодатхонга ҳавас билан тикилди.

Саодатхон Латофатга ўрин солиб, дазмолланган оппоқ чойшаб ёзди. Жуда чиройли қилиб гул солиб қавилган, чўғдай ёниб турган қизил селон кўрпа олиб, унга ҳам оппоқ гилоф кийгизди-да, ёстиқ ва чойшаб четларига атир сепиб қўйди.

— Марҳамат, бемалол ухлайверинг.

Латофат юмшоқ ўринга ётар экан, гуллар ичида юргандек ҳузур билан нафас олди.

Латофат кўзларини юмди. Лекин Саодатхон унинг кўзларидан кетмас, биттаси сал қисилинқираган кўзлар унга ҳамон қараб тургандай ва унинг нима мақсадда келганини билиб олаётгандай туюларди.

Аҳмедов жуда бошқача таърифлаган эди. Бироқ бу аёл содда, самимий кўринади... «Балки муғамбирлик қилаётгандир...» деган ўйлар Латофатга уйқу бермади. У Саодатхоннинг оёқ шарпасини эшитиб, секин кўзларини юмди.

* * *

Қаёққадир чиқиб кетаётган Нишонов эшик ёнига борганда тўхтаб, орқасига ўгирилди.

— Айтмоқчи, кеча кечқурун районодан Аҳмедов била яна бир киши келиб кетди.

— Нима иш билан?— Саодатхон ёзиб турган ручкасини стол устига қўйди.

— Аввал менга ҳеч нарса дейишмади. Ўқитувчилар хонасида Баротов билан Обидов ўтирган эди. Ўша ёққа чиқишиб, анча вақт йўқ бўлиб кетишди. Кетаётганларида менга: «Комиссия келиб кетди» деб Султоновага айтиб қўйинг, дейишди. Бу келганинглар ҳисоб бўлмаса керак, ахир мактабда ҳеч ким йўқ-ку, иш вақти тугаган десам, бир-бирига қараб қўйишди, холос. Кейин Аҳмедов: «Ўқитувчилардан бор экан, гаплашдик, ҳамма билан гаплашиш шарт эмас»— деди.

— Бошқа ҳеч ким йўқмиди?

— Ўзи кеч бўлиб қолган эди. Мен ҳам кетмоқчи бўлиб тургандим. Нимагадир Баротов билан Обидов ўралашиб юришган эди.

— Қизиқ... Салимова ҳам кетганмиди?

— Ҳа, ундан кейин, ҳали районодан телефон қилишди. Чоршанба куни районо совети бўлар эмиш.

— Раҳмат,— деди Саодатхон паришонлик билан ручкани қўлига ола туриб.

Саодатхон районо советида иши кўрилишини эшитиб, баъзи бир гапларни эсидан чиқариб қўймаслик учун блокнотига қисқа қилиб ёзиб қўйди. Кейин баҳорги ишлар ҳақида ўйлади. У биринчи галда мактаб

боғини обод қилиш, спорт майдончаси, ҳовуз ва тажриба участкаси қуришни ўйларди. Бу ишларни бажариш учун дастлаб болаларнинг ўзларида ташаббус уйғотиш зарур эди.

Саодатхон мактаб комсомол комитетининг секретари Нодира билан бу ҳақда гаплашиб олмоқчи бўлди. У залга чиқди. Ўнинчи синфда чет тили тўгарагининг машғулоти борарди. Қарташев ва болаларнинг овозлари эшитилиб турарди. Саодатхон Нодиранинг овозини ҳам эшитди. Соатига қаради: машғулот тамом бўлиши керак.

Саодатхон қайтиб идорага кирганида, орқасидан залда болаларнинг ғовур-ғувури эшитилди. У яна қайтиб чиқди.

Нодира Саодатхоннинг кетидан Қарташев билан кетма-кет идорага кирди-да, директорга савол назари билан қаради. Саодатхон уни ўтиришга таклиф қилди. Кейин:

— Василий Иванович,— деди у портфелига китоб жойлаш билан овора бўлаётган Қарташевга,— баҳор ҳам келиб қолди. Кўклам ишлари ҳақида ҳам ўйлаш керак.

— Ҳа, албатта. Вақт етди,— деди Қарташев,— мен колхозлар билан гапиришиб қўйганман. Қанча кўчат керак бўлса, марҳамат дейишди.

— Яхши,— деди Саодатхон хурсанд бўлиб,— биз ҳам колхозларга катта ёрдам беришимиз керак.

— Ҳозир колхозлар ўқитувчиларимиздан жуда хурсанд. Машғулотларни яхши олиб боришяпти.

Учалалари дам олиш куни мактаб боғида якшанбалик ўтказиш ҳақида маслаҳатлашишди. Саодатхон соатига қаради. У шошиларди. Ҳафтада бир марта қишлоқ советида колхоз пропагандистларининг машғулоти бўлар, унда Саодатхон дарс берар эди. Бугун унинг машғулот куни.

Саодатхон ўрнидан тураётиб, Нодирага тайинлади:

— Ҳар бир ишда ташаббускорликни ўзларингиз — ўнинчи синф ўқувчилари олинглар. Спорт майдончаси қуриш ишини Рустамга юкла. У спортга жуда ҳавасманд. Нималар кераклиги ва нималар қилишни яхши билади. Хуллас, якшанбаликка қатнашмаган биронта ҳам ўқувчи қолмасин. Ҳа, бош пионервожатий билан маслаҳатлашиб олинглар.

Саодатхон мактаб муюлишига етганда Қарташевни тўхтатди.

— Айтмоқчи, комиссия келиб кетибди,— деди ва комиссиянинг қандай келиб кетганлигини айтиб берди.

Қарташев кўзларини катта очганича бир лаҳза ҳайрон бўлиб турди.

— Хоҳлаганида келсин десам, улар жуда ғалати вақтни хоҳлашибди,— деди у ўйчанлик билан.— Саодат, районо советига ўша шикоят ёзган ўқитувчиларнинг албатта чақирилишини талаб қилинг. Мен Салимованинг шунақалигига ишонмасдим. Қўрдингизми, шундайга ўхшаб қолди. Бунда бир гап бор.

— Ўзимнинг ҳам ўйим шундай,— деди Саодатхон ва хайрлашиш учун Қарташевга қўл чўзди.

* * *

Бир тартибда экилган ўрикзор ва шафтолизор оралаб Саодатхон ва бир тўда ўқувчилар колхоз боғига кириб боришди. Боғ оппоқ ўрик гулларига бурканиб ётарди. Новдаларга гўё оппоқ капалаклар тизилиб олгандек кўринарди. Сал шабада юрса, бу капалаклар боғ билан битта бўлиб учишар, пирпираб келиб оёқлар остига тўшаларди.

Ҳаво очиқ. Ариқ бўйларида ўсган кўм-кўк беғубор майсалар қуёшнинг тиниқ нурида оч яшил рангда товланар, киши кўнглига ором ва ҳузур бағишларди. Ўтўланлар орасидан лолақизғалдоқларнинг олов этаги кўриниб, болаларни ўзига имларди.

Саодатхон болаларнинг ўртасида борарди. У болалар билан суҳбатлашиб, уларнинг баъзан берган саволларига жавоб бериб бораётган бўлса ҳам, кўнгли баҳор нашъаси билан лиммо-лим эди. Ариқлардан жилдираб оқаётган сувлар, ўрик гуллари атрофида ғувиллашаётган асаларилар, хуллас, ҳамма нарса гўзал, ҳамма нарса ҳаёт иштиёқи билан тўла эди. Саодатхон боғни тамоша қилиб, битта-битта қадам ташлаб борар, баъзан йўл устидаги пастроқ новдаларнинг гулини тўкиб юбормаслик учун авайлаб, энгашиб ўтарди.

Дарахтларнинг танасини оқлаб юрган бир чол енги билан пешонасини арта туриб, шийпон томонга қараб қичқирди:

— Ҳой Комилжон! Ўқувчи болалар келишди.— Саодатхон унга салом бериб, тўхтади.

— Оббо, боғбончилик илмини ҳам ўрганмоқчимисизлар-а?— деди чол қувноқ, тийрак кўзларини болаларга югуртириб.

Икки томонга атиргул ўтқазилган хиёбондан Комилжон келарди. У оппоқ халат кийиб олган, қўлида ўралган каноп билан қандайдир оқ дока бор эди. У болалар билан саломлашиб, Саодатхоннинг ёнига келиб тўхтади.

— Ўзингиз бошлаб келдингизми?

— Ҳа, бугун экскурсовод мен бўлдим,— деди Саодатхон кулиб, кейин атрофга кўз ташлаб, қўшиб қўйди:— Бирам яхшики... гулларни қаранг.

Жавоб бериш ўрнига Комилжон ҳам гулларга қаради. Унинг юзига табассум югурди.

— Қани, юринглар бўлмаса,— деди, кейин у болаларга қараб:— Сизларга пайвандчиларнинг ишини кўрсатаман. Ботаникани ўқигансизлар-а?

Болалар баравар жавоб беришди:

— Ҳа, ўқиганмиз.

— Жуда соз,— деди Комилжон ўзига-ўзи гапиргандай.— Ҳозир ўша ўқиган нарсаларингни эслайсизлар. Эсинглардан чиққан бўлса, мана, аянглар бор.

Улар Комилжон келган хиёбондан анча юришгандан кейин, ўнгга бурилдилар. Бу йўлнинг икки четига атиргул эмас, бир текисда мирзатерак ўтқазилган, теракларнинг орқасидаги кўчатлар янги ва ёш эди.

— Кўрдингларми,— деди Комилжон тўхтаб,— бу ер олмазор эди. Қуриб қолди. Ҳозир қайта тиклаяпмиз. Бу олмалар ҳосилга киргунча беш-олти йил ўтиши керак. Шунинг учун биз орасини зичроқ қилдик-да, битта шафтоли, битта олма қилиб ўтқаздик. Шафтоли ҳам тез мевага киради, ҳам тез қарийди. Олма ҳосил бера бошлагандан кейин шафтолиларни кесиб ташласа бўлаверади.

Олисдан хотин кишининг овози эшитилди:

— Ҳой бола, директорингни чақирворсанг-чи! Ҳой шошманглар!

Ҳамма бирданига орқасига қаради.

Саодатхон ҳаллослаб келаётган Рихси холани кўрди. Унинг лозимининг бир почаси осилиб қолган, қўлини гоҳ баланд кўтариб, гоҳ ёнига уриб, нималардир деб жавраб келарди.

Саодатхон унинг қаршисига юрди.

— Нима гап, холажон? Тинчликми ўзи?

— Бу нима қилганингиз? Ундоқ бўлади, бундоқ бўлади, деб мени алдаб, охир чоғда қизим тракторчи бўладими?

— Ўзингизни босинг, аниқроқ айтинг, нима гап ўзи?

Рихси хола нафасини ростлаш учун ариқ бўйига чўнқайди. Саодатхон Комилжонга қаради-да, деди:

— Сизлар бораверинглар. Мен кетинглардан етиб оламан.

Саодатхон Рихси холанинг ёнига ўтирди.

— Худди бир соатдан бери қидираман-а!— Рихси хола қўли билан елпиниб, Саодатхондан юзини ўгирди.

— Отасининг гапига кирмаса, онасининг гапига кирмаса-ю, директорнинг гапига кирса-я,— деди, кейин зарда билан:— Айтгани айтган, дегани деган. Ота-она

сўзи бир пул. Нима бало, сеҳрлаб олганмисиз? Энди қора мойга беланиб, трактор ҳайдаши бор эканми?

— Холажон, ахир нима гап ўзи? Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ!

— Ахир ҳу тракторчилар турадиган жойга қизимни олиб бордингизми? Олиб бордингиз-а? Эски тракторни мактабга олиб келиб қўйиб, болаларга тушунтириб ётибсиз. Мана оқибат нима бўлди? Зуҳра мактабдан бўшади дегунча далага чопади. Тракторчи Хайрининг кетидан челагини кўтариб, қора мойга беланиб юргани-юрган. Тракторчи бўлар эмиш.

Саодатхон Рихси холанинг елкасига қўлини ташлаб, юмшоққина кулди.

— Тағин куласиз-а?— деди Рихси хола хафа бўлиб. Лекин бу гал унинг овозидан ғазаб эмас, ўпкалаш оҳанги бор эди.

— Тракторчининг нимаси ёмон, холажон?

— Нимаси ёмон эмиш? Эртадан кечгача қора мойга беланиб юриш яхшими? Ўқийдиган бўлса, дурустроқ ўқисин-да! Доктор бўлсин... Ҳа, мана сизга ўхшаган бўлсин. Трактор ҳайдаш учун илмнинг нима кераги бор?

Саодатхон яна кулди.

— Тавба,— деди Рихси хола чуқур хўрсиниб,— нега куласиз? Ё гапим нотўғрими?

— Ҳа, нотўғри,— деди Саодатхон Рихси холанинг елкасидан қўлини олмасдан.— Трактор ҳайдаш учун ҳам илм керак.

— Керак бўлганда ҳам унақа катта илм керак эмас.

— Керак,— деди Саодатхон қатъий қилиб.— Масалан, сизга трактор ҳайдашни ўргатишса, ўргана оласизми? Йўқ, қийналасиз. Чунки саводингиз йўқ. Ахир шунча катта машинанинг ўзига яраша частлари — қисмлари бор. Ҳар биттасининг номи бор. Уларнинг номлари ва вазифаларини билиш учун ўқиш керак, илм керак. Йилдан-йилга янги-янги машиналар чиқяпти. Илмсиз одам уларни ҳеч қачон бошқаролмайди.

Рихси хола жаҳлдан тушган бўлса ҳам, лекин унинг хаёлчан, сўник кўзлари Саодатхонга ҳамон норозилик билан боқарди.

— Колхозчи бўлмасин деган эдим-да,— деди у кейин бўшашиб,— далада офтобда қорайиб...

— Холажон,— Саодатхон портфелидан қоғоз олиб ерга ёзди, яхшилаб ўтириб олди,— қишлоққа келганимга ҳали бир йил бўлгани йўқ. Лекин мен далани, колхоз ҳаётини шу қадар севиб қолдимки, сизга буни қандай тушунтиришимни ҳам билмайман. Колхозга бир чиқиб қаранг, буғдойзоргами, пахтазоргами, полизгами — хоҳлаган жойингизга боринг-да, унинг бир четида туриб, бир зум тамоша қилинг. Агар хоҳласангиз, мен ўзим сизга кўрсатаман. Бирга тамоша қиламиз. Мана, менинг қизимни кўринг. У шаҳарда туғилиб, шаҳарда ўсган. Лекин ҳозир қишлоқдан кетмайман дейди. Агроном бўламан, колхозда ишлайман дейди.

Рихси хола ишонқирамагандай Саодатхонга ғалати бир қараб қўйди.

— Мен жуда хурсанд бўлдим. Менинг ҳам энди қишлоқдан кетиш ниятим йўқ.

Рихси хола Саодатхонга яна бир қараб қўйди.

— Ер — кон, холажон. Ундан ҳали етарлича ҳосил оляпмиз, деб айтолмаймиз. Қишлоқ хўжалигига, колхозга ердан ана шу ҳосилни оладиган кадрлар, одамлар керак.

Рихси хола бўшашиб ўрнидан турди.

— Илмли одамга гап ҳам топиб бериб бўлмас экан,— деди хўрсиниб.— Зуҳрага гап топиб беролмаган одам, сизнинг ёнингизга келиб ўтирибман-а! Зуҳрага насиҳат қиларсиз, деган эдим. Колхознинг ишқи сизга ундан баттар ёпишибди. Энди нима ҳам дейман. Шу замоннинг қизлари қўрс, айтганини қилади. Биз шўримиз қурғурлар, ким нима деса кўнаверганмиз.

— Юринг, биз билан боғни айланиб кетасиз.— Саодатхон ўрнидан туриб, ердаги қоғозни олди-да, бир

четга секин қоқди. Болаларни экскурсияга олиб келган эдим.

— Нима бало, сизнинг гавҳарингиз борми,— Рихси хола Саодатхонга меҳр билан тикилиб, кулимсиради,— одамларнинг тилини боғлайсиз-қўясиз. Сизни битта Зуҳра яхши кўради десам, мана бир тўдаси эргашиб юрибди.

Саодатхон кулди.

— Юринг, сиз ҳам эргаша қолинг,— деди у ҳазиллашиб.

— Йўқ, айланай, уйда ишим кўп.

Саодатхон Рихси холани кўчагача узатиб қўйиб, ўзи болалар ёнига кетди. У қатор асалари уялари қўйилган ўрикзордан ўтиб, чапга бурилганда олисдан дарахтлар орасидан болаларнинг ҳар хил кийимлари кўзга ташланди. Уларнинг ичида Комилжоннинг оқ халати алоҳида ажралиб турарди. Саодатхон яқинлашиб борганда эрининг ёнида оқ халат кийган яна бир хотиннинг турганини кўрди.

Бу — Маҳбубахон эди. У ўрик ва олма гулларининг пушти кўланкасида оппоқ капалакдек енгил кўринар, юзига гулларнинг акси ургандек яшнаб кетганди. Гуллар орасидан Саодатхон бу аёл билан Комилжон ҳақиқатан ҳам ошиқ-маъшуқлардай бўлиб кўринди. Унинг кўзлари тиниб, қадами секинлашди... Шунча азоб чеккандан кўра, Комилжонга айтсам, очиғини сўрасам бўлмайдими? Мендан кулса-чи?.. Нега кулади? Тўғрисини сўраганим учунми?.. Майли, нима деса десин, айтаман, хатни ҳам айтаман. Ё иқрор бўлар, унда... Ёки ёлғонлигини исботлар... Ҳар қалай ютиб юрганимдан кўра, ҳар қанча аччиқ бўлса ҳам аниғини билганим яхши...

Маҳбубахон Саодатхонни кўриб қолди. Қўли билан Комилжонга ишора қилиб, ўзи унинг қаршисига чопди.

Саодатхоннинг юраги алланечук бўлиб кетди. Лекин у бутун иродасини қўлга олиб, қадамини тезлатди.

* * *

Баҳорнинг ёқимли, майин шабадаси ғир-ғир эсади. Ҳаво тоза ва юмшоқ. Ундан ажойиб бир ёқимли ҳид — баҳор ҳиди, толпопук ҳиди анқийди. Ҳавода кезиб юрган оппоқ булут парчалари гоҳ қуёш юзини тўсиб, бир дамгина соя солиб ўтади.

Мактаб боғи байрам тусини олган эди. Ҳатто бошланғич мактаб ўқувчилари ҳам якшанбаликка тўла қатнашганлар. Улар ўзларига яраша енгил ишларни бажарардилар. Баъзилари кўчат ўтқазишга ёрдамлашар, баъзилари оз-оздан бўлса ҳам тупроқ ташиш билан овора. Нодира бошлиқ бир тўда ўқувчилар спорт майдончасини текислардилар. Саодатхон янги ўрнатилган турникда пириллаб айланаётган Эсонни тартибга чақириб, ўзи қизларнинг ёнига ўтиб кетди. Қизлар кўпроқ дарахтларга оҳак суриш, супуриб тозалаш ишларини бажарардилар. Юқори синф ўқувчиларидан бир гуруҳи Баротов, Карташев, Нишонов бошчилигида ҳовуз қазимоқдалар. Икки-уч ўқувчи эса юқорига тупроқ тортиш билан овора.

Тушликка занг урилди. Ўқувчилар бирин-кетин ювиниб, тўрттадан, бештадан бўлишиб, ҳар ер-ҳар ерга овқатланишга ўтирдилар. Ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам бир гуруҳ бўлишди. Ҳар ким ўзи билан олиб келган нарсасини ўртага қўя бошлади. Сал ўтмай ўртада тухум, хамирдан пиширилган ҳар хил таомлар, конфет, пиширилган гўшт ва бошқа ноз-неъматларга тўла дастурхонлар пайдо бўлди. Мактаб қоровули Латифхон ака ҳаммачиларга иссиқ чой етказиб бериб турди. Ўқувчилар муаллимларини дастурхонга таклиф қилдилар. Саодатхон болаларнинг сўзларини қайтармаслик учун бир гуруҳ бўлиб ўтирган бошланғич мактаб ўқувчилари даврасига қўшилди.

— Қани, менга айтинглар-чи,— деди болаларга бир-бир қараб,— катта бўлганда ким бўлмоқчисизлар?

Болалар бир-бирларига қараб олдилар.

— Мен учувчи бўламан,— деди шўхликда ном чиқарган иккинчи синф ўқувчиси Карим.

— Мен матрос бўламан,— деди ундан қолишмай яна бири.

— Мен колхозга раис бўламан.

— Мен мактабга директор бўламан,— деди кичкинагина бир қиз. Болалар бирдан кулиб юбордилар. Саодатхон уларнинг елкаларига қоқиб эркаларкан, унинг кўз ўнгида ажойиб келажак гавдаланди. Бу келажак — ҳозир унинг атрофини ўраб ўтирган, қалби умид-орзуга тўла бўлган шу болалар эди.

Саодатхон уларнинг орасида ўғли Бахтиёрни, қизи Бўстонни кўрди, Ана, қадди-қоматлари келишган, навқирон йигит Бахтиёр кексайиб қолган Саодатхон билан хайрлашди-да, самолётга чиқиб ўтирди. Самолёт оҳиста ердан кўтарилиб, осмонга сингиб кетгандай, баланд-баландларда кўздан ғойиб бўлди. Ана, Бўстон. Дала шабадаси бир оз қорайтирган, юзи ёқимли, унинг тўла гавдаси ва келишган бўйига енгил этик жуда ярашган. У биринчи очилган пахтани кўриш учун энгашди, кўзларида шодлик, лабларида табассум...

Саодатхон чуқур энтикиб олди.

— Одамнинг қўлидан келмайдиган ҳеч бир иш йўқ,— деди болаларга бир-бир қараб Саодатхон.— Одам ҳамма нарсадан зўр. У нимани истаса қила олади. Фақат бунинг учун ўқиш ва меҳнатни севиш керак. Самолётни ихтиро қилган Жуковский ҳам бир вақтлар худди сизларга ўхшаб ўқувчи бўлган. Бироқ унинг ўқувчилик даврида сизларга яратилиб берилгандек шароит бўлмаган. Шунга қарамасдан, ҳеч чарчамай ўқиган, ўрганган. Натижада, бутун дунёга маълум катта олим бўлган.

Булардан анча нарида олма дарахтининг тагида ўтирган ўқувчилар даврасидан ашула кўтарилди.

Қийқириқ, чапаклар орасида занг урилди. Ҳамма бирдан ўрнидан қўзғалди. Саодатхон келиб ўтирган

даврадаги ўқувчилардан Карим, Юсуфни бир чеккага чақирди:

— Мен сенга бир гап айтсам, хўп дейсанми?

— Олдин айт-чи!— деди Юсуф.

— Иккимиз бир бўлиб, бир машина ишламаймизми-а?

— Машина? Қанақа машина?

— Ўйлаб кўрамиз-да! Жуковский ҳам самолётни ўйлаб топган экан-ку!

— Юр, ҳамма ишга тушди. Кейин гапиришамиз.

— Ишдан кейин ўйлашамиз-а?

— Бўлади.

— Қўлингни бер!

Улар бир-бирларининг қўлларини қаттиқ қисдилар. Эндигина ўн бир-ўн икки ёшга кирган бу болаларнинг орзу бирдамлигида келажакнинг истиқболи чарақлаб кетди. Бу истиқбол шуларники, шу истиқболни яратувчиларнинг ўзлариники эди.

Саодатхон шу куни уйга кеч қайтди. Ойсиз тун. Қишлоқ кўчалари сув сепгандай жимжит эди. Осмон гумбазида ҳисобсиз юлдузлар чамани ёнади. Тоғлар, адирлар ошиб сермева боғлардаги дарахтларнинг ниш урган куртакларига урилиб, бепоён пахта далалари устидан қанот қоқиб келаётган шабада кишига ором бағишлайди. Баъзи ҳовлиларнинг пастак деворларидан кўчага электр нури мўралайди. Девор оша кўчага эгилган дарахт шохларининг соялари шабадада титрайди. Гангир-гунгур суҳбат ва кулги овозлари эшитилади. Қаердадир, йироқда радиоприёмник вағиллайди. Саодатхонанинг ёнидан ёшгина бир йигит овозининг борича ялла қилиб ўтди:

Асаканинг йўлида
Қаллак урган толи бор.
Бизнинг ёрни сўрасангиз,
Унг юзида холи бор, ўргилай.
Сўзларида боли бор,

Ёрим, ишинг нечада?
Ойдек тўлибсан кечада.
Арзи ҳол айтай десам, ўргилай,
Учрамадинг тор кўчада.

Йигит узоқлашиб кетди. Унинг овози жимжит кечага сингиб кетгандай секин-секин ғойиб бўлди. Саодатхон дарвоза ёнига келганда негадир тўхтаб қолди. Ўзини-ўзи ишонтирадиган далил топа олмаса ҳам эри ҳақидаги шубҳа унга қаттиқ таъсир қилар, комиссиянинг мактабга бевақт келгани ва ўртадаги ғалати бир тушунмовчилик уни баттар эзар эди. Бир томондан, ёзги имтиҳонлар ҳам яқинлашиб қоляпти. Ўқитувчиларни ҳам, ўқувчиларни ҳам тайёрлаш керак...

Қаердадир чигиртка чириллади, йироқ-йироқлардан бақаларнинг қуриллаши, чўпон итларининг улиши эшитилади. Дарвоза ёнидаги мирзатеракнинг танга барглари шабадада майин шивирлайди. Ой кўтарилди. Буни Саодатхон теракнинг кўча юзига тушган узун соясидангина билди. Кўкдаги юлдузлар ойнинг ўткир шуъласида эригандай сийраклаша бошладилар.

Саодатхон теракка суянганича ҳамон хаёл суриб турар, туннинг гўзаллиги ва сеҳрли товушларини хаёлчанлик билан кузатар ва эшитар эди. Баҳор кечасининг беозор жимжитлиги унинг хаёлини қанотлантирар ва у негадир бу хаёлнинг кетини узгиси келмасди.

Ҳовлидан оёқ шарпаси эшитилди. У дарвозага яқинлашди-ю, яна орқасига қайтди. Кейин Комилжоннинг:

— Бўстон, дарвозани бекитиб ол, мен ойингдан хабар олай,— дегани эшитилди. Саодатхон сесканиб кетди. У шошиб дарвозани очган эди, Комилжон билан тўқнаш келди.

* * *

Ёзги имтиҳонларнинг бошланишига саноқли кунлар қолди. Саодатхон ўқувчиларни имтиҳонга мумкин қадар

яхши тайёрлашга ҳаракат қилди. Мактаб деворлари ўқувчиларни пухта тайёрланишга чақирган шиорлар билан безатилди. Деворий газеталарнинг имтиҳонга бағишланган янги сонлари илинди. Бу эса мактаб залига тантанали байрам тусини берган эди. Кутубхонада ҳам, боғдаги янги ўқиш залида ҳам кечгача ўқувчилар узилмас, дарс тайёрлашар эди. Саодатхон айниқса ўтилган дарслар юзасидан ўқувчиларга консультациялар беришни яхши ташкил қилишга эътибор берди. Ота-оналар комитети аъзолари билан маслаҳатлашиб, ота-оналар ва колхозларнинг ёрдами билан мактабга диафильм аппаратлари ва ленталар сотиб олинди. Болалар энди баъзи фанлардан ўтилган темаларни бу аппаратлар ёрдамида ўз кўзлари билан кўрар ва жуда яхши тушунаётганликларини айтиб севинишарди.

Мактабда иш ана шундай қизғин бир пайтда Саодатхонни районо советига чақиришди.

Совет анча давом этди. Баротов устма-уст папирос чекар, кабинетда ҳалқа-ҳалқа бўлиб кезиб юрган папирос тутуни секин-секин дераза томонга йўналар ва ҳавода ғойиб бўлар эди. Бурчакда ўтирган Обидов мушукникидек ялтироқ кўзларини бир Воҳидовга, бир Шукуровга тикар, кейин бу ёғи нима бўлди, дегандек Аҳмедовга қараб қўярди. Шукуров Воҳидовнинг ўринбосари бўлиб, районога келганига ҳали кўп бўлмаганди. У ҳам Саодатхоннинг иши бўйича тузилган комиссиянинг аъзоси эди. У Аҳмедовга ишониб катта хатога йўл қўйганлигини совет давомидагина яхши тушунди.

Шукуров бир неча марта Султонованинг мактабига боришга тараддудланганда, Аҳмедов уни тўхтатган, ҳозир улар комиссияни кутяпти, ўқитувчиларнинг ҳам хўп қулоғини бурагандир, бир оз эсларидан чиқсин, кейин борамиз, деган эди.

— Сиз ҳали қайси мактабдаги шароит қанақа, директорлар қанақа — яхши билмайсиз. Борадиган кунни менинг ўзим айтаман,— деган эди у. Аҳмедов ҳам райо-

нонинг ходими ва шу комиссия составида бўлганлиги учун Шукуров унга ишонган эди.

Шукуров қаттиқ банд бўлган бир куни Аҳмедов унга шу бугун мактабга бориш керак, деб уқтирди. Лекин Воҳидов отпускада, Шукуров бўлса район комитетининг бюросига тайёрланмоқда эди. Чунки бу бюрода мактаб ва маориф ишлари кўрилиши керак эди. Шунинг учун ҳам Шукуров боролмади.

— Султонова яна телефон қилди. Ишни анча чўзиб юбордик, бунга асосан мен айбдор бўлиб қолдим,— деди тилёғламалик билан Аҳмедов.— Мен бугун ўша ёққа бормоқчи эдим. Агар қаршилик қилмасангиз, ходимлардан бирон кишини олиб, биратўласига мактабга бориб кела қоламан. Бизга ўқитувчилар ҳам, Султонова ҳам тенг, оқ бўлса оқ деймиз, қора бўлса қора. Тўғрими?

— Майли бўлмаса, бориб кела қолинглар,— деган эди Шукуров.

Аҳмедов мактабга бориб келгандан кейин тезроқ районо совети чақирилишини таклиф қилди. У нимагадир бирдан бу масалани ҳал қилишга шошилганини Шукуров пайқаб қолди. Шу орада Карташев келиб Шукуров билан гаплашиб кетди. Ана шундан кейин Шукуров бу масала юзасидан районо совети чақиришни Воҳидовнинг отпускадан қайтишигача қолдирди.

Ҳозир Шукуровнинг авзойи бузуқ. Аҳмедовга баъзан шундай қараб қўяр эдики, буни кузатиб турган Обидовнинг юраги шиғиллаб кетарди. Аҳмедовнинг ўзи бўлса, унга сира қарамас эди.

Комиссия текширувининг натижаси ҳақида Аҳмедов советда гапираётиб, Саодатхонга юкланган айбларни тасдиқловчилар қаторида Салимовани ҳам айтиб кетди. Бирдан Салимова кўзларини катта очганича Аҳмедовга тикилди. У ўша вақтгача ўзининг нега чақирилганини билмай ўтирган эди. Салимова ўзини сира тутолмади, «ёлғон» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Аҳмедов бошини бир томонга хиёл эгиб, ясама бир жил-

майиш билан Салимовага қараб қўйди-да, сўзини давом эттирди. Бир чеккада ўтирган Саодатхоннинг юзи хотиржам. Салимованинг ҳозирги гапи уни сира ажаблантирмаган эди.

Аҳмедов ўз сўзида кўпроқ янги директорнинг ўқитувчиларни «ёмон» ва «яхши»га ажратиб олганлигини қоралади.

— Бу нарса,— деди у,— кишиларни тарбиялаш ўрнига улардаги камчиликларни янада чуқурлаштиришга ҳамда группачиликка олиб боради.

Аҳмедов стол устидаги газеталардан бирини олиб, қўлида ўйнаб туриб гапирарди. У газетани стол устига қўйганда, карнай қилиб ўралган газета ёзилиб кетди. Аҳмедовнинг кўзига унинг саҳифасидаги «Меҳрибон ўқитувчи» сарлавҳали очерк ташланди. Гарчи бу очеркни Аҳмедов олдин кўрган бўлса ҳам, бу тўғрида ломмим деб оғиз очмаган эди. У ҳозир дадасининг олдида гапи ёлғон чиқиб қолган боладек эсанкиради. Юзи билинар-билинмас қизарди. У ўзини ўнглаб олгач, авзойидаги ўзгаришни сездирмаслик учун ясама табассум билан ўтирганларга бир-бир қараб чиқди-да, сўзини давом эттирди.

Бу очерк Саодатхон ҳақида ёзилган эди. Уни Латофат ёзган ва худди атайлабдан қилгандек шу бугун, яъни Саодатхоннинг иши муҳокама қилинадиган куни область газетасида босилиб чиққан эди.

Обидов очеркни кўриши билан Аҳмедовнинг ёнига чопди. Қовоғидан қор ёғиб ўтирган Аҳмедов:

— У тирранчани мен бошқа мақсад билан юборган эдим,— деб минғирлади.

— Энди нима бўлади?— деб сўради Обидов безовталаниб.

— Нима бўлса бўлади. Биласизми, ишни хом қилдингиз, ёпингизга Баротовдан бошқа ўқитувчини торта олмадингиз. Ошна-оғайни деб энди мен ҳам балога қолиб кетаман,— деди у жаҳли чиқиб.

Шундай қилиб беш-олти ойдан бери кутиб ётган, орзу қилган ғалабага бирдан ишончини йўқотган Обидов сувга тушган нондай бўшашиб, райондан чиқиб кетган эди.

Аҳмедов ўз сўзига бошқаларни ишонтириш учун ҳар қанча уринса ҳам ҳеч кимнинг юзидан унинг фикрини қувватлаш аломатини сезмади. Ноилож ликдан сўзининг охирида бундай кишиларни юз-хотир қилмасдан, ҳар қандай камчилигини дадил ва тўғри гапириш ҳар кимнинг бурчи эканлигини қайта-қайта уқтиришга уринди.

— Кечирасиз,— Воҳидов ўрнидан бир қўзғалиб қўйиб, савол берди,— сиз, чамамда, комиссиянинг фикрини гапирдингиз шекилли. Лекин бизга комиссия нималарга асосланиб шу фикрга келганлиги қоронғи бўлиб қолди. Мактабда партия ташкилоти бор. Султонова коммунист. Комиссия мактаб партия ташкилотидан нима учундир ҳеч нарса сўрамабди.

— Комиссия ўқитувчиларнинг шикоятида кўрсатилган далилларга асосланади.

— Кечирасиз, у қандай далилар эди?

— Мен уларни айтиб ўтдим.

Шу пайт Шукуров чекиб ўтирган папиросини жаҳл билан кулдонга босиб ўчирди-да, Аҳмедовга қаради.

— Ўтиринг, ўртоқ Аҳмедов,— кейин у боши билан Салимовага имо қилди.

Салимова ўрнидан туриб, аввал Обидовга бир қараб олди-да, кейин Аҳмедовга тикилди.

— Ўртоқ Султонованинг устидан тушган шикоятномаининг авторлари нималарга асосланиб мени гувоҳ сифатида кўрсатган эканлар? Ахир гувоҳ деган хабардор бўлади, мен бўлсам энди билиб турибман.

Аҳмедов безовталик билан Обидовга қаради. Обидов ранги ўчиб кетган Баротовга кўз қирини ташлаб қўйиб, ўрнидан турди.

— Ўртоқ Султонова дарсга кирмаган соатларида, унинг дарси бор синфдаги болаларнинг ғовур-ғувурини

босиш учун синфдан дарсини тайлаб чиққанлиги ўртоқ Салимованинг ёдида бўлса керак. Агар яширмасдан тўғрисини айтса, худди шундай. Бундан ўртоқ Баротов ҳам хабардор. Шундайми, ўртоқ Баротов?

Баротов индамади. Қувлаганда бурчакка қисилиб қолган товуқдай бўйнини қисди.

— Нега индамайсиз?

— Уч-тўрт минут кеч қолиш баъзан бўлади-да,— деди у кўзини жавдиратиб. Обидовнинг ранги оппоқ оқариб кетди.

— Ўртоқ Обидов,— деди Салимова,— ўша куни, янглишмасам, Султонова уч минут кечикиб келди. Ўғли касал бўлиб қолгани учун доктор чақиришга борганлигини айтган эди. Болаларни тинчлантириш учун мен синфдан чиққанимда ўртоқ Баротов кўрган эди, энди эсладим.

Шукуров Аҳмедовга қаради:

— Бугунги газетадаги очеркка нима дейсиз?

Аҳмедов рўмолчасини олиб, йилтираб турган пешонасини артди.

— Эшитишимча, мухбир қизни ўртоқ Султонова роса меҳмон қилган. Ёш қиз-да, одамларнинг юрагига чуқур киролмаган.

Салимова сўз олиб ўрнидан турди.

— Мен қисқагина гапираман,— деди у соатига қараб, кейин Обидов билан Баротовнинг хулқ-атворини, улар нима учун Султоновани ёқтирмаётганликларини айтиб берди. Бу туҳматчилар Аҳмедовнинг паноҳида жон сақлаб келаётганликларини, эски директор Каримовнинг сувдан қуруқ чиқиб кетишида ҳам Аҳмедовнинг қўли борлигини айтиб, сўзининг охирида Воҳидовга мурожаат қилди:— Мен Обидов билан Баротовнинг ўз вазифаларидан четлаштирилишини ва Аҳмедовга ҳам тегишли жазо берилишини сўрайман. Бундай ўқитувчилар болаларимизни партиямиз ва ота-оналаримиз талаб қилганича тарбия қилолмайдилар. Ана шунинг учун ҳам булар ғийбат, бўҳтон йўлига ўтиб олганлар. Қўли-

дан меҳнат, иш келадиган одам бу йўлга қадам қўймайди.

— Ўзингизга қараб гапиринг, ғийбат қилиб нима қилдик?— Обидов баланд келмоқчи бўлиб бўйнини чўзди.

Воҳидов қалам билан столни тақиллатиб, Обидовни тартибга чақирди.

— Ғийбатчи, бўҳтончи бўлмасангиз, менсиз менинг номимдан шикоят ёзасизми?— Салимованинг овози ғазабдан бир оз титради.— Султонова сизлардан ҳалол меҳнат қилишни талаб қилди. Шунинг учун сиз ўртоқ Султоновага туҳмат қилдингиз. Ҳатто унинг оилавий турмушини ҳам бузмоқчи бўлдингиз.

Саодатхон ўрнидан туриб кетишига сал қолди. Унинг вужудига қандайдир бир титроқ югурди. Кўз олди қоронғилашди.

— Ие,— Обидов қўлларини ёзиб, аввал Воҳидовга, кейин Шукуровга қаради.

— Мактабнинг орқасида иккалангизнинг қилган суҳбатингиз эсингиздами? Шундай питирлаб қолсинки, мактабга келиш ўрнига эрининг кетидан пойлаб юрсин, деб маслаҳат қилган эдинглар-ку! Мен синфда туриб, деразадан эшитиб қолган эдим. Мен Султоновани хабардор қилиб қўймоқчи бўлдим-у, лекин сизларнинг қўлингларидан бу иш келмаслигини билганим учун индамадим. Султонованинг оиласи сизларнинг гапинглар билан бузилиб кетадиган оила эмас!— деди Салимова.

— Индамаган сайин бўҳтон қилаверасизми?— Обидов безовталаниб қичқирди.

— Бўҳтон эмас, тўғри гап! Каримов директор вақтида унга аттестатни пуллашга ёрдам берганингизни ҳам аниқладик. Омборчининг боласига «беш» қўйиб, пора олсангиз, раиснинг боласига «беш» қўйиб, уйингизга машинада қовун-тарвуз туширтиргансиз. Энди бу ишларни қилолмай қолдингиз-а! Шунинг учун Султонова сизга ёқмабди. Мактабнинг ҳозирги аҳволини ўтган йилги аҳ-

воли билан солиштириб кўринг. Қанча фарқ қилиб кетди. Болаларгина эмас, ота-оналарнинг ҳам мактабдан кетгилари келмайди. Имтиҳон тараддуди ҳар йили фақат мактабнинг ўзидагина бўларди. Бу йил бутун қишлоқда бўляпти.

Обидовнинг ранги докадек оқариб кетди. Жавдираган кўзлари билан Аҳмедовга бир қараб қўйиб, секин бошини эгди.

— Менинг илтимосим шу,— деди Салимова ўтирганларга бир-бир кўз югуртириб,— бундай одамлар ишдан четлатилсин. Ҳали ҳам жиловни хўп бўш қўйиб бердик.

Сўзга чиққан бошқа ўртоқларнинг ҳаммаси Салимованинг сўзини қувватлаб гапирди.

Районо совети тамом бўлгандан кейин ўқитувчилар Шукуров ва Воҳидов билан хайрлашиб, кўчага чиқдилар. Кеч кириб қолган эди. Энди катта йўлга бурилганларида, юк машиналаридан бири кетма-кет сигнал бериб, уларнинг ёнида тўхтади.

— Қишлоққами? Қани, чиқволинглар!— кабинадан «Гулбоғ» колхозининг шофери бош чиқарди.

Ўқитувчилар миннатдорчилик билдириб, бир зумда машинага жойлашишди.

Шофер кабинадан чиқиб, уларга бир қараб, кулиб қўйди.

— Яхши жойлашдингларми? Директор опамни машинада олиб кетарканман-да,— деди кейин болаларча хурсандчилик билан.

Саодатхоннинг назарида машина жуда секин кетаётганга ўхшарди. Кулиб, ҳазиллашиб кетаётган ўқитувчилар ҳам, секин хиргойи қилиб, рулни бошқариб бораётган шофер ҳам жуда бепарво, беғам одамлардек кўринарди. У уйига ошиқарди. Комилжонни тезроқ кўргиси келарди.

Ботаётган қуёшнинг алвон ранги уфқни яллиғлантириб, водийга қизғиш нур сочар, олисдаги тоғлар юзини

секин-секин кул босгандек сурма ранг тусга кириб борарди.

Саодатхон кабина томини ушлаб, тикка туриб олганди. Шабада унинг юзига урилар, сочларини тўзғитиб, қулоғи остида ғувилларди.

Ўқитувчилар уни ўтириб олишга қисташса ҳам у кўнмади.

— Бирам яхши шабадаки, одам ҳузур қилади. Бутун қишлоқ кўриняпти. Қаранглар, қандай чиройли,— деди у шабададан кўзларини қисиб. Унинг қалби ҳаёт, меҳнат завқи билан тўла эди. Назарида, учиб кетаётган машинадан кўра унинг руҳи енгилдек туюларди. Ана шу кўмкўк пахталарни, олисдан қорайиб кўринган боғларни, бутун далани, бутун қишлоқни бағрига босгиси келар, юзидан табассум аримасди. Мана, у ҳозир Комилжоннинг олдига боради. Ахир у ҳақда қанча нотўғри хаёлларга борган вақтлари бўлди. Ундан яширин қанча азобланди. Унинг кўзларига ички азоб билан совуқ қарарди. Наҳотки Комилжоннинг кимлигини билмаган бўлса-я! Биларди. Лекин билиб туриб ҳам ўйларди. Саодатхонга ана шуниси оғир ботарди. У гўё Комилжонга туҳмат қилгандай ўзини унинг олдида ўнғайсиз ҳис қилар, лекин бутун вужуди билан унга интиларди. Яхшиям Комилжонга айтмади. Агар айтганда, у балки ҳайрон бўлар, балки ранжирди.

Карташев Саодатхонни туртди. Саодатхон сесканиб унга қаради. Кейин машинага йўл бериб, четга чиқиб турган Маҳкамбойни ва бола кўтариб турган бир аёлни кўрди. Маҳкамбойнинг бир қўлида чамадон, бир қўлида қандайдир ўроғлиқ юк бор эди.

— Раиса! Раисани олиб келяпти,— деди Карташев.

Саодатхон хурсандчилик билан жилмайди.

Саодатхон машинадан тушиб, ўқитувчилар билан хайрлашди-да, пахтазор ўртасидан кесиб ўтган тор йўлдан юриб кетди. У анча юргандан кейин орқасига қарарди ва катта йўлда қатор тизилишиб кетаётган ўқитувчи-

ларни меҳр билан кузатиб қолди. Ана, баланд қаддини бир оз олдинга эгиб Искандаров кетяпти. Семиз, думалоқ бўлишига қарамай дадил қадам ташлаб Карташев бормоқда. Салимова, Латифхон... Ана, Муродова ҳам хайрлашиб қолди... Қандай олижаноб, меҳрибон одамлар, деб ўйлади Саодатхон. Кейин орқасига ўгирилиб тез-тез юриб кетди. Комилжон уйдамикин? Анча вақтдан бери Саодатхон унинг кўзларига аввалгидай меҳр ва лаззат билан қараган эмасди. Бугун мана шу бахтли дақиқалар унга қайтди. Комилжон! Ишдан қайтдимикин? Уйдамикин у?

1955—1956 йиллар

ОЧ ЮЗИНГНИ

Ҳурматли дадамнинг хотирасига бағишлайман.

Адолат Курчоғлик мозорни айланиб оқадиган сув бўйига етганда, чимматини кўтариб енгил нафас олди. Ариқ бўйига ўтириб, муздек сув билан юз-қўлини ювди.

Қуёш янгигина ботгани учун куннинг қизиғи ҳали қайтмаган эди. Уч томонга айрилган кўчаларнинг ҳеч бирида одам кўринмасди. Кўча чанги қўнавериб, гувала тусини йўқотган хароба деворлардан унга белангандек оппоқ дарахт шохлари осилиб ётар, сукунат чўккан бу тилсиз кўчаларга одам оёғи тегмагандай ғамгин эди. Паст-баланд қабрлар устида баҳор ёмғири билан униб, саратон иссиғида қовжираб қолган ўтлар, гўё шу тупроқ остида ётган мурдаларнинг умрини акс эттиргандай кўринарди.

Дарахтларга боғланган ҳар хил латта-путталар баъзан эсган кечки шабадада тебранар ва мозорга қўрқинчли тус бағишларди.

Адолатнинг юраги бирдан шув этиб кетди. Онаси айтган эди-я, кеч бўлиб қолди, эртага бора қол, деб. Бироқ, Адолат кўнмади. Офтоб бошингдан уриб тургандан кўра кечки пайт йўл юриш осонроқ бўлади. Қўшариқ қочиб кетибдими, қош қорайгунча етиб оламан, деб йўлга чиқаверди.

Адолат ариқдан сакраб ўтди-да, юмшоқ тупроқ устидан билқ-билқ босиб, юриб кетди. У энди беш-ўн қадам қўйган эди, бирдан ўқ овози эшитилди. Адолат қўрқиб, атрофга аланглади. Лекин қайси томонданлигини билол-

мади. Кетма-кет отишма бошланди. Кўчанинг бош томонида булутга ўхшаш чанг-тўзон осмонга кўтарилди ва ҳадемай бир тўда отлиқ кўринди. Адолат қулоғи остидан визиллаб учиб ўтаётган ўқлардан гангиб, жон талвасасида мозорга қараб чопди. Бироқ бошидан сирпаниб кетган паранжиси оёқларига ўралашиб қолди. У йиқилди. Жон ҳолатда чимматини юзига тортиб, ўрнидан туришга уринди. Лекин шу пайт боши ва бўйни аралаш тушган қаттиқ зарбадан гандираклади-ю, ўзидан кетди...

Адолат кўзини очганда ўзини чоғроқ, нотаниш бир уйда кўрди. Уй қоронғи, эскигина стол устида турган лампанинг пилиги пастлатиб қўйилган, ҳеч қандай шарпа эшитилмас эди.

Адолат пешонасига ҳўл латта қўйилганини, ўзининг қандайдир каравотда ётганини сезди. У эсини йиғиб олишга уринар, бироқ, чанг-тўзон ичидан чиқиб келган отлиқлардан бошқа ҳеч нарсани эслаёлмасди. Бу ер қаер? Нега у ўз уйида эмас? Уни бу ерга ким олиб келган? Унинг юраги орқасига тортиб кетди. Ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, туролмади. Бир қўли кўкраги аралаш дока билан боғлаб ташланган эди. Доканинг ҳар ер-ҳар ерига тепчиб чиққан қонга кўзи тушди ва шундагина бутун бадани зирқираб оғриётганини, айниқса кўкрагининг ўнг томони кучлироқ оғриётганини сезди. У ҳолсизланиб ёстиққа аста бошини қўйди.

Қоронғида эшикнинг ғийқ этиб очилгани эшитилди. Адолат қўрқув аралаш яна бошини кўтарди. Чироқ пилиги кўтарилди.

— Қалай аҳволингиз, дурустмисиз?— Бу хотин кишининг овози эди.

Каравот ёнида олдига майда гулли читдан тикилган фартук тутган, оқ оралаб қолган сочларини рўмол орасига маҳкам танғиб олган ўрта ёшлардаги чиройли, қора қош бир аёл турар эди. У меҳрибонлик билан Адолатнинг пешонасини ушлаб кўрди.

— Ҳеч нарса эмас, яхши бўлиб кетасиз.

Бу хотин ким? Нега бунчалик меҳрибонлик қиляпти? У ўзбекка ҳам ўхшамайди. Ё армани, ё пирсиён бўлса керак.

Аёл бу саволларни Адолатнинг кўзидан дарров уқиб олди.

— Қўрқманг, қизим, сира қўрқманг. Ёмон одамларникида эмассиз,— деди у Адолатнинг устига ёпилган адёлни тўғрилай туриб.— Мен ҳозир овқат олиб келаман.

Аёл чиқиб кетди. Адолат атрофга аланглади. Эшикдан кираверишда ўнг қўлда эркак кишининг костюми осиқлиқ турибди. Стол устида бир даста китоб тахлоғлиқ, олмадаккина чойнак билан стакан ҳам шу стол устида. Деворга Ленининнинг газета ўқиб турган сурати қўйилган. Пастда, полда олачипор пақир билан примус турарди. Бир ён деворга оппоқ чойшаб тутилган. Афтидан, кийим-кечак ўраб қўйилган бўлса керак. Уйнинг бутун жиҳози мана шулардан иборат эди.

Оёқ шарпаси эшитилди. Чуқур тарелкада овқат кўтариб ҳалиги аёл кириб келди. У стол ёнидаги табуретқани каравот олдига суриб, қўлидаги овқатни унга қўйди. Кейин Адолатнинг бошини кўтариб, баландроқ бўлсин учун яна бир ёстиқ қўйди.

— Овора бўлманг, ҳеч нарса емайман. Мени бу ерга ким олиб келди?

— Йўқ, йўқ. Атайин сизни ичсин деб суюқ ош қилдим. Озгина бўлса ҳам ичсангиз, дармон бўлади.

— Бу ер қаер?

— Бу ерми? Бу ер бизнинг уй.

— Мени ким олиб келди?

— Сизними? Менинг эрим олиб келди.

— Қандай? Нега?—Адолат бошини кўтаришга уринди.

— Босмачиларнинг оти тагида қолиб кетган экансизку! У қуриб кетгурлар одамни аяйди дейсизми. Милтиқ қўндоғи билан урадими бўлмаса одамни.

Кўча томонда бир нарса тарақлади. Аёл қўлидаги қошиқни қўйди-да, югуриб дераза олдига борди. Пардани

кўтариб, ташқарига қаради. Анча вақтдан кейин қайтиб келиб каравот қирғоғига ўтирди: у тез-тез нафас оларди.

— Хавотирда яшагандан ёмон нарса йўқ,— деди у Адолатга қошиқда овқат тутаётиб. Адолат бошини кўтараман деди-ю, кўкрагини ғижимлаб, бошини қайта ёстиққа қўйди

— Турманг. Мен ўзим ичириб қўяман.

Адолат маставадан бир-икки қошиқ ичди. Уйнинг димлигиданми ёки оғриқ азобиданми, унинг пешонасида майда тер томчилари ялтиради.

— Раҳмат,— деди хотиннинг қошиқ тутган қўлини ушлаб,— бўлди. Сиз боя қанақа хавотир ҳақида гапирдингиз?

— Эримдан хавотир оламан-да,— деди хотин чуқур хўрсиниб,— кексайиб қолди Сергейим. Ким билади, дейсиз... Ярадор бўлиб келадими, ўлигини олиб келишадими... Бу қуриб кетгур босмачилар тағин қайси гўрдан бош кўтаришди-я!

Кўчада яна нимадир тарақлади. Хотин нафасини ютиб, деразага қаради.

— Мени бу ерга сизнинг эрингиз олиб келдими?— деб шивирлади Адолат.

— Ҳа, Усмонжон иккаласи.

— Усмонжон деганингиз ким?

— Усмонжонми? Район фирқа қўмитасида ишлайди. Мана бу босмачилар яна бош кўтарганига, кўнгилли бўлиб кетди у ҳам.

Адолатнинг кўнглига яна қўрқув тушди. Энди нима қилади? Уйига нима деб боради? Қошки кета олса... Усмонжон... Қанақа одам экан у?

— Усмонжон ҳам шу ерда турадими?

— Йўқ. Эски шаҳарда уйи, онаси бор, лекин бу ер ҳам ўз уйидай.

— Қай вақт бўлди экан-а?

— Соат тўрт бўлиб қолгандир...— деди ҳамон қоронғи деразадан кўзини узмай ўтирган аёл.

Орага жимлик тушди. Адолат ҳам оғриқ, ҳам қўрқув азобидан титрарди. Аёл бўлса қимирламай деразага қараб ўтирибди. Унинг ташвишли чеҳрасидан эридан қаттиқ хавотирдалигини Адолат сезиб турар, уни юпатгиси, тасалли бергиси келар, лекин, нима дейишини билмас эди. Яхши хотинга ўхшайди. Улар келганда ҳам буни ёнидан кетказмайди...

— Қеча кечқурун сизни ташлаб кетганларича дараклари йўқ.

— Қеча кечқурун?— Адолат туришга уринди.

— Қимирламанг, ярангиз оғрийди. Айтмоқчи, отингиз нима?

— Адолат,— деди у ҳолсизлик билан бошини ёстиққа қўяр экан.— Аямлар қидириб юришгандир...

— Усмонжон келсин, хабар берамиз.

— Йўқ, йўқ. Эркак киши борса... Йўқ, дадам мени ўлдиради...

Дераза тақиллади. Аёл эшикка қараб чопди. Қимларнингдир тапир-тупур уйга кирганлари, эркак кишининг овози эшитилди.

— Меҳмоннинг аҳволи қалай?— Бу ҳалиги овоздан бошқачароқ эди. Усмонжон дегани шу бўлса керак.

— Бугун кўзини очди,— деб жавоб қайтарди аёл.

Адолат чойшабни юзига тортиб, ўралиб олди. Қўрқувдан унинг бутун вужуди титрар, сал яқинлашган оёқ шарпасидан юраги ёрилгудек бўлар эди. Ҳозир келиб қўлимдан ушласа... вой шўрим, холамникига бормай ўлай мен. Энди нима қиламан?

— Иссиқ чойинг борми, Гуар?— деди уйга кириб келган эркакларнинг бири.

— Бор, бор, ҳозир. Ечининглар,— деб жавоб қайтарди аёл.

«Бу хотиннинг оти Гуар экан» деб ўйлади Адолат. У нафасини ютиб, қимирламай ётарди, чойшаб ёки каравотни қимирлатиб юборишдан жуда қўрқарди.

— Қизингиз ухлаяптими, йўқми, Гавҳар опа?— Бу

иккинчи кишининг овози эди. Усмонжон шу бўлса керак, Гавҳар опа, деяпти. Аввалгиси эри экан.

Йўлакдан Гуарнинг:

— Йўқ, уйғоқ,— дегани эшитилди. Қимдир Адолатнинг ёнига келиб, унинг юзини очмоқчи бўлди. Адолат чойшабга маҳкам ёпишди.

— Э, қизим, юзингни аллақачон кўриб олганмиз. Уялаётган бўлсанг, уялмай қўя қол. Мен даданг тенги одамман. Мана, Усмонжон бўлса, акангдай гап.

— Сергей Петрович, чой қўйиб қўйдим,— деди Усмонжон. Лекин, Сергей Петрович кетмади. Ҳазил-кулги билан Адолатнинг юзини очиб, жилмайди.

— Ана бўлди, нимадан уяласан,— деди эркалаб,— қалай, яранг оғримаяптими?

— Қимирласам...

— Қимирлама, қимирлама.

Сергей Петровичнинг орқасида кулиб қараб турган Усмонжонни кўрган Адолат, секин кўзини пастга олди. Узун қайрилма киприклар юзига соя ташлади. Қонсизликдан унинг ранги оппоқ, қора кўзлари бир оз ичига ботган эди. Унг юзидаги яранинг ўрни ҳам қандайдир ўзига ярашиб турарди. Усмонжон уни ортиқ уялтирмаслик учун орқасига қайтди. Улар стол ёнига ўтиришиб, аёл келтирган овқатни ичишар, бир-бирига сира гап қотишмасди. Адолат уларга секин-секин кўз ташлаб қўяр эди.

Сергей Петрович олтмиш ёшларга бориб қолган, барваста киши эди. Сариқ соқол-мўйлаби ўсиб, қалин лабларини қоплаган, пешонасида ниманингдир изи кўринарди, овози йўғон, лекин ёқимли, мулойим эди. Усмонжон эса йигирма уч ёшларга борган, кўк кўз, кенг пешонали, унча чиройли бўлмаса ҳам истарали йигит эди. Унга ҳуснбузар кўп чиққанлигидан юзи олисдан бужурга ўхшаб кўринарди. Сергей Петрович кекса бўлишига қарамасдан қувноқ, ҳазилкаш, Усмонжон эса камгап ва оғир йигит эди.

Адолатнинг кўзи бурчакка суяб қўйилган милтиққа тушди. Юраги шув этиб кетди. Ахир, босмачиларни қувлаганларидан кейин милтиқлари бўлади-да, йўқ, булар ёмон одамларга ўхшамайди, деб тасалли берди ўзига ўзи.

— Уйинглар қаерда, синглим?—чой қуяётган Усмонжон Адолатга қарамасдан сўради.

— Шарифбой гузарида.

— Ота-онангизга хабар бериб қўйиш керакдир-а?

— Йўқ, йўқ,— деди Адолат қўрқиб,— ўзим бораман.

— Дадасидан қўрқяпти,— деди уйга кириб келган Гуар.— Адолат, чой ичасизми?

Исми ҳам жисмига монанд, чиройли экан, деб кўнглидан ўтказди Усмонжон.

— Йўқ, раҳмат,— Адолатнинг товуши бу гал сал дадилроқ эшитилди.

Адолат она-отасининг қаттиқ ташвиш тортаётганлигини билиб турса ҳам, бегона кишининг бориб, қизингиз фалончиникида, яна русникида деб айтишидан истиҳола қилар, уларнинг бу ерга югуриб-елиб келишларидан чўчир эди.

— Озгина мизғиб олинглар, чарчагандирсизлар,— деди Гуар меҳрибонлик билан Сергей Петровичга қараб.

— Сен-чи? Кўзларингни қара, ичига ботиб кетибди-ку!— деди хотинига Сергей Петрович ғамхўрлик билан.

Улар учалалари яна алланималар ҳақида гаплашишди. Кейин Усмонжон соатини стол устига қўйиб, Гуарга нимандир тайинлади-да, Сергей Петрович билан чиқиб кетди. Гуар нариги уйдан кўрпа билан адёл олиб чиқиб, полга ёзди. Адолат хижолатлик билан унга қаради.

— Улар қаерга кетишди?

— Нариги уйда ухлай қолишади. .

— Мен сизларни безовта қилиб қўйдим.

— Ҳечқиси йўқ.

— Гавҳар опа, мен пастга туша қолай, сиз бу ерда ётинг.

— Йўқ, йўқ, қимирламанг. Бир кеча минг кеча бўлмайди.

Адолат секин ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ кўкрагига болта урилгандай қаттиқ оғриқ уни қайта ёстиққа бош қўйишга мажбур қилди. У тишларини қисиб, кўзини юмди.

Гуар бошини ёстиққа қўйиши билан хуррак ота бошлади. Бечора, чарчагандир... Тун бўйи юрагини ҳовучлаб, кўчага қараб ўтириш осонми, ахир?.. Буларни безовта қилди. Яхши одамлар экан. Уйга нима деб боради... Усмонжон ака унга мунча тикилади-а?

Уй жимжит эди. Баъзан Гуарнинг нафас олиши ва стол устидаги соатнинг «чиқ-чиқ»идан бошқа ҳеч нарса эшитилмасди.

Адолат хаёл аралаш кўзини юмди.

* * *

Мана, уч кечадан бери Тўтибуда ҳам, Тожибой ака да ҳам уйқу йўқ. Тўтибу овозини чиқармасдан секин-секин йиғлар, Тожибой ака бўлса, мижжа қоқмасдан тунни тонгга улар эди. У, худонинг содиқ қулларидан бўлгани учун ҳам қизининг йўқолишидан кўра, одамлар ўртасида иснодга қолишдан қўрқарди.

Эр-хотиннинг дами ичида, ундан-бундан сўраб-суриштирайлик дейишса, гап-сўз тарқаб кетади.

Ярим кечаси. Аллақаёқдан йигитларнинг ёр-ёри эшитилади, калта-култа отишмаларнинг овози келади.

— Оббо, лаънатилар,— деди Тожибой чорпоянинг суянчиғига чиқиб,— яна аллақаерга ўт қўйишди.

Тўтибу ҳам ўрнидан турди. Олисдан осмонга интилган қизғиш нур борган сари авжланарди.

— Бу қуриб кетгурлар йўқ бўлиб кетувди-ку, яна қаёқдан чиқди!— деди Тўтибу хўрсиниб.

— Охир замон деб шуни айтадилар-да. Қизларда шарм-ҳаё йўқ. Фалончи очилибди, писмадончи паранжи-

сини ташлабди, деган гаплар кўпайиб кетяпти. Ё худо, ўзинг инсоф бергин.

Шу пайт кўчадан ўқ овози ва от дўпирлари орасидан қўшиқ эшитилди:

Отга мининг, аскарлар,
Номи Алини айтиб.
Чори ёру Мустафо,
Ҳазрат Алини айтиб.
Дўст қўрбошилар,
Дўст ўнбошилар.
Хафа бўлманг, койманг,
Азалда тақдир шулдир.

Қўшиқ узоқлашиб, секин-секин тинди. Кетма-кет от чоптириб яна кимлардир ўтиб кетди. Олисда тасир-тусур отишма бошланди.

— Қизил аскарлар қувлаб кетди шекилли,— деди Тўтибу секингина. Тожибой хотинига жавоб бериш ўрнига:

— Ё раббий, дини исломга ўзинг қувват бер,— деб соқолини силади.

Бирдан яқингина жойда қий-чув, тўс-тўполон бошланди. Тожибой бир оёғига кавушини илиб, иккинчи оёғига киймасдан кўчага отилди.

— Гузарда алланарса ёняпти, дўконим, дўконим...

— Ҳай дадаси, чиқманг, вой шўрим!

Лекин, Тожибой аллақачон чиқиб кетган эди. Шарифбой гузарида унинг кичкина баққолчилик дўкончаси бўлиб, бу онла ана шу дўкон орқасидан бир нави кун кўрар эди.

Тожибойнинг ҳам қилмаган иши қолмаган. Чоракор ҳам бўлган, мардикорлик ҳам қилган. Охири Тўтибунинг онасидан қолган кичкина ҳовличани сотиб, дастмоя қилиб, дўкон очган. Мана, беш-олти йилдан бери шу дўкон орқасидан рўзғор тебратиб келади. У бозордан сабзи, пиёз, гуруч, ҳатто, қалампирдан тортиб сақич, қурт-

гача олиб чиқиб қўяр, зориққанларга чаканалаб сотар эди. Баъзан ярим кечаларда ҳам унинг уйига сабзи ёки гуруч қидириб келувчилар бўларди. Тожибой ака одамларнинг ҳожатини чиқараётганлигидан мамнун бўлиб, бу ишни жони билан елиб-югуриб бажарарди.

Адолат буларнинг ягона қизлари эди. Тўтибу кўп туққан, лекин болалари қизамиқдан ўлиб қолар эди. Адолатга қизамиқ чиққанида эр-хотин уч кунгача киприк қоқмасдан унинг тепасида ўтиришди, қўлларига илинган ҳар бир нарсани унинг бошидан айлантириб, садақа қилиб юборишаверди. Адолатнинг бўйи ўсган сари эр-хотиннинг қувончи ичига сиғмас, топганларини шу қизларининг орзу-ҳаваси учун сарфлар эдилар.

Адолатни аллақайси отинга беришиб ўқитишди. Лекин Адолат байт-ғазал ўқишга шунчалик берилиб кетдики, Тожибой шубҳага тушиб қолди. Бу ишқий байт-ғазаллар қизнинг кўнглини бузиши мумкинлигини ўйлаб, Адолатга китоб ўқишни тақиқлаб қўйди. Унинг қўлида китоб кўрса, Тожибой сақириб берарди. Бироқ Адолат отасига билдирмасдан Навоийнинг «Чордевон»и билан Фузулий ғазалларини тинмай ўқирди, улардан ўзига ёзиб олган баъзи байтларни куйга солиб, ашула қилиб айтиб юрарди.

Бир куни ўртоғи Зумрадларнинг уйида ғалати бир журналга кўзи тушди. Бу журнални Зумраднинг узоқ бир шаҳарда яшайдиган тоғаси эсидан чиқариб қолдириб кетган экан. Журналнинг номи «Маориф ва ўқитувчи» эди. Адолатнинг кўнглида уни ўқишга иштиёқ туғилди.

— Ҳай, Зумрад, буни қара, ўқиса бўлади-ку!— деди у ҳовлиқиб. Мана буни қара, «сўз» ёзилибди, тўғрими? Мана бу бўлса, «ўр-тоқ». Қайтага бизникидан бу осонга ўхшайди, бизнинг китобимизда мана бу алиф ёзилмайди.

Икки ўртоқ у журнал устида соатлаб ўтиришадиган бўлиб қолишди. Лекин журнални тезда Зумраднинг она-

си кўриб қолиб, қизларнинг кўзи олдида ўчоққа ташлади...

Тўтибу аллақаерда чанг босиб ётган синиқ дуторни олиб чиқиб артаётганида Тожибой кириб келди. Бу дуторни ҳам Тожибой синдирган, Адолатнинг қўлидан олиб, отиб урган эди.

— Ҳа, энди ўзинг чалмоқчимисан бу савилни!

— Болагинамнинг дутори,— деди Тўтибу йиғламсираб.

— Отинча бўлсин дединг, байт ўқитдинг, дуторчи бўлсин дединг, дутор чалдирдинг, мана, энди кўр тамошангни, лаънати!..

Тожибой қўни-қўшнилар эшитиб қолишидан чўчиб, бирдан овозини пастлатди:

— Бironта тил бириктиргани билан қочиб кетди унинг.

Тўтибу пиқиллаб йиғлади. Тожибой унинг ёнига келиб, секин шивирлади.

— Яна уч-тўрт кун сабр қиласан. Агар дараги чиқмаса...— Тожибойнинг овози титради.— Холасиникида касал бўлиб ўлди деб овоза тарқатасан. Уринмасин деб ўша ердан чиқардик деймиз.

Тўтибу қўли билан юзини тўсди. Тожибой ака қозиқдаги жойнамозни олиб, бомдод намозини ўқишга ўтирди.

— Бой совчи қўйдираётган эди-я! Кўрнамак!— деди у ғазаб билан, кейин бирдан қўлини кўтарди.— Ё покайи парвардигор! Агар қизим юзимни ерга қаратган бўлса, жувонмарг бўлсин, оқ қилдим.

Тўтибу дод деб эрининг ҳавога чўзилган қўлларига ёпишди.

* * *

Мана, Адолатнинг уйдан чиқиб кетганига тўрт кеча бўлди. Ота-онасининг аҳволи нима кечди экан? Айниқса, онаси бечорани айтинг. Йиғлайвериб касал бўлиб қол-

са-я? Адолатнинг юраги ҳовлиқиб кетди. У бутун кучини йиғиб ўрнидан қўзғалди. Яраси бу гал ҳам оғриди. Лекин ҳар қалай чидаси бўларди. У бир қўли билан кўкрагини чангаллаганича, секин каравотдан тушишга уринди. Боши айланиб, юзида тер томчилари ялтиради. У кўзини юмиб, анча вақтгача қимирламай ўтириб қолди.

Бугун кетмаса сира ножи йўқ, эмаклаб бўлса ҳам кетади. Лекин негадир Усмонжонни кўрмасдан кетса... йўқ, уни кутиш керак. Ахир бу йигит қанча яхшилик қилди. Қайси куни аллақаёқдан бир доктор хотинни олиб келиб, унинг ярасини боғлатди. Неча марта хабар олгани келди. У доим уйга кирарди-ю: «Аҳволингиз қалай, Адолат?» деб сўрарди. У Адолатга меҳр билан қарар, лекин, ҳеч вақт ножўя ҳаракат қилмасди. Фақат бир марта зимдан унга тикилиб турганини Адолат сезиб қолди.

Адолат буларнинг ҳаммасини бир-бир ўйларкан, қалбида Усмонжонга нисбатан илиқ бир ҳиснинг қўзғалганини сезиб, ўз хаёлидан ўзи уялиб кетди. Энди уни кўрмайдими? Қошки бу ерга келиб туришнинг иложи бўлса? Ҳеч йўқса онда-сонда кўриб турарди-ку! Усмонжоннинг онаси кексамикин? Яна кимлари борикин?! Отаси бормикин? Етимликда ўсганми, жуда синиқ йигит кўринади. Гавҳар опа ҳам, эри ҳам яхши одамлар экан. Усмонжон ҳам шунинг учун бу ерга кўп келса керак-да. Гавҳар опа дадаси бор демади, онаси бор деди. Балки жуда кексадир. Қани энди, дадаси билан аяси индамаса-ю, у Усмонжоннинг онасидан хабар олса. Уйларини йиғиштириб, кирларини ювиб бериб кетса. Мана, ҳозир Гавҳар опа кир ювяпти. Соғ бўлса қарашиб юборарди.

— Нега қўзғалдингиз?— уйга кириб келган Гуар ташвиш билан сўради.

— Яхши бўлиб қолдим, Гавҳар опа, ярам унча оғримади.

— Эҳтиёт қилганингиз яхши. Ахир, озмунча қон йў-

қотдингизми?— Гуар ювиш учун бўлса керак, дастурхон, сочиқларни йиғиштириб олди.

— Гавҳар опа!

— Лаббай.

— Усмонжон ака бугун келармикин?

— Балки келар, нима қилди?

— Бугун кетсам деган эдим.

— Сал дармонга кирсангиз яхши бўларди. Узликиб қолмасмикинсиз?

— Йўқ, аҳволим яхши, Гавҳар опа, аямдан хавотир оляпман.

— Усмонжон келсин, маслаҳатлашамиз,— деди чиқиб кета туриб Гуар.

Адолат оёғига кавушини кийиб, секин ўрнидан турди. Пушти батист кўйлагининг ғижим бўлиб кетган этагини бир қўли билан текислашга уринди. Стол ёнига келгунча унинг боши айланиб кетди. «Мунча дармонсиз бўлмасам?»— ўйлади у табуреткага ўтираётиб. Унинг кўзи бирдан стол устидаги китобларга тушди. Адолат улардан бирини очиб қаради. Ҳеч нарса танимади. «Ўрисча дегани шу бўлса керак»— ўйлади у. Бирдан унинг кўзи таниш журналга тушди. Бу Зумрадларникида кўргани «Маориф ва ўқитувчи» журнали эди. Адолат шошилиб уни варақлай бошлади. Аввал суратларини қараб чиқди. Кейин у еридан, бу еридан титкилаб, ўқишга уринди.

Адолат ўқишга берилиб кетганлигидан, Усмонжоннинг кириб келганини сезмай қолди. Усмонжон индамай туриб, унинг ўқишига бир зум қулоқ солди. Кейин хурсанд бўлиб, жилмайди.

— Тузуксиз-ку, Адолат?!

Адолат сесканиб кетди. Қулиб қараб турган Усмонжонни кўриб, беихтиёр ўрнидан турди.

— Яхши саводингиз бор экан,— деди Усмонжон хурсандлик билан.— Қалай, аҳволингиз яхшими?

— Раҳмат, яхши.— Адолат қизариб ерга қаради.— Бугун уйга кетсаммми, деб турибман.

— Дармонингиз етармикин?— деди бир оз бўшашиб Усмонжон.

— Етиб оламан. Аямдан жуда хавотир оляпман.

— Хабар берайлик десам унамадингиз-да... Энди сира келмайсизми?

Адолат бир зум жавоб беролмай турди. Кейин ҳасрат тўла кўзлари билан Усмонжонга тикилди.

— Қизларнинг ихтиёри ўзида бўлса экан...

— Ихтиёримни бермайман десангиз, уни ҳеч ким сиздан ололмайди,— деди Усмонжон жиддий ва меҳрибонлик билан.— Ҳатто қурт-қумурсқалар ҳам яшаш учун курашади. Қиши ҳаётга бир марта келади, Адолат. Одамдек кун кўриш учун курашиш, ҳаракат қилиш керак.

Адолат индамай бошини эгиб ўтирарди. Майда қилиб ўрилган сочлари олдига тўкилиб, тиззасидан пастга тушиб турар, бошидаги ҳаво ранг рўмолининг бир учи юзини хиёл тўсган, иккинчи учи қулоғи орқасига қистирилган эди.

Усмонжон стол тортмасидан газета олди.

— Мана буни қаранг,— деди у Адолатга узатиб.

Адолатнинг кўзи хотин кишининг суратига тушди.

— Ким бу?

— Биринчи бўлиб паранжи ташлаган аёлларимиздан.

Адолат суратга узоқ қараб турди-ю, лекин Усмонжонга ҳеч нарса демади.

— Шу газетани сизга бераман. Олиб кетинг. Шу хотиннинг сўзи ёзилган. Албатта ўқиб чиқинг.

— Хўп.

— Уйингизга элтиб қўйсам, майлими?

— Йўқ, Усмонжон ака, бирон киши кўриб қолса... дадам...

— Бўлмаса бирпас сабр қилинг.

Усмонжон чиқиб кетиб, аллақаёқдан битта от қўшилган, суянчиғи энсизгина извош топиб келди.

— Нега овора бўлдингиз? Ўзим кетаверар эдим-ку!— деди Адолат хижолатлик билан.

— Чарчаб қоласиз.

— Раҳмат.— Адолат паранжисини бошига илар экан, хайрлашишга чиққан Гуарни бир қўли билан қучоқлади.— Раҳмат сизга ҳам, Гавҳар опа, Сергей отага мендан салом денг. Хайрлашиб кетай деган эдим, у киши келмадилар.

— Бугун мажлис бор, деган эди.

Адолат извошга чиқди. Извошчининг қаёққа деган савол назарига Усмонжон жавоб берди:

— Эски шаҳарга. Шарифбой гузарига.

— Йўқ, йўқ. Гузардан берида тўхтанг.

Извош юриб кетди.

— Хайр. Раҳмат.

— Хайр.

Извош кўча муюлишига етганда, Адолат орқасига қаради. Гавҳар опа йўқ, лекин Усмонжон қўлларини орқасига қилганича извош кетидан қараб турарди.

* * *

Тўтибу қизининг кириб келаётганини кўриб, довдираб қолди. Аввал уйига чопди, бироқ ярим йўлдан қайтиб, қизини бағрига босди.

— Вой болагинам, қаерда қолдинг? Нима қилди? Рангингни қара. Вой шўрим, қўлингга нима қилди?— Тўтибу қўллари билан Адолатнинг гоҳ елкасини, гоҳ орқасини сийпаларди, унинг жавоб беришини кутмасдан, унга телбалардек савол ёғдирарди.— Вой шўрим, вой шўргинам қурисин, энди нима қиламан. Босмачилардамидинг? Қочиб келдингми? Юр уйга, вой шўрим, қўни-қўшнилар эшитмасин.

— Ҳовлиқманг, ая, ўзингизни босинг. Менга ҳеч нар-

са бўлгани йўқ.— Адолат уйга кирган бўлса ҳам паранжиси ҳамон бошида эди. Уни олиш онасининг ҳам, ўзининг ҳам эсига келмасди.

— Нима дейсан? Ҳеч нарса бўлмади, дейсанми? Қўлингга нима қилди?

— Қалтак едим.

— Вой шўрим, қанақа калтак?

— Ўша куни Курчоғлик мозорга етганимда, олдимдан босмачилар чиқиб қолди.

— Ана, айтмадимми.

— Қочаман деб йиқилиб тушдим. Ўлгурлар милтиқ қўндоғи билан савалаб кетишди. Бошимга ёмон уришган экан, ҳушимдан кетиб қолибман.

— Вой болагинам-эй.

— Кейин ўша мозорнинг рўпарасидаги ҳовлида турадиган бир тул хотин мени олиб кириб кетди.

— Хайрият, хотин кишиникида экансан.

— Ўшандан бери ўша хотинникида ётибман. Келай десам, дармоним етмади.

— Худога шукур,— деди Тўтибу бир оз ўзига келиб.— Мен билан дадангни бўлса шайтон юз хаёлларга олиб кетди. Вой, паранжингни ол. Худога шукур, болам, эсон-омон экансан.

Тўтибу бошига паранжисини илиб, кўчага югурди.

— Мен дадангга айтай, бечора адойи тамом бўлди.

Адолатнинг уйга кириб келиши ана шу тахлитда ўтди. Отаси аввал гумонсиради. Кейин қизининг фалокати ариганига шукур қилиб, тинчланди.

Адолат секин-секин тузала бошлади. Рангига қон югуриб, аввалги чиройига қайтди. Лекин унинг кўнгли доим илинжда эди. У негадир Усмонжон ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. Унинг сўзларини бир-бир эслар, юриш-туриши, хатти-ҳаракатларини кўз олдига келтирарди. Усмонжон берган газетани сақлаш учун камзулининг ичига чўнтак тикди. Кун иссиқ бўлса ҳам, у кам-

зулини ечмас, кечаси ухлаган кезларида эса ёстиқ тагига қўйиб ётарди. Бу газетани у ўртоғи Зумрадга кўрсатди, холос. Ўзининг қаерда бўлганини ҳам фақат мана шу ўртоғига айтди. Усмонжонни мақтади, лекин уни яхши кўриб қолганини яширди.

Зумрад анча сергап, шаддод қиз бўлса ҳам кўнгли пок, дўстликка доғ туширмайдиган қизлардан эди. Унинг онаси ўлиб кетган, ўгай онаси унга нонни ҳам ўлчагандай қилиб берар, камситиб турткиларди.

Зумрад ҳам дардини Адолатга айтарди. Шунча тутқун бўлишига қарамасдан, бу қизнинг қалбига муҳаббат олови аллақачон тушган эди. Муҳаббатга тўсиқ бўлишга қодир куч борми дейсиз?! У ҳар қандай тутқун қалбга кириш учун ҳам ўзига йўл топа олади. Тош юракларни эритади, ҳаётдан умид узган қалбларга жон бағишлайди, олға, яшашга чақиради. Зумрад дадасининг понвойхонасида хамир қорадиган йигитлардан бирини яхши кўриб қолган эди.

Бугун Зумраднинг онаси аллақайси қариндошиникига келин тушдига кетган. Шунинг учун дугоналар жуда бемалол ҳасратлашишди. Сутдай ойдин кеча эди. Ариқ лабига эски шолчани ёзиб, ўрин солишди.

— Ойга қараб ётиб ухлайсан, Адол! Бир ёнингда райҳон-у, хина гуллар, бир ёнингда мен. Тепангда ой,— деди ҳазиллашиб Зумрад.— Уйқу қочмайди. Гаплашиб ўтирайлик,— Зумрад ариқ лабидаги сада райҳондан бир шохини синдириб олиб, Адолатнинг чаккасига тақиб қўйди.— Ўлай агар, Адол, йигит бўлсам сени ўзим олар эдим.

— Мен ҳам сенга тегар эдим,— деди кулиб Адолат.— Зумр!

— Нима дейсан?

— Ашула айтсанг-чи, ўртоқ.

— Ўзинг мендан яхши айтасан-ку!

— Сенинг ашулангни эшитгим келяпти.

— Аянг эшитиб қолса-чи?

— Эшитмайди, дарча ёпиқ-ку! Секин-секин айтсанг ҳам майли.

Орага жимлик тушди. Сув жилдираб оқар, унинг салқини кун бўйи иссиқдан пишган қизларга ором бағишларди. Зумрад ёстиқни ёнига тортиб, ёнбошлади. Паст, лекин майин, ҳазин овоз билан айтилган қўшиқ Адолатнинг қалбига ҳам роҳат, ҳам азоб бағишлади. Беихтиёр оққан кўз ёшлари унинг юзини ювди. Зумрад унинг ён томонида бўлгани учун Адолатнинг йиғлаётганини кўрмасди. Ким билади, балки унинг ўзи ҳам йиғлаётгандир.

Адолат ўзига нариги маҳалладаги Султонҳожи бойнинг совчи қўйдираётганини сезиб қолганди. Ҳали бу ҳақда аниқ бирон гап бўлмаса ҳам, бу нарса Адолатда Усмонжонга бўлган интилишни кучайтириб юборди. Нима қилсин, шармандаликни бўйнига илиб, қочиб кетсинми? Аяси нима қилади?.. Ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ-ку? Дадаси дарров хўп дея қолмас... Наҳотки биттаю битта қизини ўтга ташласа... Бойларнинг кимлигини биладику, ахир.

Сув жилдирар, Зумраднинг ҳазин овози ҳамон юракни қиймаларди:

Оққина кўйлак кийибсиз,
Оқ тиканлар илмасин.
Иккаламиз гаплашайлик,
Уйдагилар билмасин.
Уйдагилар билса-билсин,
Ваъда ёлғон бўлмасин.
Ваъдадан тонган киши
Асти мусулмон бўлмасин.
Дарчадан олма отай,
Боғингдаги гулдастага.
Мен ўзим ошиқ бўлибман
Бўйлари барвастага.

Бўйлари барвастани
Ҳар кун бориб кўргим келур,
Кунда-кунда кўрмасам
Ўзимни ўлдиргим келур.

— Менга қара, Адол!— Зумрад сапчиб ўрнидан турди.— Саксон яшар чолга тегиб, сассиқ соқолини ҳидлаб ётгандан кўра, севганинг билан бир кунгина умр қилиб ўлганинг яхши-да! Тўғрими, Адол? Ёки бўлмаса, кундошлар ичида қон-қон йиғлаб, шоҳи-атлас кийгандан, яхши кўрганинг билан бир қултум қайноқ суву бир бурда куюк кулчани яйраб-ўйнаб еганингга нима етсин?! Э, ўртоқжон,— Зумрад Адолатни қучоқлаб бошини бошига қўйди:— Қайси қиз яхши кўрганига тегибдики, биз тегсак. Сени-ку — даданг суриштириб, сўраб берар. Лекин менга аждаҳодан совчи келганда ҳам дарров хўп дейишади.

Зумрад жим бўлиб қолди. Адолат унга тасалли беришга бирон сўз тополмади. Нима ҳам десин?! Ахир уни юпатиш учун алдаши керак. Чунки Зумрад бор гапни айтди. Зумрад кўзларини қоронғи бўшлиққа тикканича қимирламай ўтирарди. Кеча жимжит. Фақат сувнинг майин жилдираши эшитилади. Аллақаерда калтакесак чирқ-чирқларди. Беҳи шохидаги товуқ бир патиллаб яна тинди.

— Нега хотин киши қилиб яратдинг, деб ҳар куни худо билан юз марта уришаман,— Зумрад яна жим бўлиб қолди, кейин секин, сирли товуш билан деди:— Адол, биласанми, Самарқанд деган шаҳарда бир қиз яхши кўргани билан қочиб кетибди! Кеча аямлар гапиришаётганида эшитиб қолдим. Холам тоғамнинг олдига кетган эди. Ўша ердан шу гапни топиб келди. Яна бир хотин паранжисини ташлаган экан, эри ўлдириб, сандалнинг тагига кўмиб қўйган эмиш. Топиб олишибди. Қуриб кетгур золим эрини қара! Қочиб кетган қиз боплабди, ажаб қипти...

Адолатнинг эсига Усмонжоннинг «Ҳатто қурт-қумурсқалар ҳам яшаш учун курашади» деган гапи келди.

— Нима қилсин,— деди ўйчанлик билан,— бошқа иложини тополмагандирки, қочгандир. Ахир қурт-қумурсқа ҳам яшаш учун курашади.

— Тўғри айтасан, Адол. Биз шу қурт-қумурсқачалик ҳам эмасмизми, а? Қимга берса индамай кетаверамизми? Паранжи ташламаганимизга шукур қилиб, яхши кўрганимизга бериша қолсин. Лекин, сени яхши кўрганинг очилтирса керак. Ҳукуматнинг одами деяпсан-ку ўзинг.

— Қоч, қаёқдаги гапларни гапирма,— уришиб ташлади Адолат.— Қачон яхши кўрдим дедим?

Зумрад қиқирлаб кулди.

— Хаёлинг кетиб ўтирибсан-ку! Айтмасанг ҳам билиб турибман.

— Яхши бўпти!— Адолат тескари бурилди.

— Хўп, бўпти!— Зумрад Адолатнинг сочидан тортиб кулди.— Кел энди, ухлайлик. Ярим кеча бўлай деб қолди.

Қизлар ётишди. Адолатнинг кўзи энди илинай деганда яна Зумраднинг овози эшитилди.

— Адолат! Адол деяпман.

— Ҳим...

— Анов газетангдаги хотиннинг гаплари тўғри-а?

— Ҳим...

— Адол, ҳай Адол!

— Ухлагани қўясанми, йўқми, ахир?— Адолат туриб ўтирди.— Гапир, нима дейсан?

— Агар мени Низомжонга беришмаса, қочиб кетаман.

— Шуми гапинг! Яхши бўпти!— Адолат орқасини ўгириб ёнбошлади.

— Худо у дунёда дўзахи тугул, ундан баттарига солмайдими! Бу дунё қайси дўзахдан кам?

— Зумр, Зумр, ухласанг-чи, ўртоқ,— Адолат ёлвор-

ган товуш билан гапирди.— Ухламасанг ҳозир чиқиб кетаман!

— Хўп, энди гапирмайман, ухлай қол.

Қизлар жим бўлиб қолишди. Ой анча нарига кетиб қолганди. Унинг нури бир-бирига тескари қараб ётган қизларнинг юзини ёритиб турарди. Улардан бирининг киприги ҳар замон-ҳар замон пирпираб қўяр, иккинчиси бўлса бир юзини ёстиққа босиб, ухлаб ётарди.

Атроф жимжит. Шу маҳалда кимдир аллақаерда ўтин ёради. Сувнинг майин шилдираши эшитилади.

* * *

Кўчадан шошиб кирган Тожибой Тўтибуга нималарнидир гапирди-да, кир юваётган Адолатга қараб:

— Сен, қизим, қўшниникига чиқиб тур. Қишилар киради,— деди. Адолат ҳушини йўқотгандек қотиб турган онасига қўрқинч назари билан бир қаради-ю, дарчадан Зумрадларникига ўтиб кетди.

— Нега серрайиб турибсан? Уйингни йиғиштир, кўрпача-пўрпачаларингни сол.

— Нега мунча шошасиз?— деди Тўтибу йиғламсираб.— Гулдай боламни кундошлар қўлига топшираманми?

— Ҳа, бўлмаса бирон яланг оёқ, калта думга берайми? Нима қипти, бой хотин бўлиб ўтиради. Ҳозир замонни кўриб турибсан-ку! Вақт ғанимат бўлиб қолди.

— Биронта хотини йўқ одам топилиб қоларди. Қизимизнинг бўйи туйнукдан чиқиб кетаётгани йўқ-ку!

— Бўлар, бас қил. Эшон поччам ўртага тушганлар, жавоб бериб қўйганман.

Тожибой шошилиб чиқиб кетди. Тўтибу пиқ-пиқ йиғлаб юриб, жой қилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай эшикдан Тожибой кўринди.

— Қани, қани, марҳамат қилсинлар. Бемалол.

Кетма-кет уч киши кирди. Олдинда ҳали қадди гоз бўлса ҳам ҳасса тутган эшон келарди. Кетида қора этик, жужундан камзул кийиб, салла ўраган ўрта ёшлардаги бир киши борарди. У қора, қуюқ қошларини чимирган, ердан худди ҳазар қилаётгандек ирганиб қадам босарди, кўкрак чўнтагидан соатининг тилла занжири осилиб турарди. Унинг кетида ўртачароқ кийинган яна бир мўйсафид.

Меҳмонлар ярим соатдан ортиқ ўтирмадилар. Бир-икки пиёладан чой ичиб, ўринларидан қўзғалишди. Улар секин-секин гапиришиб, нималарнидир маслаҳатлашишди, кейин эшон почча қўлини баланд кўтариб, фотиҳа ўқиди. Бошқалар унга қўшилишди.

Тожибой ака эшон билан ҳалиги бойроқ кийинган кишининг елкасига чопон ташлади. Кейинги кишига қийиқ боғлатди. Қўлини кўксига қўйиб, нималардир деди.

Тожибой ҳам меҳмонлар билан чиқиб кетди. Дарчадан отилиб чиққан Адолат югуриб уйга кирди. Дастурхонни йиғиб олаётган Тўтибуга ёпишди:

— Ая, нима гап? Айтинг, гапирсангиз-чи?

— Ҳеч гап йўқ, қизим. Ҳеч гап,— деди Тўтибу ёшли кўзини қизидан яширишга уринниб.

Адолат бўшашиб сандиқ четига ўтирди.

— Жавоб бердими дадам?

Тўтибу индамади.

— Сиз ҳеч нарса демадингизми, ая?

— Қўй, болам. Юрагимга ўт ёқма! Даданг менинг гапимга кирармиди? Нима қиламиз, тақдир...

— Тақдирига ўт тушсин,— деди Адолат йиғлаб. Кейин бирдан ёлворган товуш билан сўради:— Ая, жон ая, дадамга айтинг, бу ишдан қайтсин. Ахир, биттагина қизиман. Раҳми келсин.

Шу пайт Тожибой кириб қолди. У, она-боланинг кўзида ёш кўриб, гапни бошқа ёққа бурди.

— Умарбекнинг ўғлини босмачилар олиб кетибди-я! Аттанг, чиройли йигит бўлган эди. Ҳай, қоронғида нега

қимирламай ўтирибсанлар? Чироқни ёқсаларинг-чи!.. Аттанг, аттанг, бесоқол қилишади-да, қурғурлар. Адолат, қизим, йиртиқроқ кўйлагингдан кийиб, юзингга қора куями, кул-пулми суртиб ол. Бу қуриб кетгурлар яна бош кўтариб қолишди.

Адолат ўрнидан қўзғалмади.

— Ҳой, нега гапирмайсанлар? Оғизларингга толқон солдингларми? Сенга айтяпман, Адолат! Тур ўрнингдан!

Адолат ташқарига чиқди. Тожибой хотинининг ёнига келди.

— Ҳай, падар лаънат! Сен алдаб-сулдаб кўндириш ўрнига, ўзинг йиғлаб ўтирибсанми?— Кейин бир оз юмшоқ товуш билан давом этди:— Хотин, ахир қариб қолдим. Ҳар қалай, куёв бўлмиш бой одам. Унча-мунча бергани кунимизга яраб қолар. Дастмоянинг ҳам мазаси қочди, ахир.

— Давлати ҳам қурсин,— деди чироқ пилигини кўтараётган Тўтибу,— қизингиз кўнмаяпти. Ўшанга берсаларинг, ўзимни ўлдираман, деяпти,— Тўтибу бу гапни эрини сал чўчитиш учун ўзидан қўшиб айтди.

— Нима? Ўлдирармиш?! Ҳеч, жон ширин! Ўлдириб бўпти!

Дераза ёнида дадасининг сўзларини эшитиб турган Адолат чуқур хўрсинди-да, ариқ бўйига кетди. Сувга қараб узоқ ўтирди. Кейин юз-кўзларини ювди. Тожибой ака йўталиб, томоқ қириб, кўчага чиқиб кетди.

Тожибойнинг динга эътиқоди зўрлигини биз юқорида айтиб ўтган эдик. Бунинг устига, унинг дўкончасидан эшон поччага ўхшаган меҳмонлар узилмасди. Кимни эри ўлдириб кетибди, очилган хотинларнинг дўзахга тушиши борми, хуллас, ҳамма гап гузардаги шу кичкина дўкончада бўларди. Тожибой ака эшонни худонинг энг суйган бандаларидан деб ўйлар, унинг гапларини ҳурмат ва итоат билан тинглар, бу дунёда кўрмаганларини у дунёда кўришига қаттиқ ишонарди.

Адолат кўп ялинди. Лекин дадаси юмшамади. Аксинча, уйда тўй ҳаракати бошланиб кетди.

Адолат аввал йиғига зўр берди. Кейин хомуш, ўйчан бўлиб қолди. Тўй яқинлашарди. Адолат уч кундош устига тўртинчиси бўлиб бориши керак. Бой ҳам ёш эмас, невара кўрган одам.

Бир кун Зумрад Адолатнинг сўлғин юзига қараб туриб:

— Адол,— деди секингина,— анови Усмонжон деганнинг уйини билсам, бир амаллаб бориб келардим.

— Бориб нима қилардинг?

— Айтардим, маслаҳат сўрардим.

Адолат индамади.

— Ҳукуматимизни хотин-қизларга ён босадиган, одил дейишади,— деди чуқур хўрсиниб Зумрад,— ана, газетангда ҳам ёзибди-ку! Хотин-қизлар ўқисин, очилсин, эркаклар билан теппа-тенг бўлсин, дебди-ку! Қачон шунақа бўларкин-а?

Хаёл суриб ўтирган Адолат яна индамади.

— Адол!

— Ҳим!

— Ўша ҳукумат бизникига қачон келаркин-а!

Адолат кулиб юборди.

— Нега куласан?

— Келади,— деди кейин Адолат жиддий туриб,— келади, секин-секин келади. Лекин биз ҳам унинг йўлига чиқишимиз керакка ўхшайди, Зумр.

— У нима деганинг?

— Агар унинг келишини кутиб ётсак, бизни қутқаришга улгуролмай қолади, деганим.

Адолат жуда хомуш эди. Зумрад ўнта гапирганда битта жавоб берар, кейин худди ёнидаги Зумрадни унутгандек, кўзларини бир нуқтага тикиб, индамай қоларди.

Тўтибу тўй ҳаракатида попопчиникига кетган. Шунинг учун Зумрад ўртоғини ёлғиз қолдиргиси келмай, тикаётган дўпписини олиб, унинг ёнига чиққан эди.

Адолат ўрнидан сакраб турди-да, уйга кириб кетди. Сал ўтмай, кавуш-маҳсисини кийиб, паранжи кўтариб чиқди.

— Зумрад, ўртоқжон, сен бирпас шу ерда ўтириб тур, мен ҳозир келаман.

— Қаёққа?

— Гузарга, дадамнинг ёнига чиқиб келай.

Зумрад бошқа савол беришга улгурмади. Адолат шошилиб чиқиб кетди. Лекин ҳадеганда ундан дарак бўлмади. Куппа-кундузи бўлгани учун Зумрад хавотир олмас, бошқа жойга кетса, ҳеч бўлмаса менга айтиб кетарди-ку, деб ўйларди.

Тўтибу келди. Адолатнинг дадаси ёнига чиққанлигини эшитиб, ҳайрон бўлди.

— Нима иши бор экан?

— Айтгани йўқ.

— Қачон чиқиб кетувди?

— Анча бўлиб қолди. Билмадим, шу вақтгача дараги йўқ-ку.

Тўтибу паранжисини олиб уйга кириб кетди. Хиёл ўтмай эзилган, кирроқ бир қоғозни кўтариб чиқди.

— Зумрад, мана бу ўртоғингнинг хатига ўхшайдими?

— Ҳа,— деди Зумрад қўлига олиб.

— Ўқи-чи! Нима ёзган экан?

— Мен... мен яхши ўқиёлмайман-да. Қаердан топдингиз?

— Хонтахта устидан. Бир учини пиёланинг тагига қистириб қўйибди.

Зумрад «Меҳрибон аяжон!» деган сўзни ўқиди-ю, юраги шув этиб кетди.

— Во-ей, юрагим ўйнаб кетяпти. Бор, аянгни чақир, юра қол, ўзим чиқа қолай.

Тўтибу Зумраднинг қўлидан хатни тортиб олиб, дарча томонга югурди. Ширмонхон айвонда ўтириб, машина тикарди.

— Ҳой, Ширмонхон, мана буни ўқинг. Тезроқ ўқинг.

Ширмонхон ҳайрон бўлиб хатни олди.

«Меҳрибон аяжон! Мени қидирманглар, мен кетдим. Нима қилай, бошқа иложим йўқ.

Аяжон! Йиғламанг. Биз албатта кўришамиз».

Тўтибу хатнинг бошини эшитибоқ, ўзини ерга кўтариб урган эди.

— Вой шўрим!— деди Ширмонхон бир қўли билан оғзини тўсиб.— Вой бети йўқ қиз! Вой шармисиз ҳаёсиз қиз!

Зумрад ҳайрон бўлиб қотиб турарди.

* * *

Адолат Гуар *опанинг уйини жуда қийинчилик билан* топиб борди. Кўчалардан извошда ўтганлиги учун яхши эсида қолмаган эди.

Адолат бу ерга қанот боғлагандай келди-ю, эшик тагига етай деганда бирдан тўхтаб қолди. «Нега келдингиз?» деса-я! Вой шўрим, нима иш қилиб қўйдим? Ёнимда пулим бўлса ҳам кошки. Малол келмасмикин-а? Ёмон қиз экан бу, деб ўйлашса-я! Йўғ-э, унақа одамларга ўхшамайди. Жуда бўлмаса бирон ерга иш-пишга жойлаб қўйишар, ахир... Борди-ю, Усмонжон ҳам шу ерда бўлса-чи... Йўқ, ҳали эрта, ишдан қайтмагандир.

Адолат деразани секин чертди-да, лабини тишлаб, деворга ёпишди. Эшикдан олдига фартук тутган Гуар чиқди.

— Адолат?!—деди у ҳам қувонч, ҳам таажжуб билан.

— Ҳа, мен,— деди Адолат тортинибгина.

— Қани киринг, нега бу ерда турибсиз? Киринг!

Адолат секин уйга кирди.

— Паранжини олинг, ўтиринг. Тинчликми? Хафа кўринасиз? Бирор гап бўлдими?

— Йўқ, ҳеч гап бўлгани йўқ.

Адолат келишга келди-ю, нима деб гап бошлашни билмай қолди. У бу уйда туролмайди. Эр-хотин ўртасида

қандоқ бўларкин... Йўқ, тортинади. Усмонжонни сўраса, Гуарнинг кўнглига бирон гап келмасмикин? Нима қиларди, ишим бор, дейди-да. Қочиб келганини айтса, албатта, булар ҳам Адолатни кўчага ҳайдамайдилар. Лекин, нима учундир, бу ердан кўра Усмонжоннинг кампир онаси бағрида туриш унга ўнғайроқдек кўринарди. Яхши хотин бўлса, қизидек хизматини қилади, кирини ювади, кейинча бирор иш топиб кетар, ахир.

Адолат бир оз тараддуддан кейин сўради:

— Усмонжон акада зарур бир ишим бор эди. Қаердан топсам бўларкин?

— Бу ерга келиб туради-ку, лекин қачон келишини айтолмайман. Уйини билмайсиз-да, а? Вақтим бўлганда ўзим олиб борардим.

— Айтиб берсангиз, балки топарман,— деди Адолат бирдан дадиллашиб.

— Осма кўприкдан ўтганингиздан кейин анча юрасиз. Каттакон ариқ келади. Ундан ҳам ўтасиз. Озроқ юрганингиздан кейин ўнг қўлда биринчи кўча. Бешолти дарвоза ўтганингиздан кейин сўрасангиз, одамлар ҳам айтиб беришади.

Адолат қайта-қайта аниқлаб олиб, Гуар билан хайрлашди-да, йўлга тушди. У юз хаёл, юз тараддуд билан борар, босган қадамини билмасди. Борди-ю, Усмонжоннинг онаси рўйхуш бермаса, яна Гуарнинг уйига қайтиб келишни ва унга воқеани очиқ айтишни кўнглига тугиб қўйди.

Усмонжоннинг онаси Хосият буви Адолатни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Одатда, ўғли бор хотинлар чиройли қизларни кўрса, қизи бор хотинлар чиройли йигитларни кўрса, дарров келин ёки куёв орзусида ёнадилар. Хосият буви ҳам худди шундай бўлди. Адолатнинг қадди-қоматига разм солар экан, артиб қўйган олмадеккина экан. Болагинамга ҳам шундай қизлардан қаллиқ қилсам, деб кўнглидан ўтказди. Хосият буви Адолатга ёқди. Унинг ҳаётнинг кўп аччиқ-чучукларини бошидан ўтказган,

меҳрибон хотин эканлигига, негадир, биринчи кўришдаёқ ишонди.

Хосият буви меҳмонни ўтиришга таклиф қилгандан кейин, савол назари билан унга қаради. Адолатнинг юзи оловдек ёнди, нима дейишини билмай, ерга қаради. Нима қилсин, бор гапни айтиб, ўзини бу хотиннинг бағрига отсинми?.. Йўқ, Усмонжонни кутсин. Балки унинг бу ерда туришини Усмонжон хоҳламас... Адолат юз изтиробда тўлғанган қалбини енгди-ю, бошини кўтарди.

— Усмонжон акада озроқ ишим бор эди... У киши мени ўлимдан қутқарган. Мен қиёматлик сингилларимаи.

Хосият бувининг юзига табассум югурди.

— Сиз Адолатхонмисиз?

— Ҳа, ҳа, Адолатман,— деди у бирдан енгил тортиб.

— Менга айтган эди. Яхши бўлиб кетдингизми? Ўтира туринг, кечроқ келиб қолади.

Адолат бир довондан ошди-ю, иккинчиси олдида қолгандай бўлди. У Усмонжонни бетоқатлик билан кутар, лекин унинг келишидан қўрқар эди. Нима дейди, қандай қилиб айтади. Уйини ташлаб кетиб, енгиллик қилиб қўймадими, а?.. Ахир, инсон бир марта яшайди. Наҳотки шу озгина умрини ҳар куни ўлиб ўтказса?!

Йўқ, майли, ким нима деса десин, энди бу ёғини пешонасидан кўради.

Усмонжон анча кеч келди. У Адолатни кўриб, аввал ҳайрон бўлди. Кейин бу учрашувни кутмаганиданми, бир оз довдираб ҳам қолди.

— И-е, Адолатмисиз? Қани, қани, ўтиринг. Буни қаранг-а, қандай бўлиб...

Усмонжоннинг хурсанд бўлиб кетганини кўрган Адолатнинг юрагидаги қўрқув бирдан қувончга айланиб кетди. У ўзини дунёдаги энг меҳрибон одам олдида тургандай сезди. Атрофга қаради-ю, Хосият бувининг йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, бирдан йиғлаб юборди.

— Нима бўлди? Айта қолинг. Йиғламанг, Адолат!

Адолат бошидаги рўмолини олиб, кўз ёшини артиш

баҳонаси билан юзини яширди. У аввалги ранги оппоқ, бир оз озган, кўзлари ичига ботган Адолат эмас, тўлишган, етилган бир гўзалга айланган эди. Узун қўнғир сочлари ўтирганда ер ўпар, билагузук тақкан билаклари оппоқ, беғубор эди.

— Дадам... дадам мени бир бойга уч кундош устига эрга беряпти,— деди хўрсиниб Адолат.

Бу гап Усмонжонни сира таажжублантирмади. У енгилгина хўрсиниб қўйди-ю, лекин индамади.

— Мен... мен қочиб келдим.

— Нима? Қочиб келдингиз?

Адолат бошини кўтарди. Унинг жиққа ёшга тўлган кўзларида ҳам қўрқув, ҳам ёлвориш бор эди.

— Усмонжон ака, мени кет деманг. Синглингиз бўлай, кирингизни ювай, уйингизга қарай. Менга ёрдам беринг. Ҳеч бўлмаса бирон ишга жойлаб қўйинг. Мен сизни паноҳ тортиб келдим.

Усмонжон кўз ёшлари ичида баҳор ёмғиридан очилган гулдек гўзаллашган бу жасоратли пари қизни эркалатиб, сочларини силаб, юпатгиси келди. Лекин бу мумкинмиди?

— Йиғламанг, Адолат. Мен жуда хурсанд бўлдим. Яхши қилибсиз.

Адолат тинмай оқаётган кўз ёшларини рўмоли билан артар экан, хўрсинарди.

— Майли, хафа бўлманг. Аям билан бемалол тураверасиз. Ўз уйингиздай кўринг. Мен аямга айтаман.

— Яна кўнгилларига бошқа гап келмасмикин?— деди Адолат хижолатлик билан.

— Йўқ, йўқ. Мана, бундан кейин бирга турсангиз, биласиз аямнинг қанақалигини.

Усмонжон овқатдан кейин онаси кетидан уйга кирди-ю, анча гапиришиб қолди. Уйдан Усмонжон хурсанд, Хосият бувн хомушроқ бўлиб чиқди. Адолатнинг юраги алланечук бўлиб кетди. «Қани, ойимқиз, уйингизга жўнанг! Йигит киши бор жойда, қиз болага ким қўйибди»

деса-я!.. Йўқ, бундай бўлмади. Хосият бувининг хатти-ҳаракати, муомаласида Адолат ўзига нисбатан нафрат эмас, меҳр ва ачиниш сеза бошлади. Кечаси ўрин солиб ётганларида Хосият буви осмонга қараб, узоқ вақт индамай ётди-да:

— Дунёнинг ишлари қуриб кетсин, болам. Хафа бўлманг,— деди хўрсиниб. Кейин бир ёнбошига ағдарилди. Сал ўтмай, Адолат унинг «пуф-пуф»лаганини эшитди.

Адолатга ҳовлидаги чорпояда ётган Усмонжоннинг нафаси ҳам эшитилиб турарди. Усмонжон эрталаб хайрлашиб чиқиб кетди. Шу кетганича уч кун келмади. Адолат шу уч кун ичида озиб-сўлиб қолди. Бир ёқдан онасининг аҳволини ўйлар, иккинчи томондан Усмонжондан дарак йўқлигидан қўрқар ҳам шубҳаланар эди. Одам юзи иссиқ, кетинг уйингизга деб айтолмадимикин-а?.. Балки яхши кўргани бордир. Кутиб-кутиб уйига кетса, кейин бораман деяптимикин-а?..

Адолат охири чидолмади. Ҳар хил қийқимлардан кўрпача тикиб ўтирган Хосият бувининг ёнига келиб, секин тортинибгина сўради.

— Холажон, Усмонжон акадан нега дарак йўқ-а?

— Келиб қолар,— афтидан, Хосият буви ҳам қаттиқ ташвишда эди.— Иши кўп. Баъзан қолиб кетади шунақа.

Адолат Усмонжонни кутиб, ҳар куни уй тозаларди. Усмонжоннинг кир кўйлаклари, сочиқларини ювди, дазмол қилди, чойнак-пиёлаларни ярақлатиб қўйди. Кеч-қурун Хосият буви билан бирга угра қилишди. Адолат хамирни ёйиб, соч толасидай ингичка, чиройли қилиб кесиб берди.

Кечаси Усмонжон қайтди. У чарчаган, кўзлари ичига ботгандай эди. Адолатнинг юраги увушиб кетди. Унга раҳми келди. Иложи бўлса-ю, ёнида бирга ишласа, оғирини енгил қилса... Хосият буви афтидан ўғлининг бу хилда қолиб кетишига кўникиб қолгандай эди. У довдирамади, меҳрибонлик билан секин деди:

— Ишхонанг яқинроқ бўлсаям кошкийди. Қачон озаяркин бу ишларинг.

Хосият буви ҳовлига чиқди. Усмонжон қўлида нимадир эзғилаб ўйнаб ўтирган Адолатга қаради:

— Зерикмай ўтирдингизми, Адолат?

— Йўқ, фақат... хавотир олдим.

Усмонжоннинг юраги алланечук бўлиб кетди. Бу сўз уни бирдан Адолатга яқин қилиб қўйгандек эди. У хаёлида энг яқин кишиларгина бир-бирига айтадиган бу гапни онасидан бошқа ҳеч кимдан эшитмаган эди. Усмонжон тоза, дазмолланган сочиқни олиб, ювингани чиқди. Қайтиб киргач, хонтахта устига овқат қўяётган Адолатга:

— Тоза уринганга ўхшайсиз, Адолат?..— деди.— Қани, ўзинглар ҳам ўтиринглар, бирга ичамиз.

— Йўқ, йўқ. Биз холам билан овқатланганмиз. Бемалол.

Кечаси Адолатнинг уйқуси қочиб кетди. Кўз олдига жудолик аламига чидаёлмай бетоб бўлиб қолган аяси келар, сени шу ниятда боқувдимми, деб таъна қилаётгандай бўлар эди. Дадаси-чи? Дадасига ҳам қийин. Ҳар қалай, ёлғиз қизи. Ҳар қанча қаҳр қилса ҳам, куймай иложи йўқ.

— Аям бечора қон-қон йиғлаётгандир! Дадам нима қиляптийкин?— деди Адолат секин хўрсиниб.— Хола, Усмонжон акамнинг дадалари... нима бўлган-а?

Хосият буви тезда жавоб бермади. Чуқур бир уҳ тортиб, кейин секингина:

— У киши қазо қилганлар,— деди.

Усмонжонларнинг бундан олдинги ҳовлиси Эски шаҳарда каппоннинг орқасида эди. Ҳовлининг эни ва бўйи тўрт-беш метрдан ошмас эди. Отасининг жойи бўлмаган. Бу кичкина ҳовли ҳам Хосият бувининг дадасидан қолган эди. Усмонжон дадасини унча яхши билмасди. У катта косибларникида халфа бўлиб ишлар, қарздор бўлиб қолиб, узолмасдан қочиб кетган ва узоқ вақт уйига

келмаган, кейинроқ қайтиб, бир-икки ойдан кейин ўлган эди.

Хосият буви ўн бир бола туққан. Лекин улардан фақат икки ўғилгина — Усмонжон ва акаси Одилжонлар ўсган эди.

Хосият буви чечакдонлигига қарамасдан ёшлигида анча чиройли, келишган ва меҳнаткаш хотин эди. У Каримжон машиначига битта тўнни ўттиз пулдан тикиб, роса ўн саккиз йил чокчилик қилган.

Буларнинг турмуши ночор бўлганлигидан, ёш бўлишига қарамай, акаси Одилжон аллақайси бойнинг заводида ишлар эди. Эндигина ўн уч ёшга кирган Усмонжон эса кундузи нотариус эшиги олдида одамларнинг келишини пойлаб ўтириб, бир-икки танга пул ишлар, кечқурунлари, бозори шабда дўппифурушдан олган дўппиларини кўтариб, арава тагидаги қовун уюмлари олдида тўпланишган одамларга кўрсатиб ёлворар эди:

— Амаки, шу дўппини олиб кетинг. Қаранг, жуда сизбоп-да!

Одилжон эрта кетиб, кеч қайтарди. Хосият буви бўлса кундузи-ю, кечаси тўн тикарди. Қичкина Усмонжон ҳам рўзғор ташвишида тинмасди. Бироқ, тирикчиликлари жуда ночор, оғир эди. Бўлмади. Усмонжон ҳам Ойимқишлоққа Фахриддин қозининг ерида ишлагани кетди. Усмонжон у ерда олти ой ишлади. Кейин оёғига яра тошиб кетди. У оғриқ азобидан кечалари ухлаёлмас, ўзича ҳар хил кўкатларни олиб келиб, оёғига боғлаб кўрар, нима бўлди, деб аҳвол сўрагувчи бирон кимса йўқ эди. Усмонжон онасини соғинар, кечалари ўксиб-ўксиб йиғларди. У қозидан уйига кетиш учун рухсат сўради. Қози Усмонжоннинг олти ойлик меҳнатн бадалига икки сўм пул берди. Усмонжон уни йўлкира қилиб, уйига қуруқ кириб келди. У оёғининг яраси тузалгандан кейин, Андижондаги Маҳмудхон бойнинг заводига ишга кетди.

Бир куни Одилжон ишдан қайтмади. Эртасига Усмонжон дарак олгани Азимбойнинг заводига борди. Ака-

си қоронғи ҳужрада ётар, юз ва баданлари кўкариб, кетган эди. Усмонжон қўрқиб кетди. Кейин билса, бой Одилжонни, пахта ўғирлади, деб гумон қилиб, шундай совуқда бошидан ўн беш челак сув қуйдирибди. Кейинчалик пахтани бойнинг баччаси ўғирлаганини билишибди.

Усмонжон акасини уйга олиб келди. Лекин Одилжон шу касалланганча соғайиб кетолмади. Ҳолсизланиб, юриб, охири ўлди.

Ёлғиз қолган Усмонжон заводда ишлаб юрди. Йиллар ўтди. Унинг бўйи чўзилиб, йигит бўлиб қолди. Ақли кирди. Болалигида қалбида бўртган алам яраси, йилдан-йилга йиринг боғлаб, фасод йиға бошлади. Шу пайтда Октябрь социалистик революцияси бошланди. Усмонжонда қайта ҳаёт умиди туғилди. У ўзига ўхшаган камбағаллар билан биргаликда заводни ҳукуматга топширишда актив иштирок этди.

Усмонжон дастлаб партия ташкилотларидан бирида қоровул ва хат ташувчи бўлиб ишлади. Ана шу пайтда ўқиб, саводини чиқарди. Кейин партия сафига ўтди ва масъул вазифаларда ишлашга кўтарилди. Норин районининг пахта пунктида мудир бўлиб ишлаётган пайтида бирдан босмачилар тўполони кўтарилди ва Усмонжоннинг жанговарлик йиллари бошланди... Ундан кейин эса Олтинкўл район фирқа қўмитасига секретарь қилиб тайинланди.

Усмонжон уйда бўлган пайтларида Адолатни ўқита бошлади ва унга ҳар хил китобчалар ҳам топиб келди. Бора-бора уларнинг бу машғулоти одатга айланиб қолди. Адолат зеҳнли, сезгир эди. Усмонжонга унинг фикр ва қарашлари жуда тез юксалиб, балоғатга етаётганлиги кўриниб турарди.

Адолат борган сари Усмонжонга боғланиб борар, унинг оқ кўнгиллилиги ва меҳрибонлигидан хурсанд эди.

Бир куни Усмонжон келганда Хосият буви қўшнинникига чиққан, ёлғиз қолган Адолат эса Усмонжоннинг пайпоғини ямаб ўтирар ва секин-секин ашула айтарди:

Поезд келади ҳуркиб,
Панор ёғини пуркиб.
Босмачилар йўқолди,
Қизил аскардан қўрқиб.
Бизнинг боғда шафтоли
Шохчалари қайрилган.
Золимларнинг дастидан
Она қиздан айрилган.

Адолат Усмонжонни кўриб, қизариб кетди. Нима қилишини билмай, ўрнидан туриб, ерга қаради.

— Яхши овозингиз бор экан, Адолат.

Шу пайт кириб қолган Хосият буви гапга аралашди:

— Қизим ашулага жуда уста экан. Баъзан айтиб қолади. Қулоқ солиб ўтираман.

— Усмонжон ака,— деди Адолат хомушлик билан.— Аямдан бир хабар олмасам бўлмайди. Ҳадеб тушимга кираяпти, хавотир оляпман.

— Қандай қилиб хабар оласиз? Тағин дадангиз... уч-тўрт кун сабр қилиб туринг. Сал жаҳлларидан тушсин.

— Ҳа, қизим, жаҳл устида тағин... Қўйинг, бормай туринг,— деди Хосият буви.

Лекин Адолат чидолмади. Эртаси куни биров танимасин учун паранжисига ҳар хил ямоқлар солиб, Хосият бувининг қаршилигига қарамасдан кетди. Олисдан дадасининг дўкончаси берклигини кўриб, гузардан дадил юриб ўтди-да, кўчаларига қайрилди. Кўча бошидаги катта дарвоза олдида кичкина бир қизча ўтирар, ўн-ўн бир ёшларга кирган иккинчи қиз қизил қаламни оғзида ҳўллаб, қўлидаги қўғирчоққа қош-кўз ясар ва оғзи бўшади дегунча ашула айтарди:

Адолхон қочиб кетди,
Чачвонин очиб кетди.
Иснодига чидолмай
Дадаси кўчиб кетди...

Адолатнинг юраги шув этиб кетди. Ўрнидан қимирламай тўхтаб қолди. У қандай юрак билан бу ерга келганини билмас, фақат онасини кўргиси келарди. Қизчадан сўрайин деса, таниб қолади. Зумрадни чақиртирсамикин... Қимдан ҳам чақиртирарди. Юрак зардоби ва ранг заъфаронлигини азали яшириб келган бу қоп-қора чачвон ичида юм-юм йиғлаб, ночор орқасига қайтди.

Хосият бувига воқеани айтиб, тўлиб-тошиб йиғлади. Хосият буви Адолатни нима деб юпатишни билмас, унинг софлигини, ночорлигини ҳис қилса-да, баъзан ота-онанинг юзини ерга қаратганидан кўнглида ранжирди. Яна келиб-келиб йигит киши бор жойга қочиб келган қиздан яхшилик кутиб бўлармиди? Бунинг устига, баъзи қўни-қўшнилар Адолатни суриштириб ҳам қолишди. «Нима бало, тўйни насия қилиб, келинни олиб келволдингизми?» дегувчилар ҳам бўлди. Бундай саволларга Хосият буви, ундай деманглар, қариндошимиз-ку, деб жавоб берса-да, ичидан зил кетарди. Бир куни бир девор қўшниси:

— Усмонжон бунақа қизларни оладиган кўринмайди. Маржалардан олади ўғлингиз,— деди.

Хосият буви индамади-да, юраги алланечук бўлиб кетди. Маржалардан олгандан кўра, Адолатни олгани минг марта яхшийди-я, деб кўнглидан ўтказди у. Энди бир ками пешонасидаги биттаю битта келинининг гапига тушунолмай ўтирса, унда нима қилади... Ана шундай гаплардан кейин Хосият буви Адолатга қўни-қўшниларнинг кўзига иложи борича кўринмасликни буюрди.

Адолатнинг бугунги йиғиси Хосият бувини тамомила эсанкиратиб қўйди. Раҳми келиб, ўзи ҳам у билан бирга қўшилиб йиғлагундай бўлди. Онаси бечора нима қиляптийкин?..

Хосият буви Адолатнинг бошини бағрига босиб, сочини силади.

— Сабр қилинг, болам. Сабрдан бошқа иложимиз йўқ.

Кечқурун Усмонжон келганда Адолат яна йиғлади.

— Йиғламанг, эрта-индин мен ўзим бир иложини қиламан. Хабар олдираман. Йиғламанг, Адолат.

Адолат юпангандан кейин Усмонжон стол устида қоғозга ўроғлиқ турган нарсага ишора қилиб:

— Сизга кўйлаклик олиб келдим. Аям тикиб беради,— деди.

— Нега овора бўлдингиз?— деди хижолатлик билан Адолат.

У уйдан шошилиб чиққанидан кийим-кечагини ололмаган, фақат иккита кўйлагини устма-уст кийиб олган эди. Бирини кийса, бирини юварди.

— Адолат,— деди Усмонжон бирдан синовчан назар билан унга қараб.

— Ҳим.

— Паранжи ёпинмай қўя қолинг.— Усмонжон бу гапни Адолатни чўчитмаслик учун кулиб, ҳазиллашиб айтди.

— Йўғ-э,— Адолат қўрқув аралаш Усмонжонга қаради,— хоҳлаганлар очилаверсин. Мен... мен очилмайман. Унда аям ҳам мендан кечади.

— Ҳар бир ишнинг ҳам бошловчиси бўлади, Адолат. Бу жуда катта, улуғ ишнинг бошловчиси бўлиб қолиш учун жуда катта мардлик керак.

— Очиқ юрганимни кўрса, дадам ўлдириб қўяди.

— Кечқурун бир ерга олиб бормоқчиман, борасизми?

— Қаерга?— деди Адолат бошини кўтариб.— Паранжи ташлаганими?

— Йўқ,— деди Усмонжон кулиб,— мажлисга. Кетидан тамоша ҳам бўлади.

— Йўғ-э, биров кўриб қолса... Алдаяпсиз.

— Ҳай-ҳай болам, эсингни едингми?— деди уйга кириб қолган Хосият буви,— бирортаси кўриб қолса нима деган гап бўлади?

— Ким кўрарди. Бирга юрмаймиз. Ундан кейин, мажлисга келадиганларнинг ҳаммаси хотин-қизлар, паранжида келишади. Сиз ҳам бора қолинг, ая! Бир кўриб кела-

сизлар-да. Бора қолинг, Адолат. Мен сизга ёлғон гапираманми, Адолат? Тамоша кўриб келасизлар, холос.

— Шу йиртиқ-ямоқ паранжи билан-а?— деди Адолат бўшашиб.

— Нима қиларди?

Адолат хўп дегандай бошини ирғаб қўйди-ю, кўзи билан Хосият бувига имо қилди. Усмонжон, аямни кўндирамиз, деган маънода кулиб қўйди. Адолат бир томондан Усмонжоннинг раъйини қайтаргиси келмас, иккинчи томондан эса мажлиснинг қанақа бўлишини кўргиси ҳам келарди.

Адолат билан Хосият буви Усмонжон кетидан қорама-қора юриб, Эски шаҳардаги театр олдига боришди. Тўда-тўда бўлиб келаётган паранжилик хотинлар кутиб олувчиларнинг кўрсатуви билан ичкарига кириб боришар, баъзилари орқага тисланиб, четга чиқардилар.

— Киравернглар, тамоша бўлади, опалар. Киравернглар,— дерди ёшгина, қотма бир йигит.

Адолатлар ҳам хотинлар орасига қўшилишди. Чиндан ҳам бу ерга йиғилганларнинг ҳаммаси хотинлар эди. Зал қоронғи бўлганлиги ва атрофда эркакларнинг йўқлигини кўрган аёллар юзларини очиб ўтиришар, бир-бирлари билан нималарнидир сўзлашишарди. Адолат юзини очгани қўрқди. Балки, маҳалласидан ҳам хотинлар келгандир. Бирортаси таниб қолса, шарманда бўлади.

Саҳна очиқ. Қизил алвон ёпилган стол атрофига стуллар қўйилган. Лекин ҳеч ким йўқ. Орадан бир оз фурсат ўтгач, саҳнага одамлар чиқишди. Уларнинг орасида Усмонжон ҳам бор эди. Адолат ундан кўз узолмас, назарида, шунча одамларни ўзига қаратганларнинг биттаси Усмонжон, унга етишиш мумкин бўлмаган бир поғонага кўтарилган эди. У мана шу қоп-қора чиммат ичида ўзини жуда ожиз сезди, ҳалигина бирга кулиб, гаплашиб ўтирган Усмонжондан бирданига узоқлашиб кетгандай бўлди. Залдаги ғовур-ғувур тўхтаб, жимжит бўлиб қолди.

Саҳнага чиққанларнинг ичида иккита хотин киши ҳам

бор эди. Улардан бири думалоқ буғдой ранг, истарали, ўрта ёшлардаги жувон эди. У ёнидаги ҳамроҳига энгашиб, нималарнидир тушунтирарди. Иккинчиси ёшроқ, қорачадан келган, ўрта бўйли аёл, бошини эгиб, тортиниброқ ўтирарди. Бир киши ўрнидан туриб, сўзни биринчи хотинга берди. У ўз сўзида хотин-қизларнинг шу вақтгача эзилиб келганликлари, камситилиб, хўрланганликлари ҳақида гапириб, энди Шўро ҳукумати уларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берганлиги ва уларни очилишга, ишлашга, жамоат ҳаётида фаол қатнашишга чақираётганлиги ҳақида гапирди. Аёл содда, тушунарли қилиб сўзлади. Баъзи бир иғвогарлар, душманларнинг гапларига кирмасликни уқтирди. Мулла-эшонларнинг гапига учиб, «Тикувчилик» артелига ишга кирмоқчи бўлган қизини ўлдириб қўйган ота ҳақида гапириб берди. Адолатнинг юраги жиз этиб кетди. Унинг кўз олдига ўз отаси келган эди.

Кейин бир паранжилик хотин сўзга чиқди. У президиумда ўтирганларга қараб-қараб қўйди-ю, гап бошлаёлмади.

— Гапираверинг, уялманг. Ҳаммаси сизга ўхшаган одамлар,— деди аввал сўзга чиққан аёл унга далда бериб.

— Мен... мен бир камбағал одамнинг қизиман. Дадам кекса, бечора бир одам эди. Ҳалиги,— аёл саҳнада ўтирганларга ишора қилди,—бу одам айтгандек, маҳалланинг казо-казолари ўртага тушиб, мени — ўн беш яшар қизни, маҳалланинг етмишга кирган имомига беришди. Укаларим кўп эди. Дадам кексайиб қолган, рўзғорга қараша олмас эди. Менинг эвазимга дадамга ваъда қилган пулларини ҳам ярим-ёрти қилиб берди имом. Дадам бечора сўратган экан, нима, қизининг нафси йўқми, кўп овқат сяр экан, қизидан қутулганига шукур қилсин, деб жавоб берибди. Онам... онагинам шўрлик,— аёлнинг овози титради, у ўзини тутолмади, йиғлаб гапира бошлади,— ёз бўйи каламушларнинг уясини кавлаб, буғдой йиғар эди,

адирма-адир юриб, товонлари тешилиб, ўзи офтобда қовжираб кетарди. Бир куни шунақа буғдой йиғиб юрганида қаттиқ касал бўлиб қолди. Офтоб урган экан шўрлик онамни. Имом мени унинг касалига қараш учун ҳам юбормади. Уйда ҳеч ким йўқ, ўзи ёлғиз ётиб, ўлиб қолибди. Қичкина укам бўлса билмасдан бориб, уни эмиб қўйибди,— аёл ўкраб йиғлаб юборди. Адолат ҳам пиқ-пиқ йиғлаб ўтирарди.

Аёл бир оз ўзини босиб, сўзини давом эттирди.

— Ана шунда, бу хотинга каламушнинг қарғиши теккан, деб маҳалланинг дурустроқ одамлари онамнинг жанозасига ҳам кирмаганлар. Менинг юрагим қон-зардобга тўлиб ётибди... Мен Ҳукуматимизнинг хотинларга ён босишини эшитиб, қишлоқдан келдим, яланг оёқ юриб, уни қидириб келдим. Менга иш берса, ўқи, одам бўл, деса, мен... мен нега йўқ деяй? Худо ўлим берсин бу паранжига,— аёл паранжисини бошидан юлиб олиб, ерга урди. Президиумда ўтирганлар қарсак чалиб юборишди.

Паранжисини ташлаган хотин йигирма икки, йигирма учларга кирган, бўйдоргина, чиройли жувон экан. У очилгандан кейин уялиб гапиролмай қолди. Уни саҳнада ўтирганлар ўз ёнларига чақиришди. Аёлнинг эгнида бурмасиз тикилган танга-танга гулли чит кўйлак бор эди. Бошида ҳам чит дурра. У уялганиданми, ёнида ўтирганларнинг салобати босганиданми, ердан бошини кўтармасди.

Адолатнинг ёнида ўтирган хотинларнинг биттаси шивирлади.

— Ўтиришини қаранглар. Бетинг қурсин, шарм-ҳаёсиз!

Иккинчи хотин унга жавоб берди.

— Бечорани қаранг. Бошидан ўтганини гапириб берди-ку, нима қилсин шўрлик.

Мажлисдан кейин концерт бўлди. Энг охирида ўрта бўйли, оқ-сариқдан келган бир одам дутор чалиб, ашула айтиб берди.

Адолатнинг эсида «Келди очилур чоғинг...», «Парчалаб кишанларни...» деган узуқ-юлуқ сўзлар қолди, холос.

Адолат хотинлар билан кўчага чиқди. У ёқ-бу ёққа аланглади. Усмонжоннинг ёнида турган Хосият холанинг имоси билан секин улар кетидан юриб кетди...

Адолат онасини соғинар, хавотирланар, кўпинча очиқ-ошкор йиғлаб ҳам оларди. Лекин, бугун жуда камгап, оғир бўлиб қолди.

— Ҳалиги паранжисини ташлаган хотиннинг отини билмайсизми?

— Зебихон экан оти.

— Зебихон,— деб такрорлади Адолат,— бечора, йиғлаб-йиғлаб гапирди. Мен ҳам йиғлаб олдим... Ҳалиги, энг кейин ашула айтди-ку. Ўша ашуланинг сўзларини билолмай қолдим-да.

— Керак бўлса мен сизга топиб бераман,— деди Усмонжон,— уни Ҳамза Ҳакимзода деган одам ёзган.

— Ростданми?

— Ҳа.

— Усмонжон ака, аямдан жуда хавотирдаман-да.

— Эртага биламиз.

Ҳақиқатда эртаси куни Усмонжон хабар топиб келди. Лекин, Адолатга айтишини ҳам, айтмаслигини ҳам билмасди. Адолатнинг қовоқлари шишиб кетган, афтидан, кун бўйи йиғлаган эди.

— Аямдан сира кўнглим тинчимаяпти. Касал бўлиб қолган бўлмаса майли-я.

— Аянгиз соғ-саломат экан.

— Ростданми, билдингизми?

— Рост. Фақат ҳовлидан кўчишиб кетибди. Дадангиз кўчириб кетибди.

Адолат лабини тишлаб, хонтахтага бошини қўйди.

— Нима қилиб қўйдим мен,— деди у кўз ёшларидан бўғилиб.

— Сизми? Ҳеч нарса қилганингиз йўқ. Фақат бойга тегмадингиз, холос.

Адолат узоқ йиғлади. Усмонжон нима қилишини билмай, хаёл суриб ўтирарди. Хосият буви эса гоҳ Адолатга, гоҳ хомуш ўтирган ўғлига қараб, хўрсиниб қўярди. Адолат бирдан бошини кўтарди.

— Сизларни ҳам ташвишга қўйдим,— деди хижолатлик билан кўз ёшларини артар экан.

— Мен сизни жуда мард қиз деб ўйлаган эдим.

— Бўлди, энди йиғламайман. Нима бўлса бўлди. Эртага тўғри Зумрадларникига бораман. Қаерга кетганларини улар билишади.

— Бора кўрманг, Адолат.

Адолат кечани мижжа қоқмай ўтказди. Эрталаб Хосият бувининг қаршилигига қарамасдан Усмонжон билан кетма-кет йўлга чиқди. Куз бошланиб, совуқ ҳам тушиб қолган эди. Табиат баҳордаги кўркамлигини йўқотган, барг тўкаётган дарахтлар ғамгин, маъюс кўринардилар. Бегубор сувларнинг юзида хазон сузарди. Одамлар қиш ташвишида: қопдами, аравадами, уйларига сабзи-пиёз, ўтин олиб кетаётган кишилар учраб қоларди. Атрофга қулоч отган катта чинорнинг тагида жулдур паранжига ўралиб ўтирган хотин мунгли товуш билан ўткинчиларга ёлворарди:

— Худо хайрингларни берсин, садақа қилинглар, болаларим...

Адолат нимчасининг чўнтагини кавлаб, оғир хўрсиниб қўйди. У қассобликдан ўтиб, кўчаларига бурилганда, вужудида қандайдир титроқ бошланди. У дадасига рўбарў бўлишдан қўрқади, холос. Дадаси йўқ экан, бошқаларнинг у билан нима иши бор? У бирон ёмон иш қилгани йўқ-ку, ахир. Адолатнинг ёнидан маҳалласидаги нонвой йигит ўтиб кетди. Унинг бир томонга қийшайган бошидаги катта саватдан буғ кўтарилиб борарди. Адолат ундан сўраги си келди-ю, ботинолмади. У дадасининг қулф урилган дўкони олдидан ўтиб, кўчаларига қайрилди. Тўғри Зумрадларникига қараб кетди.

Ширмонхон айвондаги чорпояда ўтириб, узилиб кет-

ган марваридини қайта ипга тизиш билан овора эди. У чорпояга суяниб турган ўғли Абдураҳимга нималарнидир уқтирарди. Абдураҳим ўн етти-ўн саккизга кирган, барваста йигит эди. У Ширмонхоннинг биринчи эридан бўлиб, бу оилага бегона бўлса ҳам, Зумраддан кўра эркароқ ва азизроқ эди.

Ширмонхон Адолатни кўриб, қотиб қолди.

— Эсон-омонмисизлар, Ширмонхон опа!— Адолатнинг кўришиш учун чўзилган қўлларини қайириб ташлаб, Ширмонхон ўрнидан турди.

— Бети йўқ, бузуқ, нега келдинг бу ерга?

— Вой, нима деяпсиз?

— Йўқол дейман, йўқол, наҳс! Йўқол, касофат, кўзимдан!— Ширмонхон чорпоядан сакраб тушиб, Адолатни юмдалай бошлади.

Адолат нима қилишини билмай, кўчага югурди. Ширмонхон овозининг борича бақирди.

— Вой-дод, ҳой, қўшнилар, маҳаллани наҳс бостирган бузуқни ушланглар! Ҳой, ким бор? Ҳой, Абдураҳим, ушла уни!

Абдураҳим югуриб бориб, кўча дарвозасига етган Адолатни паранжисидан тортди. Паранжиси сирғалиб ерга тушди. Адолат паранжисига энгашган эди, боши аралаш елкасига қаттиқ тепки тушди. У йиқилди. Жон ҳолатда ўрнидан туриб, яна кўчага отилди. Абдураҳим қувлаб бориб, уни яна тепди. Атрофдан қўни-қўшни ва ўткинчилар йиғилишди. Адолат оломоннинг ичида қолиб кетди.

— Тошбўрон қилиш керак, уни!

— Ибрат бўлсин, роса уринглар!

— Ҳой, бировнинг боласини ўлдириб қўясизлар!

— Девор тагига бостириш керак!

— Ҳай, мусулмонлар, бу нимаси! Қўйворинглар!

Адолатнинг қулоғига қий-чув, тўполон ичида ана шунақа гаплар эшитилди. Ким уни урмоқчи, ким қутқармоқчи, билиб бўлмас эди. Ширмонхон оломон ўрта-

сидан суғурилиб чиқди. Унинг қўлида узун бир ўрим соч осилиб турарди.

Адолат ҳеч нарсани эшитмай қолди...

Адолат кўзини очганда каравоти ёнида оппоқ кийинган бир хотинни кўрди. Хотин унга энгашди.

— Сув.

Аёл сув тутди. Бир нафасдан кейин елкасига оқ халат ташлаган Зумрад кирди. У Адолатнинг ёнига чўккалаб, бирдан пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Кўп гапга солманг. Ўзи энди кўзини очди,— деди тикка турган хотин Зумрадга қараб. Кейин майда, енгил қадам билан чиқиб кетди.

— Аҳволинг яхшими? Дурустмисан?

— Мени... мен қаердаман?

— Докторхонадасан. Ўша куни мен уйда эдим. Кейин келиб қолдим. Сени бир милиционер зўрға қутқариб олди. Ўзи ҳам анча-мунча ...так еди бечора. Мен сени ўша милиционердан сўраб, ...ниб келдим.

Адолат ҳолсиз кўзларини Зумрадга тикиб, индамай ётар, бош ва юзлари дока билан ўраб ташланган эди.

— Аям... аямлар қаерда?

— Аянгни айтиб келсам, майлими? Мен биламан уларнинг кетган ерини.

— Майли.

— Фақат бугун эмас, эртага. Узоқ кетсам, уйдагилар билиб қолишади. Хўпми?

Адолат ҳолсизликдан кўзини юмди.

— Хайр, Адолат, бугунча. Илоҳим яхши бўлиб қолгин. Эртага келаман.

Адолат оҳиста кўзини очиб, хайр, деган маънода Зумрадга қаради.

Эртасига Усмонжон келди. У, ўша куни ишдан қайтгач, Адолатнинг қайтмаганини Хосият бувидан эшитиб, ҳайрон бўлди. Балки, онасини топган бўлса, юборишмагандир, деган мулоҳаза билан иккинчи кунни ҳам ўтказди. Бирдан унинг юрагига ғулғула тушди. Усмонжон

Адолатларнинг кўчасига одам юбориб, воқеани эшитгач, бугун уни қидириб, топиб келди.

— Мен сизга, борманг, деган эдим-ку!

Адолат Усмонжонга гуноҳкорона назар ташлади.

— Майли, тузалиб кетасиз.

Эшикдан Зумрад кирди. У Усмонжонни кўриб, орқасига ўгирилди-да, бошидаги рўмолини ёзиб, бир учи билан юзини тўсди.

— Кираверинг, хола,— деди кейин аллакимга. Адолат сесканиб кетди. Бошини кўтармоқчи бўлган эди, Усмонжон уни ушлаб қолди.

Тўтибу эшикдан кирди-ю, енги билан кўзини артиб тўхтади. Йиғидан қизарган кўзлари билан Адолатга тикилди. Бирдан алпон-талпон босиб, югуриб келди-да, ўзини каравотга ташлади.

— Адолат! Қизим, болагинам! Ўзингни ҳам қийнадинг, мени ҳам, қизим! Жон болам!

— Холажон, секинроқ. Йиғламанг! Хафа бўлса, ҳолдан кетади.

Лекин Тўтибу ҳеч нарсани эшитмасди. У қизини қучоқлаб, унинг юзига ўралган докани ҳадеб ўпар, йиғлар эди.

Уларнинг ёнига ҳамшира аёл келди.

— Холажон, агар шундай қилсангиз, кейин киритмай қўямиз,— деди у Тўтибуга қараб.— Чарчатиб қўясиз, узилиб қолади.

Тўтибу бир оз тинчланди. У стулга ўтириб, енги билан кўз ёшларини артди. Зумрад каравотнинг бош томонида тикка туриб, зимдан Усмонжонни кузатар эди. Усмонжон унга стул кўрсатди.

— Ўтиринг, синглим.

Тўтибунинг кўзи бирдан Усмонжонга тушди. Қўйлагининг кенг енги билан юзини тўсар экан, шубҳа билан сўради:

— Айланай, сиз ким бўласиз?

Усмонжон нима дейишини билмай, Адолатга қаради.

— Бу киши,— деди Адолат бир оз тараддудланиб,— бу киши... куёвингиз...

— Нима деб алаҳлаяпсан?

— Алаҳлаётганим йўқ. Мен шу кишига текканман. Отлари... Усмонжон...

Тўтибу Усмонжонга ўқрайиб бир қаради-да, бирдан йиғлаб юборди. Ўртага ноқулай бир жимлик тушди. Усмонжон нима қилишини билмас, кўнглининг аллақаерида хурсандчилик туғён қилар, лекин алам билан йиғлаётган хотин олдида хижолатдан ерга қараган эди.

Адолат кўзларини шифтга тикканича индамай ётарди. У секин онасига қаради.

— Мен... мен сизни ўлмай қолганимга шукур қилар деган эдим. Сиз бўлсангиз,— Адолатнинг кўзида ёш ялтиради,— хурсанд бўлиш ўрнига йиғлаяпсиз. Бунақалигингизни билсам, чақиртирмас эдим. Мен сизни соғиниб, кўраман деб шу аҳволга тушдим.

Тўтибу кўз ёшларини артиб, қизини қучоқлади.

— Минг марта шукур, болагинам. Минг марта шукур. Фақат бизни шармисор қилдинг, қизим.

— Нима қилиб шармисор қилдим? Дадам бойга унаштирганда қон-қон йиғлагансиз-ку! Сиз мени қутқариб қололмадингиз. Шунинг учун мен ўзимни-ўзим қутқаришга мажбур бўлдим. Усмонжон ака... Усмонжон ака мени ўлимдан сақлаб қолган. Аввалги гал кетганимда мен мана шу кишиникида ётган эдим.

Тўтибу Усмонжонга яна бир кўз ташлади.

Ахир бу хотин ёлғиз қизига не-не орзу-умидлар боғлаган эди. Адолат йўлга кирди дегандан бошлаб, топганини сандиққа ташлади. Кечалари лампа шишанинг хира ёруғида сеп-сидирға ташвиши билан дўппи тика-тика кўзлари шилпиқ бўлаёзди. Бойлардек қирқ кун тўй бермаса ҳам, ширингина қилиб тўй-тамоша билан қиз узатишга қурблари етар эди. Жуда бой бўлмаса ҳам тағтуги тахтлик бир одамга қуда бўла олишар эди. Энди бўлса бу орзуларнинг ҳаммаси чиппакка чиқди... Тўти-

бунинг ҳовлисига тўй тугул тўртта хотин ҳам келмади. Бир тийин сарф қилмасдан хотинлик бўлган бу йигит қизининг қадрига етармиди?! Энди нима қилади, одамларнинг юзига қандай қарайди, қиз боқмай онаси ўлсин, демайдиларми?.. «Қизим, Адолат, нима қилиб қўйдинг, ахир?!.»

Тўтибу ўксиб-ўксиб узоқ йиғлади. Зумрад унинг ёнига келиб, ўрнидан турғазди.

— Холажон, туринг, кетамиз. Ана, доктор, бўлди, кетинглар, деяпти.

Тўтибу Адолатни яна қучоқлаб ўпди.

— Қачон келай?

— Қачон хоҳласангиз. Лекин, йиғлаб мени хафа қиладиган бўлсангиз, келмай қўя қолинг.

— Қандай қилиб йиғламай бўлади, болам? Менга осон тутмагин-да.

— Сиз ҳам менга осон тутяпсиз, ая!

— Хайр, худога топширдим.

— Ая, ҳовлимизга қайтиб келинглар.

— Даданг билса мени ҳам ўлдиради, ўзини ҳам. Қариганда ўша шўринг қурғурга ҳам қийин бўлди, болам.

— Адолат,— деди Зумрад энгашиб,— мен келолмасам хафа бўлма. Уйдагиларни биласан-ку. Иложини топган куним келаман. Хўпми?

— Майли, раҳмат.

— Хайр, ўртоқжон.

Зумрад Тўтибуни етаклаб олиб чиқиб кетди. Тўтибу эшик тагига етганда орқасига қайрилиб, бир Усмонжонга, бир Адолатга қаради-да, чуқур хўрсинди:

— Худога топширдим.

Адолатнинг ёнида ёлғиз Усмонжоннинг ўзи қолди. У жуда ўнғайсиз аҳволда, нима деб гап бошлашини билмасди. Адолат буни сезиб турар, у ҳам шу ҳолни бошидан кечирарди.

— Усмонжон ака, мени кечиринг,— деди у ниҳоят,—

шундай демасам, аям мени уйга олиб кетиб қолар эди. Мен сизни ҳам жуда қийин аҳволга солиб қўйдим.

— Майли, ҳеч нарса эмас,— деди Усмонжон секингина. Қўнглида эса, кошки шундай бўла қолса, деган истак ҳукмронлик қилар эди.

Адолат касалхонада бир ойдан ортиқ ётди. Бу орада Хосият буви икки марта ҳол сўраб кетди. Бир гал Тўтибуга тўқнаш ҳам келиб қолди. Лекин Усмонжон тайинлагани учун ўзини танитмади. Тўтибу эса деярли ҳар куни келар эди. У кейинчалик унча йиғламай ҳам қўйди. Баъзан Усмонжон билан учрашиб қолган чоғларида гоҳ бош қимирлатиш билан, гоҳида эса, эсон-омонмисиз, деб секингина сўрашадиган ҳам бўлиб қолди. Нима қилсин, она-да! Она ўз боласидан кеча олармиди?! Унинг кучи кўз ёшига, зўр келса қарғишга етади.

Адолат касалхонадан чиқадиган куни Тўтибу ҳам келди. У паранжисини бошидан олмасдан маъюс бир аҳволда Адолатнинг кийиниб чиқишини кутар, Усмонжонга тескари қараб ўтирар эди. Усмонжон эса уни кўрган пайтларида ўзининг кимлигини, қанақа одамлигини, Адолатга бўлган муносабатини айтиб, унинг олдида юзини ёруғ қилгиси келса ҳам, Адолатга бўлган муҳаббати ва уни ҳимоя қилиш бурчи бунга йўл қўймас эди.

Адолат чиқди. У озғин, рўмоли ичидан бошига оқ дока боғланган эди. Улар биргалашиб кўчага чиқишди.

Усмонжон билан Адолатнинг маслаҳатига кўра булар Гуарникига боришлари керак эди. Чунки Усмонжонларники, ҳар қалай, маҳалла ичи. Бунинг устига, Тўтибу қизининг ҳали турмушга чиқмаганини билиб қолса, иш яна чаппасига кетиши мумкин. Хосият буви-чи? Унга ҳам тушунтириш керак. Шунда ҳам уйланмаган ўғлини уйландига чиқариш она учун енгил бўлармиди?

— Ая,— деди Усмонжон бир оз тараддуддан кейин,— юринг биз билан.

Тўтибунинг юрагида аллақандай бир меҳр уйғонган-

дай бўлди. Уни йигит киши, ая, деб чақиряпти. Ахир унинг қатор-қатор ўғилларга ҳам ая бўлгиси келган, лекин, охирида ҳамма умидини Адолатнинг эрига боғлаган эди. Мана энди у куёв бирдан, гўё осмондан тушгандай, Тўтибунинг қаршисида пайдо бўлди. У куёви билан шу хилда учрашишни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.

— Уйга кетмайсанми?— деди Тўтибу йиғидан аранг ўзини босиб.

— Уйда нима қиламан, ая?

Тўтибу уни қистаёлмасди. Чунки, уйга нима деб олиб боради? Дадаси ўлдириб қўяди-ку! Тожибойнинг қизи қочиб кетиб, эрга теккан экан, қайтиб келибди, дегандан кўра, ўша теккан одами билан яшаяпти, деган гап Тўтибуга енгилроқ туюлди. У Адолатникига боришни сира истамасди. Лекин, қизини йўқотиб қўйишдан, уни кўролмай қолишдан қўрқарди.

— Вой, паранжинг?— деди Тўтибу сесканиб. Адолат кулимсиради.

— Паранжимни маҳаллангизда олиб қолишди-ку!

— Вой шўрим, шундай кетасанми?

— Рўмолим бор, ҳеч ким кўрмайди.

Совуқ тушиб қолган эди. Адолат онаси келтирган қора духоба гупписини кийиб, бошига каттагина шол рўмол солиб олган эди. Усмонжон қора қундуз ёқали пальто кийган, бошида ҳам худди шундай қундуздан қулоқчини бор эди. Улар унча узоқ юришмасданоқ уйга етиб келишди.

Тўтибу остонада тўхтади:

— Мен кетаман.

— Киринг уйга, ая.

— Йўқ.

— Мени яна йиғласин деяпсизми? Юринг,— Адолат унинг қўлидан тортди. Уйдан Гуар чиқди. У Адолат ва Тўтибу билан қучоқлашиб кўришди.

— Яхши бўлиб қолдингизми? Қайси куни олдингиз-

га борганимда, доктор, бугун-эрта жавоб берамиз деган эди. Ўшандан бери ўзингизни кутиб, боролмадим.

Гуар Тўтибунинг бошидан паранжисини олди.

— Киринг, холажон, кираверинг.

Адолат уйга кирганда безатилган столга кўзи тушди.

— Меҳмон келмоқчимиди?— Адолат чой кўтариб кирган Усмонжондан сўради.

— Аямиздан ҳам азизроқ меҳмон борми?— деди у Адолатга кулиб қараб, кейин стулнинг бир четига омонатгина ўтирган Тўтибуга чой узатди.— Тортинманг, бемалол ўтиринг, ая.

Тўтибу чойни олиб, бир ҳўплади-да, столга қўйди.

— Омин облоҳу акбар, мен кетдим,— деди ўрнидан туриб. Унинг лаблари бурушиб, йиғлашга тайёр эди.

— Мунча шошасиз?

— Даданг истаб қолади.

— Эшигимизга қайтиб келинглар, ая!

Тўтибу жавоб бермади. Қоридордаги стулга тахлаб қўйилган паранжисини олиб, шошиб-пишиб бошига илди-да, индамай чиқиб кетди.

— Хайр, ая!

Адолат маъюс ҳолда уйга қайтиб кирди.

— Хафа бўлманг, Адолат. Секин-секин кўникиб қолади.

— Эй, худо, нима гуноҳ қилдим мен сенга!— Бошини столга қўйиб, ўкраб йиғлаб юборди Адолат.

— Йиғламанг, Адолат. Бари бир келади аянгиз.

— Мен чиндан ҳам шарманда бўлдим, Усмонжон ака,— Адолат бошини кўтарди.— Биласизми, маҳалламизда мени нима кўйга солишди. Бузуқ, наҳс, касофат деб қичқиришди-я!— Адолат лабини тишлаб, қўллари билан юзини тўсди.

— Ҳеч гап эмас, вақти келади, ҳаммасини кўришади, билишади. Ўшандай деганлар бир куни уялиб қолишади.

— Қачон, ахир, қачон?

— Адолат, йиғи билан уларга кимлигингизни кўрсатолмайсиз. Сизга ўхшаган юз-юзлаб қизлар, хотинлар дардига чора тополмай, қон йиғлаб ётишибди. Эрлари, оталарининг зулми остида қулдан баттар кун кечиришади. Сиз ўшаларга ёрдам беришингиз керак, Адолат. Ана шунда сизнинг кимлигингизни маҳаллангиз ҳам, бошқалар ҳам билади.

— Мен ёрдам беришим керак! Қандай қилиб? Улар кўп, мен битта.

— Йўқ, сиз ёлғиз эмассиз. Уларга ёрдам бериб, йўлйўриқ кўрсатаётган хотин-қизларимиз жуда кўп.

— Қаерда улар?

— Ҳамма жойда, хотин-қизлар орасида.

— Мени очилинг, дейсиз-да, шунақами? Маҳаллам, қўни-қўшниларимнинг ўзлари мени очиб қўйишди-ку, Усмонжон ака! Бегона эркак кўтариб докторхонага олиб кетибди. Мен энди очилдим нима-ю, очилмадим нима? Бари бир эмасми?

— Айтмоқчи, мен сизга,— Усмонжон костюмининг ички чўнтагидан бир парча қоғоз олиб, Адолатга узатди.— Ҳамза Ҳакимзоданинг шеърини топиб қўйган эдим.

Адолат қоғозни олди:

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни, ҳар томон паришон қил.
. . . . . .
. . . . . .

Адолат шеърни равон, чиройли ўқиди. Кейин табассум билан Усмонжонга қаради.

— Яхши ёзибди, а, Усмонжон ака?

— Ҳим. Куйи эсингизда борми?

— Бор.

— Айтинг-чи.

— Ҳо,— деди Адолат кулиб.

— Адолат.
— Лаббай.
— Эртага мен қишлоққа кетаман.
— Қайси қишлоққа?
— Балиқчига. Ер ислоҳоти ўтказамиз. Бойларнинг ерини олиб, камбағалларга бўлиб берамиз.
— Сиз... Сиз бу ишни қандай қиласиз? Бойлар ерини осонликча бериб қўярмиди? Йўқ, борманг.
— Ишнинг осони йўқ, Адолат. Бормасам бўлмайди. Фирқа юборяпти.
Адолат ялт этиб Ленининнинг суратига қаради.
— Ленинми?
— Ҳа. Ленин фирқаси.
Усмонжон Адолатга Ленин ҳақида жуда кўп гапирган, ҳикоялар айтиб берган эди.
— Қачон келасиз?
— Билмадим.
Гуар кирди. У Адолатнинг ҳаётидан тўла хабардор эди. Шунинг учун ҳам Усмонжоннинг ер ислоҳоти ўтказишга кетаётганини эшитганда, борди-ю, Хосият буви олдида туриш Адолатнинг ҳаётига хавф туғдирадиган бўлса, ҳеч тортинмасдан бу ерда туриши мумкинлигини айтган. Тўтибу билан Адолатнинг учрашувига ҳам мана шу жойни маслаҳат берган, ҳатто унга ошхонауйини бўшатиб, енгил-елпигина жиҳозлаб ҳам қўйган эди.
— Сергей отанинг соғлиги яхшими, Гавҳар опа?— деб сўради Адолат.
— Раҳмат. Ҳали замон ўзи ҳам келиб қолади ишдан,— Гуар Адолат билан Усмонжоннинг суҳбатига халақит бергиси келмади-да, ниманидир баҳона қилиб, чиқиб кетди.
— Ҳў мажлисга борганимизда паранжисини ташлаган Зебихон эсингиздами, Адолат?
— Эсимда. Нима қилди?
— Таништириб қўяйми?

Адолат ғалати бир аҳволга тушди.

— Майли,— деди кейин бўшашиб.

— Ўша хотин билан бир ерга бориб келасизми?

— Қаерга? Нима иш билан?

— Сиз фақат ашула айтиб берсангиз бўлади. Қолган ишларни Зебихоннинг ўзи билади.

— Ҳа,— деди Адолат Усмонжонга маъноли боқиб,— тушундим. Хотин-қизларни очилишга тарғиб қилишгами?

Усмонжон кулди.

— Ҳа, бу ҳам фирқанинг, Ленининнинг топшириғи, Адолат. Айтмоқчи, шаҳримизда Ленинга ҳайкал қуриляпти.

— Ростдан-а, қаерга?

— Бедабозордаги яланглик бор-ку, ўша ерга. Бултур Қалинин келганда ҳам митинг ўша ерда бўлган эди. Эсингиздами?

— Ҳа-ҳа, Қалинин келибди, деган гапни эшитган эдим.

— Келишдикми, Адолат, борасизми?

Адолат Усмонжоннинг кўзларига қаради. Қандай қилиб бу одамнинг гапини қайтарсин. Таниш-билишларга шармисор, ота-онаси олдида юзи қора бўлишга бўлди. Энди бу одамнинг ҳам сўзини қайтарсинми? Бу одам мутлақо бегоналигига қарамасдан Адолатга қанча меҳрибонлик қилди. Унинг шундай оғир кунларида ҳамроҳи бўлди. Агар Усмонжон бўлмаганда, Адолат нима қилар эди. Мана шу жавоб кутиб тикилиб турган кўзлар Адолатга қанчалик азиз ва яқин бўлиб қолганлигини билсайди... Майли, Адолат боради. У Усмонжон нима деса кўнади. Ахир, чумчуқдан қўрққан тариқ экмабди, деганлар. Усмонжон... Менга деса, дунёнинг у бурчига боргин, демайдими? «Сиз хоҳласангиз, сиз майли десангиз, мен кетаверамаи...

Адолат бошини кўтарди.

— Майли, бораман.

— Яшанг, Адолат. Раҳмат,— деди Усмонжон хурсанд бўлиб.

Эртаси куни Усмонжон Зебихонни бошлаб келиб, Адолат билан таништирди. Зебихон узоқ ўтирмади. Адолат билан учрашиш жойини ваъдалашиб олиб, зарур иши борлигини айтиб, кетиб қолди. Кетма-кет Усмонжон ҳам Сергей Петрович ва Гуар билан хайрлашиб, кетишга қўзғалди.

— Мен ҳам эрта-индин жўнаб қоларман. Шаҳар фирқа қўмитасига шу масалада чақиришган экан,— деди Сергей Петрович хайрлашаётиб.

Адолат Усмонжонни хомушлик билан кўчагача кузатиб чиқди. Усмонжон Адолатдаги бу ўзгаришни сезиб турар, ўзининг кўнглидаги ҳислар ҳам кам эмас эди. Адолатдан йироқлашиш Усмонжон учун юрагининг бир парчасини шу ерда қолдириб кетиш билан тенг эканлигини ҳозир, айниқса, яққол сезди.

— Хайр, Адолат! Имкони бор пайтларда аямнинг олдига бориб туринг. Ҳозир мен эшикка бораман. Эрталаб жўнаб кетаман.

— Хайр, эсон-омон бориб келинг.— Адолатнинг кўзларида ёш ялтиради... ва уялиб ерга қаради. Усмонжон нима қилишини билмай қолди. Бир-икки қадам босган ерида орқага қайтиб, Адолатнинг ёнига келди. Атрофга олазарак қаради, кўчада ҳеч ким йўқлигига ишонгач, бирдан уни маҳкам қучоқлаб, ўпди. Адолат типирчилаб, унинг қўлидан чиқди-да, қўли билан кўзларини яширди.

— Ёмон киши экансиз.

Усмонжон гуноҳкорона жилмайди.

— Хайр, Адолат. Зерикиб қолманг деб китоблар олиб келиб қўйганман. Шу уйдаги столнинг тортмасида. Хайр.

— Хайр.

Усмонжон кетди. У кўча муюлишига етганда орқасига ўгирилиб қаради. Зинада Адолат турарди. Усмонжон қўли билан яна бир марта хайрлашди-да, кўздан

йўқолди. Адолат секин хўрсиниб, уйга кирди. Шошилиб ойнани қўлига олди. Кейин ўзидан-ўзи уялгандай қўллари билан юзини яширди. Унинг қулоғи остида Усмонжоннинг илиқ нафаси қолган эди.

Зебихон Адолатни айлана қилиб солинган катта оқ иморатнинг бир хонасига бошлаб кирди. Нимдошгина портфелига аллақандай қоғозларни жойлаётган барваста аёл бошини кўтариб уларга қаради.

Адолат уни мажлисда кўрганлигини дарров эслади.

— Мўттихон опа,— деди Зебихон унга.— Адолатхонни олиб келдим.

— Жуда яхши, қани, келинглар,— Мўттихон улар билан қўл беришиб кўришди. Адолатнинг елкасига қоқиб, уни синагандай, кўзларига тикилиб қараб қўйди.

Мўттихон ўрта ёшларга бориб қолган, буғдой ранг, қора қош аёл эди. Унинг чиройли, лекин кўп алам-ситамларни кўрганлиги билиниб турган кўзларида қандайдир қайғу кезарди.

— Қорамулла маҳалласининг вакиласини ўлдириб кетишибди,— деди у бирдан чуқур хўрсиниб.

— Нима? Кечаги жувонни-я!— Зебихон ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа. Қизгизга ўраб куйдиришибди... Ноинсофлар, газандалар!

Орага сукут тушди. Мўттихон Адолатнинг ёнига келиб, секин унинг елкасига қўлини қўйди.

— Қизим,— деди меҳрибон ва юмшоқ товуш билан,— мен сизнинг ҳақингизда Усмонжондан эшитганман. Биз Усмонжонга қандай ишонсак, сизга ҳам шундай ишонамиз. Бизга ёрдам беринг. Сизни маҳаллангизда тошбўрон қилишди. Тўғрими? Лекин сизда қиттай гуноҳ йўқ эди. Мана, бугун кечаси ўлдирилган жувонда ҳам сира гуноҳ йўқ эди. У хўрликка, адолатсизликка, зулмга қарши бош кўтарган эди, холос. Хотин-қизлар ҳам инсондай кун кечирсин, деган эди, холос. Ахир, бунинг нимаси гуноҳ?.. Қизчаси етим бўлиб қолди... Биз мана шу бегуноҳ

ўртоқларимиз учун қасос олишимиз керак... Мен эшитдим, сиз яхши ашула айтар экансиз. Ҳозирча бизга ана шу ашулангиз билан ёрдам беришингиз мумкин.

Адолат кўзларини бир нуқтага тикканича қимирламай ўтирар эди. Қигизга ўраб куйдирилган аёлнинг таниб бўлмас башараси унинг кўз олдига келди. Етим қолган қизчанинг чинқирган овози қулоғи остида эшитилгандай, сесканиб, бошини кўтарди.

— Мўттихон опа,— деди Зебихон ўртадаги сукунатни бузиб,— ўша қизчани мен олсам, ўзим катта қилсам, қандай бўларкин?

— Ўйлашиб кўрамиз,— деди Мўттихон. Кейин дадил ҳаракат билан ўрнидан туриб, стул суянчиғига ташланган жигар ранг рўмолини ўрай бошлади.

— Мен Норинга кетяпман, Зебихон. У ерда аҳвол анча мушкул. Марказкўмдан ўртоқ Одилова келган, ўша киши билан кетяпман... Сизларга керакли нарсалар тайёр. Ҳаммасини гаплашиб қўйганман. Бораверинглар. Оқ йўл. Эҳтиёт бўлинглар.

Улар кўчага чиққанда хайрлашиб, икки томонга ажралишди. Зебихон Адолатни аллақандай жин кўчалар билан бошлаб кетди. Улар кичкина дарвоза тагидаги супачада олдига кир халтада қурт, хўрозқанд, оқ ва қора сақич қўйиб ўтирган этсиз, чўққи соқол чолнинг ёнидан ўтиб, боши берк, тор кўчага бурилишди. Зебихон пастак, икки қанот дарвоза олдида тўхтаб, занжирини секин қоқди. Ичкаридан аёл кишининг:

— Ким?— деган овози эшитилди.

— Биз. Очинг.

Уттиз бешларга борган, оқ-сариқ, сепкилдор хотин дарвоза очди. Улар аёл билан кўришиб, ичкарига киришди. Аёл бир неча жойига ямоқ тушган, нимдошгина пахталигининг қўлтиғига қўлларини тиққанча уларни кичкина, қоронғи уйга бошлаб кирди.

— Туринг, меҳмонлар келишди,— деди сандалнинг бир четида ухлаб ётган эрига. Эри қаттиқ ухламаган

бўлса керак, дарров ўрнидан туриб, меҳмонлар билан сўрашди. Бу қорачадан келган, мўйловдор, чиройли киши эди.

— Қани, қани, ўтиринглар.

— Кун кетяпти, Набижон ака, тезроқ жўнашимиз керак,— деди Зебихон,— аравани тайёрлайверинг.

— Хўп,— Набижон чиқиб кетди.

Аёл сандиқдан тугун олиб, буларнинг олдига қўйди, Зебихон тугундан иккита парпаша паранжи, бири миср ипидан, бири духобадан тикилган бешбел тўн, бир жуфт эскироқ амиркон маҳси олди.

— Оёғингиз кичкинага ўхшайди,— деди Зебихон Адолатга кулиб,— маҳсилар тўғри келмас.

— Ўзимнинг маҳсим ҳам яхши-ку!

— Ростданам яхши экан маҳсингиз. Бўлмаса, мана бунисини сиз кийинг.— Зебихон Адолатга миср ипидан тикилган тўн билан олдига садаф тугмалар қадалган нимчани узатди. Кейин бўйнига бир шода маржон ҳам тақиб қўйди.

— Келинчакнинг ўзи бўлдингиз,— деди кулиб Зебихон.

Улар аёл билан хайрлашиб, яна қандайдир калта-култа кўчалар билан катта йўлга чиқишди. Набижон буларни кўриши билан аравanинг устига сакраб чиқди-да, кўрпачани ёзиб, ўзи эгарга ўтирди.

Зебихон ғилдирак ёғочларига оёғини бир-бир қўйиб, аравага чиқди. Кейин Адолатнинг қўлидан тортиб, унга ёрдамлашди.

Набижон отга қамчи урди. Арава секин юриб кетди. Улар Адолатга мутлақо нотаниш, қандайдир кўчалардан кетишарди. Кўчада йўловчи сийрак, совуқ тушиб қолгани учунми, тупроқ чангитиб юрадиган болалар ҳам йўқ эди. Арава ярим соатлар чамаси юргандан кейин анҳор ёқалаб кетган тор йўлга тушди. От бир текисда юриб борар, ғилдирак тинмай ғижирларди. Адолатни эса хаёл гоҳ Усмонжонга, гоҳ онасига судрарди. Аяси

қидириб келган бўлса, унинг йўқлигини билиб, йиғлаганмикин? Гавҳар опа бирон баҳона топар, ахир. Ишқилиб, аяси касал бўлиб қолмасин... Усмонжон... Бой ўлгурлар ерини осонликча бериб қўймас... Бермасдан бўпти. Ҳукуматдан зўр эканми бойлар... Усмонжон ҳам ёлғиз эмасдир. Илоҳим тани-жони соғ бўлсин. Душманлари оёқ ости бўлсин...

Арава тинмай ғижирлар, йўловчилар эса сўзсиз боришарди. Пастак деворлардан том ва айвонларига таппи терилган кичкина уйлар, айвон устунларига ипга чизилиб осилган қип-қизил қалампир шодалари кўриниб қоларди. Ҳали ҳеч нарса ёғмаган бўлса ҳам ҳаво тунд ва совуқ эди. Баъзи уйларнинг мўриларидан буруқсаб чиққан кул ранг тутун эринчоқлик билан осмонга ўрмаларди.

Арава бирдан тўхтади. Адолат сесканиб Зебихонга қаради.

— Келдик, тушамиз,— деди у ўрнидан қўзғалиб.

Улар аравадан тушишди.

— Қай вақтда қайтасизлар?— деб сўради Набижон атрофга аланглаб олгач.

— Қараймиз-да.

— Шу ерга чиқиб турайликми?

— Агар жуда қоронғига қолсак, чиқиб турингглар. Бўлмаса ўзимиз борамиз. Ҳамдам ака уйидамикин?

— Ҳа, уйида.

— Хўп, эсон-омон кўришайлик.

Улар беш-олти минут юришгач, бир қанотли кичкина дарвозадан узун йўлакка киришди. Зебихон ёнма-ён турган эшикларнинг бирини тиқиллатди. Ичкаридан югургилаб етти-саккиз ёшлардаги ўғил бола чиқди. У Зебихонга кўзи тушиши билан орқасига қараб қичқирди:

— Буви, ҳу бирда келган аям келди.

— Бақирма,— деди болага ўрта ёшлардаги қорачадан келган аёл уйдан чиқа туриб. У шошилиб

келиб, меҳмонлар билан кўришиб, паранжиларини олди.

— Қани, уйга. Тинчмисизлар? Қандай шамол учирди?— деди жувон қувноқлик билан кулиб.

— Сизнинг шамолингиз-да, Холдорхон опа,— жавоб берди Зебихон. Шундагина Адолат жувоннинг ўнг юзида катта холи борлигини сезди. Ўзи қорача бўлгани учунми, бу хол тезда кўзга ташлана қолмасди.

Холдорхон меҳмонларни уйга бошлади. Бу уй катта ва ёруғ, лекин анча эскириб, тўкилиб қолган эди. Шифтдаги йўғон, яланғоч тўсинларга кўзи тушган одамни ҳозир уй йиқилиб кетадигандай ваҳима босарди. Холдорхон тахмондан кўрпача олиб ёзди.

— Буларнинг дараги йўқ, энди келишмасмикин, деб ўтирган эдим.—.Холдорхон тезак тутаб ётган ўчоқдаги катта қора қумғонга сув тўлатиб қўйди.

— Қани-қўшниларингизга айтганмисиз?— сўради Зебихон.

— Ҳа, шама қилиб қўйган эдим. Ашулачи, ўйинчи ўртоқларим бор шаҳарда. Келишса бир ўтиришиб, кўнгил ёзишардик, деган эдим.

— Хабар бера қолинг.

Холдорхон чиқиб кетди. Адолатнинг кўзи бурчакка суяб қўйилган дуторга тушди.

— Бу хотин ким?— секин сўради у Зебихондан.

— Бизнинг одамларимиздан. Жуда дилкаш, кўнглида кири йўқ жувон. Ўзи чевар. Қўни-қўшниларининг кийим-кечагини тикиб, рўзғор тебратади. Артелга ишга кирмоқчи. Лекин биз, ҳозирча тура туринг, унда хотинлар сиздан чўчиб қолишади, деб қўймадик. Эри мардикорга кетганича келмаган.

Адолат секин атрофга разм солди. Уйда нимдошгина кигиз, эски сандиқдан бошқа деярли ҳеч нарса йўқ эди. Бўм-бўш токчаларнинг бирида «Зингер» машинаси турарди.

Холдорхон кириб, дастурхон ёзди.

— Хабар қилдим,— деди у Зебихонга. Кейин деразадан мўралаб турган неварасига қараб,— Гулнор опангникига бориб, бизникига меҳмон келди, чиқармишсиз, деб айтгин, бор, ўғлим,— деди.

Бола чопқиллаб чиқиб кетди.

Холдорхон дастурхонга патнисда нон қўяр экан, энгашиб туриб гапирди:

— Қайси куни сизга айтдим-ку, ўша келинга юбордим. Ҳусида бир жаҳон дейсиз,— Холдорхон Адолатга имо қилиб деди,— мана бу синглимга ўхшаб кетади. У ашула айтганда эриган ҳам эрийди, эримаган ҳам эрийди. Овози қўнғироқдек. Ўзи тўқиган қўшиқларни эшитсангиз, юрагингиз сув бўлиб оқади. Шўрликнинг дадаси яхши кўрганига бермасдан, бир савдогарга хотин устига берди. Яхши кўрган йигити шу атрофда айланиб юрар эмиш. Сухсурдай чиройли йигит дейишади.

Уй остонасида бола кўтарган, ўрта ёшлардаги бир хотин кўринди. Холдорхон шошилиб ўрнидан турди.

— Келинг, кираверинг.

Меҳмонлар ўринларидан туриб, аёл билан кўришишди. Кетма-кет яна икки хотин кирди. Улардан бири, бошига нимчасини ёпинган кексароқ аёл, меҳмонлар билан қўл учида кўришиб, Холдорхонга ўгирилди.

— Ўзинг зўрға ўтирган одам, бизни чақириб нима қилар эдинг, Холдор?— деди.

— Сизга қўй сўярмидим? Келинингиз мана бу ёшяланглар билан бир оз яйрасин, дедим-да, Турсун хола.

— Вой, ҳали келинимни чақиртирибмидинг?

— Сизни ҳам чақирганман, Турсун хола, ўтиринг, ўтира қолинг.

— Қап-катта хотин ёшларни йиғиб нима қиласан? Нима бало, сатанг-патангмасдинг-ку!

Холдорхон жавоб бермади. Уйга кетма-кет кириб келган жувонлар билан сўрашиб, уларни ўтиришга таклиф қилди. Ҳадемай, уйга ўн беш-йигирма чоғлиқ хотин йиғилди.

Адолат уларни бир-бир кўздан кечирар экан, кўнглида Гулнорни изларди.

Хотинлар бир-бирига гап бермасдан чувиллашар, катта оқ пиёла қўлма-қўл айланарди.

— Тошбу шўрлик нима қипти,— деди бирдан Турсун хола ёнида ўтирган хотинга ўдағайлаб. Ҳамма бирдан унга қаради.— Келинининг ўзи ёмон. Зоти, таги паст. Битта яланг оёққа тегиб, нима ҳузур-ҳаловат кўрарди. Нима, ҳуснига нон ботириб ерканми? Нуқул оҳ урармиш, йиғлармиш.

— Бечора кўникиб ҳам қолди,— деди ўтирганлардан кимдир.

— Қўйинглар, чақчақлашиб ўтиринглар,— деди Холдорхон чой қуяр экан.

Остонада ёшгина жувон кўринди. У бошига ёпинган рўмолини қўлига олиб, ўтирганларга одоб ва тортинчоқлик билан бир-бир салом бериб, кўришиб чиқди.

Адолат унинг Гулнор эканлигини дарров сезди. У ажойиб бир нозик ҳуснга эга эди. Думалоқ қора кўзларида яширинган алам-ҳасрат белгисини Адолат дарров пайқаб олди. Юзи сутга чайқагандай беғубор, ғунчадек лаблари юрак дардини айтиб юборишдан эҳтиёт бўлгандек қимтиниб турибди. Узун киприклари қошига тегай дер эди. Ўтирганларнинг ҳаммаси ундан кўз узолмай қолди. Гулнор ўзига бўлган эътибордан уялиб, пойгакка бориб, секин ерга қаради.

— У ёққа ўтинг, Гулнорхон, юқорига,— деди Холдорхон уни қистаб.

— Йўқ, шу ер яхши.

Зебихон уни Адолатнинг ёнига чақирди. Гулнор меҳмоннинг сўзини қайтаргиси келмай, Адолатнинг ёнига ўтди. Унга юмшоққина кўз ташлаб қўйиб, секин ўтирди.

— Ҳай, меҳмон,— Турсун хола Зебихонга қараб гапирди,— шаҳарда хотинлар мактабга боришяпти, очиқлар кўпайиб кетган, дейишади. Шу тўғрими?

— Ҳа, тўғри,— деди Зебихон бир оз тараддуд билан.— Хат танимагандан кўра, ўқиб савод чиқарган яхшимасми?

— Яхши бўлмай қуриб кетсин! Ўзи улуғ китобларда, охир замона бўлганда хотинларда шарм-ҳаё қолмайди, эркагу хотин баравар бўлиб кетади, деб ёзилган. Китоблардан ўргилай, ҳаммаси тўғри келяпти. Фалончи очилган эмиш, фалончи қочиб кетганмиш, фалончи эркаклар билан қўлтиқлашиб кетаётганмиш деган гапларнинг кети узилмай қолди.

— Бир алам жонидан ўтганки, қочиб кетган,— деди ўрта яшар хотинлардан бири,— мана, мен қочиб кетмаганимга минг-минг пушаймон ейман. Кўнглим суймаган киши билан яшаб, нима ҳузур-ҳаловат кўрдим...

— Гапинг қурсин, Тожинисо, гуноҳкор бўласан-а!— деди Турсун хола уни жеркиб.

Гапга Зебихон аралашди.

— Мен ҳам қочиб кетмаганимга пушаймон ейман. Ўзим кундош устига тушганман. Эрим устимга яна хотин олди. Туриб-туриб алам қилади, қон-қон йиғлайман. Нега қочиб кета қолмаган эканман, деб ўйлайман. Дунёга йиғлаб келиб, йиғлаб кетгандан кўра, бир кунгина бўлса ҳам яйраган яхши-да!

— Худонинг олдига нима деб борардингиз?— деди ўтирганлардан бири.

— Нима деяр эдим, ўзинг пешонамга ёзиб қўйганингдан кейин, кўрмасдан иложим борми, деяр эдим. Худонинг ўзи, сен ундоқ бўласан, сен мундоқ бўласан, деб пешонасига ёзиб қўйсин-да, кейин бунинг учун бандасини гуноҳкор қилсин? Ахир, шу инсофданми, холажон?

Ўтирганлардан кимдир қиқирлаб кулиб қўйди. Турсун хола ё тавба, деб юзини ўгирди.

— Қўйинглар шунақа гапларни,— деди Холдорхон Зебихонга маъноли қараб.— Дуторни олиб беринг синглимга. Занг босган юраклар бир ёзилсин.

Адолат дуторни олиб созлади. Ҳамма бирдан жим бўлиб қолди.

— Майли, мен чалиб бераман,— деди Адолат ўтирганларга қараб,— лекин, битта шартим бор: Гулнорхон ашула айтиб берса, чалиб бераман.

— Бўлмаса-чи, айтиб беради,— дейишди хотинлар. Гулнор Адолатга кулимсираб қараб қўйди.

— Холдорхон опа, дастурхонни йиғиб қўйинг. Ўйинга тушадиганлар ҳам чиқиб қолар,— деди Адолат қувноқлик билан. Холдорхон дастурхонни йиғиб олди.

Нозик чертилган нафис куй янграб кетди.

— Ашуласи билан бўлсин.

— Ашуладан бўлсин, айланай.

Адолат ўзи қилаётган ишнинг аҳамиятини бутун вужуди билан ҳис қилар, дутор чертар экан, мана шу ўтирган хотинларнинг юрак яраларини тимдалаб кетадиган байтларни қидирарди. Унинг қўнғироқдек овози дуторга жўр бўлиб янгради:

Боғ айланиб чий тутдим,
Келади, деб кўз тутдим,
Кундошликнинг дастидан
Лахта-лахта қон ютдим.
Осмондаги оймидим,
Сувдаги балиқмидим,
Тақдиримга ўт тушсин,
Мен сенга лойиқмидим.

Ёшгина бир хотин пиқиллаб йиғлаб, юзини деворга ўгирди.

Отам болам демаган,
Маржон олиб бермаган,
Беш кун ўтар дунёда
Суйганимга бермаган.

— Эй худо,— деди яна бир хотин оҳ уриб.

Куй ўзгарди. Адолат кулиб, ўтирганларни ўйинга ишора қилди:

Атлас кўйлак энини,
Тугмалик қил енгини.
Доно қиз ақли билан
Танлайди ўз тенгини.

— Танламай ўлсин,— деди Турсун хола тўнғиллаб, унга ҳеч ким эътибор бермади.

Айвон айвон эмасми,
Таги зиндон эмасми,
Очилмаган хотиннинг
Кўнгли вайран эмасми?
Кеча-кундуз йиғлайди
Қафасдаги қуш қумри,
Паранжида ўтмасин
Ёшларнинг азиз умри.

Турсун хола жаҳл билан ўрнидан турди.

— Ашуланг қурсин, ҳай меҳмон,— деди у бақириб,— ёшларнинг кўнглини бузиб нима қиласан? Бунақа ашуланғни шаҳарингга бориб айт! Бузғунчиликка келдингми ё? Очилмаган хотиннинг кўнгли вайрон бўлиб нима қипти?!

— Турсун хола, бу нимасийди, ўтиринг.

— Холажон, бу ашула-ку,— деди Адолат ҳеч нарса билмагандек.

Турсун хола билан бирга кирган ёшгина жувон йиғламсираб гапирди.

— Тинч қўйсангиз-чи, бирпас. Очиламан деганлар очилаверади-да, сиздан қўрқадими? Шундоқ зиндонда яшагандан кўра очилган минг марта яхши!

— Нима дейсан? Ана, бир зумда касофатларнинг домига илиндинг қўйдинг. Чиқ уйга! Чиқ дейман сенга!

— Турсун хола,— деди Холдорхон мулойимлик билан,— жаҳлингиз ҳам қурсин.

— Сенга айтяпман, тур ўрнингдан,— деди Турсун хола келинига дўқ уриб. Жувон ўрнидан қимирламади.

— Сени қараб тур ҳали, эринг келар,— Турсун хола дўқиллаб чиқиб кетди. Унинг кетидан яна бир хотин ўрнидан турди.

— Қўйинглар-э, қўшиқларинг менга ҳам ёқмади,— деди у чиқиб кетаётиб.

— Яхши бўлди, кета қолинглар,— деди хотинлардан бири унинг кетидан бурнини жийириб.— Худодан қўрқармишлар булар! Биттаси қўшмачилик қилиб, кун кўради, биттаси отинлик даъво қилиб, нуқул одамларни шилгани шилган.— Хотин Адолатга қаради:— Айтаверинг, сингилжон, ўзимиз эшитамиз.

— Мен бир кўнгил ёзишайлик деб чақиртирган эдим,— деди Холдорхон хижолатлик билан.

— Садқаи қўшиқ кетсин уларга, хафа бўлманг,— деди яна бир жувон,— айтаверинг, меҳмон.

Адолат дуторни Гулнорга узатди.

— Мен дутор билмайман.

— Бўлмаса ашула айтиб беринг.

— Ўзингиз тўқиганлардан бўлсин.

— Қўлига тақсимчани беринглар.

Гулнор бир зум тараддудда ўтириб қолди. Унинг бир нуқтага тикилган чиройли кўзларига баттар ғам чўкди. Адолатнинг назарида у ўзининг севгилисига қараб: «Мана, аҳволимни кўр, сени деб шу кўйга тушдим. Нима қилайки, сенга етишишдан ожизман. Энди менга тун ҳам, кун ҳам, ҳаёт ҳам, ўлим ҳам бари бир. Юрагимни қўшиқ билан бўшатаман. Йиғлашга ҳам қўймайдилар. Кўз ёшларимни ҳам ашуламга қўшаман...» деяётгандай эди. Гулнор ёнига бир оз ўгирилиб, секин, майин, дардли овоз билан ашула бошлади:

Жунун водийсига мойил кўрарман жони-зоримни:
Тилармен бир йўли бузмоқ бузилган рўзғоримни.
Фалак бедодидин гарчи мени ҳоки ғубор ўлдим,
Тилабким топмағайлар тўтиёлиққа ғуборимни.
Туганди ашки гулгун энди қолди заъфарони юз
Фалак зулми бадал қилди хазон бирлан баҳоримни...

. . . . . .

Гулнорнинг қўнғироқдек овози гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб, шеър мисраларининг маъносига жўр бўларди. Ўтирганлар чуқур сукутда эдилар. Бировнинг кўзидан шашқатор ёш оқар, Адолат дуторга тиралганча Гулнорга тикилиб қолганди. У, Навоий ғазалларини кўп ўқиган, бу байтлар ҳам унга ошна, яқин эди. Адолатнинг кўнглида бир истак туғилди. Қани энди Гулнорни яхши кўргани билан топиштириб қўйса. Унинг ҳозирги ҳасратли қўшиғи ўрнига бахтиёр кулгисини эшитса.

Зебихон хотинларни зимдан кузатиб ўтирар, уларнинг ичидан ўзига таянч бўладиганларни мўлжаллар ва ўйлар эди. Мана, шўрликларнинг ҳаммаси ҳам қон-зардоб ютиб ётишибди. Мендан баттар қора кун ичида бу бечоралар. Лекин буларга очил, ўқи, ҳукумат сени ишга, одам қатори яшашга чақиряпти, десангиз, тепа сочлари тикка бўлиб кетади. Худодан, дўзах азобидан қўрқишади. Мана, мен ҳам эсимни танигандан бери шу пайтгача худога ёлвордим, ялиндим. Ахир худонинг раҳми келар, деб унга илтижо қилишдан тўхтамадим. Онам шўрлик ҳам худодан умид қила-қила ёруғ кун кўрмай дунёдан ўтди... Бор-э, нима бўлса бўлди, деб бошимни олиб чиқиб кетган эдим, мени одам ўрнида кўриб, ҳурмат қиладиган, кўнглимни кўтарадиган одамларни топдим. Буларга ана шуларни айтиб берсаммикин... Йўқ, ҳозир бўлмайди. Кейинча...

Зебихон хотинлар орасидан Турсун холанинг келинини қидирди. Лекин у кетиб қолган эди. Бечора, қайин онасидан қўрққан, деб ўйлади Зебихон.

Гулнор ашуласини тамомлади. Сукутда қолган хотинлар бир-бир хўрсинишиб, бошларини кўтаришди.

— Яшанг, кам бўлманг.

— Тилагингизга етинг.

Гулнор пешонасига тушиб қолган соч жингаласини тўғрилаб, секин ерга қаради.

— Гулнорхон,— деди Адолат унинг билагидан ушлаб,— ўзингиз тўқиган ашулалардан ҳам айтиб беринг. Жон ўртоқ, йўқ деманг.

— Бўлди энди, сиз айтинг.

— Ундан кейин айтаман.

— Айтиб бера қолинг, Гулнорхон,— деди Холдорхон қистаб.

Ўртага яна жимлик тушди. Ҳамманинг кўзи Гулнорда эди.

— Ахир қўймадинглар-да,— деди Гулнор бир хўрсиниб қўйиб. Кейин рўмолчасини қўлида ҳимариб ўтириб, ашула бошлади:

У қошим ҳам бу қошимнинг
Ўртаси бир қилча бор.
Ғам билан ўтган умрнинг
Соати бир йилча бор.
Қўлимдаги қўш узукнинг
Банди бору, кўзи йўқ.
Толе бор деб айтишади,
Номи бору, ўзи йўқ,

Эшикдан ҳовлиққанча Турсун холанинг келини кириб келди. У пойгакда лампа шишани тозалаб ўтирган Холдорхонни имлаб чақириб, қулоғига нимадир деди-да, шошилиб чиқиб кетди. Холдорхоннинг ранги ўчиб, Зебихонга қаради.

— Нима гап?— деди Зебихон ўрнидан қўзғалиб.

— Ҳовлимизни ўраб олишмоқчи эмиш. Шаҳардан бузғунчи хотинлар келган, деб гап тарқатишибди.

Ҳамма бирдан жим бўлиб қолишди. Баъзи бировлар сакраб ўринларидан туришди.

— Кимлар ўраб олишармиш?— деб сўради Зебихон хотиржам товуш билан.

— Мадамин қози маҳалланинг эркакларига, боплаб тошбўрон қилинглар, яна қайтиб бу ерга қадам босишмасин, дебди. Тавба, буларнинг дастидан меҳмон ҳам келолмайдими энди.

— Вой шўрим, энди нима қиламиз? Шарманда бўлдик,— аёллардан бири юзини юлди. Кимдир чойнакка қоқилди. Уй бир зумда тўс-тўполон бўлиб кетди. Адолат нима қилишини билмай, дам Холдорхонга, дам Зебихонга қарарди.

— Қуриб кетгур анови дўзахи кампир қилган бу ишни,— деди Гулнор жиғибийрон бўлиб.

— Улар, нимага келдинг, кимсан, деб суриштириб ўтирмайди,— деди бир аёл.— Яхшиси, меҳмонларни яшириш керак. Бегона одам йўқ, ўзимиз ўтирган эдик. Улар аллақачон кетиб қолган, деймиз.

— Дарчангиз ҳам йўқ, Холдорхон опа, ҳовлимаҳовли кетиша қоларди,— деди Гулнор яна ташвишланиб.

— Вой, қўшиқ эшитмай ўлайин, қандай кунга қолдим!

— Ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку! Ваҳима қилманг,— ранги қув ўчган Холдорхон юзини юлаётган жувонни жеркиб ташлади. Кейин иккинчи хотинга ўгирилди.

— Муборак опа, сизнинг дарвозангиз нариги кўчага қараган-а?

— Нима қилди? Девор ошсак дейсизми? Баланд-ку, савил.

Холдорхон жавоб кутмай тешани олиб, югуриб кетди. Тутга суялган замбилни кўтариб бориб, деворга тиради. Кейин тирмашиб чиқиб, теша билан девор тепасидан наҳра очди. Бу вақтда хотинлар девор тагида уй-

малашишарди. Адолат Гулнорни қучоқлаб, яна кўришамиз, деди секингина қулоғига. Кейин замбилга тирмашиб, деворга чиқди. Наҳра очилган жойга осилиб туриб, гуп этиб қўшни ҳовлига тушди. Кетидан Зебихон ҳам шундай қилди. Холдорхон уларнинг паранжиларини ирғитди. Жуда қийинчилик билан Муборакхон ҳам девордан ошиб ўтиб кетди. Холдорхон ерга тўкилган гувала бўлакларини териб, чуқурга олиб бориб ташлади. Замбилни олиб келиб жойига қўйди. Хотинлар енгил нафас олиб, бир-бирларига қарадилар.

Зебихоннинг олдинга босган қадами орқага кетаётгандек туюларди. У ўзидан ҳам Адолат учун кўпроқ ташвиш тортарди. Иккаласи ҳам ўзини тинч кўрсатишга ҳаракат қилар, юракларида кечаётган гапларни бир-биридан яширишарди.

Қоронғи тушиб қолди. Кундузи ҳам жимжит бўлган қишлоқ кўчаларига қабристон жимлигидай хунук сукунат чўкди. Ким билади, мана шу зим-зиё, тилсиз кўчаларнинг бирида, балки буларни фалокат, ўлим кутаётгандир. Зебихон ҳам, Адолат ҳам буни яхши ҳис қилишар, лекин жабру жафолар исканжасида фарёдга келган қалбларида одам бўлиб яшаш истаги жўш урарди.

Бу аёллар шу пайтгача зулмат ичида яшадилар. Ана шу зулматга тўсатдан тушган ёруғ нур, дастлаб уларнинг кўзини қамаштирди. Улар қўрқиб тисарилдилар. Лекин, тез кунда ўзларининг бахт ва саодатлари ана шу нурда эканлигини билиб, у томон интилдилар. Бу нурдан баҳраманд бўлган аёллар ўз ўртоқларини зулмат оғзидан олиб чиқишда ҳаётларини кўприк, қалбларини машъала қилдилар.

Отни қўшиб, аравани тайёрлаб йўлга чиқиб турган Набижон ҳамроҳларини кўриб, безовталик билан сўради:

— Тинчликми ишқилиб? Қолиб кетдинглар жуда.

— Тезроқ ҳайданг,— деди Зебихон шошилиб аравага тирмашаркан.

Адолат аравага чиққанда унда ўтирган яна бир паранжилик хотинни кўрди. Нотаниш хотин паранжига ўралиб, индамасдан ўтирарди. Адолат унга қараб-қараб қўйди, шаҳарга бормоқчи бўлган биронта хотиндир-да, деб ўйлади.

Арава юриб кетди. Набижон отни жадаллаб ҳайдаб борар, йўлнинг ўнқир-чўнқирлигидан тинмай силкиниб бораётган бу йўловчилар индашмас эди.

— Тўхта! Кимсанлар?— арава олдида бир отлиқ пайдо бўлди. Арава тўхтади. Отлиқ унинг ён томонига ўтиб, ўтирганларга қаради.

— Вой, айланай, сизмидингиз? Илоҳим дини исломга қувват берсин, умрларинг узун бўлсин...— Зебихон кекса хотинлардек дуо қилиб.— Азага борган эдик, айланай. Кечга қолиб кетдик.

Отлиқ Зебихоннинг гапига ишондими ёки эриб кетдими, йўғон, хунук товуш билан:

— Жўналаринг!— деди.

— Қуриб кетгурларнинг қолган-қутганлари изғиб юрибди,— деди Зебихон отлиқдан узоқлашиб кетганларидан кейин. Набижон эса нимадир деб сўкиниб қўйди.

Кеч бўлиб қолганлиги учун Адолат ҳам, Зебихон ҳам Набижонларникида қолишадиган бўлди. Улар аравадан тушдилар. Нотаниш хотин эса араванинг ғилдирагидан эмас, орқасидан гуп этиб, сакраб тушди. Адолат унга ҳайрон бўлиб қараб қўйди-да, Зебихоннинг кетидан ичкарига кирди.

— Зеби опа, ҳалиги отлиқ яна ғиринг деганда, дабдаласини чиқариб, ўша ерга кўмиб келар эдик-да,— деди кимдир Адолатнинг орқасидан. Бу Набижоннинг овози эмас эди. Зебихон кулди. Адолат ялт этиб орқасига қаради. Ўрта бўйли, чайиргина бир эркак киши бошидан паранжини олиб тахлар эди. Адолат ҳайрон бўлиб қолди. Буни сезган Зебихон кулиб, унга қаради:

— Бу киши Ҳамдам ака бўладилар. Биз ёлғиз эмас эдик,— деди.

— Синглим менга қараб-қараб қўйди,— деди Ҳамдам ака.— Бу қанақа гунг хотин экан, деб ўйлагандирсиз-а, синглим?

Набижоннинг хотини Раҳбархон танчага олов солиб, чой дамлаб келди.

— Совуқ тушиб, одам сира қовушмай қолди,— деди у чой қуяр экан.

Зебихон бемалол гаплашар, Адолат эса бошига ташлаган рўмоли билан юзини ярим тўсиб, энгашиброқ ўтирарди.

— Тортинманг, Адолатхон,— деди лампа пилигини кўтараётган Раҳбархон,— булар ўз акаларингиздай одамлар.

Набижоннинг кўзи Адолатга тушди:

— Ие,— деди у ҳам хурсандлик, ҳам таажжуб билан,— соғайиб кетдингизми, синглим? Буни қаранг-а? Сизмидингиз?

Адолат ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Ана бу Шарифбой гузаридами сизларники?

— Ҳа.

— Маҳаллангиздагилар сизни тутиб олиб уришган-а?

— Ҳим.

— Ўшанда сизни касалхонага мен олиб борганман.

— Сиз?— Адолат Набижонга кўзларини катта очиб, тикилиб қаради-да, кейин қизариб ерга энгашди.

— Ҳа, мен. Хўп ноинсоф одамлар бор-да дунёда.

— Мана, таниш ҳам чиқиб қолдинглар,— деди Раҳбархон.

— Дунёнинг ишлари кўп қизиқ-да,— деди Зебихон ўзига-ўзи гапиргандай.

Адолат кечаси билан мижжа қоқмади. Уни хаёл гоҳ онасига, гоҳ Усмонжонга олиб кетар, гоҳ кечагина кўрган аламзада хотинларнинг башаралари кўз ўнгидан бир-бир ўтар, Гулнорнинг ҳасрат, изтироб тўла қўшиғи қулоғи остидан кетмасди.

Адолат тонг ёриши билан ухлаётганларни уйғотиб юбормаслик учун секин-секин юриб чиқиб кетди.

* * *

Адолатга эшикни Гуар очди.

— Адолат?!

— Аям келдими?

— Келди. Узоқ кутиб ўтирди. Йиғлади. Юпатдим, тушунтирдим.

— Усмонжондан хабар йўқми?

— Йўқ.

— Ҳозир уйларига кириб келдим. Онаси ҳам дарак йўқ дейди. Сергей отадан хабар борми?

— Ёнидан одам келиб, тинчлигини айтиб кетди.

— Аям бугун келармикин?

— Келиб қолар. Дадангиз ҳам қайтиб келибди.

Адолат мажолсизлик билан стулга ўтирди.

— Чарчагандирсиз? Ҳозир мен чой қўяман. Ичиб, кейин бир оз мизғиб оларсиз.

Чиқиб кетаётган Гуар яна қайтди.

— Ана у ўртоғингиз бор экан-ку.

— Қайси?

— Бир девор қўшни ўртоғингиз, ўша ҳам дом-дараксиз йўқ эмиш.

— Зумрад-а?— Адолат ўрнидан туриб кетди.

— Ҳа, ҳа, Зумрад дедилар.

Адолат ҳайрон бўлиб қолди. Қочиб кетганмикин? Шундай бўлса керак-да. Қаерда экан. Уни албатта топиш керак. Аяси кела қолсайди.

Гуар билан Адолат чой ичиб ўтирганларида эшик тақиллади. Бу Тўтибу эди. У қизини қучоқлаб, бағрига босиб йиғлади.

— Қандай кунга қўйдинг, қизим. Туғмай ўлай сени!

— Йиғламанг, ая! Мана мен соппа-соғман-ку! Бир ўртоғимникига бориб келдим, холос.

— Сен кимга ўхшадинг, ҳайронман. Уруғимизда бунақа одам йўқ эди-я!— Тўтибу хўрсиниб, кўзини артди.

— Хафа бўлманг, холажон,— деди Тўтибуга чой узатиб туриб Гуар,— бу қизингиз, авлодингизнинг гули бўлиб қолади.

— Зумраддан хабар борми?

— Йўқ. Дом-дараксиз.— Тўтибу Адолатга қараб, шубҳали овоз билан давом этди.— Назаримда, бир гап борга ўхшайди. Ҳаммаси дим-дим, қидиришмаяпти. Ундан кейин кеча мен бир хокандозгина писта кўмир сўраб чиққан эдим, кўмирхонаси бесаранжомроқ кўринди кўзимга. Юрагим нимагадир орқага тортиб кетди. Ё менга шунақа кўриндими, ҳайронман.

— Ая, нима деяпсиз? Ростданми?— Адолат нима қилишини билмай қолди.

— Яна ким билади дейсан! Анови укаси ўлгур ёмонда!

— Аяжон, жон, ая,— Адолат Тўтибуни қучоқлади,— сиз аниқроқ билиб беринг. Дадасининг нонвойхонасида Низомжон деган йигит ишларди. Ўшани билинг, қаердайкин, иложи бўлса шу бугун билиб беринг, жон ая!

— Ўпкангни бос. Хўп тилларинг бир экан-да иккалангнинг.

— Аяжон, қўйинг энди шунақа гапларни! Ахир, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади, аяжон! Хотин шўринг қурғурларнинг гуноҳи нима? Ўлдирса ҳам индамасин, итчалик кўрмасаям индамасин, шундайми? Ахир, ҳеч ким дунёга икки марта келмайди-ку!

Адолат асабдан титраб, бошини ушлаб ўтириб қолди. Тўтибу жавоб бермай, узоқ вақт йиғлади. Гуар онаболани холи қолдирмоқчи бўлиб, секин чиқиб кетди.

— Биламан, сизга ҳам қийин, ая! Лекин, сиз менинг туққансиз. Менинг тилимни ҳаммадан олдин сиз тушунишингиз керак.

— Эринг қаёқда?

— Ислоҳот ўтказгани кетди. Ер ислоҳоти. Бойлар-

нинг ерини олиб, камбағалларга бўлиб беради. Кўрдингизми, Шўро ҳукумати сиз билан бизга ўхшаганларга қайишяпти, аяжон.

— Ёлғиз ётибсанми, а?

— Гавҳар опа бор, қўрқмайман.

Тўтибунинг кўнглида бирдан Усмонжондан хавотирланиш ҳисси туғилди. Энди бўлар иш бўлди. Қўша қарисин дейишдан бошқа иложи йўқ. Агар Усмонжонга бирор нарса бўлса, қизи нима қилади?

— Эсон-омон келсин, ишқилиб,— деди Тўтибу ўзига-ўзи гапиргандай. Лекин Адолат бу гапни ким ҳақида айтилганлигини пайқаб олган эди. У, туриб аясини маҳкам қучоқлаб, йиғлаб юборди.

— Аяжон, ўзимнинг аям! Аяжоним!— Адолат худди ёш боладек эркаланиб, Тўтибунинг юзларидан ўпарди.

— Мен кетай. Дадангга фол очтиргани кетяпман деган эдим.

— Зумрадни билиш эсингиздан чиқмасин, жон ая!

— Хўп.

Адолат аясини маъюс кузатиб қолди. Адолат аясига ачинар, кексайган чоғида уни тентиратиб қўйгани учун қийналарди. Хаёл билан уйга кирди. Унинг назарида уй ҳувиллаб қолгандек эди. Унинг нимагадир хўрлиги келди. Усмонжон қайси куни кетаётганда эсидан чиқариб қолдирган кичкина қизил қаламни стол устидан олиб, унга узоқ тикилди-да, бирдан юзига босди.

— Аянгиз кетиб қолдими, а?

Адолат кўз ёшини шошиб-пишиб енгига артди-да, Гуарга ўгирилди.

— Ҳа, кетди.

Гуар унинг аҳволини фаҳмлаб қолди. Ҳам меҳр, ҳам ачиниш билан унга қаради. Адолат ҳам ўнғайсиз аҳволда қолган эди. У, негадир Гуарнинг кўзига тик қараёлмас, хижолатданми, уятданми, қизарган юзларини ундан яширишга ҳаракат қиларди.

— Усмонжон ҳар қанча яхши кўришга арзийдиган

йигит,— деди Гуар Адолатни юпатмоқчи бўлиб,— бахтингиз бор экан, Адолат. Мен, бу йигитга теккан қиз жудаям бахтли бўлади, деб юраман... Хавотир олманг, келади. Келиши билан тўй қиламиз.

Ўртага жимлик тушди. Адолат уялиб, бошини эгиб олган эди. Уни бу ўнғайсиз аҳволдан Зебихон қутқарди.

— Қизи тушмагур, ҳеч кимга айтмай кетаверибсиз-да.

— Вой, келинг, Зебихон опа. Сизларни ширин уйқуларингиздан уйғотмай дедим-да.

Зебихон Гуар билан кўришиб, стулга ўтирди.

— Сизни Мўттихон опа, бир келиб кетсин, деди. Шуни айтгани келдим. Мен эртага Қорабурага кетаман.

— Қаёққа?

— Кеча борган қишлоғимизга-да.

— Яна нима қиласиз?

— Ҳали ҳеч нарса қилганимиз йўқ-ку!— деди Зебихон кулиб.— Ўша қишлоққа мен вакила бўлдим, билдингизми? Кечаги ишдан мақсадим, у ердаги хотинларнинг кўнглига қўл солиб кўриш, ундан кейин ўзимга баъзи бир ишончлироқларини танлаб олиш эди. Энди дангал бораверaман. Гапимни очиқ-ойдин гапираверaман.

— Эҳтиёт бўлинг, Зебихон опа! Ёмон одамлар кўпга ўхшайди.

— Ёмон одамлардан қўрқиб ўтирсак, яхши одамлигимизни ким билади. Турсун холанинг келини-чи? Ўшандан ҳам иш чиқарса бўлади. Кўрдингиз-ку, ҳаммасининг ҳам кўнгли яра. Лекин, қўрқишади. Уларга тушунтириш керак.

— Гулнордан хабар олинг, Зебихон опа,— деди ёлворган товуш билан Адолат.

— Бўлмасам-чи, албатта хабар оламан.

— Мўттихон опа мени нега чақирдийкин?

— Билмасам. Нима бўлди? Шу бир марта ёрдам бердим, бўлди деяпсизми? Ўзим қутулдим, бошқалар тутилса тутилаверсин экан-да?

— Иўғ-э,— деди Адолат хижолатлик билан,— энди менинг қўлимдан тузукроқ иш келмаса...

— Ҳаммамиз ҳам бир одаммиз. Ўзингизнинг бошингиздан ўтган кунларни гапириб берсангиз ҳам катта иш қилган бўласиз.

— Майли, бораман.

Гуар кичкина думалоқ печка кўтариб кирди:

— Адолат, мана буни қуриб олмасангиз, совуқ қотиб қоласиз. Плита эскириб қолган, иситмайди. Бу йил ремонт қилишга имкон бўлмади.

— Раҳмат, Гавҳар опа. Ҳали кечқурун. Ҳозир бир ерга бориб келаман!

Адолат Зебихон билан кўчага чиқди.

— Зебихон опа,— деди у бирдан тўхтаб,— паранжисиз юрибман. Дадам кўриб қолса, нима қиламан? Бирон-та таниш-билиш учраб қолса ҳам, бориб айтиб қўйиши турган гап.

— Юзингизни рўмолингиз билан тўсиброқ юринг.

— Тўнимдан, юриш-туришимдан танимайди дейсизми?

Зебихон ўйланиб қолди.

— Майли, десангиз, тўнимизни алмаштирамиз.

— Майли. Ҳар қалай кўзни чалғитар-ку!

Улар тўнларини алмаштириб олдилар. Ҳаво тунд ва совуқ эди. Адолат қўлларини енгининг ичига тиқиб, бир оз энгашиб борар эди.

— Қор шабадаси келяпти,— деди Зебихон рўмоли билан бурнини ўраб.— Тағин ҳам куз яхши келди.

Зебихон Адолатни Мўттихоннинг ёнига қўйиб, ўзи чиқиб кетди.

— Бизни жуда хурсанд қилдингиз-да, Адолатхон,— деди Мўттихон унинг ёнига ўтириб.— Зебихон опангиз сизни жуда мақтади. Юракли қиз экан, деди.

Адолат мақтовдан ўнғайсизланиб, бошини эгди.

— Қўрқмадингизми?

— Йўқ.

— Қўрқманг, сира қўрқманг. Лекин эҳтиёт бўлинг. Сиз жуда катта ишларга ёрдам беряпсиз. Сизга ўхшаган аёлларимизнинг ҳар бири қора кун ичида ётган минглаб хотин-қизларимизнинг рўзғорига офтоб бўлиб кириб боряпти. Шуни унутманг. Мана, индинга катта суд бўлади. Қотиллар суд қилинади. Мен ҳам Норинкападан эрталаб келдим. У ерда етти оға-ини эшонлар бор экан. Одамларни заҳарлаб ташлашган қуриб кетгурлар. Ҳурихон деган ўт-оловдек комсомол қизимиз бор эди. Асли ўша қишлоқдан эди. Тошкентдан янгигина ўқишни тамомлаб келган эди. Ўшани ўлдиришибди.

Адолат сесканиб кетди. Мўттихон кўзларини бир нуқтага тикканча ғазаб ва алам билан давом этди:

— Қалласини косовга санчиб, бошқаларга ибрат бўлсин деб қишлоқ айлантиришибди. Қотилларни қамоққа олдик. Суд бўлади.

— Оғзидан отишсин уларни!— деди Адолат ғазабдан титраб.— Албатта отилсин!

Мўттихон Адолатнинг орқасига қоқиб қўйиб, ўрнидан турди.

— Қалай, Гулнор ҳақида ўйлаяпсизми?

Адолат аввал ҳайрон бўлиб қолди. Кейин Мўттихоннинг ҳамма гапдан хабардор эканлигини тушунди.

— Уни қутқариш керак, Мўттихон опа,— деди секин.— Юракларим эзилиб кетди. Ёш, чиройли. Кўнгли ҳам тоза кўринади. Ўзи тўқиган ашулаларни эшитсангиз, йиғлайсиз.

— Қутқарамиз. Ҳаммасини ҳам қутқарамиз. Усмонжондан хабар йўқми?— тўсатдан сўради Мўттихон.

— Йўқ,— Адолат хомушлик билан бошини эгди.

— Яқин-ўртада келиб қолади. Яхши, тинч юрган эмиш.

— Биласизми?— Адолат севинганидан андишани унутган эди.

— Албатта. Хабардор бўлиб турамиз.

Адолат бирдан уялиб бошини эгди.

— Адолатхон! Сизга яна бир иш чиқиб қолди.

Адолат савол назари билан Мўттихонга қаради.

— Яна бир қишлоққа бориб келасиз. Нима қилиш кераклигини энди анча билиб олгандирсиз. Ишларингиз асосан яна шу хилда бўлади. Фақат хотинларнинг руҳига қараш керак. Бозор кўтарса, дадилроқ гапирaвериш керак.

— Ким билан бораман?

— Одам бор. Эртага эрталаб шу ерга келсангиз, мен таништириб қўяман. Шу ердан жўнайсизлар. Хўпми? Лекин, бу гал сиз бошчилик қиласиз. Ёнингиздаги одам сизга ҳамроҳ бўлиб боради, холос.

— Хўп,— деди Адолат бир оз ўйланиб.

— Усмонжонга сиздан салом айтиб юборсам майлими?

— Майли.— Адолатнинг юзига табассум югурди.— Ундан кейин...

— Гапираверинг, қани?..

— Ундан кейин, бизга ёрдам беряпти, деб ҳам айтиб юборинг.

— Албатта, албатта. Айтаман ҳам. Усмонжон жуда хурсанд сиздан.

Адолат Мўттихон билан хайрлашиб чиққач, уйга қандай етиб борганини билмади. Усмонжоннинг хаёли унга қанот пайдо қилгандай руҳи енгил эди.

Кечқурун Гуар билан уйга печка қурди. У хурсанд, баъзан ашула айтар, ҳазиллашар, кулар эди.

Шу куни кечаси Сергей Петрович келди. У жуда ҳориган, чарчаган, соқоллари ўсиб, кўзлари киртайиб қолган эди. Сергей Петрович Гуар билан ҳам, Адолат билан ҳам эсон-омонлик сўрашди-да, ўзини каравотга отди. Гуар овқат иситиб келгунча у донг қотиб ухлаб қолган эди.

Адолатнинг Сергей Петрович билан жуда гаплашгиси, Усмонжондан дарак эшитдими, йўқми, сўраб-су-

риштиргиси келса ҳам, эрталаб ҳатто у билан кўришолмай жўнашга мажбур бўлди.

* * *

Мана, бир томондан дераза ўрнига туйнук очилган кичкина қоронғи уйда ўн-ўн беш чоғлик хотин ўтирибди. Улар эски, лекин озодагина кўрпа ёпилган сандал атрофига тиқилишиб, секин-секин суҳбатлашишарди.

Уй эгаси Маликахон баланд бўйли, овози ҳам эркакларнинг овозидек йўғон, сатангнамо хотин эди. Шунинг учун ҳам уни, Малика сатанг, дердилар. Лекин бу хотинда ширин сўзлиги ва ташқи кўринишини ҳисобга олмаганда, сатангликдан учқун ҳам йўқ эди. Ўзи ҳамма вақт ғариб яшашига қарамай, жуда серпардоз юрарди. Қош-кўзидан ўсма-сурма аримасди. Қиш бошланишида ҳамма ток кўмса, Маликахон ўсмасини кўмар, чиллада ҳам унинг ҳовлисида ўсма баҳордагидек кўкариб ётарди. Унинг ўсма-сурмаси ҳақида қўни-қўшнилари гап отса, силасанг сирт ялоғи, силамасанг ит ялоғи, киши тоза, чиройли юрса, кўнгли равшан бўлади, деб жавоб берарди.

Маликахон катта саватда буғи чиқиб турган қовоқ сомсани олиб кириб, ўртага, сандал устига қўйди. Тандир олдида турганлигидан бўлса керак, унинг икки юзи олмадек қип-қизариб кетган эди.

— Опаси жонидан, дуторингизни чалинг бир тузукроғига,— деди у Адолатга қараб.— Уйин-кулгига ташна бўлиб ётганмиз. Қани, сомсадан олинглар. Совимасин. Шакардек қовоқ экан.

Қўтарасан, деб хархаша қилаётган ўғилчасининг елкасига уриб, алла айтиб ўтирган ўрта ёшлардаги жувон Адолатга қараб деди:

— Ўзингиз ёш бўлсангиз ҳам сўзларингиз бийрон-

бийрон экан, айланай. Бу хотин-қизларнинг очилишини Шўро ҳукуматига қанақа нафи бор экан-а, айланай?

Адолат бир оз тараддудда қолди.

— Шўро ҳукумати,— деди кейин салмоқлаб,— жуда одампарвар эмиш. Хотин-қизларнинг эркаклардан нима камлиги бор? Эртадан кечгача қўли косов, сочи супурги бўлиб, уй хизматини қилса, туғса, бола боқса, яна эрининг калтагини еса, хўрлашини кўтарса, устига хотин олса ҳам индамаса. Ахир, хотинларнинг гуноҳи нима? Улар ҳам одам-ку, ахир. Шундай бўлгандан кейин, одам бўлиб яшасин, ўйнасин, кулсин, деяпти Шўро ҳукумати. Уқиса, ишласа, ўзининг ҳақини танийдиган бўлади. Шунинг учун ҳаммаси ўқисин, саводини чиқарсин, деяпти. Тушундингизми? Эркаклар ҳам одам, хотинлар ҳам одам, эркаклар ҳам ишласин, хотинлар ҳам ишласин, болани ҳам иккиси тенг боқсин, хотинларни камситишга, уришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, кимда-ким уларни ҳақорат қилса, уларнинг яхши, тинч яшашига тўсқинлик қилса, ҳукумат олдида жавоб беради, деяпти.

— Тавба,— деди яна бир кексароқ хотин ёқасини ушлаб,— эллик ёшга кирдим. Лекин ҳеч қайси пошшо бунақа демаган эди.

— Шаҳарда,— деди Адолат давом этиб,— жуда кўп хотинлар артелга ишга кирган.

— Ҳаммаси очилиб кетдими, а?

— Очиқлари ҳам бор. Паранжида бориб келаётганлари ҳам бор.

— Паранжида борсаям ишга киритаверадими?

— Ҳа. Ишлаб юрса, охири ўзи ҳам тушуниб қолади, дейдигандир-да. Бизнинг бир девор қўшнимиз артелда ишлайди. Олдин кирайми, кирмайми, деб юрган эди. Энди кўрсангиз жуда хурсанд. Беш танга, ўн тангага зор бўлиб, эримнинг кўзига мўлтираб ўтирар эдим. Энди ўзимнинг пулим бор. Хоҳлаган нарсамни оламан, хоҳлаганимни кияман, дейди. Олдин доим йиғлагани-

йиғлаган, бошига топса оёғига йўқ эди. Энди кўрсангиз усти-бошларини башанг қилиб олибди.

— Шаҳарда ким паранжилик кўчага чиқса, бошидан юлиб олишяпти, деб гапиришяпти-ку!

— Бекор гап. Шўро ҳукумати тушунтиради, холос. Мажбур қилмайди.

Пиёла айланиб Адолатнинг қўлига келди. У қўлидаги дуторни бурчакка тираб, сомсадан синдириб, оғзига солди.

— Айланай, сиз бу гапларни қаердан биласиз?— пойгакда ўтирган қотмагина хотин пичинг, масхарага ўхшаган оҳангда сўради.

— Менми? Қўни-қўшниларимиздан эшитаман. Шаҳарда бўлганингиздан кейин, атрофда бўлаётган гапларни эшитмай бўладими? Ундан кейин, яна бир қўшнимиз муаллим. Баъзида қизиқиб, унинг китобларини ўқиб қоламан.

— Хат ўқишни биласизми?

— Ҳа. Ўнча-мунча. Яқинда,— деди Адолат сирли товуш билан,—ўша муаллимнинг уйида бир қўшиқ ўқиб қолдим.

— Айтиб бера қолинг, опаси жонидан,— деди Маликахон чой қуяр экан.

— Очилиш ҳақида-да! Майли десанглар, айтиб бераман.

— Айтинг.

— Айта қолинг.

Адолат дуторни қўлига олди. Бир нафасдан кейин унинг қўнғироқдек тиниқ овози янгради:

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни, ҳар томон паришон қил.
Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи
Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил.
Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,
Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.

Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир,
Кел, бугун бу захмингга маърифатни дармон қил.
. . . . . .

Пойгакда ўтирган қотма хотин ўрнидан турди.

— Уйингнинг фариштаси қочади, Малика,— деди у чиқиб кетаётиб.

Ашулага маҳлиё бўлиб қолган хотинлар унга эътибор беришмади ҳам.

Адолат қўшиғини тамомлаб, хотинларга табассум билан кўз югуртириб чиқди. Баъзи бировларнинг юзида қўрқинч, баъзи бировларникида бахт, орзу порлагандек кўринди унга.

Бола қучоқлаган хотин яна сўради:

— Қишлоққа ҳам артель келадими?

— Бўлмасам-чи, албатта келади.

— Нима бало, артелга ҳавасинг тушиб қолдими?— деди унга биттаси.— Қўлингдан ҳеч иш келмайди-ку!

— Ўргатади,— деди Адолат унинг гапини бўлиб,— билмаганларни ўргатади.

— Йўқчилик жонимга тегди,— деди болалик хотин,— бойваччаларнинг хотинларига кир юва-юва ўлиб бўлдим. Итдек меҳнат қилиб, бир бурда нонларини таъна билан едим,— аёл кўзига ёш олди.— Эримнинг касалманд бўлиб қолганига, мана, бир йил бўлиб қолди. Ахир, қорним тўядиган бўлса, ишга кирмай нима қиламан. Шўро ҳукуматининг комбағалларга ён босаётганини кўриб турибман. Мана, ҳозир бутун бойларнинг ерини олиб, камбағалларга беряпти. Ўша менга кирини ювдириб, бир бурда нонини масхаралаб берган бойвуччалар ҳозир соч ёзиб, дод-фарёд қилишяпти. Ажаб қиляпти Шўро ҳукумати. Бизга ўхшаганларнинг аламини оляпти.

Адолатнинг хаёли бир нафас Усмонжонга кетди. Қани энди уни бу ерга эмас, Балиқчига юборишган бўлса. Ўзини кўролмаса ҳам, дарагини эшитарди.

Адолат ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. У ўзининг бийрон бўлиб кетганлигига ўзи ҳайрон қолар, шунча гапларни топиб гапирганлигини ўйлаб, ич-ичидан қувонар эди.

Адолат жилдираб оқиб ётган саёзгина ариқчада қўлини ювиб, рўпарадаги туйнукка қараб кетди.

— Ҳай меҳмон, борманг у ёққа!

Адолат тўхтаб, орқасига ўгирилди. Хотинлардан бири уни қўли билан чақирарди.

— Борманг у ёққа!

— Нимага,— деди Адолат орқасига қайтиб,— у ҳовли кимники экан, кўрайин деган эдим.

— Ана у ёнғоқнинг тагида ажина бор,— деди хотин баланд, бесўнақай ёнғоққа ишора қилиб.— Ўша қўшнининг қизи шу ёнғоқ тагида кўп ўтириб жинни бўлиб қолди.

— Жинни? Неча яшар қизи?

— Катта жувон. Жуда чиройли эди бечора. Унга бир бой ошиқ бўлиб қолиб, эрини ўлдиргизиб юборган. Ширингина ўғилчаси бор. Бой хотинликка олгандан кейин, ўғли ҳам бирдан ўлиб қолди. Бой атайин дори бериб қўйган эмиш, деб эшитдик. Бечорани жинни бўлиб қолгандан кейин, бой ҳам ҳайдаб юборди.

— Оти нима?

— Оти Тўхтахон. Ўзи ҳам ёлғиз қиз эди.

— Шунча кунларни кўриб, тағин ҳам жинни бўлмасинми?

— Йўқ, айланай, бу ёнғоқнинг тагида жин борлиги рост. Ёзда тагида олов ёнганлигини ўз кўзим билан кўрганман.

— Юринг, Тўхтахонни кўриб чиқамиз.

— Кўриб нима қиласиз, жинни-ку!

— Кўргим келди-да. Қўрқманг, девор тагидан борамиз.

Адолат хотиннинг қўлидан тортиб, йўл бошлади. Улар иккиси қўшни ҳовлига чиқишди. Саҳни унча катта

бўлмаган, деворлари нураган ҳовлида пастаккина уй қўнқайиб турарди. Улар уйга киришди. Зах ҳиди келган кичкина даҳлизда мункайган бир кампир чарх йигириб ўтирар, ёнидаги ўчоқда тезак тутаб ётарди. Кампир бошини кўтариб, хира, сўник кўзлари билан кирганларга эътиборсизгина қараб қўйди.

— Эсон-омон ўтирибсизми, Тўфа хола? Тўхтахон яхшими, биз кўргани кирдик.

Тўфа хола қўли билан ичкари уйга ишора қилиб, яна ишини давом эттираверди.

— Хафа бўлманг, меҳмон,— деди Адолатнинг ҳамроҳи хижолатлик билан,— бу шўрлик ҳам ғам-ҳасратда довдираб қолган. Одамни яхши танимайди.

Адолат эшик ўрнига қоп тўсиб қўйилган иккинчи уйга кирди. Бурчакда озғин, сочлари ёзилган бир жувон бир нарсадан қўрққандек биқиниб ўтирарди. Унинг бемаъни жавдираган кўзларида ҳали ҳам қандайдир ҳусн сақланиб қолган эди. Шундай совуқ бўлишига қарамай, Тўхтахон эски обиравон кўйлакда, унинг ҳам бир енги йўқ. Яланғоч билакларини соч толалари тўсиб турарди. У киргаплардан алланарсани яшириб, кўкрагига босиб олган эди.

Адолат нима қилишини билмай қолди. Қани энди, у гапга тушунса, ақли жойида бўлса, шу бугуноқ ўзи билан олиб кетарди.

— Биздан қўрқманг. Биз сизни кўргани келдик,— деди Адолат секингина.

— Овора бўлманг. Гап уқмайди.

Уй жимжит. Фақат чархнинг мажолсизлик билан гувиллаши эшитиларди, холос.

— Совуқ қотмасмикин,— деди Адолат ачиниш билан.

— Жинни совуқни биладими?

— Олдида ундай деманг.

Тўхтахон ҳамон қимирламасди. Қўрқувга тўлган кўзлари билан гоҳ Адолатга, гоҳ аёлга қарар, борган

сари бурчакка биқиниб борарди. У бирдан буларга орқасини ўгириб олди. Кейин алла айта бошлади:

Бўйларингга бўй тумор бўлай, болам, алла,
Кўзларингга кўз тумор бўлай, болам, алла...

Адолат секин бўйлаб қаради. Унинг қучоғида нимадир бор эди.

— Шўринг қурғур,— деди Адолат хўрсиниб,— кўйлагининг бир енгига «бола»сини ўрабди.

— Юринг, худонинг раҳми келсин.

Адолат ночор уйдан чиқди. Лекин Тўхтахоннинг алласи унинг қулоғидан сира кетмади.

Бўйларингга бўй тумор бўлай, болам, алла...

* * *

Мўттихон тез кунда Адолатнинг ҳис-туйғуларини жуда яхши англайдиган бўлиб қолди. Адолат кундан-кунга ўзининг инсон тақдирига бўлган содда, лекин жуда самимий муносабати билан Мўттихоннинг эътиборини ўзига тортарди. Мана, ҳозир ҳам у Мўттихоннинг олдида ўтирибди. Унинг бир вақтлар ҳаёдан кишига дадил боқолмаган чиройли кўзларига ғазаб ва алам тўлган. Энди у ҳамма нарсага тик, дадил боқади. Яқиндагина Мўттихонга ҳам ёввойи қараш қилган бу кўзлар, энди унга талаб билан тикилиб турибди.

— Мўттихон опа, олдириб келмасангиз сира чидолмайман, шу бугуноқ олдириб келасиз. Бўлмаса,— Адолатнинг кўзлари жиқ-жиқ ёшга тўлди,— бўлмаса мен ҳам жинни бўлиб қоламан. Тушундингизми, мен ҳам жинни бўламан!

— Ўзингизни босинг, Адолат. Шошмасдан, секин, ақл билан иш олиб бориш керак. Бизнинг қилаётган ишимиз бугун бошлаб, эртага тугатадиган иш эмас. Жуда катта, жуда узоқ давом этадиган иш. Тушундингизми? Юз-юз

йиллардан бери хотин-қизларни эзиб-янчиб келган тоғни сиз бир кўтаришда олиб ташламоқчи бўляпсиз. Бу қийин иш, Адолат. Ачинганингиз жуда яхши. Ахир, хотин киши қалбини хотин киши тушунмаса, унга бепарво, лоқайд қараса, унинг бошига тушган кулфатни ҳам, шодликни ҳам ҳис қилмаса, ундай хотиннинг боридан йўғи яхши. Бироқ биз бу шўринг қурғурларнинг қайси бири устида дод солиб йиғлаймиз, Адолат? Ахир, Тўхтахонга ўхшаганлар тўлиб ётибди, Адолат.

Адолат бошини кўтарди.

— Тўғри,— деди Мўттихоннинг сўзини бўлиб,— бундайлар ҳали кўп. Лекин, кўзимиз кўрганини қандай ташлаб кетамиз, Мўттихон опа? Сиз унинг алласини эшитсангиз, аҳволини кўрсангиз... Йўқ, Мўттихон опа, бу ишни кечиктирманг, жон Мўттихон опа. Нима ишга буюрсангиз, йўқ демайман.

— Хўп ахир, хўп дедим-ку!

— Кўзимнинг олдида одам юборасиз.

— Болалик қилманг, Адолат.

Адолат қошларини чимириб, ерга қаради. Мўттихон столдан айланиб ўтиб, унинг ёнига келди.

— Адолат, сизни шаҳар ичидаги маҳаллаларда иш олиб боришга кўчирсак, нима дейсиз?

— Маҳаллаларда?

— Ҳа. Ҳар бир маҳалла бўйича «Ҳужум» комиссияси тузилган. Ана шу комиссиялардан бирига қўшиб қўяйлик деган эдим. Яқин орада хотин-қизларнинг ёппа очилишини ташкил қилиш керак, тушундингизми? Ана шунга тайёрланиш керак.

— Йўқ демас эдим, лекин,— деди Адолат ўйчанлик билан,— дадамга ҳали кўринганим йўқ. Дадам жуда баджаҳл одам.

— Тушундим,— Мўттихон Адолатнинг сўзини бўлди,— майли, ўйлашиб кўрамиз. Сиз Набижоннинг уйини биласиз-а?

— Ҳа, нима қилди?

— Йўқ, йўқ. Сиз борманг. Бошқа одамни юбораман.
Адолат ўрнидан турди:
— Эртага Тўхтахон шу ерда бўлади, а?
— Хўп.
— Хайр, Мўттихон опа.
— Хайр.
Адолат кўчага чиқди.
Кечаси ёға бошлаган қор ҳадемай атрофни оппоқ чойшабга буркаган эди.
Кўчаларда йўловчилар сийрак, фақат онда-сонда патнисданми ёки ёғочданми омонатгина ясалган чаналарини судраган болалар кўринади.
Ана, етти-саккиз ёшларга кирган дўмбоққина бола бир қўли билан чананинг ипини ушлаган, иккинчи қўли билан эса сирпаниб тушиб кетаётган иштонини чангаллаган. У зўр бериб чана тортади. Ундан кўра кичикроқ қизча чанада ўтирибди. Унинг бурун ва юзлари совуқдан қип-қизариб кетган. У йиғлайди, акаси бўлса сира парво қилмайди. Адолат қизчанинг оёқларини яхшилаб ўраб қўйди. Кейин уларнинг ўйинини бир зум тамоша қилиб турди. Руҳи енгил тортиб, кўнгли ёришгандай бўлди. Шу болалар билан бирга чана тортгиси, қувлашгиси келди.
Секин эринмасдан ёғаётган лайлакқор Адолатнинг оёқлари остида амиркон маҳси-кавушдек ғирчиллайди. Яланғоч дарахтларнинг шохларига пахта осиб қўйилганга ўхшайди. Гул йўли[1] четидаги баланд теракларнинг учида қарғалар базми авжига минган.
Адолат Усмонжонларнинг кўчасига келганда сира ўтиб кетолмади. Қошкийди, Хосият бувининг бағрида бўлса. Бечора кампир ёлғиз ўтиргандир. Адолат унинг ғамига шерик, ўзига ҳамроҳ бўлгиси келар, уни доим ўйлар ва севарди.
Адолат кўчада қўни-қўшнилардан ҳеч ким йўқлигини

[1] Икки томонига тераклар ўтқазилган йўл.

кўриб, рўмоли билан юзини яхшироқ тўсди-да, чаққон юриб кетди.

Кўзойнак тутиб олиб, сандалнинг бир четида алланарса ямаб ўтирган Хосият буви Адолатни кўриб, ҳам ҳайрон бўлди, ҳам қўрқиб кетди.

— Вой, куппа-кундузи очиқ,— деди у довдираб.

Адолат уни қучоқлади.

— Ҳеч нарса қилмайди. Сира ўтиб кетолмадим. Кўргим келиб кетди.

— Болам тушмагур-эй,— Хосият буви уни ҳам эркалатиб, ҳам койиб гапирди,— Бари бир айтганингизни қиласиз-да! Ёмон одамлар кўп. Эҳтиёт бўлинг, болам. Кўза кунда синмайди, кунида, дейдилар.

Хосият буви чойнакни олиб ўчоқ бошига борди.

— Йўқ, холажон,— Адолат унинг қўлига ёпишди,— чой ичмайман. Сизни кўрдим, бўлди. Усмонжон акадан дарак борми?

— Сизлар билмасанглар, мен қаердан билай, болам? Кўчага чиқмасам, идорага бормасам... Аянгиз эсон-омон юрибдими? Келяптими?

— Ҳа, келиб турибди. Ҳар куни келади.

— Битта чой дамлай. Гаплашиб ўтириб ичамиз. Энди келишга келибсиз.

— Кеч қоламан, холажон. Ундан кейин аям ҳам пойлаб ўтиргандир.

Адолат кетгиси келмаса ҳам ночор ўрнидан турди. Агар шу ерда бўлганида эди, Усмонжонга бўлган меҳрини унинг уйига, онасига бағишлар, кўнгли қанча таскин топарди.

Хосият буви Адолатни дарвозагача кузатиб, эҳтиёт бўлинг, деб қайта-қайта тайинлаб қолди.

Адолат уйига келганда печкага ўт қалаётган аясини кўрди. Тўтибу қизи билан кўришиш ўрнига уни коймиб берди.

— Сира уйингда ўтирмас экансан-да, дайди! Билмадим, қаёқларда юрасан тентиб?

— Аяжон, уришманг,— Адолат эркаланиб у билан кўришгани борди,— бир кун кўрмасам, соғиниб қоламан.

Тўтибу қизининг гапларига эриб, жаҳлини унутди. Кулиб, уни бағрига босди.

— Эрингдан дарак йўқми?

— Яқинда келиб қолса керак,— Адолат бу гапи билан онасигагина эмас, ўзига ҳам тасалли бергандай бўлди.— Зумраддан хабар топдингизми?

Тўтибу хўрсиниб, печка ёнига чўнқайди.

— Гумоним тўғрига ўхшайди, Адолат.

— Нима? Қаердан билдингиз? Низомжонни кўрдингизми?

— Низомжон бошқа нонвойга ўтиб кетибди. Суриштириб, топиб бордим. Билмайман дейди. Зумрад йўқ бўлса, мен билан бирга йўқ бўларди. Уни бир бало қилишди, кўнглим сезиб турибди, дейди. Мен йўқлигимда Низомжон келиб, Зумрадни топасан, деб жанжал ҳам қипти. Дадасининг ранги ўчиб кетди, дейди қўни-қўшнилар. Афтидан, Зумрад дадаси бермоқчи бўлган кишига тегмайман, деб жанжал қилган экан. Бу гапдан ҳам Низомжоннинг хабари бор экан. Бечора йигит жуда хафа. Менга ҳам аввал ишонмади. Кейин сен сўраётганингни айтган эдим, жавоб берди. Афтидан, сени яхши биладиганга ўхшайди. Зумрад айтган бўлса керак-да.

— Яна нима деди?— Адолатнинг овози титради.

— Бошқа ҳеч нарса демади. Зумрад йўқолгандан кейин уларникидан ишдан кетдим, деди.

— Аяжон, қандай қилиб аниғини билсак бўларкин-а?

— Биласанми,— Тўтибу сирли товуш билан давом этди,— энди эсласам, ўша Зумрад йўқ бўлган куни кечаси ўтинхоналарида нимадир гуп-гуп-гуп эшитилиб турди. Мен содда, нодон хотин, ўтин ёришяпти, деб ўйлабман. Кейин писта кўмир сўраб кирганимда бирам бесаранжом эдики ўтинхоналари. Кўзимга алламбало кўринди ишқилиб. Юрагим орқамга тортиб кетди. Доим кириб юрар эдим. Лекин ҳеч бунақа бўлмаган эдим. Ширмон-

хонни айтмайсанми? Шанғиллаб гапирадиган хо...
энди сира овози чиқмайди. Эри билан ҳам пичирлашиб гапиришади. Кўнглим сезиб турибди. Бир бало қилишган Зумрад шўрликни. Ўз онаси бўлса, минг ёмон бўлса ҳам ачинарди. Бегона-да!

Адолат нима қилишини билмай, бўшашиб ўтирарди. Унинг хаёлига юз хил фикр келиб кетди. Қўзидан эса Зумрад — қувноқ, шаддод Зумрад сира кетмасди. Нима қилсин, шундай қиз бекордан-бекорга ўлиб кетаверадими? Ахир, у дунёга келиб нима кўрди? Қўлини нонга чўзса, кўзи ўгай онага қараб, нима деяркин, деб жавдирарди. Болалигини билмади. Ёшлиги хазон бўлди. Ўртоқжон! Қаердасан-а? Қаерда бўлсанг ҳам майли, топиб оламан. Фақат ўлмасанг бўлгани. Кимга айтай, қаердан излай, ўртоқжон?! Агар ўлдирган бўлсалар... йўқ. Борди-ю, шунақа бўлса-чи... Ўртоқжон, наҳотки ўлиб кетган бўлсанг-а? Агар шундай бўлса, мен бор андишани унутаман. Сен учун, Зумрад, сенинг ҳар томчи ёшинг учун Ширмонхонга ўхшаганлардан қасос оламан, Зумрад. Ўртоқжон, ўртоқжоним!..

Адолатнинг отланаётганини кўрган Тўтибу ҳайрон бўлди.

— Яна қаёққа?

— Ишим бор, ая! Энди сизни овора қилмайман. Ўзим бораман уйингизга.

— Нима деяпсан? Жинни бўлдингми? Даданг ўлдириб қўяди сениям. Бора кўрма.— Тўтибу қизини тўхтатиб қололмади. Адолат югурганича чиқиб кетди. Тўтибу паранжисини бошига илиб, кўчага чиққанда, у аллақачон кетиб бўлган эди. Тўтибу маҳсичан қор кечиб югуриб кетди. У калишини унутган эди.

Адолат Мўттихонни тополмай, ҳайрон бўлиб туриб қолди. Кейин негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда Набижонникига қараб кетди. Ҳар доим юзини рўмоли билан буркаб юрадиган Адолат ҳозир ҳеч кимдан тортинмай, дадил борар эди. Юзини яшириш ҳозир унинг хаёлига

ҳам келмас, унга бақрайиб қараб қолган ёки ғазаб билан юзини четга ўгирган кишиларнинг биронтасини кўрмас, сезмас эди.

Қор ҳамон ёғарди. Босмачилар ўт қўйиб кетган баззозлик растасининг уюлиб ётган баланд-паст тупроқлари қор тагида катта-кичик гўрларга ўхшаб ётарди.

Адолатни Набижоннинг хотини кутиб олди. У эрининг кечаси аллақаёқдан келганини, ҳали яна одам келиб чақириб олиб кетганини айтди. Адолат нима қилишини билмай орқасига қайтди. Олисдан Мўттихоннинг қандайдир бир хотин билан кетаётганини кўриб, унинг кетидан югурди.

— Адолат? Нима гап, нима бўлди?

Адолат гапни нимадан, қандай бошлашни билмас, ранги бир оқариб, бир қизарар, титрарди. Мўттихон ёнидаги аёлга нимадир деди. Улар орқага қайтишди. Идорага келишгач, Мўттихон стол устига портфелини қўйиб, ечинмасдан стулга ўтирди.

— Тинчликми ўзи? Нима гап?

Адолат бўлган воқеани узиқ-юлуқ қилиб айтиб берди. У қаттиқ ҳаяжонланганидан гапни боши қолиб, охиридан бошларди. Мўттихоннинг юзи жиддийлашди. Кўзларига ўй, хаёл чўкди. Ўтирган аёлга қараб деди:

— Тўппа-тўғри бостириб бориш керак, менимча. Нима дейсиз, Хосиятхон?

— Синглимнинг гапига қараганда, аниқ бўлса керак. Бостириб бораверишкерак. Топилса топилди. Топилмаса, сўраб-суриштирилади.

— Мен ўзим бирга бораман, Мўттихон опа! Мен... мен энди ҳеч нарсадан қайтмайман, ҳеч нарсадан! Ўртоғимни ўлдиришармишу мен маҳалламдан қўрқиб, жоним ширин кўриниб, бир четда қараб турармишман. Йўқ, ўзим бирга бораман.

Мўттихон Адолатни, эртага эрталаб шу ерда учрашамиз, деб тинчлантириб жўнатди.

Адолат уйига келганда Тўтибу йўқ, лекин калиши турарди. Адолат ҳайрон бўлиб, у ёқ-бу ёқни излади. Паранжиси ҳам йўқ.

— Аям бечора маҳсичан кетибди шекилли,— деди ўзига-ўзи гапириб. Аллақаёқдан сават кўтариб қайтган Гуар Адолатнинг хомуш ўтирганини кўриб:

— Нима бўлди, аянгиз келмадими?— деб сўради. Адолатнинг кўнгли тўлиб турганлигидан Зумрад ҳақидаги гапларни унга ҳам айтиб берди.

— Нонинсоф одамлар кўп, Адолат. Ҳар нарса қилишлари мумкин,— деди Гуар бошини чайқаб.

Улар кечқурун алламаҳалгача у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб, ухламай ўтирдилар.

Адолат ўрнига ётди-ю, сира уйқуси келмади. Хаёли уни ҳар томонга тортқиларди. У ён-бу ёнига ағдарилди, кўзини юмиб кўрди. Бўлмади, охири ўрнидан туриб, чироқни ёқди. Стол тортмасидан Усмонжон атайлаб унга олиб келган китоб, журналларни олди. Уларни қандайдир меҳр билан секин авайлаб варақлай бошлади. Унинг кўзи сатрларда бўлса ҳам, хаёли Усмонжонда эди. Кетганига ҳам анча кун бўлиб қолди. Хат ҳам, хабар ҳам йўқ... Лекин кўнгли сезиб турибди. У саломат. Буни Адолат тоза, беғубор қалби, аёллик туйғуси билан билиб турибди. Хотин кишининг ўзи нозик бўлгани каби ҳисси ҳам, кўнгли ҳам нозик, сезувчан бўлади.

Агар Усмонжон бўлмаса, Адолат ҳам балки Зумраднинг бири бўларди. Уни ҳаётга ундаган, оқ-қорани ажратишга ўргатган Усмонжон эмасми?! Аввал Адолат ўз тақдиридан бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмасди. Энди эса у ёлғиз ўз тақдирини эмас, ўзига ўхшаган юзлаб хотин-қизларнинг тақдирини ўйлайди. Энди унинг йиғиси ҳам, кулгиси ҳам ёлғиз ўзи учун эмас, чунки, энди у қалби, вужуди билан кўпларга қўшилиб кетган. Кундуз кундаги чироқнинг кимга кераги бор? Тундаги заиф нур, кундуздаги юзлаб чироқлардан кўра ёруғроқ, афзалроқ бўлади. Уни ҳамма кўради, ҳамма унга интилади. Адо-

латнинг ҳам, заиф бўлса-да, ўша тундаги нур бўлгиси келарди.

Адолат китобни ёпиб, ўрнидан турди. Ойна ёнига борди. Анча озиб қолибди. Усмонжон чиндан ҳам яхши кўрармикин-а?.. Балки, одамгарчилик қилиб Адолатга яхшилик қилгандир... Наҳотки, наҳотки... Адолат бўшашиб ўтириб қолди. Ўтирди-ю, лекин, бирдан сесканиб ўрнидан турди. Деразани кимдир чертарди. Шу маҳалда... Адолат секин дераза ёнига борди:

— Ким у?

— Мен, очинг, Адолат!— Бу Усмонжоннинг овози эди.

Адолат довдираб эшикка отилди.

— Ухлаганингиз йўқмиди?— қандай меҳрибон, ғамхўр овоз бу. Адолатнинг тили гапга келмасди. Боши билан йўқ ишорасини қилди.

— Яхши юрибсизми? Гавҳар опамлар тинчми? Сергей Петрович келдими?

— Тинч.

Адолат ўзининг довдираб қолганлигидан уялиб кетди.

— Ўзингиз яхши келдингизми?— деди бир оз ўзини тутиб олиб.

— Раҳмат.— Усмонжон табассум билан Адолатга тикилди. У озган, соқоллари ўсган эди. Гапирганда қалин лаблари орасидан оппоқ, садафдек тишлари ярақлаб кўриниб қоларди.

— Қорнингиз очдир?

— Йўқ, йўқ, ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Овора бўлманг. Аямнинг олдидан келяпман. Овқатландим. Сизни келиб кетди, деб айтди.

— Чой ҳам ичмайсизми?

— Чойми? Майли, чой ичсак бўлади.

Чой қўяётган Адолат Усмонжоннинг қаттиқ тикилиб турганини кўриб, секин ерга қаради.

— Адолат, мен сиздан жуда хурсандман. Раҳмат, Адолат.

Адолат ўзининг ишлари ҳақида Усмонжонга айтиб

бергиси келарди. Бироқ Усмонжоннинг гапидан кейин унинг ҳамма ишдан хабардорлигини сезди. Яна гапириб ўтиришни негадир эп билмади.

— Зумрад тўғрисидаги гаплардан ҳали хабарингиз йўқдир.

— Йўқ, нима бўлди унга?

Адолат гапириб берди. Усмонжон индамади. Унинг кўзига касалхонада Адолатнинг бош томонида туриб, рўмоли орасидан Усмонжонни секин кузатаётган Зумрад кўриниб кетди.

— Аянгиз яхши юрибдими?

— Ҳа, келиб туради.

— Жанжал қилмаяптими?

— Анча кўникиб қолди.

— Зерикмадингизми?

Адолат ялт этиб Усмонжонга қаради. Унинг уйқу қисиб келаётган ҳорғин кўзлари Адолатга меҳр билан қараб турарди. Адолат ўнғайсизланиб гапни бошқа томонга буришга уринди.

— Гавҳар опам ухлаб қолибди шекилли. Келганингизни айтай унга.

— Кўришмаганимизга қанча бўлди, а, Адолат?!

Эшик тагига етган Адолат орқасига ўгирилди.

— Энди бутунлай келдингизми?— деди қизариб.

— Йўқ, эртага кетаман.

— Эртага... Қийналмаяпсизми?

— Осон ишда лаззат бўлмайди, Адолат. Кундузи билан ер тақсимлаймиз. Кечаси қарор ёзилади. Абдураҳим қозининг ерини бўляпмиз ҳозир. Биласизми, унинг ери қанча? Жийдакападан то Ҳаққулободгача ўша кишининг ери.

— Вой-бў, бир ўзининг-я?

— Ҳа. Ерни ишлаб, ҳосил оладиган бечораларга, биласизми, нима қилар экан?..— Усмонжоннинг кўзида ғазаб чақнади.— Қайнатиб берадиган мошхўрда, мошгрpreсини ҳам тўғриликча пиширib бермай, мошни қопга

солиб, ҳовузга ташлатиб қўяр экан. Мош ивиб, юмшаб қолгандан кейин, унга ортиқча ўтин кетмас экан.

— Айёрлигини қаранг-а?

Усмонжон кулди.

— Қозини қамаб қўйдик. Баъзи бир ихлосмандлари атрофда айланиб, дуо ўқиб, қози томонга қараб секин куф-суфлашиб юришибди.

— Эҳтиёт бўлинг. Ўша ихлосмандлари сизга ҳам ёпишиши мумкин.

Усмонжон кулиб қўя қолди, холос. Албатта, унинг ҳаёти ҳам хавф-хатар билан тўла эди. Бироқ у Адолатни ташвишга қўйгиси келмади, гапирмади.

Адолат Гуарни айтиб чиқди. У, уйқусираган кўзлари билан Усмонжонга бир оз тикилиб турди-да, кейин қучоқлаб бағрига босди.

— Эсон-омон келдингизми? Ҳеч бўлмаса сиз шу ерда бўлсангиз ҳам Сергейнинг йўқлигини билинтирмай турардингиз.

— Кўпи кетиб, ози қолди,— овутди уни Усмонжон,— ҳеч нарса эмас, ўтиб кетади. Мана, Адолат сизга ҳамроҳ, сиз унга... Қалай, Сергей Петровичдан хабар борми?

— Ҳа, кеча заводдан бир киши келиб, айтиб кетди. Хат ёзиб юборган экан. Тинч эмиш,— Гуар пешонабоғининг учи билан кўзини артиб, стулга ўтирди.— Чарчаб, анча эрта ухлаб қолибман... Бугун келдингизми?

— Ҳа, ҳали келдим. Сизлардан бир хабар олай дедим. Эртага жўнаб кетаман.

Адолат чой дамлаб келди. Учалови у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, анча вақт ўтиришди. Кейин кеч бўлишига қарамай Усмонжон уйига кетди. Гуар уни қола қолинг деб қистаган эди, онам кутиб ўтиради, деб кўнмади.

Адолатнинг уйқуси қочиб, аллавақтгача ухлаёлмади. У, шунча орзиқиб, узоқ кутган дақиқасининг бунчалик тез ўтиб кетганидан ранжир эди...

Адолат Мўттихоннинг олдига келганда Набижон ҳам, Зебихон ҳам, кечаги жувон Хосиятхон ҳам шу ерда эди.

Набижон форма кийиб олган эди. Мўттихон чарм пальто кийган, қорачадан келган, семиз киши билан гаплашарди. Адолат улар билан секин саломлашиб, стулга ўтирди.

— Бунақа бўлмасин-да, ўртоқ Нуъмонов. Сизга ўхшаган большевиклар хотинларини очмасдан туриб, биз бошқаларнинг олдига нима деб борамиз.

— Очилмай қаёққа борар эди,— деди Нуъмонов чайналиб,— очилди-ку, ахир. Ҳаммадан олдин биз очдик-ку!

— Чинакам очилсин, кўз бўямачиликка эмас!

— И-е, гапингиз қизиқ тушди-ку!

— Мактабга боряптими?

— Боряпти-ку!

— Лекин ҳар куни эмас. Яна қанақа қилиб денг? Паранжи ёпиниб чиқиб кетади-ку, мактабга очиқ киради.

—Маҳалладан чиқиб олишга уяламан, деяпти.

— Унисн маҳалладан уялса, бунисн маҳалладан уялса, унда нима бўлади?— Мўттихон мулойимлик билан давом этди.— Шу ҳақда энди бизнинг орамизда гап бўлмасин, ўртоқ Нуъмонов. Сизга ўхшаган кишиларнинг хотинлари озодликнинг кашшофлари бўлиши керак.

— Гапга киритиш бир қийин бўлар экан бу хотин кишини,— деди Нуъмонов ўрнидан тураётиб.— Хўп дейди-ю, мен кетгандан кейин ўз билганини қилади.

Нуъмонов хайрлашиб чиқиб кетди. Ёш, лекин гавдали бир милиционер йигит кириб, ҳамма билан саломлашиб, ўтирди.

— Демак, йиғилдик,— деди Мўттихон ўтирганларга кўз югуртириб,— жўнасак бўлар.

Улар кўчага чиқишди. Адолат Зебихоннинг ёнига ўтди.

— Зебихон опа, Гулнорни кўрдингизми?

Зебихоннинг лаблари қимтилди. Жавоб бермади.

— Нега индамайсиз? Кўрмадингизми?

— Гулнорни энди ҳеч ким кўролмайди. Энди у йўқ.

— Нима? Нималар деяпсиз?

— Секин,— деди Зебихон Адолатнинг қўлини си-

қиб,— йигити билан учрашмоқчи бўлган экан. Эри сезиб қолиб, ўлдириб қўйибди.

Адолатнинг нафаси ичига тушиб кетди. У, алам билан босган қадамини билмас, борган сари илгарилаб, уларнинг олдига ўтиб борар эди. Унинг кўзларида ёнган ғазаб дилини куйдирар, бир вақтлар боришни, айниқса, шу ҳолда боришни хаёл қилмаган маҳалласига дадил, ҳамманинг олдида кириб борар эди. Кўчанинг бошида, гузарда қўлларини орқасига қилиб, ясанган бир киши турарди. Адолатни олмоқчи бўлган бой шу эди. Бой буларга мулойим, лекин заҳархандалик билан қарарди. Адолат унинг кўзига шундай бир ғазаб билан тикилдики, бой қовоғини солиб, юзини четга бурди. Астағфирулло, дегани эшитилди унинг. Адолатни таниганлар унга ҳайрон бўлиб бақрайиб қараб қолар, баъзи бировлар эшиттириб қарғар эдилар. Маҳалла тўс-тўполон бўлган, унинг келганини ҳамма эшитган эди. Лекин Адолат ҳеч нарсага қарамас, дадил олға борар эди. Улар Адолатларнинг ҳовлиларига етай деганда, ичкаридан Тожибой ака югуриб чиқди. Унинг қўлида пичоқ ялтилларди. Кетидан сарпойчан, яланг бош Тўтибу югуриб келарди.

— Ушланглар уни! Ўлдириб қўяди! Ушланглар, ҳой!..

Адолат тўхтади. Набижон билан иккинчи милиционер йигит унинг олдига ўтиб, Тожибой аканинг йўлини тўсишди. Тожибой ака телбага ўхшарди. Унинг кўзи Адолатга тушди.

— Дадажон, мен сизга нима қилдим?

Тожибой ҳўнграб йиғлаб юборди. Қўлидаги пичоқни ирғитиб, орқасига қайтди.

— Шарманда қилдинг, шармисор қилдинг!— Тожибой пешонасига уриб, додлаганича уйига кириб кетди.

Зумрадларникига қадам қўяётганда Адолатнинг юраги титраб кетди. Ранги докадек оқариб кетган Ширмонхон ҳовлида турарди. У, қўрққанидан юзини яширишни ҳам унутган эди.

— Зумрад қани?— Адолат унинг ёнига келиб тўхтади. Ширмонхон бир Адолатга, бир унинг кетида турганларга қаради-да, бирдан Адолатнинг бўйнига ёпишди.

— Зумрадни сен биласан, сен яширгансан уни, бузуқ, сен!

Адолат Ширмонхонни силтаб, итариб ташлади. Кейин ҳамроҳларини ўтинхонага бошлади. Ўтинхона энди саранжом эди. Фақат бир бурчакка тўкилган писта кўмирнинг тагидан шиббаланмаган тупроқ кўриниб турарди. Набижон Мўттихонга кўмирнинг тагини ишора қилди.

— Нима ҳақларинг бор, бировникига киришга? Нима бор ўтинхонада? Вой-дод, ҳай, мусулмонлар! Қандай кунга қолдим!

— Шаллақилик қилманг!— Мўттихон жеркиб ташлади уни.— Бақирманг, фойдаси йўқ.

Дарвоза тагида одамлар тўпланган, улар мўралашар, лекин ичкарига киришга ҳеч кимнинг юраги ботинмасди. Ширмонхон ўтинхонадан югуриб чиқди.

— Бор, ҳай, муллакангни чақириб кел,— деди тамоша қилиб турган қўшни болалардан бирига. Бола югуриб чиқиб кетди.

Бел билан кўмирни сураётган Набижон, Адолатга қаради.

— Кетмон бўлса яхши бўларди.

Адолат ҳовлига чиқмоқчи бўлган эди, Мўттихон уни тўхтатиб, ўзи чиқди.

— Битта кетмон топиб келинглар,— деди у эшик тагида тўпланиб турган одамларга қараб. Бир зумда ёшгина бир йигит кетмон олиб келиб берди. Ширмонхон йиғлаб, гоҳ ўтинхонага кирар, гоҳ ҳовлига чиқар эди. Адолат нафасини ютиб, кетмон олиб ташлаётган тупроқдан кўзини олмай, деворга қимтиниб турарди. Ҳамма жим. Фақат белкурак, кетмон овози эшитиларди, холос. Совуқ бўлишига қарамасдан Набижондан тер қуйиларди.

— Вой!— Адолат даҳшат билан қичқириб, қўллари билан юзини тўсди. Набижон тўхтади. Тупроқдан қотиб

қолган қон аралаш соч кўринган эди. Мўттихон яқин келди.

— Секинроқ, кетмон тегиб кетмасин. Озор бермай олинглар энди,— деди титраган товуш билан.

Зумраднинг ҳозирги башарасини тасвирлаб ўтирмадик. Азоб билан ўлдирилган, чалажонлигидаёқ тупроққа кўмилиб, тупроқ тагида анча вақт қолиб кетган мурданинг аҳволи қай даражада бўлишини муҳтарам ўқувчининг ўзи кўз олдига келтиролса керак.

Зумрад топилган куннинг ўзидаёқ Ширмонхон билан ўғли қамоққа олинди. Дадаси воқеани эшитибоқ қочган экан, эртаси куни Марғилондан, станциядан тутиб келишди.

Мўттихон Зумрадни кўмиш маросимини намойишга айлантириш ва жасадини тўппа-тўғри шу ҳовлидан олиб чиқиб кетиш ниятида эди. Бу ёвузлик шу маҳалладаги баъзи бир кишиларнинг кўзини очишга ёрдам берар, деб ўйларди у.

Адолат овоз чиқармасдан тўлиб-тўлиб йиғлар, ўртогини ташлаб кетгиси келмасди.

— Юринг, Адолат. Сизнинг бу ерда қолишингиз тўғри келмайди. Мурдани ёлғиз қолдирмаймиз. Бу ерда бошқа ўртоқлар қолишади,— Мўттихон Набижонга ўгирилди:— Одамлар кириб кўрамиз деса, йўқ деманг. Ўз кўзлари билан кўришсин, билишсин, тушунишсин.

Маҳалла хотинларининг деярли ҳаммаси Зумрадни кириб кўрди. Баъзи бир хотинлар йиғлаб, бағри тош отани қарғаб чиқиб кетар, баъзи бировлари қўрқиб, ҳушидан кетгудай бўлар эди. Дарвоза тагидан одам аримас, шивир-шивир тўхтамасди.

Совуқ бўлишига қарамасдан кўкраги очиқ, оппоқ яктак устидан қора сатиндан чопон кийган, бошига шоҳи қийиқ боғлаган барваста йигит дарвоза тагидаги одамларни суриб, ичкарига интилди. Унинг уйга кириб кетаётганини кўрган хотинлардан бири:

— Вой ўлай, уни киритманглар. Қиз болани номаҳ-

рам кўриб нима қилади!— деб бақирди. Йигит ҳеч нарсага қулоқ солмай уйга отилди. Ҳеч кимга қарамасдан Зумраднинг бошига борди. Даҳшат билан унга бир лаҳза тикилиб турди-да, бирдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Бу Низомжон эди. Набижон уни танимаса ҳам фаҳмлаган эди. Низомжон анча вақт шу тахлитда ўтирди. Кейин ўрнидан туриб, докадек оқариб кетган юзини Набижонга ўгирди:

— Сизлар кетаверинглар, ўзим ўтираман.

— Майли, ҳамроҳ бўламиз,— деди Набижон меҳрибонлик билан.

Низомжон чопонини ечиб, чойшаб устидан Зумраднинг жасадини ўради...

Адолат шу икки кун ичида сўлиб, озиб қолди. У, Зумраднинг ўлимига сира-сира чидаёлмасди. Уни кўмиш учун тўпланган одамлар билан маҳалласи томонга кетар экан, кўз ёшини тиёлмас, секин-секин хўрсиниб борар эди. Кўмиш маросимига қатнашиш учун юздан ортиқ одам йиғилган эди. Мўттихон маҳаллалардаги «Ҳужум» комиссияси аъзоларининг ҳаммасини чақиртирган эди. Йиғилганларнинг кўпчилиги хотин-қизлар бўлиб, улар орасида очиқлар ҳам, паранжиликлар ҳам бор эди.

Тобутни кўчага олиб чиқишди. Бўралаб ёғаётган қор кўз очиргани қўймас, лекин йиғилган одамлар совуқдан оёқ типирлатиш эмас, киприк ҳам қоқмас эдилар. Ҳамма жим. Тиллар гапга келмайди. Лекин юракда туғён қилаётган алам юзлардан кўриниб турарди. Одамлар тобут орқасидан секин-секин жила бошладилар. Уларнинг сафи маҳалладан чиққунгачаёқ жуда кўпайиб кетди. Ҳар қадамда уларнинг қаторига хотинлар, чоллар, йигитлар келиб қўшилаверди.

Чеккасига қора ҳошия тутилган қизил байроқ олдинда хомушлик билан силкиниб, ҳилпираб борарди. Тобутнинг бир томонини кўтарган Низомжон уни бошқа ҳеч кимга бермас, гўё бу йўлни охирига етказгиси келмагандай борган сари қадамини секинлатиб борар эди.

Одамлар оқими борган сари кўпайиб, тўлқинланиб борар, гўё бутун куч ва даҳшатини тўлқинлари орасига яширган, усти тинч оқаётган денгизга ўхшарди.

Зумраднн жойига қўйганларидан кейин хотинлар мотам байроғи билан тўппа-тўғри суд залига келдилар. Залда одам тўла бўлса ҳам пашша учса эшитилгудек жимжит эди. Бировнинг кўзида ғазаб, бировнинг кўзида ёш. Биров нафасини ютиб, суд раисининг оғзига тикилган. Судга киролмай қолган одамлар эшикдан бўйлаб қулоқ тутишади. Деразага тирмашган кишиларнинг башаралари совуқдан гул тушган дераза ойналаридан олачипор бўлиб кўриниб турар, лекин уларга ҳеч ким аҳамият бермас, қарамас эди.

Қора курсида эри билан ўғлининг ўртасида ўтирган Ширмонхон ғужанак бўлиб олган, қимирламасди.

Адолат Ширмонхондан кўзини узмас, ниожи бўлса унинг юзидаги чимматини улоқтириб ташлаб, башарасини одамларга кўрсатгиси, кўзига тикилиб турнб, бирикки оғиз гапиришгиси келарди.

Одамларнинг олдида, бурчакда Низомжон турибди. Унинг феъли бузуқ, қўйнига қўлини солиб, ниманидир яшириб, худди калхатга ташланмоқчи бўлган лочиндек шайланиб турарди. У, тишларини қисиб, гоҳ суд раисига, гоҳ Зумраднинг қотилларига қарар, афтидан, ҳукмни бетоқатлик билан кутарди. Адолат унинг кўзини учратиб туриб, керакмас, деган маънода секин бошини қимирлатиб қўйди.

Суд раиси Ширмонхонга мурожаат қилди:

— Эрингизнинг гапларини тасдиқлайсизми?

— Нима?— Ширмонхоннинг овози титради.

— Ўрнингиздан туриб жавоб беринг,— деди кимдир.

Ширмонхон ерга қараб ўтирган эрига секин назар ташлаб қўйиб, ўрнидан турди.

— Зумрадни ўлдирмасдан аввал эрингизга унинг ҳақида нималар деган эдингиз?

— Нима дебман? Ҳеч нарса деганим йўқ! Қаломулло урсин, ўлдиринг деганим йўқ мен.

— Эрингиз айтганда эшитмадингизми?

— Ҳа, энди мен шунчаки айтдим-қўйдим-да. Кимлигини билмасам ҳам бировни яхши кўришини сезиб юрардим. Шуни айтдим, холос. Ўзи ўлдираман деди. Менга нима? Зумрадни мен туғибманми?! Ўз отасининг жони ачимагандан кейин, мен нима дердим.

Залда ғала-ғовур бошланди. Қандайдир аёл «Хотин бўлмай ўл!» деди бақириб, «Ўлим жаллодларга!», «Отилсин!», «Оломонга қўйиб берилсин» деган овозлар янгради. Отилиб Адолат ўртага чиқди. У, қизил алвон ёпилган стол олдида турган мотам байроғини ушлаб, одамларга кўз югуртирди. Ҳамма бирдан жим бўлиб унга тикилди.

— Мен... мен Зумраднинг қалин ўртоғиман. Бирга ўсган эдик. Мана шу ноинсоф хотин,— Адолат қўлини Ширмонхон томонга чўзди,— мана шу бағри тош ота бизни ундан жудо қилди. Шундай бир сўз йўққи, бу ваҳшийларнинг юзига айтиб, ўртоғим учун аламимни олсам. Зумраднинг гуноҳи — одам қатори яшашга уринган, холос. Бунинг нимаси гуноҳ, ахир? Хотин-қизларни камситишга, хўрлашга энди йўл йўқ! Биз... биз Зумрад учун, Зумрадга ўхшаган ўртоқларимиз учун, ҳаммаси, ҳаммаси учун қасос оламиз. Уларни унутмаймиз. Битта Зумраднинг ўлгани ўнлаб Зумраднинг кўзини очади.

Адолат тўғрига, бўшлиққа тикилди. Овозини бир оз пасайтириб давом этди:

— Бир куни Зумрад менга қараб, ўртоқжон, ҳукуматимиз хотин-қизларга дўст эмиш. Улар ҳам ўз ихтиёри, ўз эркн билан одамдек яшасин, деяр эмиш. Ўша ҳукумат бизникига қачон келаркин-а, деган эди... ўртоқжон!— Адолатнинг овози титраб, кўзидан ёш оқди.— Мана, ҳукумат сеникига келди. У, ўлимингдан кейин бўлса ҳам, сен учун ўч олади... Мен,— Адолат мотам

байроғини баланд кўтарди,— мен бугун хотин-қизлар номидан Зумраднинг қотилларига ўлим жазоси берилишини талаб қиламан.

Залда ғала-ғовур аралаш қарсак кўтарилди. Кимдир чинқириб полга гурсиллаб йиқилди. Бу Ширмонхон эди.

* * *

Адолат Тўхтахоннинг ёнидан анча чеҳраси очилиб қайтди. У аввал келганида жуда хафа қайтган эди. Унда Тўхтахон аввалги алфозда ўтирар, ҳеч нарса билмас эди. Энди тез-тез ақли ўзига келадиган бўлиб қолибди. Адолат билан ҳам бир оз яхши гапиришиб ўтирди. Кейин бирдан айнаб қолди. Ҳар қалай Адолатнинг кўнглида унинг тузалиб кетишига умид пайдо бўлган эди.

Адолат Мўттихоннинг идорасини очди-ю, юраги аллапечук бўлиб кетди. Мўттихон қўлларига юзини тираганча хомуш ўтирар, пастда, стулда Набижоннинг хотини Раҳбархон пиқиллаб йиғлар эди. Унинг кўзлари қизарган, қовоқлари шишган, йиғидан юзи зўриқиб кетган эди. Зебихон, Хосиятхон ҳам шу ерда, лекин улар ҳам мусибат билан бошларини эгганлар. Нима гаплигини сўрашга Адолатнинг тили бормади. Лекин кўнгли бирон бахтсизлик бўлганини сезган эди. У секин стулга ўтирди.

— Сизни овутиш учун бирон нарса дейишга ҳам ожизман,— деди Мўттихон Раҳбархонга қараб.— Маҳкам бўлинг, дадил бўлинг, дейишдан бошқа гапим йўқ. Яхши, содиқ ўртоқ эди Набижон. Қандай қилайлик, кураш қурбонсиз бўлмас экан. Жуда кўп яхши ўртоқларимиздан ажралдик... Уларни унутмаймиз, албатта. Унутишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Биз эрингизнинг дўстларимиз. Сизни ташлаб қўймаймиз. Қўлимиздан келганича ёрдам берамиз.

— Энди... ҳеч... ҳеч ким унга ўхшамайди.—Раҳбархон ҳўнграб йиғлаб юборди. Бу содда аёлнинг шу икки оғизгина сўзидаги ҳақиқат Адолатнинг юрагини зирқиратиб ташлади. Бу ҳақиқатнинг нималигини фақат чинакам соф, чинакам садоқатли бўлган хотинларгина тушунади, холос.

— Менга иш беринг,— Раҳбархон бошини кўтарди,— ўлсам ҳам майли, эрим қилолмай қолганини мен қиламан!

Мўттихон ўрнидан турди.

— Агар жуда лозим бўлса, ўлимга ҳаммамиз ҳам тайёрмиз. Лекин ўлсак ўлайлик деб эмас, яшайлик, яшаймиз, деган ишонч билан курашишимиз керак.— Мўттихон Раҳбархоннинг елкасига қўлини қўйди.— Ҳозир бориб, дамингизни олинг. Керак бўлганингизда мен ўзим чақиртираман. Хўпми? Кўп йиғламанг, Раҳбархон, фойдаси йўқ. Йиғининг ўрнига иш қилайлик. Душманларимиз кўз ёшимизни кўриб, хурсанд бўлмасин.

Раҳбархон дарров ўрнидан турмади. Анча вақт йиғлаб, кейин секин-секин юриб, чиқиб кетди. Мўттихон чуқур нафас олиб, пешонасини чангаллади. Орага узоқ оғир сукунат тушди.

— Қаерда, қачон бўлди бу гап?— Адолат ўтирганларга кўз югуртирди.— Ким ўлдирди Набижон акани?

— Уюштирганлар икки-уч киши. Қатнашганлар кўп,— деди Мўттихон унга қараб.— Ўлдириб, бочкага тиқишибди, устига чиқиб туриб, намойиш ўтказишибди. Қамоққа олинди ҳаммаси... Улар бундай ёвузлик билан бизни йўлдан қайтармоқчи бўлишади. Билишмайдики, юрагимиз зада бўлган сайин ғазабимиз ошяпти, сафимиз кенгайяпти.— Мўттихон бир оз тўхтаб, кейин давом этди:— Хосиятхон, артелдаги хотин-қизларни ўқитишни сизга топширсак, деган эдим.

— Майли.

Адолат ҳеч нарсани эшитмас, кўнгли алам ичида қо-

вуриларди. Гоҳ Набижон кўз олдига келар, гоҳ Раҳбархоннинг, энди ҳеч ким унга ўхшамайди, деган гапи қулоғи остида такрорланарди. Агар Усмонжонга бирон нарса бўлса, Адолат нима қиларди? Осон бўлармиди унга? Адолат ўрнидан турди.

— Қаёққа?

— Маҳаллага, хотин-қизлар орасига.

— Шошманг.

Адолат орқасига ўгирилди.

— Йиғинни қайси куни ўтказмоқчисизлар?

— Жума куни.

— Яхши. Мен ўзим ҳам бўламан. Яхшилаб тайёрланишга ҳаракат қилинглар. Хўп, муваффақият тилайман.

Адолат кўчага чиқди. Ҳаводан тутун ҳиди келар, бир текисда ёмғир савалларди. Кўча чилп-чилп лой. Оёқ қўйсанг, кўтариб ололмайсан. Адолат тош йўлдан кесиб ўтиб, ўзларининг маҳалласига қараб кетди. Унинг ёнидан ёмғирга қарши бошига чорсими, қопми ташлаган йўловчилар ўтиб турарди. Мачит дарвозаси ёнидаги супада ҳаккар кавуш кийиб, бошига катта оқ салла ўраган сўфи ўтирибди. Кекса, мункайган бир киши қўлидаги идишда тутаётган исириқни кўтариб, сўфига алланарса деди-да, тўғрига, бозор томонга қараб кетди. Олисдан унинг қалтироқ овози эшитилди.

— Исмон исириқ, ҳар дардга дармон исириқ!

Адолат кўчанинг тўридаги бир қанотли пастаккина дарвоза олдида тўхтади. Тирқишидан ичкарига мўралаб олгач, занжирини бир-икки марта қоқди-да, орқасига ўгирилди. Мачит супасида ўтирган сўфи учи қайрилган ҳассасига чўққи соқолли иягини тираганича ҳамон тарновдан тушаётган ёмғир сувига термилиб, хаёл суриб ўтирарди. Ичкаридан оёқ шарпасини эшитиб, Адолат яна дарвозага ўгирилди.

— Ким?

— Мен, Санобар опа, очинг.

Дарвоза очилиб, ичкаридан баланд бўйли, қотмагина, бошига қора духобадан ҳожи телпак кийган аёл кўринди. У Адолатнинг нимадандир ҳаяжонланганини сезиб, сўради.

— Тинчликми?

— Тинчлик,— деди Адолат ичкарига кириб,— яхши, уйда экансиз.

— Ҳозиргина келиб турибман. Қани, уйга кирайлик.

— Артелдаги ишлар қалай?

— Тузук.

Санобархон Адолатнинг безовта кўзларига тикилиб, яна сўради:

— Бирон гап бўлгани йўқми?

— Йўқ, йўқ. Маҳаллани бир айланиб чиқайлик, деб келдим, холос. Султон ака уйидамикин?

— Уйидадир. Қалай бўларкин?— деди Санобархон ўйланиб.— Жума куни ўтказмоқчимизми?

— Ҳа.

— Ҳали уч-тўрт кун вақт бор-ку!

— Ким билади дейсиз. Баъзи бир уйларга икки-уч мартадан киришга тўғри келар.

— Майли,— Санобархон оёғига пайтава ўраб, маҳсисини кийди. Жигар ранг шол рўмоли устидан телпагини бостириб, тайёрман, деган маънода Адолатга қаради. Улар кўчага чиқишди. Санобархон дарвозани қулфлади-да, Адолатга эргашди.

Адолат Набижон аканинг ўлдирилганини Санобархонга айтмади. Чунки, Санобархон кўп азобларни бошидан кечирган аёллардан бири бўлгани учун ҳам, бу хабар уни қаттиқ хафа қилиши, йиғлатиши турган гап. Лекин бугун эшитмагани билан эртага эшитади, албатта. Шундай бўлса ҳам Адолат бир кунгина уни бу азобдан халос қилгиси келди.

— Дилбархонникида ўтказадиган бўлдикми, энди?— Санобархон Адолатнинг хаёлини бўлди.

— Ҳа, ўша ерда ўтказадиган бўлдик. Клубга борғани кўплари унашмас.

— Бу-ку, турган гап-а!

— Дилбархон билан алоқамизни маҳалла-кўй бплмаслиги керак.

— Ҳаргиз билдирмаслик керак. Мен артелга киргапимга қанча ёмон кўз билан қараб юришди. Очилганимдан кейин бўлса, пес-моховга чиқариб қўйишди. Энди бу ёғи нима бўларкин, ўзинг очилганинг етмай, бошқаларни ҳам ташвиқот қиляпсан, деб қасдимга тушмасалар денг.

— Ёлғиз-ярим юрмаслик, эҳтиёт бўлиш керак,— деди Адолат ўйчанлик билан.

Улар Султон акани чақириб, огоҳлантириб қўйишгач, маҳаллага кираверишдаги икки қанотли дарвоза олдида тўхташди.

Адолат эшикни қия очиб, ичкарига мўралади. Пастаккина айвон ёнида ўрта ёшлардаги бир одам эски чопонини елкага ташлаганича хаёл суриб, тикка турарди. У, дарвозанинг ғийқ этганини эшитиб, бошини кўтарди.

— Ким?

Адолат Санобархонга бир қараб қўйди-да, секин:

— Биз. Келин ойимлар бормилар?— деди.

Киши жавоб бериш ўрнига уй томонга қараб:

— Лутфи!— деб чақирди.

— Лаббай.

Уйдан қирқ ёшларга борган ориққина бир хотин чиқиб, эрига савол назари билан қаради. Эри дарвозага имо қилди. Аёл бошидаги чит дуррасини тузатиб, айвондан дарвозагача ҳар ер-ҳар ерга ташлаб қўйилган ғиштлардан юриб, Адолатларнинг ёнига келди. У Адолатга кўзи тушиши билан сал ўзгариб олди.

— Келинглар,— деди бўшашиб, негадир эрига бир қараб қўйгач.

— Сизни зиёфатга айтиб келдик,— деди Адолат кулиб.

— Зиёфатга? Мени зиёфат қилиш кимга зарур кепти? Тағин клубга бўлмасин?

— Йўқ, Дилбархонникида бўлади зиёфат,— деди Санобархон унинг сўзини бўлиб.

— Аяжон,— деди Адолат юмшоқлик билан,— клубдан сира қўрқманг. Клуб сиз билан бизга ўхшаган хотинлар зерикканда бориб, дам олиб, кўнгил ёзиб келадиган жой, холос. У ерда эркак киши бўлмайди. Лекин бу зиёфатимиз Дилбархонникида бўлади. Ўзимизнинг маҳалла. Ҳамма хотинларни айтамиз. Ўйин-кулги қилиб ўтирамиз, холос.

— Ҳой, боланг йиғлаяпти!

Аёл уйи томонга бир қараб олиб, олазарак кўзлари билан меҳмонларни тезроқ жўнатишга шошилди.

— Майли, чиқарман.

— Чиқинг, ая. Хўпми? Жума куни. Чошгоҳ...

Адолатнинг гапи бўғизида қолди. Аёл шошилиб:

— Хўп-хўп,— деди-да, дарвозани ёпди.

Адолат билан Санобархон секин бир-бирига қараб олишгач, индамайгина иккинчи дарвоза олдига бордилар. Санобархон дарвоза занжирини секин-секин урди.

— Бу уйга киришга юрагим дов бермаяпти,— деб шивирлади у Адолатга.

— Сулаймон ака бўлмаса-ку, бир амаллаймиз-а...

Маҳалла сўфиси нималардир деб ғудиллаб, ҳаккар кавушини дукиллатганча уларнинг ёнидан ўтиб кетди.

Ичкаридан енгилгина оёқ товуши эшитилди.

Санобархон енгил тортгандай Адолатга қаради. Эшик очилиб, эллик ёшларга борган, баланд бўйли, бўйни узун бир хотин кўринди. У эшикни очди-ю, бирдан қовоғини солиб, бошини тортди.

— Ассалому алайкум...— деди Санобархон салом бериб. Лекин аёл у билан кўришмоқчи бўлган Санобархондан ўзини тортиб, дарвозани қия қилиб туриб, деди:

— Ҳа, нима керак бу ерда?

— Келин ойим билан сизни зиёфатга...

— Бу остонада иккинчи қадамларингни кўрмайин!— аёл тақ этиб дарвозани ёпди.— Дўзахи бўлмасанг, ота-онангнинг юзини ерга қаратармидинг?!

Адолатнинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди. У зўр машаққат билан дарвоза ҳалқасини ушлаб, берк эшикни итарди.

— Холажон, очинг ахир, гапим бор... Бир зум қулоқ солинг, хола...

Кечки пайт, чарчаган, қанча руҳий азоб берадиган гапларни эшитиб, юраги тирналган Адолат Санобархонни эргаштириб уйига кириб келди. Маҳалладаги гап-сўзлардан кейин Санобархонни уйида ёлғиз қолдиришга қўрққан эди у. Уйда, бурчакда ўтирган Тўтибу қизининг кириб келганини кўрса ҳам ўрнидан турмади, индамади.

— Ая, аяжон,— Адолат келиб, уни қучоқлади.

Тўтибу қизини итариб ташлаб, йиғлаб юборди.

— Тағин нима гап, ая?

— Даданг кетиб қолди. Бошини олиб кетди, бошқа шаҳарга кетди.

Адолат бўшашди. Индамай, ҳолсизлик билан стулга ўтирди. Ўнғайсиз аҳволда қолган Санобархон Тўтибунинг ёнига келиб, уни овутмоқчи бўлди:

— Йиғламанг, хола. Қайтиб келади. Адолатни хафа қилманг, холажон.

Қоронғи тушиб қолган бўлса ҳам учала хотин чироқ ёқмасдан анча вақтгача чурқ этмай ўтиришди. Адолат йиғламади ҳам, гапирмади ҳам. У кўзларини қоронғи бурчакка тикканича қимирламай ўтирарди. Тўтибу бирдан унинг аҳволига ачиниб кетди. Ўрнидан туриб чироқни ёқди. Адолатнинг бир нуқтага тикилган кўзларига қараб қўрқиб кетди: эсидан оғиб қолса-я! Ҳали бу кўргилик ҳам бормиди унга.

— Адолат, болам. Тур ўрнингдан. Бўлди. Пешонадагини кўрмасдан иложимиз йўқ... Қорнинг ҳам очгандир...

Адолат узоқ вақт шу аҳволда ўтирди. Кейин уйида меҳмон борлигини эслаб, секин ўрнидан турди:

— Ўтиб кетади. Ҳаммаси ўтиб кетади. Биз қилаётган иш, қийинчиликсиз бўладиган иш эмас. Бундан баттар кунлар бўлиши ҳам мумкин... Санобар опа, келинг, чой-пой ичайлик, қорнимиз ҳам очди.

Адолат чой қўйди. Учовлари у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, чой ичишди.

Адолат стол тортмасидаги Усмонжон қолдирган китобларни тартибга солаётганда кўзи янги бир журналга тушди. У қизиқиб, журнални варақлади. Лекин ўқиёлмади. Адолат унинг ҳарфларига қараб, рус тилида ёзилганлигини билди, ўқиёлмаганлигига ачинди. Бирдан унинг кўзи байроқ кўтариб турган бир тўда паранжилик хотинларнинг суратига тушди. У ҳайрон бўлди, тикилиб-тикилиб қаради. Санобархонга кўрсатди. Кейин кўтариб, Гуарнинг олдига чиқди.

— Гавҳар опа, мана бу қанақа журнал? Ўзбек аёлларининг ҳам сурати бор-а!

Гуар машина тортмасидан кўзойнагини олиб тақди.

— Аянгиз яна нимадан хафа, Адолат? Қарасам, гаплашиш ҳам кўнглига сиғмайдигандай кўринди. Халақит бермай, деб ўзини ёлғиз қолдирдим.

— Дадам кетиб қолибди.

Гуар чуқур бир хўрсиниб, гапни бошқа ёққа бурди.

— Усмонжон сизни кўрсин деб олиб келибди бу журнални.

Гуар журнални Адолатнинг қўлидан олиб варақлади:

— Бу журнал Москвада чиқади.

— Москвада?

— Ҳа. Хотин-қизлар журнали.

Адолат уни варақлаб, паранжилик хотинларнинг суратни кўрсатди.

— Мана булар кимлар экан?

Гуар сурат остидаги ҳарфларга кўз югуртириб, бошини кўтарди.

— Буми, бу Самарқанд хотин-қизларининг намойиши экан. Мана, нима деб ёзибди: «Паранжини ташлаб, қизил дурра ўранг».

Адолат ялт этиб Гуарга қаради.

— Паранжини ташлаб, қизил дурра ўранг,— деб такрорлади у. Адолатнинг хаёли Усмонжонга кетди. Қани энди у ёнида бўлсайди, бирма-бир ўқиб, ҳаммасини тушунтириб берарди. Қайси куни келганда дурустроқ гаплашолмади ҳам. Усмонжон хайрлашаётиб, мен сиздан жуда хурсандман, Адолат, деган эди ўшанда.

Адолат хаёл аралаш жилмайиб, журнални Гуарнинг қўлидан олди-да, секин кўкрагига босди.

Эртаси куни Санобархон артелга кетиш олдидан уйига кириб ўтмоқчи бўлди. Адолат ҳам у билан бирга борди. Ҳаво очиқ, қуёш нури кўлмак сувлар юзида жимирлайди. Бир неча кунги тунд ҳаводан кейинги офтоб одамларнинг баҳрини очиб юборган. Қиш ичи оналарини безор қилган болаларнинг тўполони энди кўчага чиққан эди.

Улар маҳалла кўчасига киришди. Йўлакда ҳассасини дўқиллатиб келаётган чол Санобархонга сўник кўзларини пирпиратиб қаради. Унинг лаблари нималардир деб пичирлади.

— Шукур қилмай иложинг йўқ. Бева хотинга Бухородан ит ҳуради, дейишади.

Санобархон унинг гапига тушунмади. Ўгирилиб қараганда чол анча узоқлашиб қолган эди. Кўча чилпчилп лой. Емғирда ивиб кетган гувала деворлар тагида нураб тушган кесаклар кўринади. Офтоб тушган том бўғотларидан ҳовур кўтарилади.

Кўчанинг нариги четида чимматини қўлида ўйнаб келаётган, чаккасидан гажак кесган хотин улардан юзини ўгирди:

— Бетинг қурсин! Баттар бўл!

Адолат Санобархонга қараб кулди.

— Маҳалладагиларга бир гап бўлдими? Нима деб тўнғиллашяпти?

Адолат сўзини тугатмаган ҳам эдики, кўча ўртасида лой кечиб келаётган олти-етти ёшлардаги, сочига пахтадан пилик қилган қизча уларни кўриб югурди.

— Ая-чи, ая! Эшигинглай ёниб кетди. Дадам ўчиямиз деса, домла поччам ўчийтиймапти.

— А?

Адолат билан ёнма-ён кетаётган Санобархон сесканиб тўхтаб қолди. Шамол унинг димоғига куюнди ҳиди олиб келгандек бўлди. У ўзини ўнглаб олди-ю, кўзларини катта-катта очиб, югура бошлади.

Адолат унинг орқасидан изма-из етиб келганда, Санобархон куйиб кул бўлган уйининг ҳовлисида хомуш турарди. Ҳовлида ярими куйиб кетган бешик, беҳи тагидаги курсида бир чеккаси куйган кигиз осилиб ётибди. Ҳовлининг ҳар ер-ҳар ерида синган идиш-товоқлар, у ер-бу ери куйган кўрпа-тўшаклар шалаббо бўлиб кетган. Ҳамма ёқдан куюнди ҳиди келади.

Санобархоннинг кўзи тиниб, гандираклади. Адолат келиб, уни суяб қолмаганда, йиқилиши аниқ эди.

— Йиғламанг, йиғламанг, Санобар опа.— Адолат шу гапни айтди-ю, ичидан кучли бир хўрсиниш келиб, бўғизига қадалди.

Нураган девордан қараб турган кекса бир хотин боласини ерга қўйиб, уларнинг олдига келди.

— Қўй, қўй, қизим. Жонинг саломат бўлсин. Бош омон бўлса, дўппи топилади. Мол-дунё қўлнинг кири. Ҳаммаси топилиб кетади. Жонинг омон бўлсин, қизим.

Хотин шошиб, уйига чиқиб кетди. Адолат билан Санобар ҳамон ҳовли ўртасида бир-бирларини суяб туришарди. Кўчадан ўтаётган йўловчиларнинг бири «вой бечора» деса, бошқаси «ажаб бўпти!» дейди.

Санобархон ярими куйган нарсаларнинг бир чеккасига ҳолсизланиб ўтирди. Беҳуш кўзлари атрофга жав-

дирарди. У шу уйга ёр-ёр билан кириб келган, шу уйда келинлик йиллари ўтган. Мана шу нураган тўрт девор унинг ҳам шодлик, ҳам аламли кунларини ўз бағрида сақлаган.

Санобархоннинг кўз ўнгидан ёр-ёр товушлари, хина қўйиб тонгни кутган арафа кечалари ўта берди. Хотин киши-да! Хотин қалбида яшириниб ётган, фақат хотинларнинг ўзларигина биладиган қанчалаб ҳислар туғён қила кетди. Санобархоннинг кўзлари бир нуқтага тикилиб, бармоқлари муштга айланди.

Бояги хотин яна пайдо бўлди.

— Сақлаб қололганим шугина бўлди.

Санобархон унинг қўлидан тугунни олди. Бу — ўтган йили ўлган ёлғиз ўғлининг кийимлари эди.

— Юринг, юринг, Санобар опа!— Адолат унинг билагидан ушлаб етаклади. Санобархон зўр қийинчилик билан жойидан қўзғалди. Вайрона, култепага айланган бошпанасини ташлаб кетиш оғир мусибат эди унга.

Санобархон шу ёниб кул бўлган уй, чордевор ичида унинг аламли ўтмиши, чеккан жабру жафолари, оҳу афғонлари ҳам бирга ёниб кетганини, бу ўтнинг ёлқини унинг қалбига сира ўчмас аланга ташлаганини ҳали сезмас эди.

«Шу билан тамом, уларни йўлдан қайтарамиз, деб ўйлашади шекилли, йўқ! Яланғоч сувдан тоймас. Яна баттарроқ курашамиз. Йўлимизни ўт ҳам, ўлим ҳам тўсолмайди!..»— Адолатнинг қалбида шундай қатъиятнинг бўрони гувулларди.

Адолат яна унинг қўлидан тортди.

— Юринг, Санобархон опа, юринг...

Адолат Санобархонни артелга жўнатиб, ўзи Мўттихоннинг ёнига кетди. Мўттихон идорада йўқ эди. Адолат уни клубдан топди. Клуб мудираси Хосиятхон, Мўттихон ва яна нотаниш бир қиз стол атрофида ўтиришиб, нималар ҳақидадир суҳбатлашишарди. Нотаниш қиз Адолатнинг диққатини тортди. У йигирма ёшларга борган,

тийрак кўз, истарали қиз эди. Қоп-қора сочи қирқилган, сариқдан кўра тўқроқ материалдан тикилган юбка ва чўнтакли кўйлак кийиб олганди.

Мўттихон Адолатни у билан таништирди:

— Роҳилахон, бирга ишлайсизлар. Комсомол қўмитасининг секретари.

Роҳила кулиб, Адолатга қўлини узатди. Кўз қарашларида, кулгинчак юзида қандайдир меҳрибонлик кўриниб турган бу қиз Адолатга биринчи учрашишдаёқ ёқиб қолди. Адолат дастурхон тузалган столга имо қилиб, сўради:

— Нима гап ўзи? Меҳмон келмоқчими?

Хосиятхон кулди.

— Меҳмонларимизни, бир пиёла чой ичиб кетинг, деб олиб келамиз.

Адолат бир қошини кериб маъноли кулди.

— Адолат, табриклайман.

Адолат Мўттихоннинг кулиб турган кўзларига савол назари билан қаради.

— Усмонжон шаҳар фирқа қўмитасига секретарь қилиб тайинланди.

— Нима, қишлоқда-ку!

— Бўлди, энди келади.

Адолатнинг юраги гупиллаб ўйнаб кетди. Юзи ёниб, тили гапга келмай қолди. Унинг аҳволини сезган Мўттихон гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Қалай, кеча ишларинг дуруст бўлдими?

Адолатнинг юзи бирдан жиддийлашди. Қора қошлари туташиб, кўзларида газаб чақнади. Секин бошини кўтариб, Мўттихонга қаради:

— Санобар опанинг уйига ўт қўйиншибди.

— Ўзи-чи? Ўзи қани? Қачон?— бу савол учала аёлнинг оғзидан баравар чиқди.

— Бугун кечаси, ўзи тинч, мен олиб кетган эдим. Кўнглимга шубҳа тушиб, олиб кетган эдим.

Ўртага ноқулай бир жимлик тушди. Эшикдан қан-

дайдир бир паранжилик аёл мўралади. Хосиятхон ўрнидан турди.

— Келинг, кираверинг. Ҳеч ким йўқ, кираверинг.

Аёл ўрнидан қўзғалмади. Хосиятхон бориб, уни ичкарига етаклади.

— Ҳеч ким йўқ, ўзимиз, хотинлар, холос. Қўрқманг, бемалол.

Аёл тараддуд билан бир-икки қадам босди-да, яна тўхтади. Аёлга далда бериш учун бошқалар ҳам гапга аралашди.

— Кираверинг, қўрқманг.

— Биз ҳам сизга ўхшаган хотинлармиз.

— Мана, чойимиз тайёр, бир пиёлагина ичинг биз билан.

Аёл ночор стулнинг бир чеккасига омонатгина ўтирди. Чиммат остидан хотинларга бир-бир қараб чиқди.

— Нега юзингизни очмайсиз?— деди Мўттихон кулиб.— Эркак киши йўқ бу ерда, ўзимиз, холос.

Аёл, йўқ, деган маънода бош ирғади. Кейин узун енгига ўралган ўнг қўлини чиқариб, рўпарадаги суратга ишора қилди.

— Бу, сурат-ку!— деди Мўттихон кулиб.— Охунбобоевнинг сурати. Эшитганмисиз. Йўлдош ота ҳақида? Ана униси — Крупская — Лениннинг хотини. Ҳу, тўрдаги бўлса Лениннинг ўзи. Сиз билан бизнинг тақдиримизни ўйлаган киши — ўша!

Нотаниш аёлга қўшилиб бошқалар ҳам Ленинниинг суратига боқишди. Ўртага бир лаҳза жимлик тушди.

— Сизни опа дейишимни ҳам, синглим дейишимни ҳам билмай қолдим.— Хосиятхон ҳазиллашганнамо аёлнинг чимматини тортқилади.— Вой, ўлай, қанақа меҳмонсиз ўзингиз?

Нотаниш хотиннинг башараси чиммат остида бўлгани учун бу гаплар унга қанчалик таъсир қилаётганини билиб бўлмасди.

— Мен бир иш билан келдим,— деди у тўсатдан хаста овоз билан.

— Қанақа иш? Гапираверинг,— Мўттихон унинг ёнига энгашди.

— Лекин мен айтганимни ҳеч ким билмасин. Бўлмаса, шўрим қурийди.

— Хотиржам бўлинг.

— Келмай десам бўлмади. Бир бандаи мўминнинг оҳи-зорини эшитиб туриб, индамасликни гуноҳ деб билдим ўзимга.

Аёлнинг овози титраб, бир нафас тўхтаб қолди. Хосиятхон чой қуйиб, унга узатди. Адолат патнисдаги нонни яқинига суриб қўйди. Нотаниш аёлдаги тараддудни сезган Мўттихон яна унга далда берди.

— Гапираверинг. Биз ҳам сизга ўхшаган хотинлармиз. Шубҳа қилманг биздан... Юзингизни очиб, бемалол ўтираверинг.

Нотаниш аёл чимматининг бир томонини секингина кўтариб, юзини очди. Ўрта ёшлардан ошган бу хотиннинг оппоқ сочи, сийрак қошлари остида ҳасрат билан термилиб турган кўзларигина кўринарди, холос. Мўттихон унинг ёнида ўтирарди. Нотаниш аёл чимматини яхши кўтармаганидан бошқаларга унинг лаблари билан буғдой ранг иягидан бошқа жойи кўринмасди.

— Ҳар қалай, сиз каттароқ кўринасиз, айланай,— деб сўзида давом этди аёл.— Оқ-қорани ажрата оласиз. Зора, менинг келганимни билдирмасдан туриб, уни қутқаришнинг йўлини топсангиз.

— Кимни? Очиқроқ айтинг. Сизнинг келганингизни биздан бошқа ҳеч ким билмайди, ишонинг сўзимга. Сизга ёрдам берсак берамизки, жабр қилмаймиз.

— Йўқ, йўқ, ёрдамнинг ҳам кераги йўқ, фақат... фақат биров билиб қолмаса бўлгани.

— Ишонмасангиз, қарғанайликми?— деди Адолат унга яқин келиб. Аёл ялт этиб Адолатга қаради.

Кейин тараддуд билан бошини эгди ва:

— Майли,— шивирлади у.

Адолат шерикларига бир-бир қараб олди-да, хотинга яқинроқ келди.

— Агар бировга айтсак, жувонмарг бўлайлик.

— Йўқ, йўқ,— аёл ўрнидан туриб, Адолатнинг оғзини тўсмоқчи бўлди. Қўрқувдан катта-катта очилган кўзларида афсус ва меҳрга ўхшаш бир ифода жонланди.

— Йўғ-э, ёшгина жонингиз... худо сақласин. Оғзингиздан шамол олсин, тавба қилдим, савоб иш қиламан, деб гуноҳга ботиб ўтирсам-а?.. Ишонаман, айланай... мен... мен... Абдусанд эшоннинг уйида баъзи бир юмушларини қилиб юраман. Ўша эшонникида бир асранди қиз бор. Оти Рихси. Ўн бешга кириб-кирмаган ёшгина қиз... Шу кунда уни бир каттагина одамга никоҳлаб беришмоқчи. Йиғлайвериб юракларимни эзиб ташлади. Овозингни ўчир, деб у бечорани ҳар куни калтаклашади.— Аёл бир нафас тўхтаб, кўзидан оққан ёшни енги билан артди:— Кеча шундоғам уришибдики, аъзойи бадани моматалоқ бўлиб кетибди. Сира чидолмадим. Уйқум қочиб, кечаси билан ухлаёлмай чиқдим. Ўзим ҳам етимлик билан катта бўлгандим...

— Қайси маҳалладан келдингиз?

— Эскилик томондан.

— Рихсини қачон беришмоқчи унга?

— Бугун-эрта беришар. Қийинмиди дейсиз? Тўй қилиб ўтиришармиди у етимчага.

Мўттихон қошларини чимириб, столни чертди.

— Бу онам билан изма-из бориб, уйини билиб келиш керак,— деди Роҳила.

— Йўқ, йўқ, менинг кетимдан борсанглар, билиб қолишади.

— Ҳеч ким билмайди. Ҳатто худонинг ўзи ҳам билмай қолади.

Мўттихон ялт этиб Роҳилага қаради. Пастки лабини тишлаб, калласини қимирлатиб қўйди.

— Эскиликдаги Абдусаид эшонми?— Гапга аралашди Адолат.— Эшитганман. Ўзим топиб бораман.

— Рихсининг ўзи ҳам менинг аралашганимни билмасин.

— Билмайди, ҳеч ким билмайди.

Аёл бир нарса ёдига тушгандай шошилиб ўрнидан турди.

— Элакка кирган хотиннинг эллик оғиз гапи бор, деб бекорга айтишмаган...— деди чимматини тўғрилай туриб.— Дарров изимга қайтаман деган эдим-а!

— Ҳеч қанча бўлгани йўқ келганингизга,— деди Мўттихон.

— Хайр, яхши қолинглар, ишқилиб, бировга айтмасанглар бўлгани.

— Опа,— Хосиятхон уни тўхтатди,— отингизни айтмадингиз ҳам.

Аёл ғалати бир жилмайиб қўйди-ю, индамади. Чимматини ёпиб, эшикка йўналди.

Эски бўз паранжига ўралиб, шошиб-пишиб кетаётган бу аёлнинг орқасидан қараб қолган Роҳила оғир хўрсиниб, дераза қанотини ёпди.

— Мунча қўрқмаса-я!

— Қизи тушмагур,— Мўттихон унинг ёнига келди,— бундай хотинларнинг олдида худога тил тегиза кўрманг. Кўриб турибсиз-ку, суратдан қочяпти, суратдан! Буларга жуда эҳтиётлик билан муомала қилиш керак. Сизнинг комсомолларингиз эмас булар... Хўш, Рихсини нима қиламиз энди?

— Нима қилардик, бориб олиб келамиз,— деди Роҳила.

— Менимча,— деди Мўттихон ўйчанлик билан,— аввал қизга тушунтириш керак. Балки у кетишга кўнмас. Ахир, муштдайлигидан ўшаларнинг тарбиясини олган қиз-да! Биз борсак, қиз йўқ, деб оёғини тираб олса, қийин бўлади, ундан кейин, қизнинг уйдалигини билиб бориш керак. Бўлмаса яширишлари ҳам мумкин.

— Бўлмаса,— деди Адолат,— мен амаллаб олдинроқ кираман-да, Рихсининг уйдами-уйдамаслигини билиб чиқаман... Йўқ, яхшиси бундай қиламиз. Ҳаяллаб қолсам, демак қиз уйда, кираверинглар, деганим. Агар Рихси бўлмаса, тезда қайтиб чиқишга уринаман. Иложини қилолсам, уни кетишга кўндириб ҳам тураман.

— Уддалай олсанглар, тўппа-тўғри интернатга олиб боринглар,— деди Мўттихон,— мен тайинлаб қўяман. Эртага тушдан кейин мен идорада бўлмайман. Қигизчи маҳалласидаги қизил чойхонада мажлис ўтказмоқчимиз. Фирқа қўмитасидаги бошқа ўртоқлар ҳам боради. Керак бўлиб қолсам, ўша ердан топасизлар. Рихсини олиб келишга Ҳамдам ака ҳам борсин, Хосиятхон, Роҳила, Адолат, учалангларга топширдим бу ишни.

— Сиз Раҳбархондан бир хабар олиб келинг,— Мўттихон Хосиятхонга қаради.— Ўзим бормоқчи эдим, вақт кетиб қолди. Бугун фирқа мажлиси бўлади. Шунга боришим керак. Кўнглини кўтариб туринглар. Артель-партелга ишга киритиб қўйсак, яхшироқ бўлармикин, бир гапиришиб кўринг.

— Хўп.

— Санобархонни ҳам кўришим керак эди.

— Хотиржам бўлинг. Мен уйга олиб кетаман,— деди Адолат.

Мўттихон билан кетма-кет Хосиятхон ҳам клубдан чиқди.

Столга энгашиб, нималарнидир ёзаётган Роҳила бошини бир силкиб, юзига тушиб турган сочини тўғрилади-да, қизил муқовали қалин китобни варақлаб ўтирган Адолатга ўгирилди.

— Ўқишни биласизми, Адолат?

— Бунисинними? Бунисини билмайман. Бу ўрисча-ку! Сиз биласизми, а, Роҳила?

Роҳила кулиб бош силкиди.

— Қаерда ўқигансиз?

— Тошкентда.

— Тошкент... катта шаҳарми?

— Ҳа...

— Ўрисчани ўрганиш қийинми?

— Ўрганаман деган кишига ҳеч нарса қийин эмас.

— Бу қанақа китоб ўзи?

Роҳила Адолатнинг ёнига келди.

— Буми? Буни Ленин ёзган.

— Ленин?— Адолат ялт этиб тўғридаги катта суратга қаради. Роҳила унинг табассум балқиган юзига термилиб, секин елкасига қўлини қўйди.

— Биласизми, Ленин нима деган, Адолат?

— Нима деган?

— Хотин-қизларнинг чинакам озод бўлиши учун очилишнинг ўзи етмайди. Улар жамият ҳаётида эркаклар билан тенг иштирок этишлари, ишлашлари керак, деган. *Ростданам, очилса-ю, уйда қозон-товоғига ўралашиб ўтираверса, эркакнинг қўлига қарам бўлса, унинг* озод бўлгани қаёққа боради? Тўғрими?

Адолат унга жавоб бериш ўрнига китобни қўлига олиб, ўқиёлмаганига қаттиқ афсусланган бир қиёфада унга тикилди.

— Адолат!

— Ҳим.

— Комсомолга ўтасизми?

— Комсомолга? Оласизларми?

— Нега олмаймиз? Ахир, сиз қанақа катта иш қилаётганингизни биляпсизми!

Адолат ҳаяжондан энтикиб, нима дейишини билмас, Роҳиланинг кўзларига тикилганича киприк қоқмай қараб турарди.

Тўсатдан эшик очилиб, Тўхтахон кирди. Адолат бир нафас ҳайрон бўлиб қолди. Кейин унга томон қучоқ очиб келаётган Тўхтахоннинг бағрига отилди.

— Тўхтахон опа, ростданми? Қандай топиб келдингиз?

— Тополмасам юрган эканман-да,— Тўхтахон ёмғирдан ҳўл бўлган рўмолини бошидан олиб, стул қирғоғига

ташлади. Кейин чиройли кўзларини Адолатга тикиб, жилмайди:

— Мана, мен келдим.

Адолатнинг кўзидан шу пайт негадир Гулнор ўтди. Агар у тирик бўлганда... Адолат шодлигидан нима қилишини билмас, довдираб қолган, бир четда нима гаплигини билмай кулиб қараб турган Роҳилани ҳам унутган эди. Қандай қилиб хурсанд бўлмасин, ахир? Бир вақтлар зулм ва аламдан ақлини йўқотиб, ўлимдан минг марта даҳшатлироқ аҳволга тушган бу хотиннинг ҳаётга қайтишида озгина бўлса ҳам унинг ҳиссаси бор. Адолат шунинг учун қувонарди. Телбалик излари йўқолиб, ақл ва ҳусн барқ уриб турган бу кўзларга боқиш унга тенгсиз бир лаззат бағишларди.

— Келдингиз,— деди Адолат энтикиб,— аянгизни соғингандирсиз. Борасизми?

— Соғиндим. Боришим керак. Лекин энди сизларнинг ёнинглардан кетмайман. Нима юмушинглар бўлса, жоним билан тайёрман.— Тўхтахоннинг овози титраб, кўзига ёш келди:— Ўлимга юборсанглар ҳам йўқ демайман. Ахир, Адолатхон, ҳар битта мўйнимнинг тагида жабру жафолардан қолган алам излари йиринг бойлаб ётибди. Мен... Мен энди ёнинглардан сира кетмайман. Очиламан, ишлайман, хўпми, Адолатхон?

Адолат уни маҳкам қучоқлаб, бағрига босди.

— Юринг, юринг, Мўттихон опамнинг олдига. Хурсанд бўлади, айтамиз. Юринг.

Адолат Тўхтахоннинг қўлидан тортиб турғизди.

— Адолат, эртага қачон кўришамиз?— деди уларнинг кетидан қараб қолган Роҳила.

— Эртага ўзим келаман! Юринг, Тўхтахон опа, юринг...

* * *

Адолат тиқ этса кўчага қараб, кечани ўтказди. Тун жимжит, кеча кечки пайт ёға бошлаган ёмғир ярим ке-

чага борганда чақмоқ, момақалдироқ аралаш қаттиқ қуйди. Гоҳ деразага олов урилгандек бўларди, гоҳ томда, тунука устида кимлардир даҳшат билан югураётгандек туюларди.

Адолат кўрпадан бошини чиқариб, ёнма-ён ухлаб ётган аяси билан Санобархонга қаради. Кейин секин ўрнидан туриб, дераза ёнига келди. Тарновдан тушаётган ёмғир шариллаб, шитирлаб деразага уриларди.

«Ярим кечадан ошди. Ҳозир қаердайкин? Ишқилиб, бугун йўлга чиқмаган бўлсин... Йўлда бўлса-чи? Шундай чақмоқда қаердайкин? Шамоллаб қолмасмикин? Ярим кечаларда ҳам юраверади у. Ёмғир ҳам ўчакишгандек авжга чиқяпти... Дадаси қаердайкин? Қайтиб келармикин?»

Тонгга бориб, ёмғир тинди. Хавотир ва ҳаяжондан руҳан қаттиқ чарчаган Адолатнинг кўзи илинди...

Эрталаб уни Тўтибу уйғотди. Нонуштадан кейин Санобархон артелга, Адолат клубга жўнади. Ҳаво чарақлаб очилиб кетган эди. Дарахт шохларига тизилган ёмғир маржонларида, кўлмак сувларда баҳор қуёши жилва қилар, ҳавода қандайдир ёқимли ҳид сузарди. У, клубга келганида бир рус аёл столга ёзилган катта картонга расм чизар, Роҳила эса унинг ёнида туриб, нималарнидир тушунтирар эди.

— Келдингизми, Адолат? Ҳозир, бир минут,— Роҳила хотинга яна нималарнидир уқтирди-да, Адолатга ўгирилди:— Расм чизяпти, қаранг. Мана бу китоб қўлтиқлаган икки аёл мактабга кетишяпти, ана бу мулла бўлса, кетидан алам билан қараб турибди. Яхшими? Деворга ёпиштириб қўямиз.

Адолат рассом аёлнинг қалами остида жонланиб бораётган суратга завқ билан тикилди.

— Уста экан-а, қаранг, жони бордай.

— Тошкентдан ҳам плакат, шиорлар келибди. Мана квитанцияси,— Роҳила кўкрак чўнтагидан кичкина қоғоз чиқариб кўрсатди.— Почтага бориб, олиш керак.

Лекин аввал Рихсиникига борайлик. Ҳамдам ака билан Хосият опа ҳам ҳозир келиб қолишади.

Роҳила Адолатнинг қўлидаги тугунни кўриб, ҳайрон бўлди.

— Бу нима?

— Паранжи. Эшонникига очиқ кириб бўлади, дейсизми. Сизлар кўчада кутиб турасизлар. Мен тезда қайтиб чиқмасам, ундан кейин кирасизлар.

Шу пайт Хосиятхон билан Ҳамдам ака кетма-кет кириб келишди. Маслаҳатни бир жойга қўйишиб, йўлга чиқишди.

Адолат паранжини ёпиниб, олдинроқда кетди. Бошқалар эса қорама-қора бориб, кўча оғзида тўхтаб қолишди.

Адолат икки қаноти катта дарвозадан узун йўлакка кирди. Беш-ўн қадам юргач, катта ҳовли саҳнига чиқди. Ўнг томондаги узун, баланд айвонда уч-тўрт аёл суҳбатлашиб ўтиришар, кеча клубга борган хотин эса қизил гулли читдан қилинган кўрпага пахта солиш билан овора эди. Аёллар Адолатни кўриб, ўринларидан туришди. Кечаги хотиннинг Адолатга кўзи тушиши билан ранги ўзгариб кетди. Лекин тезда ўзини ўнглаб олди. Ҳеч нарса билмагандек ишига тутинди.

Хотинлар Адолат билан кўришаркан, улардан бири Адолатнинг паранжисини олди. Уни ўтиришга таклиф қилишди.

Ёши ўтиб қолганига қарамай, қулоғига қашқар балдоқ таққан, кўк шоҳи дуррани бошига омонатгина қўндирган хотин одоб ва кибр билан Адолатга қаради.

— Нима ишлари бор, айланай?

— Эшон поччамларга бир дам солдирай деган эдим. Безгак ўлгур жонимни олди. Эшон поччамнинг нафаслари ўткир деб таъриф қилишади.

— Ҳа, худо шифо берсин,— деди аёллардан бири салмоқлаб.

— Бирпас кутадилар-да, айланай. Эшон поччанинг олдиларида меҳмон бор.

— Майли, майли.

Тўғридаги ўтинхонадан бир даста шох-шабба кўтариб, ёшгина қиз чиқди. Нимжон, ориқ гавдасига кимдандир ташландиқ бўлиб қолган кенг нимчани илган, оёғида ҳам яримта кавуш.

— Ҳой, Рихси,— деди балдоқли хотин ёнига бир оз ўгирилиб,— ичкарига чой бер!

— Хўп.

Адолат зимдан Рихсига тикилди. У яримта кавушини шалоплатиб яна ўтинхонага кириб кетди. Адолат унинг юзини яхши кўролмади.

— Қаранг, бу ўлгурни,— балдоқли хотин қошини чимириб, ёнида семизликдан пишиллаб ўтирган аёлга қаради,— чой олиб кир десам, ҳали ўтинхонада юрибди ивирсиб. Гапимни писанд қилмайдиям, жувон ўлгур. Ўзи тўғри айтган, ҳайвон боласини боқсанг, оғзи-бурнингни мой этади, одам боласини боқсанг, оғзи бурнингни қон этади, деб, қуриб кетгурдан тезроқ қутула қолмадим. Бугуноқ олиб чиқиб кетса розийдим. Ўлгурнинг нозини қаранг, сени эр олди-ю, йўқ, дединг-ми? Ҳой Рихси!

— Ҳозир.

Адолат ўрнидан турди.

— Ҳа, айланай?

— Ташқарига,— деди Адолат хижолатлик билан.

— Рихси, меҳмонга қара!

Рихси Адолатнинг олдига тушиб, кичкина эшикдан иккинчи чоғроқ ҳовлига чиқди. Қавш қайтариб ётган ола сигирнинг ёнида тўхтаб, Адолатга йўл берди.

Адолат атрофга назар ташлаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, чиқиб кетаётган Рихсини тўхтатди.

— Рихсихон!— деди у ярим овоз билан.

Рихси ўгирилиб, ҳам савол, ҳам ҳайронлик билан

унга қаради. Уни умрида биринчи марта, Рихсихон, деб чақирган эдилар.

— Яқинроқ кел, тезроқ, тезроқ,— қўли билан имлади Адолат.

Рихси таҳорат ушатмоқчи бўлган меҳмоннинг олдига боришни эп билмаганиданми, ҳамон ўрнидан қимирламай турарди.

— Тезроқ келсанг-чи, мен сени деб келдим. Гапим бор!

Рихсининг кўзлари бирдан тийраклашди. Орқасига бир қараб қўйиб, Адолатнинг ёнига келди.

— Рихсихон, ҳозир сени олиб кетгани одамлар келишади,— деди Адолат шивирлаб,— сенинг йиғлаганингни, хафа бўлганингни эшитдик.

— Кимдан? Қаёққа кетаман?!

— Ҳукуматнинг одамлари келади, тушундингми?

— Қаёққа бораман? Сиз кимсиз?

— Мени женотдел юборди. Эшитганмисан женотделни? Ўқийсан, одам бўласан. Бу аҳволда юрмайсан.

Рихсининг қандайдир умид, ҳаяжон ифодаланган юзи бирдан ўзгариб кетди.

— Йўқ, йўқ, очилмайман. Бузуқлар очилади.

— Тентак,— деди Адолат ҳам жаҳл, ҳам эркалаш билан,— ким айтди сенга? Эшон ойимнинг гапига ишониб, шунақа деб юрибсанми? Аҳволингни қара, жинни қиз! Эрга беришсалар ҳали бундан ҳам баттар кунга тушасан.

Ташқаридан ҳалиги аёлнинг овози эшитилди:

— Рихси!

Рихси қўрқиб Адолатга қаради.

— Бор, боравер. Ҳали одамлар келганда, юр биз билан, дейишса, йўқ демай, олдиларига тушиб кетавергин. Хўпми?— деди Адолат обдастани унинг қўлидан ола туриб.

— Мен... мен... қарғайди. Тузини ичганман...— деди титроқ товуш билан Рихси. Атайлаб уни қутқаришга келган бу аёлнинг кетиб қолишидан қанча қўрқса, бу

даргоҳни ташлаб кетишдан ҳам у шунча қўрқарди. Адолат буни унинг ҳам ёлвориш, ҳам қўрқув билан боққан кўзларидан сезиб турар, бироқ унга тушунтириб ўтиришга ҳозир имкон йўқ эди.

— Кетмасанг, эрга беришади. Майлими? Шу аҳволда юраверамаи, эрга тегаман, десанг, қолаверасан-да!

Рихси бирдан йиғлаб юборди:

— Мен тегаман дебманми? Ўзлари... ўзлари...

— Бўлди, арт кўз ёшингни, билиб қолишади.— Адолат енгига кўз ёшини артаётган Рихсининг елкасига меҳрибонлик билан қўлини қўйди:— Мен ҳам сенга ўхшаганман... Ўшанга, сенинг аҳволингни эшитиб, тағин тушунмасдан бормайман, деб ўтирмасин, ёш умри хазон бўлмасин, деб келдим. Менга сингил бўлардинг... Майли, яна ўзинг биласан.

Рихси бирдан Адолатга ёпишди.

— Қанақа қилиб кетаман? Чиқиб бўлармиди бу ердан? Кетиб қолманг, опажон!

— Ҳозир одамлар киради, дедим-ку, тентак қиз!

Рихсини яна чақиришди. У Адолатга тараддуд билан бир қаради-ю, ҳеч нарса демай югуриб чиқиб кетди. Обдастани кўтариб, кетма-кет Адолат чиқди. Ўзининг ҳаяллаб қолганини сездирмаслик учун у атрофни тамоша қилган кишига ўхшаб, секин, бепарволик билан аёлларнинг ёнига борди. Кимнингдир қизининг иғвосини қилаётган аёллар, афтидан, гапга берилиб кетиб, вақтнинг ўтганини билмаган кўринардилар. Улар Адолатга унча эътибор ҳам бермадилар. Кеча клубга борган хотин эса бошини сира кўтармасдан кўрпа қавир, игна тутган қўллари билинар-билинмас титрар эди.

Балдоқли хотин бирдан Адолатга ўгирилди.

— Анча кутиб қоладиганга ўхшайсиз-да, меҳмон? Эшон почча мастава буюрдилар. Меҳмонлари ўтирадиганга ўхшайди.

Бу гап Адолатнинг кўнглидагидек бўлди.

— Кечроқ келсаммикин,— деди у тараддуд билан.

— Уйлари узоқмасми?

— Узоқликка узоқку-я. Анови кўчада ўртоғим бор, ўшани кўриб чиқа қолай бўлмаса.— Адолат чойнак кўтариб ўтиб кетаётган Рихсига бир кўз ташлаб қўйиб, давом этди:— Кечроқ чиқсам, фурсатлари бўлиб қолар. Атайин келдим, хотин киши ўлгурнинг уйдан чиқиши бирам қийин.

Рихсининг хаёли бўлиндими ёки ҳаяжонландими, алланарсага қоқилиб, думбалоқ ошиб тушди. Қатта чойнакдаги иссиқ чой қўли аралаш қорнига тўкилди. Хотинлар бараварига ўринларидан туришди.

— Ҳаҳ, ивирсимай ўлгин-а!— деди хотинлардан бири.— Юрагимни ёрдинг.

Рихси тура солиб, аввал чойнакка ёпишди. Уни синмаганлигини кўргач, хотиржам бўлди шекилли, қорнини чангаллаб, йиғлаб юборди.

— Қорним, қўлим куйди.

Адолат югуриб, унинг ёнига келди.

— Вой, қизи тушмагур, ёмон куйдирибсан-ку! Оббо, тағин келиб-келиб қўлинг-га!

Балдоқли хотин зинадан туша туриб жавради:

— Бу ўлгур жуда айёр. Атай қилган, ишдан қутуламан деб...— Рихси бир қўлида шамасидан сув силқиб ётган чойнакни ушлаганича титраб ўртада турарди. У бошини ердан олмас, аъзойи бадани дир-дир титрар эди.

— Нима бало, эсидан оздими бу,— балдоқли хотин ундан ҳазар қилгандай ёнига келмасдан гапирди:— Нега шалвирайсан, бор, ғайлонанинг[1] тагидан лой олиб, чапла!

— Бор, бора қол,— деди Адолат.— Бўлмаса қўлингнинг тузалиши қийин бўлади.

Рихси хўрсиниб, кўз ёшини кир этагига артди. Шу пайт дарвоза занжири бир-икки марта қаттиқ урилди,

---

[1] Ғайлона — олхўри.

кетма-кет йўлакдан Роҳила бошлиқ Хосиятхон билан Ҳамдам ака кўринди.

Рихсининг қўлидан чойнак тушиб кетди. У паранжисини қўлига олиб турган Адолатнинг орқасига ўтиб, кимнингдир калтагидан қўрққандай унга ёпишди. Хотинлар ҳатто юзларини тўсишни ҳам унутиб, бир нафас анграйиб қолдилар. Балдоқли хотин дуррасини очиб, юзини тўсди-да, қўлини пахса қилиб, кираётганларга қараб қичқирди.

— Вой, бу нимасийди? Хотинлар бордир демай кириб келишини-чи бу кишининг! Нима керак сизларга?

Ҳамдам ака айвон зинаси олдида тўхтади. Адолатнинг имоси билан Рихсини таниб олган Роҳила, зинага ўтириб қандайдир бир дафтарини қучоғига очди-да, қўли билан Рихсини кўрсатди:

— Ана шу қиз керак бизга. Қани, бу ёққа кел-чи, Рихсихон.

Рихси жойидан қимирламади. Адолатнинг панасига баттар биқинди.

— Бу қандай зўрлик?— балдоқли хотин келганларнинг мақсадини сезиб қолиб, баланд келишга уринди:— Тайёр ошга баковул деб шуни айтарканлар-да! Олдинроқ қаерда эдинглар?

— Фойдаси йўқ, опажон! Секинроқ бақиринг,— деди Хосиятхон унинг ёнига келиб.

— Нега жим бўларканман,— юзини юлди хотин,— шунча йил боқиб-а...

— Рихсихон, қани, бу ёққа кел.— Роҳила аёлнинг сўзини бўлди.— Биз сени олиб кетгани келдик. Қани кел-чи!

Аёл Рихсига хўмрайиб бир қараб қўйди-да, яна бўш келмасликка уринди:

— Мен буни неча йил боққан бўлсам, ҳақини бериб, кейин олиб кетасизлар.

Роҳила ўрнидан турди.

— Йўқ, опажон! Ҳақни биз эмас, сиз берасиз. Рихсини неча йил ишлатган бўлсангиз, ҳақини тўлашга мажбурсиз.

— Вой, вой, бу қанақаси? Хизматга туҳмат-а... Нима иш келаркан унинг қўлидан. Қуруқ товон-ку!

Роҳила Рихсини қўлидан етаклаб, зина олдига олиб келди.

— Ҳовли супурармидинг?— деди Хосиятхон унга тикилиб.

Рихси аёлга бир кўз ташлаб қўйиб, билинар-билинмас бош қимирлатди.

— Кир ювармидинг? Бола боқармидинг?

Рихсидан тасдиқ жавобини олган Хосиятхон аёлга қаради:

— Булар иш эмасми, опажон! Анови девордаги таппиларни ҳам ҳеч қачон сиз ёпмагандирсиз?

Рихси бундай гапларни, унинг меҳнатини, уни ҳимоя қилиб айтилаётган бундай сўзларни биринчи марта эшитар, бу хилда одил одамлар борлигини энди кўриб турмоқда эди.

Ҳақ тўлашдан қўрқиб кетган эшоннинг хотини бир оз бўшашди. Рихсига имо қилиб қўйиб, деди:

— Қаерга борсаям меҳнат қилади-да! Бу ер ўрганган жойи, иссиқ уй. Ўз қизимиздек бўлиб қолган.

Дафтарга алланарсаларни ёзаётган Роҳила бошини кўтариб, Рихсига қаради:

— Оладиган нарсанг, кийим-кечагинг борми?

Рихси жавдираб, эшон ойимга қаради:

— Тасқарани индамай туришини-чи! Кетадиган бўлса, кийим-кечагини топиб кийсин!

— Оғзингизга қараб гапиринг, тасқара бўлиб нима қипти!— Роҳила Рихсини кўчага тортди. Хотинлардан бири Рихсининг этагига ёпишди.

— Ҳой мусулмонлар, бу қандай зўрлик!

Аёлнинг ёнига Ҳамдам ака келди. Аёл юзини тўсиб,

Рихсини қўйиб юборди. Шу тўполонда Адолат ҳам секин чиқиб кетган, хотинлар ҳам уни унутган эди.

Хотинлар ҳанг-манг бўлиб, ҳовлининг ҳар жой-ҳар жойида туриб қолдилар. Уйдан узун, юпқа чопон кийган, олтмиш ёшларга борган, қора қош, қизил юз бир одам чиқди.

— Шунча жанжални эшитмадингизми?— деди чойнак синиқларини йиғиб олаётган аёл.

— Билдим, билдим,—деди ҳалиги одам босиқ товуш билан,— майли, даф бўла қолсин. Шу билан қутулган бўлсак, яхши бўпти. Замонни кўриб турибсан, нима деб бўларди. Тағин бизнинг тагимиз нозик. Хўп деб қўл қовуштиришдан бошқа иложимиз йўқ,— киши яна нималардир деб ғўлдираб уйига кириб кетди. Аёлларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, бир-бирига қарашди.

Адолат билан Роҳила Рихсини интернатда қолдириб, орқасига қайтишди. Толзорга келганларида иккиси икки томонга: Роҳила фирқа қўмитасига, Адолат маҳаллага кетди. У Санобархоннинг култепа бўлиб ётган уйи олдидан хаёл ва азоб билан ўтди-да, Султон аканинг уйи томонга бурилди. Бироқ, туғилиб ўсган, беозор болалик йилларнинг хотирасини ўз қўйнида сақлаган ҳовлисига бир қарамасдан кетолмади. У кўча дарвозасини очиқ кўриб, ҳовлига отилди. Уй эшиги ҳам очиқ. Дадаси келган бўлса-я! Адолат беихтиёр орқасига қайтди. Дарвоза ёнига етганда гупиллаб ураётган кўкраги устига қўлини қўйиб, орқасига ўгирилди. Шу пайт уйдан обдаста кўтарган Тўтибу чиқиб қолди.

— Ая!

Тўтибу индамасдан йўлида давом этди.

— Ая, қачон келдингиз? Нега индамайсиз, ая!— Адолат унинг йўлини тўсди. Тўтибу қизига илтифотсизлик билан бир қараб қўйди-ю, жавоб бермади. Ариқ лабига бориб, таҳорат қилди-да, уйига кириб кетди. Адолат хомушлик билан унинг орқасидан кирди.

— Ая, нега гапирмайсиз?

; ' & ,& , & "
9 .
' ' """"
M& & ' ' $
"
3 & * $
' " ; ' &
& * &
" L * "
0 $ """"
&
' & '! " 3 % !
" 4 & ,
"
! 3
% ! . $ $. " 3 ' % !
$! " # % * .
% * &
. " ?& $ & %
% ! . " : '% %
% ! 3 . , !
. "
9 % " C *
! * " 4 5 *
! " (% ! ,
% * ' ' , ! '"
0 ! ' " (
! G <3 = ! & .
' "
3 % ! +& +
$ 5 * & " 9 *
% 3 % & % & ' % *
* * , + "
3 , . 2
& "
3